

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

Каримов С.А.

НАЗАРИЙ ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Самарқанд - 2012

Филология таълим йўналиши 1-курс магистр талабаларига мўлжалланган.

Назарий тилшунослик масалалари» фанини ўқитишдан мақсад тил ва нутқ қандай қонуниятлар асосида яшашлиги, ўзгариши ва тараққий этиши, тилнинг мазмуни ва шакли нимадан иборатлиги, тил ва жамият ўртасидаги муносабат, тилнинг жамиятдаги ўрни, тилнинг таърифи ва таснифи, унинг таҳлил қилиш усулларида қандай маъно борлиги каби назарий масалалар билан шуғулланишдан иборат.

«Назарий тилшунослик масалалари» фанини ўқитишда ҳам ҳозирги даврда мутахассис кадрларни давр талаблари асосида тайёрлаш, уларга замонавий билимларни бериш долзарб масалалардан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбек филологияси факультети
Ўзбек тилшунослиги кафедраси
1-курс, кундузги бўлим, 1-семестр
Маъруза – 36 соат
Амалиёт- 22
Семинар – 22
Оралик баҳолаш – 4
Якуний баҳолаш – 2
Консультация - 1
Курс иши – 18
Мустақил иш - 40
Жами - 105

**1-маъруза: ТИЛШУНОСЛИК ФАНИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА
ВАЗИФАЛАРИ**
(2-соат)

Режа:

1. Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги.
2. Тилшуносликнинг сатҳлари ва уларни ажратиш тамойиллари
3. Бир сатҳта мансуб бирликлар муносабати

1. Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги. Ижтимоий ҳаёт шароити инсоннинг яратувчанлик ва билишга йўналтирилган фаолияти шахсларнинг доимий равишда ўзаро мулоқотга киришувини тақозо этади. Инсоний муносабатларнинг асосини тил белгилари орқали алоқага, мулоқотга киришув ташкил қилади (Беликов, Крысин 2001: 248-250; Махмудов «Тил»).

Бундай мулоқотнинг асосий вазифаси шахслараро мураккаб ва уларнинг ҳар томонлама ижтимоий муносабатларига мос келадиган, мазмунли ва тезкор алоқа ўрнатишдир. Инсоният тараққиёти тарихи ҳам мулоқот жараёнида рўй беради ва яратилади. Бу ўринда ижтимоий тараққиётнинг белгиловчи омили сифатида ўзаро муносабатларининг роли тобора ошиб бориши кузатилади. Ана шу жиҳатдан тилнинг энг муҳим алоқа воситаси сифатидаги коммуникатив қудрати, ривожланиш даражаси кўзга яққол ташланади.

Бошқа томондан олиб қаралганда, инсоният тараққиётида тил воқеликни билишнинг, ижтимоий борлиқни идрок этишнинг ҳам муҳим воситаси бўлиб хизмат қилган. Натижада инсоннинг коммуникатив ва билишга оид фаолиятида ягона бир восита - тилдан фойдаланиш умумбашарий тараққиётнинг муваф-фақиятини таъминлади.

Мулоқотнинг мазмунли, очиқ ва тушунарли бўлиши лисоний материалнинг ҳажм ва маъно жиҳатдан чегараланмаганлигига боғлиқдир. Бу ўринда тил захирасида ижтимоий - тарихий ахборотни сақлашнинг икки даражасини ёки усулини фарқлаш мумкин:

1) тилнинг ўзида, яъни тилнинг семантик тизимида, луғатларда ва грамматик категорияларда;

2) тилда яратилган мулоқот материалида, яъни оғзаки ва ёзма матнларда.

Одатда, тилнинг бажарадиган кўплаб вазифалари каторида баъзилари энг муҳим эканлиги кўрсатилади:

- тил одамлар орасида энг муҳим алоқа воситасидир;

- у инсониятнинг ижтимоий тарихий тажрибасини сақлаш учун хизмат қилади;

- тил тафаккурнинг асосий элементи вазифасини бажаради.

Булар ҳар қандай тилнинг энг муҳим, асосий функциялари ҳисобланади. Аммо тилнинг функционал имкониятлари бу билангина чекланмайди. Инсон коммуникатив фаолиятининг турли-туманлиги алоқа воситаси сифатида хизмат қиладиган тил тизимининг ички мураккаблиги ва бажарадиган функциясининг хилма-хиллиги билан ҳам боғлиқдир.

Р.О.Якобсон, замонамизнинг энг билимдон тилшунос олимларидан бири, коммуникатив акт жараёнини ўрганар экан, унинг барча функцияларини, ҳатто иккинчи даражали омиллариини ҳам чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу нуқтаи назардан Р.Якобсон томонидан илгари сурилган тилнинг *эмотив, фатик, металисоний ва эстетик* функцияларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади (Якобсон Р.О. Лингвистика и поэтика // Структурализм: «за» и «против».- М.: Прогресс, 1975.-С.197-203).

Мулоқот нафақат ахборотнинг мантикий мазмунини, балки гапираётган шахснинг руҳий ҳолатини, ҳиссиётини, истакларини ҳам ифодалаш мумкин. Бундай ҳолатларда тил ўзининг *эмотив* (эмоционал-экспрессив) *функциясини* бажаришга киришади.

Айрим ҳолатларда мулоқот мақсадсиз амалга оширилади: бундай ҳолларда суҳбатдошлар учун улар ўзаро алмашаётган ахборот муҳим эмас, улар ўз ҳиссиётларини ифодалашга, бу билан бир-бирларига таъсир қилишга уринмайдилар. Бу пайтда улар учун фақатгина алоқага киришув муҳим, бу орқали кейинги мазмундорроқ мулоқотга тайёрланадилар. Бундай ҳолларда тил ўзининг *фатик функциясини* (муносабат ўрнатиш функцияси, алоқага киришув) бажаради. Тилнинг фатик функцияси саломлашувларда, табрикларда, одатий об-ҳаво ҳақидаги ва шунга ўхшаш мазмундаги суҳбатларда намоён бўлади.

Тилнинг беҳад семантик имкониятлари суҳбатдошларга унинг *металисоний функциясидан* фойдаланиш имконини беради. Бу сўзловчининг ахборотни янада тушунарлироқ, янада ифодалироқ етказиш учун тилнинг турли воситаларидан фойдаланишида ўз ифодасини топади. Бундай вазиятларда тилнинг ўзи нутқ объекти вазифасини бажара бошлайди. Тилнинг металисоний функцияси атамаси, бошқача айтганда, «нутқ материалини изоҳлаб гапириш» деган маънони англатади.

Нутқ (тил) материалига эътибор тилга эстетик муносабатни шакллантиради: сўзловчилар матндаги сўзларнинг оҳанггига, гап қурилишига, ишлатилаётган сўзларнинг ифодадорлигига эътибор бера бошлайдилар. Тилга эстетик муносабат, яъни, нутқнинг эстетик объект сифатида гўзаллигига ёки маънисизлигига муносабат уйғотади. Эшитилаётган ахборотнинг эстетик англаниши тил тизимининг *эстетик вазифасидан* далолатдир.

Семиотика нуқтаи назаридан тил ноёб, бироқ ягона белгили тизим эмас. Уни асарларининг тили билан, йўл белгиларининг тили билан, мусиқа ва дастурлаштиришнинг алгоритмли тили билан қиёслаш мумкин. Жамият ҳақидаги фанлар нуқтаи назаридан қаралса, тилни такрорлайдиган бошқа бирор бир тизим мавжуд эмас:

а) ҳар қандай ижтимоий ҳодиса хронологик жиҳатдан чегараланган: у инсоният жамиятида азалдан мавжуд бўлмаган ва мангу давом этмаган. Масалан, оила, давлатлар, табақалар барча замонларда азалдан мавжуд бўлмаган. Ижтимоий онгнинг турли шакллари, масалан, фан, ҳуқуқ, санъат, ахлоқ, дин ҳам азалдан мавжуд бўлмаган. Бироқ тил азалдан мавжуд ва у

жамият мавжуд экан, мангу яшайверади. Демак, тил, меҳнат, онг, турмуш кабилар инсониятнинг ижтимоий асосини ташкил қилади.

б) ҳар қандай ижтимоий ҳодиса маълум ҳудуд ва чегарада мавжуд бўлади. Масалан, фан ва ишлаб чиқариш ўз ичига санъатни қамраб ололмайди, тил эса ижтимоий онгнинг барча жиҳатларини ўзига қамрай оладиган ижтимоий ҳодисадир.

в) тилнинг глобаллиги, унинг ижтимоий ҳаёт ва онгнинг барча жабҳаларига кириб бора олиши, бошқа гуруҳлар, табақалардаги ҳодисалардан устуворлигини таъминлайди. Масалан, умумхалқ тили ижтимоий жиҳатдан бир хил эмас. Унинг ижтимоий тузилиши жамиятнинг ижтимоий тизимига боғлиқ. Шу сабабли касбий тил, жаргонлар, оддий халқ тили, олий табақадагилар тили, адабий тил сингари тушунчалар мавжуд. Бироқ ижтимоий диалектлар, шевалар ҳеч қачон алоҳида тил сифатида шаклланмайди;

г) туб илдизлари маънавий маданиятга бориб тақалгани учун тил ижтимоий онгнинг бошқа шакллари (маънавият, ҳуқуқ, ахлоқ, фан, санъат, дин) орасида алоҳида ўринга эга. Тил ижтимоий онгнинг асосидир;

д) тил ижтимоий онгнинг бошқа шакллари сингари ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттиради ва у орқали шаклланади. Бироқ ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги билвосита эканлиги билан ажралиб туради;

е) ўзида ижтимоий ҳаётнинг билвосита ифодаланиши боис тил ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида фарқли ўлароқ, мафкурага, яъни ижтимоий онгнинг дунёқарашга оид шакллари масалан, сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ, эстетика ва динга тобе эмас;

ж) тил тараққиёти кўп ҳолларда жамиятнинг ижтимоий тарихидан мустақил ҳолда кузатилади.

Шундай қилиб, тил халқларнинг ноёб мулоқот воситаси вазифасини бажаради. У авлодларнинг тарихий алмашинуви ва ижтимоий формацияларнинг алмашинуви жараёнида халқ, миллат бирлигини таъминлайди. У одамларни вақт ва замон, жуғрофий ва ижтимоий муҳитдаги бирлигини ҳам таъминлайди. (Қуйидаги манбадан фойдланилди: Т.Бушуй., Ш.Сафаров. Тил курилиши: таҳлил методлари ва методологияси, 2007)

2. Тилшуносликнинг сатҳлари ва уларни ажратиш тамойиллари.

Тилнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи бир неча қатламлардан иборат эканлиги ҳақидаги қараш ўзининг узоқ тарихига эга. Хусусан, тил тузилишининг анъанавий тилшуносликда уч қисмга, лексик ва грамматик қисмларга бўлиниши ва бу қисмларни ўрганадиган тилшуносликнинг учта бўлимга ажратилиши тилни ана шундай қатламлар бутунлиги сифатида тушунишнинг ёрқин намунасидир.

Лекин системавий-структур тилшунослик шакллангунга қадар тилнинг бундай ички тузилишини қатлам сифатида тушуниш амалий кузатишнинг илк натижалари бўлиб, тил стратификацияси илмий жиҳатдан асосланмаган эди. Системавий-структур тилшуносликнинг шаклланиши ва ривожланиши

тил ички тузилишининг ўзига хос хусусиятини, ички тузилиш бирликларининг оддийдан мураккабга қараб босқичма-босқич ривожланиб бориши, қуйи босқич бирлиги ўзидан юқорироқ босқич бирлиги таркибида ўз функциясини кўрсатишини илмий асослаб берди.

Шундай қилиб, XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб тил сатҳи (**лингвистик сатҳ**) тушунчаси майдонга келди. Бу тушунчанинг шаклланиши ва илмий асосланишида Л. Ельмслев ҳамда бир қатор Америка дескриптив тилшунослари, хусусан, Дж.Трейжер, К.Пайк, Ч.Хоккет, З.Харрис сингари олимларнинг хизмати катта бўлди.

Лингвистик сатҳ тушунчасининг пайдо бўлишига тилнинг икки томонлама моҳият эканлигининг эътироф этилиши, шакли ва мазмуний томонларнинг ҳар бири ўзига хос ички тузилишга эга эканлиги, уларнинг ҳар қайсиси ўз ички узвлари муносабатидан ташкил топган кичик система эканлиги, шундай қилиб, тилнинг тузилиши системалар системаси тартибида бўлиши, улар ўртасидаги муносабат тил механизмини ҳаракатга келтириши ҳақидаги қарашларнинг майдонга келиши туртки бўлди. Гарчи лингвистик сатҳ тушунчаси кейинчалик бир қатор тилшунослар томонидан эътироф этилган бўлса ҳам, лекин бу атама жуда кенг маънода қўлланила бошланди.

Шундай бўлишига қарамасдан, тилнинг онтологик (борлиқ ҳақидаги таълимот) табиатини нисбий автоном системалар (кичик системалар) мажмуаси сифатида тасаввур қилиш лингвистик сатҳ концепцияси тарафдорларини бирлаштириб турган умумий жиҳатлардан саналади. Ҳар бир кичик система чегараланган миқдордаги элементлардан ташкил топади ва бу элементлар шу кичик система нуқтаи назаридан майда бўлакларга бўлинувчанлик хусусиятига эга деб эътироф этиш, шунингдек, ҳар бир кичик система ўз ички элементларининг бир-бири билан боғланиш қонун-қоидаларига эга эканлигини эътиборга олишдир.

Кўринадики, сатҳ тушунчаси тил онтологиясига ҳамда тилнинг системалаштириш ва тавсифлаш усулига мансубдир.

Онтологик маънода тил сатҳи деганда нима тушунилади? Тилшуносларнинг кўпчилиги тил сатҳи тушунчасишл тил бирликларининг муайян йиғиндиси билан боғлайдилар. Масалан, В.В.Лопатин ва И.С.Улухановлар тил сатҳларини белгилашнинг таянч нуқтаси сифатида тил системасида ажратиладиган асосий тил бирликлари олиниши тил сатҳи билан тил бирликларининг муайян йиғиндиси ўртасида мувофиқлик бўлиши лозимлигини баён қиладилар. Бундай қарашга мувофиқ, тил системасида муайям тил бирлигининг ажратилиши, ўз-ўзидан, шу бирликка мувофиқ келадиган тил сатҳининг ҳам ажратилишига олиб келади. Уларнинг фикрича, фонеманинг тил бирлиги сифатида эътироф этилиши фонологик сатҳнинг ажратилишига сабаб бўлганидек, сўз ясалиши бирлигининг ажратилиши сўз ясалиш сатҳининг ажратилишига асос бўлади.

Сатҳ тушунчасининг маълум тил бирликлари йиғиндиси тушунчаси билан алоқаси борлиги шубҳасиз. Лекин сатҳни белгилашда қандай лингвистик белгиларга таяниш масаласини аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Тил бирликларини муайян гуруҳларга турли белгилар асосида бирлаштириш мумкин. Шунга мувофиқ равишда сатҳ тушунчаси нисбий бўлиб қолади ва бу тушунча айрим бирликларнинг маълум белги асосида бирлашган гуруҳнинг оддий номига айланиб қолади.

Тилнинг ички тузилишини сатҳларга ажратишда ана шундай бошбошдоқликни бартараф қилиш учун тил бирликларининг доимий, барқарор сатҳларини ажратишга имкон берадиган белгиларига таяниш лозим. Ана шундай белги тил бирликларининг **поғонавийлик белгисидир**. Худди ана шу белги дескриптив тилшунослик вакиллари томонидан тилни сатҳларга ажратишнинг асосий белгиси сифатида эътироф этилган эди. Лингвистик бирликнинг ана шу поғонавийлик белгиси лингвистик сатҳни белгилашнинг асосий тамойили сифатида эътироф этилганда, тил ички тузилишининг поғонавийлик табиати тўғри очилган бўлади.

Бунга мувофиқ, лингвистик сатҳ тушунчаси остида ўзаро поғонавий муносабатда бўлмаган нисбий бир хил бирликлар муносабати англашилади. Бир сатҳ бирликлари бошқа сатҳга мансуб (ўзидан катта ёки ўзидан кичик) бўлган бирликлар билан поғонавий муносабатда бўлади. Бунда қуйи сатҳ бирлиги юқори сатҳ бирлигидан ташкил топади, қуйи сатҳ бирлиги юқори сатҳ бирлиги таркибига кириш хусусияти акс этади.

Ана шундай бирликлар мажмуаси нисбий бир хил бўлган бирликлар устпарадигмасини ташкил этади. Устпарадигма аъзолари ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабатга киришади. Улар маълум синфга бирлашади (фонеманинг турли синфлари, морфеманинг турли синфлари ва бошқалар) ва бир-бири билан ўзаро кетма-кет боғланади, синтагматик занжирни ҳосил қилади.

Шундай қилиб, тилнинг кўп сатҳлилиги концепцияси тарафдорларининг кўпчилиги учун умумий томон тилни чегараланган миқдордаги бирликлардан ташкил топган нисбий автоном кичик системаларнинг интегратив муносабатидан ташкил топган яхлитлик сифатида эътироф этишдир.

Турли сатҳ ва устпарадигма бирликлари ўзаро парадигматик муносабатга ҳам, синтагматик муносабатга ҳам киришмайди, яъни фонема ва морфемалардан ёки морфема ва сўзлардан ташкил топган синфларнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, фонема билан морфеманинг, морфема билан сўзнинг кетма-кет муносабатга киришиб, синтагматик занжирни ҳосил қилиши ҳам мумкин эмас.

Шундай қилиб, тил сатҳларини эътироф этувчи тилшунослар фикрича, турли сатҳ бирликлари ўртасида интеграцион муносабат мавжуд бўлади. Бу концепция тарафдорлари тил сатҳлари ўртасидаги алоқани эътиборга олган ҳолда, тилга ягона иерархик шаклланган сатҳлар системаси сифатида қарайдилар.

Тилнинг ички тузилишига бундай ёндашув **композицион концепция** деб юритилади. Композицион концепцияга мувофиқ, тилнинг ички тузилиши бир хил йўналишдаги поғоналанишдан (иерархиядан) иборат. Бу шундан иборатки, фонема, морфема ва ундан катта бирликлар ўртасида бир хил

йўналишдаги поғонали муносабат мавжуд. Қуйи сатҳ бирлиги юқори сатҳ бирлиги учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Қуйи сатҳ бирлиги юқори сатҳ бирлиги таркибида унинг таркибий қисми (конституенти) сифатида вазифа бажаради. Шунинг учун тил сатҳдари ўртасида қуйидан юқорига йўналган муносабат эътироф этилади ва бу муносабат бир хил турдаги, конституентив муносабат саналади.

3. Бир сатҳта мансуб бирликлар муносабати. Тил системасидаги ҳар бир сатҳ бирлиги — фонема, морфема, лексема, сўз шакл, синтаксема, матн лингвистик бирликлар саналади.

Лингвистик бирликлар система таркибида маълум муносабатда бўлади. Уларни дастлаб икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабати; 2) турли сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабати, яъни сатҳлараро муносабат.

Бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар ўзаро икки хил муносабатга киришади: 1) парадигматик (уядошлик) муносабат; 2) синтагматик (кетма-кетлик) муносабат.

Бир сатҳга мансуб бўлган, қиммат жиҳатдан бир хил бирликларнинг маълум умумий белги асосида бир гуруҳга (уяга) бирлашуви **парадигматик муносабат** саналади. Парадигматик муносабатда бўлган бирликлар учун умумий белги сифатида шу бирликларнинг маъноси ҳам, шакли ҳам хизмат қилиши мумкин. Масалан, *ишчи, ишла* лексемалари ўзакнинг умумийлиги билан ўзаро бирлашса, қўшимчалари билан фарқланади. Ёки аксинча, *ишла, англа, сўзла* сингари лексемалар қўшимчанинг умумийлиги билан бирлашиб, ўзакнинг хилма-хиллиги билан фарқланади. Лексик сатҳда айрим лексемалар шаклий ўхшашлик умумий белгиси асосида бир уяни, синфни ташкил этади. Бундай лексемалар муносабати лексик омонимларни ҳосил қилади ёки баъзи лексемалар маъно умумийлиги асосида бир синфга бирлашади. Бундай муносабатда бўлган лексемалар **лексик синонимларни** ташкил этади. Худди шундай хусусият фонологик сатҳдан юқори бўлган барча сатҳ бирликлари учун хосдир. Масалан, умумий эгалик маъноси асосида барча эгалик шакллари бир уяга бирлашади. Замон маъноси асосида барча замон билдирувчи феъл шакллари бир парадигмани ҳосил қилади. Шу билан бирга, парадигма ичида худди шундай умумий маъно асосида яна кичик парадигмаларга бирлашиши мумкин. Жумладан, ўтган замон шакллари, келаси замон шакллари каби.

Шундай қилиб, маълум парадигма ўз ичида кичик уяларга бўлиниб, **уялар даражаланишини** ҳосил қилади. Масалан, *а, э, о, ў, у, и* унлилари муносабати унлилар системасини (парадигмасини) ташкил этиш билан бирга, бу унлиларнинг ҳар қайсиси бевосита кузатишда бир қанча вариантлар орқали юзага чиқади ва вариантлар парадигмани (системасини) ташкил этади.

Лингвистик бирликларнинг **уядошлик муносабатини** белгилашда кўпроқ маъно умумийлиги белгиси хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, бир парадигмага бирлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган умумий маъно ҳар бир парадигма аъзосида такрорланиши лозим. Ана шу такрорланувчи маъно (сема) ҳар бир аъзони айти шу уяга (парадигмага) бирлаштириш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, уянинг ҳар қайси аъзоси бошқа аъзодан маълум белгиларига кўра фарқланиш хусусиятига ҳам эга. Ана шу фарқланиш белгиси билан уянинг алоҳида бирлиги эканлигини сакдаб туради. Демак, ҳар бир аъзо **бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар** бирлигидан ташкил топади. *Бирлаштирувчи сема ҳар бир аъзони маълум мазмуний уяга (парадигмага) бирлаштиришни, фарқловчи сема эса уя таркибидаги ҳар бир аъзонинг ўзига хослигини, алоҳидалигини кўрсатиб туради ва уларни алоҳида тил бирлиги сифатида тил системасида яшашига имкон беради.* Англашиладики, парадигманинг ҳар бир аъзосида умумийлик ва ўзига хослик диалектикаси амал қилади. Масалан, *-ган, -ди* шакллари ўтган замон семаси билан бир парадигмага киради. Шу билан бирга, уларнинг ҳар иккиси ўзига хос фарқланиш белгисига ҳам эга. Улар ўтган замоннинг нутқ жараёнига нисбатан узоқ ёки яқинлигини ифодалаш жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Биринчиси нисбатан узоқ ўтган замонни, иккинчиси эса яқин ўтган замонни билдиради.

Ҳар бир парадигма система саналади. Шундай экан, тил системаси ўзаро муносабатда бўлган бир қанча парадигмаларнинг бирлигидан иборатдир.

Ҳар бир парадигма аъзолари бир-бири билан зидланиш хусусиятига эга. Зидланиш ҳар қандай нарса ва ҳодисанинг ички тараққиёт негизидир. Шундай экан, даврлар ўтиши билан парадигма аъзолари ўртасида миқдорий ўзгариш рўй бериши мумкин. Айрим аъзолар эскириб, истеъмолдан чиқиши, янгиси кириб келиши мумкин. Бу эса тил системасининг очик система эканлигини кўрсатади.

Парадигматик муносабат аъзолари имконият тарзида тил эгалари онгида мавжуд бўлади. Ҳар бир парадигма аъзоси бевосита кузатишда, яъни нутқ жараёнида турли нусхаларда, турли хил вариантларда намоён бўлади. Демак, ҳар бир парадигма аъзоси бевосита нутқ жараёнида намоён бўладиган турли хил вариантларнинг **умумлашмаси - инварианти** саналади.

Парадигма аъзолари нутқжараёнида ҳар қайси тилнинг муайян қонун-қоида асосида ҳамда парадигма аъзосининг маъноси доирасида бошқа парадигма аъзосининг варианты билан **синтагматик муносабатга** киришади. Синтагматик муносабатда муносабатга киришувчи лингвистик бирликлар **танланиш хусусиятига** эга бўлади, яъни ҳар қандай қиммат жиҳатидан бир хил бўлган лингвистик бирликлар эмас, балки мазмуний мувофиқлашган, маъно тақозо этган икки парадигма аъзоси вариантларигина синтагматик муносабатга киришади. Синтагматик муносабатга парадигма таркибидаги инвариант ўзининг барча вариантлари орқали эмас, балки битта варианты орқали муносабатга киришади. Масалан, гапирмоқ лексемаси "бирон фикрни бошқасига товушлар орқали ифода қилмоқ" семаси орқали фақат "шахс" семасига эга бўлган предмет билангина синтагматик муносабатга киришади.

Чайнамоқ лексемаси: "маълум бир емишни тиш орқали майдалаш" ёки "резинани тиш орқали эзғилаш"; "ёмонламоқ"; "эзмаланмоқ"; "муайян бир моддани ўрамоқ" сингари лексик-семантик вариантлар умумлашмаси - инварианти саналади. Бу лексик-семантик вариантлар алоҳида-алоҳида тарзда синтагматик муносабатга киришадилар ва ҳар қайси лексик-семантик вариантларнинг, бир неча парадигма аъзоларининг варианты бўлиб келиши мумкин.

Биринчи семаси билан *емоқ*, *гажимоқ*, *кавшанмоқ* лексемалари билан; иккинчи семаси билан *ёмонламоқ*, *ғийбат қилмоқ* лексемалари билан; учинчи семаси билан *эзмаланмоқ*, *мингирламоқ* сингари лексемалар билан; тўртинчи семаси билан *бурамоқ*, *йўналмоқ* лексемалари билан бир парадигмани ҳосил қилади ва ҳар қайси вариант алоҳида-алоҳида субъект валентлигига эгадир.

Биринчиси, чайнаб озикланувчи субъект - одам ёки ҳайвон; иккинчиси - одам; учинчиси - одам; тўртинчиси - машина каби субъект валентлигига эга. Нутқий жараёнда ана шу валентликларга эга бўлган лексемалар билан тўлдирилади.

Шундай қилиб, умумлашма, инвариант ҳолатидаги лингвистик бирликлар ҳар қайси семаси орқали бошқа парадигма аъзоси билан синтагматик муносабатга киришади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тили бирликларини система сифатида ўрганишда ҳар қайси парадигма аъзосининг **вакабулада**, яъни **тил системасида**, **парадигмада** ўзаро парадигматик муносабатини ўрганиш билан биргаликда, ҳар бир парадигма аъзосининг нутқ жараёнида қандай воқеланиши, яъни синтагматик муносабатини ҳам ўрганишга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

4. Турли сатҳга мансуб бирликлар муносабати. Бир сатҳга мансуб, мураккаблик даражасига кўра бир хил бўлган лингвистик бирликлар муносабатидан ташқари, турли сатҳга мансуб, турли мураккабликдаги бирликлар ҳам ўзаро муносабатга киришади. Мураккаблик даражаси турли хил бўлган, икки хил сатҳга мансуб лингвистик бирликлар муносабати поғонали муносабат саналади. Демак, қуйи сатҳ бирлиги ўзидан бир даража юқори сатҳ бирлиги учун қурилиш (конструктив) бирлиги бўлиб хизмат қилади. Юқори сатҳ бирлиги эса қурилма (конструктив) сифатида ўзидан бир даража қуйи сатҳ бирликларининг кетма-кетлик (синтагматик) муносабатидан ташкил топади. Масалан, мактабга сўз шаклининг морфологик сатҳ бирлиги сифатида морфемик сатҳ бирлигига нисбатан мураккаблик даражаси юқори, чунки у ўзидан бир даража қуйи морфемик сатҳнинг *мактаб* ва *-га* бирликлари ўртасидаги синтагматик муносабат ҳосиласи сифатида майдонга келган. Демак, морфологик сатҳ бирлиги бўлган сўз шакл морфемик сатҳ бирлиги бўлган морфемаларнинг (морфема вариантларининг) ўзаро синтагматик муносабатидан гашкил топади. Морфема (морфема варианты) эса сўз шакл таркибига киради.

Лингвистик бирликларнинг мураккаблик даражаси нисбийдир. Унинг мураккаб деб ном олиши ўзидан бир даража қуйи сатҳ бирлигига нисбатандир. Масалан, морфемик сатҳбирлиги бўлган морфеманинг

мураккаб (қурилма, система) деб ном олиши фонологик сатҳ бирлиги бўлган фонемага нисбатандир. Морфема, ўз навбатида, морфологик сатҳ бирлиги бўлган сўз шакл учун элемент, қурилиш (конструктив) аъзоси саналади. Сўз шакл морфемага нисбатан мураккаб, синтаксемага нисбатан эса элемент ҳисобланади.

Лингвистик бирликлар ўртасидаги поғонали муносабат гил системаси ички тузилишининг оддийдан мураккабга қараб тадрижий жойлашганлигидан далолат беради.

Назорат саволлари:

1. Тилнинг мулоқот шакллари деганда нимани тушунасиз?
2. Тилнинг эмотив, фатик, металисоний ва эстетик вазифалари ҳақида гапириб беринг.
3. Лингвистик сатҳ тушунчаси қачон майдонга келди?
4. Тил сатҳи деганда нима тушунилади?
5. Тил сатҳларини эътироф этишда қандай талқинлар юзага келган?
6. Лингвистик бирликлар ўртасидаги муносабатлар
7. Бир сатҳга ва турли сатҳга мансуб бирликлар муносабатини изоҳланг.
8. Парадигматик муносабат нима ?
9. Синтагматик муносабат қандай муносабат санала-ди?
10. Поғонали муносабат нима?

2-маъруза: *ТИЛШУНОСЛИК ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДАН* (2 соат)

Режа:

1. Тилшунослик фанининг шаклланиш босқичлари.
2. Қиёсий-тарихий тилшунослик.
3. Қиёсий-типологик тилшунослик.
4. Синхрон-диахрон тилшунослик.

1. Тилшунослик фанининг шаклланиш босқичлари

Лингвистиканинг асосий **объекти** инсонларга хос бўлган тилдир. Тил тизими қонуниятлари, унинг фаолияти ва тараққиёти ушбу фаннинг **предмети** ҳисобланади.

Фанларнинг (аввало фалсафанинг) алоҳида илмий фаолият тури сифатида ажралиб чиқиши билан умумлингвистик муаммолар мутафаккирлар учун қизиқарли тадқиқ предмети сифатида намоён бўлди. Хусусан, қадимги Юнонистон файласуфлари нарсаларнинг номланиши табиатдан ёки келишув асосида эканлиги борасида баҳс юритишиб келишган.

Славян ёзуви асосчиси Константин Кирилл (827-869) Венециядаги баҳсларда «уч тиллилар» қараши асоссиз эканлигини кўрсатиб берди. «Уч тиллилар» юнон, лотин ва қадимги иврит тилларини барча тилларга нисбатан устун деб эътироф этишган ва диний соҳада бошқа тиллардан фойдаланишни тақиқлашган.

Грамматикага доир илк ишлар дастлаб ҳар қандай тил тизими учун хос деб ҳисобланган. Кўпгина халқларнинг мутаффакирлари бир тил грамматикасини иккинчисига нисбатан тадбиқ қилишни табиий ҳол деб қабул қилишган. XX асрнинг 50- йилларигача туркий тиллар грамматикаларида ҳам рус тили грамматикаси анъаналарига хос бўлган феълнинг замон шакллари ҳақидаги маълумотларни қайд этишга ҳаракат қилинган.

Грамматиканинг умумийлигини мантиқан асослаш мумкинлиги ҳақидаги фикр машҳур француз «Умумий (универсал) рационал грамматика»сида ўз аксини топди. Ушбу асар 1660 йилда Париж яқинидаги Пор-Рояль аббатлигида чоп этилганлиги туфайли шу ном билан машҳурдир. Ушбу грамматика муаллифлари бўлган Клод Лансло ва Антуан Арно тилларда умумий қонуниятлар мавжудлигини эътироф этишди ва ана шу лисоний умумийликни топишга эътибор қаратишди. Бу вазифани амалга ошириш учун улар, бир томондан, юқорида эслатиб ўтилган «устун» тиллар учлиги – қадимги иврит, грек ва лотин тилларини «вульгар» («оддий») тиллар ҳисобланган француз ва немис тиллари билан таққослашган.

Аммо фақат буюк олмон тилшунос-мутаффакири Вильгельм Хумбольдтнинг (1767-1835) XIX асрнинг 20-30- йилларида яратган асарларидагина умумлингвистик муаммоларни ёритиш кенг қамровли тус олди. Хумбольдт томонидан тадқиқ қилинган янги муаммолардан бири тил таракқиёти муаммоси ҳисобланади: Тил, унинг фикрича, ўзаро умуман фарқли бўлган қатор босқичлардан ўтувчи доимий таракқиёт ҳолатида бўлади.

Хумбольдт биринчи бор тилнинг тизимлилиги ҳақидаги фикрни шакллантирди. Олим тил ва тафаккур муносабатига катта эътибор қаратиш билан бир қаторда, тил ҳодисаларининг иккиёқлама характери эслатиб ўтади ва «тил бир вақтнинг ўзида акс эттирувчи ва белги» эканлигини тасдиқлайди.

Тилнинг инсонга хослиги туфайли индивидуал ва бутун халққа тегишли бўлганлиги учун ижтимоий эканлигини эътироф эта туриб, Хумбольдт тилдаги субъективлик ва объективлик яхлитлигини ҳамда тарихий таракқиёт ва фаолият ҳамоҳанглигини таъкидлаб ўтади.

Хумбольдт тил ва маданият, тил ва ёзув муносабатлари ҳақидаги масалага эътибор қаратди ва тилнинг билиш қуроли сифатидаги ўрнини кўрсатиб берди.

Хумбольдтнинг ғоялари Август Шлейхер (1821-1868), Александр Афанасьевич Потебня (1835-1891), Иван Александрович (Ян) Бодуэн де Куртенэ (1845- 1929) каби йирик тилшуносларнинг лингвистик қарашларига катта таъсир кўрсатди.

Ҳумбольдт тилнинг фаолият эканлигини таъкидлаб ўтади.

«Тил-нутқ» дихотомиясини лингвистикага бир неча йиллардан сўнг, замонавий лингвистикага асос солиш борасида И. А. Бодуэн де Куртене билан бир қаторда турган олим Фердинанд де Соссюр (1857-1913) киритди.

Соссюрнинг муҳим хизмати – *тилни белгилар тизими сифатида* тушунишнинг асосий тамойилларини шакллантир-ганлиги, синхронликни аниқ чегаралаганлиги, яъни тилни ўзгариш ва тараққиёт жараёнида таҳлил этганлиги ва *тилнинг тизимли характери* ҳақидаги масалани аниқ қўя билганлигидадир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Соссюр тил тизими ҳақида Ҳумбольдт ва айниқса Шлейхер каби организм сифатида эмас, балки айнан тизим сифатида фикр юритади.

Тилшунослик фанининг предмети тушунчаси тарихий нуқтаи назардан ўзгарувчан характерга эгадир. Маълумки, тил ҳақидаги фан тўғри ёзиш ва ўқиш ҳақидаги таълимотлар билан бошланган эди. Ушбу таълимот *грамматика*, яъни «ёзув санъати» деб аталган. Ёзувнинг яратилиши эса товушлар ва ҳарфлар муносабати ҳақидаги масалани ҳал қилишни тақозо этди. Бундан ташқари, товушларнинг барча турлари эмас, балки фақат маънони ажратишга хизмат қиладиган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товуш белгилари учунгина ҳарфлар яратиш зарур эди.

Сўз ўзгариши ва гапдаги сўзларнинг боғланиш қоидаларини билмасдан туриб тўғри ўқиш ва ёзиш мумкин эмас. Шундай қилиб, аста-секинлик билан грамматика «ёзув санъатидан» сўзларнинг ўзгариши ва боғланиши, товушлардан сўзлар тузиш ва уларнинг маънога эга қисмлар (морфемалар)дан ташкил топиши ҳақидаги фанга айланиб борди.

Маълумки, бундай ёндашувда тилнинг жуда муҳим элементи – сўз тил ҳақидаги фан қизиқиши доирасидан четда қолади. Натижада, тил ҳақидаги фан ўз таркибига *лексикология* фанини, яъни луғат таркиби ҳақидаги фанни ҳам киритди. Тўғри ўқиш ва ёзишга ўргатишда тил тизими ва ёзувни билиш етарли эмас. Тилнинг қандай ҳаракат қилиши ва фаолиятини англаш ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Шу асосда тил фаолияти муаммолари – аввалига намунавий нутқ таълимоти бўлган риторика ва кейинчалик, услублар ҳақидаги таълимот – стилистика билан боғлиқ ҳолда тил ҳақидаги фан предмети таркибига киритилди.

Келажакда «умумий тилшунослик» фанининг икки мустақил тармоққа бўлиниши кўзда тутилмоқда. Тармоқлардан бири *умумий тилшунослик* бўлиб у дунёнинг турли тиллари доирасида олиб борилган кузатишларни умумлаштириш ва ана шундай умумлаштирилган хулосалар асосида тилларнинг структураси, фаолияти ва тараққийетиغا хос умумий қонуниятларни аниқлаш каби вазифаларни ўз олдига қўйса, умумий тилшуносликнинг иккинчи тармоғи бўлган *назарий тилшуносликда* эса тилларнинг структураси, фаолияти ва тараққийетининг моделлари яратилади.

Умумлингвистик тадқиқотлар тизимида *типологик лингвистика* ўзига хос ўринни эгаллайди. Дунёдаги турли тилларнинг қиёсий таҳлили муайян белгиларга кўра тилларни, уларнинг товуш ва грамматик тизимлари, луғат

бойлиги ва услубий турларини маълум типларга бирлаштириш имкониятини беради.

Хумбольдт давридаёқ тилларнинг морфологик структурасидаги фундаментал хусусиятларни эътиборга олишга асосланган типологик таснифлаш кенг тарқалган эди.

1.Сўз таркибида ёрдамчи морфемалар ишлатилмайдиган *аморф тиллар*;

2.Ёрдамчи морфемаларнинг ўзакда сезиларли ўзгаришларни юзага келтирмасдан унга агглютинатинация (яъни елимлаш) йўли билан бирикадиган *агглютинатив тиллар*;

3.Ёрдамчи морфемалар ўзак билан жуда яқин бирикадиган ва бунда ўзакда ҳам, ёрдамчи морфемада ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берадиган *флектив тиллар*.

Ушбу типлар гуруҳига яна бир типни, яъни полисинтетик тилларни киритиш мумкин. Бу тиллардаги ўзак ва ёрдамчи морфемалар бирикиб, муайян даражада сўз–гап ягона тузилмасига айланади (Америка хиндулари тиллари ва Осиёдаги баъзи тиллар – чукот, коряк ва ҳ.к.). Умумий ва амалий тилшунослик ўзининг назарий аспектларида яқин алоқададир. Кейинги даврларда ушбу вазифалар қаторига инсоннинг машина ва компьютер билан ўзаро мулоқоти билан боғлиқ вазифалар ҳам қўшилди.

Шундай қилиб, умумий тилшунослик лингвистиканинг назарий ядроси ҳисобланади. Тил назарияси инсоният мулоқотининг муҳим воситаси сифатида ҳар қандай табиий тил доирасида олиб бориладиган тадқиқот ишининг асосини ташкил этади.

2. Қиёсий-тарихий тилшунослик

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бошланғич куртакларини Гуманизм ва Уйғониш даврлари, XVII аср, Ж.Б. Вико (1668-1744) фаолияти ва XVIII асрлар тилшунослигини қамраб олган янги давр ғояларидан излаш зарур.

Янги давр Европа тилларини ўрганишнинг қизғин фаоллашуви билан характерланади. Ўша пайтда ҳарф ва товушни мос туширишга йўналтирилган кўпгина орфографик ислохотлар амалга оширила бошланди

Бу даврда мамлакатлараро алоқалар ривожини натижасида ўрганилаётган тиллар доираси кенгайиб борди. Тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги етакчи ғоя «бобо тил» сифатида қадимги иврит тилини эътироф этиб, тилларнинг тараққий этиши ҳақидаги моногенетик қарашни тарғиб қилди. Ван Горп эса Одам Атонинг тили тевтон, яъни фламанд тили бўлган деб ҳисоблайди ва ҳоказо.

Тилларнинг ўхшашлиги ва қариндошлиги ҳақидаги фикрлар кўпинча аралашиб кетади.

Европада ҳақиқий компаративизм Канинисус арабларга аллақачон маълум бўлган семит тиллари қариндошлиги ҳақидаги фикрни тарқатгандан сўнг шакллана бошлади. Пиза қадимги сурия тили ва баск тилларини қиёслади. 1599 йилда И.Ю.Скалигер «Diatriba de Europearum linguis» номли

асарини чоп қилади ва унда «худо» сўзининг шаклларида келиб чиққан ҳолда типологик классификацияни тузади.

Умумий назарияларга келганда эса, Бэкон, Скалигер ва Франческо Санчесларни эслаб ўтиш мумкин. Юлий Цезар Скалигер 1900 йилгача ва ундан кейинроқ бўлган даврларда тузилган мумтоз грамматика асарларининг «ғоявий отаси» ҳисобланади. Худди ана шу даврда (XVII ва XVIII асрлар) кейинги қиёсий тарихий тадқиқотларга асос солинган.

Янги давр лингвистлари (Вожл, Менаж) тилдан мантиқий қонуниятларга бўйсунмайдиган норматив қоидаларга асосланган ҳолда фойдаланиш ҳақида сўз юритишади. Шунингдек, улар барча тилларга хос бўлган хусусиятларни аниқлашга ҳаракат қилишади. Лекин бу тиллар рўйхати чекланган бўлиб, булар энг аввало лотин, француз ва айрим ҳолларда юнон ва қадимги иврит тилларидир.

Янги давр тилшунослигида «Янги фан» асари муаллифи Дж.Б.Вико (1668-1744)нинг концепцияси муҳим ўрин эгаллайди. Бу асарда тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги назария келтирилган. Виконинг фикрига кўра, аввал товушга тақлид, кейин ундов сўзлар, кейин юкламалар пайдо бўлган ва натижада улар мустақил сўз туркумларининг вужудга келишига сабабчи бўлган.

Вико тил тараққиётининг уч босқичи ҳақидаги фикрни илгари суради. Биринчиси – «Худолар тили» бўлиб, уни Вико «иероглиф ёки муқаддас» деб атаган. Бу босқич одамлар ҳали нутқдан фойдалана олмаган давр учун зарур бўлган. Иккинчиси – «Қаҳрамонлик ёки поэтик» босқич тили бўлиб, у ҳам биринчиси каби овозсиз, лекин ёзма шаклда бўлиши мумкин бўлган. Учинчиси – «Эпистоляр» омма тили бўлиб, у амалий мулоқот учун хизмат қилган. Виконинг фикрича, бу уч тил ва ёзувнинг уч тури бир вақтда пайдо бўлган.

Турли халқларга хос бўлган ҳар хил тилларнинг мавжудлигини Вико об-ҳаво шароити, урф-одатлар ва замондаги фарқлар билан тушунтиради.

XVIII асрда барча соҳалар вакиллари (шоирлар, файласуфлар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва ҳ.к.) тил ҳақида бирор нарса ёзишга уринишган. Энг катта ҳажмдаги иш олиб борилган ягона соҳа фонетикадир.

Ушбу фалсафий асрнинг энг илғор вакили сифатида Кондельякни кўрсатиш мумкин. Унинг тилнинг эркинлиги ҳақидаги назарияси алоҳида кизиқиш уйғотади.

Санскрит тили ҳам фаол ўрганила бошланди.

Хуллас, қиёсий тарихий тилшунослик тарихида қуйидаги тўрт даврни ажратиш кўрсатиш мумкин:

-қиёсий тарихий метод пайдо бўлишидан «ёш грамматиклар»- гача бўлган давр (1816-1870 йй.),

-«ёш грамматиклар» (1870-1900 йй.),

-«ёш грамматиклар»дан Ф.де Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» китобининг чоп этилиши ва хетт ёдгорликларининг ўқилиши амалга оширилишигача бўлган давр (1900-1916 йй.) (1915-1917 йй.),

-Ф.де Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» китобининг чоп этилишидан ҳозирги кунгача бўлган давр.

1816 йилда **Франц Бопп** (25 ёшда) «Санскрит тилида тусланиш тизимининг грек, лотин, форс ва герман тилларидаги тусланиш билан қиёсий таҳлили (Рамаяна ва Моҳобхоратнинг айрим парчаларининг аслиятдаги матнидан аниқ ва метрик таржималар ва Ведалардан баъзи қисмлар мисолида)» китобини чоп этди. У ушбу китоб билан қиёсий–тарихий методга асос солди.

Бопп қардош тиллардаги феълларнинг қўшимчаларини қиёслади ва европа тилларида нафақат алоҳида ўхшаш ҳодисалар, балки грамматик тизим бирлиги ҳам мавжудлигини аниқлади. «Ҳинд–европа тиллари» деган тушунча унга тегишлидир. Франц Боппнинг асосий мақсади – бир тилдаги факт ва шаклларни бошқа тил факт ва шакллари ёрдамида тушунтиришдан иборат бўлган.

Боппдан мустақил тарзда худди шу даврда (1814–1818 йй.) даниялик тилшунос **Расмус Раск** (1787–1832йй.) «Қадимги шимолий тил соҳасидаги тадқиқотлар ёки исланд тилининг келиб чиқиши» китобида герман, литва, славян, лотин ва юнон тилларининг қардошлигини исботлаб берди.

Қиёсий–тарихий тилшуносликнинг юзага келиши даниялик лингвист **Якоб Бредсдорф** (1790–1841 йй.) («Тилга хос ўзгаришлар сабаблари ҳақида») ва немис тилшуноси **Якоб Гримм** номлари билан боғлиқ бўлиб, улар қиёсий–тарихий метод ёрдамида герман тилларини тадқиқ этишди. Янги методнинг асосчилари қаторига, шунингдек, **Александр Христофорович Востоков** (1781–1864 йй.) («Славян тили ҳақида фикрлар»–1820 ва ҳ.к.) ҳам киради У туғма гунг бўлгани учун маъруза ўқий олмасди.

Умумий тилшуносликнинг асосчиси В. Хумбольдт саналади. У тилнинг илмий назариясини қиёсий–тарихий метод асосида ярата бошлаган. Унинг асосий иши –«Инсоният тилларининг қурилишидаги фарқлар ва унинг инсоннинг маънавий тараққиётига таъсири» асари 1836 йилда чоп этилган.

XIX асрнинг 1850–1860 йилларида бу метод **Август Шлейхер** (1821–1868) ва **Ҳейман Штейнталь** (1823–1899)лар томонидан ривожлантирилди.

1870–1900 йиллар қиёсий –тарихий метод тараққиётининг иккинчи босқичи бўлиб, «**Ёш грамматиклар**» тадқиқотлари билан боғлиқдир. «Ёш грамматиклар» тилни тарихий ҳодиса деб ҳисоблашган ва бу фикр Ҳерман Паул томонидан «Тил тарихи тамойиллари» китобида қайд қилинган. Бу фикрни Шлейхернинг тилни биологик ҳодиса сифатида қараш («тил – табиий организм») фикри билан солиштириш мумкин. Ёш грамматиклар, шунингдек, товуш ўзгаришларидаги қонуниятларни аниқлашган, улар тирик тиллар ва диалектлар ўрганилиши лозим деб ҳисоблашган.

Ёш грамматиклар вакиллари сифатида Ҳерман Пауль, Август Лескин, Карл Бругман, Ҳерман Остгоф, Вильгельм Шерерларни кўрсатиш мумкин.

«Ёш грамматиклар» тилдаги ўзгаришлар сабабларини жамиятдаги ўзгаришлардан эмас, балки инсон руҳиятидаги ўзгаришлардан излашган. Масалан, улар замонавий рус тили уни ўрганмаган бола учун ўлик тилдир,

лекин ўлик тил ҳисобланган латин тили эса бу тилни мукаммал билган филолог–классик учун тирик тил сифатида намоён бўлади, деб ҳисоблашган.

Ёш грамматикларнинг яна бир камчилиги уларнинг фақат алоҳида шакл ва категорияларни ўрганишгани ва уларда тил тизими деган тушунчанинг мавжуд бўлмаганлигидадир.

Қиёсий–тарихий метод тараққиётининг учинчи босқичи А.А. Потебня, Гуго Шухардт, Бодуэн де Куртене, Ф.де Соссюр, Енс Есперсен ва бошқа олимлар фаолияти билан боғлиқдир. Бу даврда социологик тилшунослик (яъни тилнинг ижтимоий вазифаларини мулоқот воситаси сифатида ажратиш), диалектология ва диалектография соҳалари тараққий қилди.

Шухардт сўзни у англатган предметлар билан боғлиқликда ўрганишга чақиради. Унинг «Сўз ва нарсалар» асари (1912) шу номли лингвистик мактабнинг яратилишига туртки бўлди.

Шунингдек, **неолингвистика** (Италияда XX асрнинг 20–йилларида) оқими вужудга келди: бу оқим талқинича, тил ижтимоий ҳодиса эмас, балки индивидуал ҳодисадир; ягона тил мавжуд эмас, балки диалектга хос бўлган изоглосслар бирлиги бор, холос. Асос ҳинд–европа бобо тилидаги бир қатор изоглоссларнинг кашф этилишидир.

Тўртинчи давр (ҳозирги давр).

Бу даврда, шунингдек, синхрон тилшунослик, глоттохро-нология, структурализм ва бошқа йўналишлар ҳам тараққий эта борди.

Глоттохронология – қардош тиллар ёшини яъни уларнинг бўлиниш тарихини аниқлаш методидир. У 1951-52 йилларда америкалик лингвист М. Свадеш томонидан таклиф қилинган. Бу метод, шунингдек, «лексикостатистик» деб ҳам аталади. Барча тиллар учун луғат бойлигининг янгиланиш тезлиги деярли бир хилдир. М.Свадеш келтирган маълумотларга кўра, 215 та сўздан иборат бўлган сўзлар рўйхатидан минг йил давомида 15-24% фоизи ўзгариб, қолганлари ўзгаришсиз қолади.

Структурализм тилшуносликдаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб, унинг асосий мақсади тилшуносликни бошқа фан соҳаларидан чегаралаш ва тилни тизимлилиқ тамойиллари асосида ўрганишдир.

1925 йилда Прагада Вилем Матезиус (1882-1945 йй.) «Прага лингвистик тўғараги»га асос солди ва кейинчалик бу тўғарак структуралистлар мактабига айланди. Структурализмнинг 3 мактаби мавжуд: 1) Прага структурализи (функционал лингвистика), 2) Америка структурализи (дескриптив лингвистика), 3) Копенгаген структурализи (глоссематика).

Прага мактаби қуйидаги қарашларни ҳимоя қилган: 1) лингвистика – мустақил фан; 2) тил фактларини тилнинг тизимлилиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарур; 3) тил – функционал тизимдир.

Америка структурализмнинг асосчиси Ф. Боас (АҚШлик этнограф ва тилшунос)дир. Унинг фаолияти ёзувга эга бўлмаган Америка ҳиндуларининг тилларини тасвирлаш билан боғлиқ бўлган. Шу асосда дескриптив, яъни тасвирий тилшунослик вужудга келган. Тилни таҳлил этишда структурализм тарафдорлари шаклга эътибор қаратишиб, тилнинг маънога эга томонини

назардан четда қолдиришган ва инсон тилини ҳайвонлар тили ёки механикага тенглаштиришган (Сепир, Блумфильд).

Учинчи мактаб – Копенгаген мактабидир. Бунда глоссематика (лотинча glossa сўзидан) йўналиши вужудга келади. Бу йўналиш номи даниялик тилшунос Луи Ельмслев томонидан берилган. Глоссематиклар «унча қулай бўлмаган тилларни» «қулайроқ тиллар» билан «маданий жихатдан унчалик қадрли бўлмаган»ларини «маданий қадрга эга бўлганлари» билан алмаштиришга чақиришади. Глоссематика тарихийлик ва тиллар ўртасидаги қардошликни инкор этади.

3. Қиёсий–типологик тилшунослик

Қиёсий–типологик тилшунослик XIX аср бошларида немис олимларидан Ф. Бопп, Я. Гримм, В. Хумбольдт, А.Ф. Потт, рус олими А.Х. Востоков ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижаси ўлароқ дунёга келган

Лингвистик типологиянинг пайдо бўлишига тилларни ўрганишдаги туб бурилиш, яъни қиёсий грамматика ва луғатларнинг яратилиши, тиллар ўртасидаги қардошликни ўрнатиш, бобо тилни тиклаш кабилар замин бўлиб хизмат қилди.

Лингвистик типология учун дастлабки таянчни яратишда қиёсий–тарихий методнинг асосчиси бўлган немис олими Я. Гриммнинг хизматлари катта. У тил тарихини халқ тарихи билан боғлашга ҳаракат қилди.

XVIII аср бошларида фаолият юритган голланд лингвисти Ламберт Тен Кате ишларида Я. Гриммнинг «Немис тили грамматикаси» дунё юзини кўришидан 100 йил бурун гот, немис, голланд ва исланд тиллари грамматик структураларининг қиёсий таҳлили амалга оширилган эди.

1786 йилда В. Джонс санскрит тилининг грек, лотин, гот, кельт, қадимий форс тиллари билан яқин қариндошликда эканлигини ва бу тилларнинг дастлаб битта умумий манбадан келиб чиққанлигини кўрсатиб ўтади.

1820 йилда А.Х. Востоков ўзининг «Қадимий ёзма ёдгорликлар асосида тузилган ва славян тили грамматикасига кириш сифатида хизмат қилувчи славян тили ҳақида қарашлар» асари фанда буюк ҳодиса сифатида эътироф этилди. Унда А.Х. Востоков биринчи бор черков–славян тили ёдгорликларининг хронологиясини аниқлади, унинг қадимги рус тилидан фарқларини кўрсатиб ўтди, қадимий славян ёзувидаги *юсларнинг* товуш белгиларини ва уларнинг поляк тилидаги бурун унлилари ва бошқалар билан ўзаро муносабатини аниқлади. Бу асар дунё лингвистик типологиясида қиёсий–тарихий методни қўллаган дастлабки намуналардан бирига айланди.

Фонологик қатламга оид типологик тадқиқотларда эътиборни тиллардаги фонологик тизимларнинг ташкил топиш тамойилларига қаратиш зарур бўлади. Бу ҳақда А. А. Реформатский шундай ёзади: «Биз она тили ва ўрганилаётган тиллардаги алоҳида ажралган товушлар эмас, балки, тизим таркибида олинган бутун бир фонетик категорияларни солиштирганимизда, ҳар бир фонетик тизимнинг бутунлай ўзига хосликка эга эканлигини кўрамиз. Бу эса ҳар қандай тилга хос бўлган хусусият – ҳар бир тилнинг

такрорланмас индивидуаллигининг намоён бўлишидир» (Реформатский 1970: 510).

Тилларнинг индивидуаллиги, айниқса, фонетикада яққол намоён бўлади. Ўзбек тили унлилар тизими анча соддароқ: ўзбек тилида 6 та унли фонема бор.

Агар рус тилида 5 та унли бўлса, немис тилида улар 19 та.

Морфологик қатламнинг типологик хусусиятлари (масалан герман тиллари) ўрганилганда, энг аввало, **аналитик кўрсаткичлар** кўриб чиқилади.

Яхлит тизимли типология ажратиладиган (синтактик боғлиқликнинг энг паст даражаси билан) ва ажратилмайдиган (синтактик боғлиқликнинг энг юқори даражаси билан) тилларни чегаралашга таянади.

Грамматик ҳодисалар ривожини динамикаси таҳлилига процессуал ёндашув морфологик ва синтактик категорияларни фарқлашни кўзда тутди.

Грамматик тасвирлаш доирасида бўлган грамматик категориялар тушунчаси шакл ва мазмун яхлитлигида таҳлил этилади. Тил белгиларининг шакл ва мазмуни ўртасида тўлиқ мослик мавжуд эмаслиги ҳодисасини абсолютлаштириш...

Тилнинг грамматик тизимидаги типологик нуқтаи назардан эътиборга молик ўзгаришларга **синкретизм ҳодисаси** киради.

Худди шунингдек, синтаксис қурилиши типологияси ҳам тилларни қиёслаб ўрганишда анча самарали бўлиши мумкин.

Қиёслаш мезонларини излаш типологик тилшунослик учун долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Тилларни қиёслаш учун эталон вазифасини ўтай оладиган моделни яратиш универсаллик талабларини қониқтирибгина қолмасдан, муҳим фарқловчи белгиларни унчалик муҳим бўлмаганларидан чегаралашни ҳам кўзда тутди.

Типологик синтаксисни яратишдаги энг катта қийинчилик шундаки, умуман олганда, гап қиёслашнинг етарлича аниқ ва қатъий бирлиги бўла олмайди. Турли структурага эга бўлган тилларда гапнинг ҳатто асосий хусусиятлари ҳамда субъект ва предикат муносабатларининг грамматик ифодаси типи ҳам сезиларли даражада фарқли бўлиши мумкин.

Сўз синфларининг функционал қўлланилиши ушбу сўзлар бирикиши воситасида синтактик гуруҳлар – сўз бирикмалари ясалиши билан гап структурасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам типологик қиёслаш учун формал ва функционал хусусиятларга эга бўлган ва гапдан кўра кичикроқ структурани танлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўз бирикмалари структурасини морфологик категориялар ва тил луғат таркибининг лексик–грамматик таснифига асосланиб таҳлил қилиш мумкин бўлади. Типологик таҳлилда яқка фактларни эмас, балки тилнинг алоҳида ҳодисалари ўзаро боғланган «кичик тизимлар»ни таққослаш фойдалироқ.

Таққослаш ва лингвистик типологиянинг кейинги тараққиёти кўп жиҳатдан тил таҳлилида қатор муҳим умумназарий муаммоларнинг ҳал қилинишига боғлиқ бўлади. Шулардан бири бу тилшунослик ва бошқа

фанларда «оппозиция» ва «таққослаш» тушунчаларининг ноаниқ қўлланилиш муаммоси бўлиб, бунда «тизим» оппозициялар туркуми ёки алоқалар ва муносабатлар туркуми сифатида тушунилади. Бундай вазиятдан чиқишга оппозиция ва алоқаларни тенглаштириш орқали эришиш мумкин.

Алоқа муносабатларнинг хусусий ҳолати ва ҳар қандай алоқа муносабатни тақозо этади, лекин ҳар қандай муносабат ҳам алоқа эмас. Элементлар ўртасида алоқа мавжуд бўлганда бир элементнинг ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига (сабаб алоқаси) олиб келади. Элементлар ўртасида муносабат бўлган ҳолатда эса бир элемент хусусиятларидаги ўзгаришлар бошқа элемент хусусиятларининг ўзгаришига олиб келмайди. Бу ҳолатда фақат муносабатлар ўзгаради. Чунки муносабатлар элементлар хусусиятларидан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди. Натижада, алоқа умумий функцияларга эга элементлар ўртасидаги муносабат тури сифатида намоён бўлади.

Юқорида таъкидланган фикрлар асосида лингвотипологик оппозиция тизим атрибути (кўрсаткичи) эмас, балки структура атрибути ва уни моделлаштиришнинг мумкин бўлган бир усули ва тасвирлаш методи эканлиги ҳақида ҳулоса қилиш мумкин.

4. Синхрон - диахрон тилшунослик

Тил тизимининг тараққиёти ва тарихий босқичлардаги ўзгаришлар доимий равишда долзарб муаммолар қаторидан ўрин эгаллаб келмоқда.

Ҳар қандай тилшуносликка оид тадқиқот қанчалик синхрон, яъни тил ходисаларининг ҳозирги ҳолати ҳақида бўлмасин, у қисман тарихий бўлади, чунки тадқиқ қилинаётган материал маълум вақт оралиғида ўзгаради.

Тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган «синхрония» ва «диахрония» тушунчалари И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Ф. де Соссюрлар томонидан илгари сурилган ғоялар қарама-қаршичилигининг аксидир.

Хорижий тилшуносликда икки асосий йўналиш тараққиёти аниқ кўзга ташланади ва булар **Бодуэн ва Соссюр** анъаналарига асосланган йўналишдир. Биринчиси бевосита Прага мактабида ва бу мактабга мансуб бўлган тилшуносларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Иккинчи йўналиш Женева мактаби вакиллари ва глоссематиклар тадқиқотларида изчил амалга ошириб келиняпти.

Синхрония диахронияга нисбатан тўлиқ қарама-қарши қўйилади ва тил аниқ муносабатларнинг мавҳум системаси сифатида тавсиф қилиниши мумкин бўлган ягона асос ёки ғоя сифатида талқин қилинади.

Л.Ельмслев: «...реал тил бирликлари на товушлар, на белгилар ёки ёзма шакллар, на маънолар эмас; реал тил бирликлари товушлар ёки белги ва маънолар орқали берилган муносабатлар элементларидир. Масаланинг моҳияти товуш ёки белгилар, маънода эмас, балки уларнинг нутқ занжиридаги ва грамматик парадигмалар ичидаги ўзаро муносабатларидадир. Айнан мана шу муносабатлар тил системасини ҳосил қилади, айнан мана шу ички система муайян бир тил учун бошқа тиллардан фарқли ўлароқ,

характерлидир. Айти пайтда тилнинг товушларда ёки ёзма белгиларда, маъноларда ифодаланиши унинг системасига таъсир қилмайди ва улар системага ҳеч қандай путур етказмасдан ўзгаравериши мумкин».

Л.Ельмслевнинг диахронияни инкор қилиши унинг тил назарияси ҳақидаги фикрларининг мантикий давомидир.

«Тарихи йўқ» тилларни (Америка ҳиндулари тиллари) тадқиқ қилиш асосида вужудга келган Америка дескриптив тилшунослигида яратилган тадқиқотларда синхрония ва диахрония масаласи эътибордан четда қолган. Америкалик тилшунослар ўз вазифаларини тил фактларини тушунтиришда эмас, изоҳлаш ва ҳисобга олишда деб тушунадилар.

Тил қурилиши тадқиқига диахроник, тарихий ёндашувни инкор қилган Л.Блумфильднинг фикрича, «Тилни тасвирлаш учун тарихий жиҳатдан ҳеч қандай маълумот шарт эмас». «Тил тарихи аниқ бўлган ҳолатларда маълум бўладики, тил тараққиётининг дастлабки босқичларида ҳеч қандай ноаниқликлар мавжуд бўлмаган; масалан, бир неча юз йиллар олдин *gooseberry* сўзи **grose- berry* шаклида бўлган ва унинг *goose* сўзи билан ҳеч қандай боғлиқлиги аниқланмаган. Кўриниб турибдики, бундай фактлар бизга ҳозирги замон инглиз тилида аҳвол қандай эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бера олмайди»

Аммо фактларни тушунтиришга боғлиқ лингвистик муаммоларга тўхталган Л.Блумфильд ўз асарининг кейинги саҳифаларида ўрганиладиган тил ҳодисасининг моҳиятини фақат тарихга мурожаат қилиб аниқлаш мумкин деган қарши фикрга келади: «Тилдаги ўзгаришлар бизни шу сабабли қизиқтирадики, фақат улар бизга тил ҳодисаларини тушунтириш имкониятини беради».

Кўриб ўтганимиздек, Соссюрнинг тил ва нутқ дихотомияси, синхрония ва диахрония ҳақидаги фикрлари Копенгаген ва Америка структурализмида бир-бирларидан фарқ қиладиган турлича йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Л.Ельмслев томонидан илгари сурилган глоссематика нафақат синхроник, балки диахроник назариядир.

Л.Блумфильд билдирган фикрларга биноан Америка дескриптив лингвистикаси тилни тасвирлашда тарихий фактлардан фойдаланишни инкор қилмайди, аммо бу йўналишда тадқиқотлар олиб боришни мақсад қилиб ҳам қўймайди.

Синхрон ва диахрон тилшуносликнинг метод ва тамойиллари ҳақида гапириб, Соссюр бу икки йўналишни тил ва нутқ доирасида ўзаро зид қўяди. Унингча, тилшунослик тадқиқотларининг ягона объекти – тил.

Тилнинг нутққа қарши қўйиб ўрганилишида синхрония тилнинг ҳақиқий воқелиги сифатида қаралади: «Аниқ равшанки, синхрон аспект диахрониядан муҳимроқ, чунки сўзловчи омма учун фақат у ҳақиқий ва ягона воқеликдир. Бу тилшунос учун ҳам ҳақиқатдир; агар у диахроник йўналишни танласа, тилни эмас, фақат унда айрим ўгарувчан ҳодисаларни кўради»

Ф. де Соссюр тилдаги ўзгаришларни инкор қила олмайди; у уларни диахроник кўринишдаги нутққа хос деб ҳисоблайди. Тил системаси таълимотининг асосчиси Соссюр онгли равишда тил системаси жойлашган «худуддан» вақт факторини чиқариб ташлайди. Натижада, ундаги «синхрония, тил тизимининг онтологик белгисига айланиб қолади, чунки тизим ўзгармас ҳодисадир» (Гухман 1964: 18).

Тилшуносликдаги Бодуэн йўналиши, Прага мактабининг вакиллари ва уларнинг издошлари (Р.Якобсон, А.Мартине, А.Ордикур, Б.Потье, Б.Тринка, Й.Вахек ва бошқалар) ишларида акс этган диахроник тадқиқотлардир.

И.А.Бодуэн де Куртенэ тадқиқотнинг метод ва объектини, тилнинг тараққиёт тавсифи ва ривожланиш тарихини аниқ чегаралаб берган.

Инсонлар ўртасидаги муносабат воситаси бўлиши учун тил ўз қисмларининг узвийлиги, бирликларнинг маълум микёсдаги турғунлигига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, тил мулоқот воситаси эмас, балки тарқоқлик намунасига айланиб қолади. Бу эса, сўзсиз, ўз навбатида, жамиятда ўзаро англашилмовчиликка сабаб бўлади.

Умуман, тил тизимида юзага келадиган ҳар қандай ўзгариш – силжишлар маълум қонуниятларга бўйсунди. Бу қонуниятлар турли ички ва ташқи сабабларга эга бўлади.

Е.Д.Поливановнинг бу борадаги кузатишларида қизиқ маълумотлар келтирилган. Е.Д.Поливановдан тилда ўзгаришлар юз беришини эшитган бир япон зиёлиси ҳайрон қолди: «Тил ўзгариши мумкинми? Ахир биз гапиришни ўрганаётганимизда фақатгина ота-онамиз сўзлашаётган тилни ўзлаштирамиз, уларга ҳам бу тил ота-онасидан мерос. Болаликда бизнинг тил ўрганаётгандаги вазифамиз, худди катталардек сўзлашишга ўрганиш бўлган, ўзга йўсинда тилда ҳеч қандай ўзгариш бўлишини тасаввур қила олмайман».

Тил соҳиблари ўзларининг айнан аждодлари сўзлашган тилдан ҳеч ўзгаришсиз фойдаланаётганликларига иккиланмас-ликлари ҳақида тилшунослар кўплаб мисоллар келтиришади. Айтиш жоизки, тил тузилишини имманент – турғун ҳолатда ўрганиш мақсадини кўзлаган илмий йўналишлар вакиллари (масалан, структуралистлар) тил тараққиётига тарихий ёндашувдан онгли равишда (мақсадли) воз кечадилар ҳамда шу йўсинда улар юқорида Е.Д.Поливанов эслатган «тил соҳиблари билан фикрдош бўлиб қолганликларини унчалик сезмайдилар ҳам».

Тил тизими маълум вақт оралиғида ўзгариб боради, аммо шунинг билан биргаликда бу тизим ўзлигини сақлайди, айнан шу парадокс (зиддиятчилик) моддий шаклли ҳодисалардан бири бўлмиш тилнинг табиатини тушуниш «калити»ни беради.

Умуман **статистик «турғунлик» ва динамик «ҳаракатчанлик»** тушунчалари нисбий тушунчалардир.

Тил узвлари ва бирликлари яхлит турғунликдаги тизим сифатида тасаввур қилинса, тил бирликлари фаоллашувини тақозо этувчи нутқ эса жараён талқинини олади. Аммо тил ва нутқнинг бу йўсинда фарқланиши, биринчидан, статик ва динамик ҳолатлар ҳақидаги тасаввурнинг нисбий эканлигини инобатга олмаса, иккинчидан эса, тил ва нутқнинг ягона бир

лисоний ҳодисанинг ўзаро бир-бирини тақозо этувчи томонлари эканлигини инкор қилади. Ҳолбуки, бу икки ҳодиса ягона бир фаолият асосида мавжуд бўлади ва ўзаро бир-бирини тақозо этади. Н. С.Трубецкой : «нутқ ва тил ягона бир ҳодисанинг, яъни нутқий фаолиятнинг икки қиррасидир».

Демак, статистика ва динамика тушунчалари бир-бирини инкор қилувчи, зид характердаги тушунчалар мазмунига эга. Айни пайтда, улар нисбий тушунчалар бўлгани сабабли ўзаро ўхшашликка ҳам эгадирлар.

Қиёсий-тарихий методнинг Ф.де Соссюр ва унинг издошлари фикрича, қиёсий-тарихий услуб систем тилшунослик учун тамоман ёт. Ҳолбуки, Соссюрнинг ўзи систем тилшунослик ҳам маълум шароитларда ҳодисалар моҳияти ўзгаришини маълум вақт оралиғида кузатиши мумкинлигини эътироф этган.

Тил тизимини синхрон тадқиқ қилиш ғояси ҳозирги замон тилларини ўрганишда кенг миқёсда қўлланилиб келмоқда.

Синхрон тилшуносликда ҳам, худди тарихий-қиёсий йўналишда бўлгани сингари, тадқиқотлар асосан у ёки бу турдаги фактлар мавжудлигини қайд қилишдан нарига ўтиш сезилмади. Натижада тилнинг моҳиятини билиш йўли берклигича қолаверди.

Тил тараққиёти жараёнида тадрижий таҳлилда мурожаат қилинадиган динамика (ҳаракатдаги) ва статика (турғун) тушунчалари синхрония ва диахрония ҳодисалари билан боғлиқ қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, динамик ва статик тушунчалари тил тизими хусусиятлари тавсифига оид бўлиб, кейинги тушунчалар эса (синхрония ва диахрония) ушбу тавсифни бериш учун қўлланиладиган методга қарашлидир.

Тилнинг синхрон тадқиқи тилшунослик фани учун ҳеч қандай янгилик бўлмаганлини В.М.Жирмунский эътироф этади: «Қиёсий – тарихий метод пайдо бўлган XIX асрга қадар ҳам тилшунослик фани асрлар давомида Ғарбда ва Шарқда синхрон хусусиятга эга эди..

Бодуэннинг тилдаги статик ва динамик ўзгаришлар ҳақидаги фикрлари ҳам таъкидга арзийди: «Тилда худди табиатдаги каби ҳамма нарса тирик, ҳамма нарса ҳаракатда, ҳамма нарса ўзгаришда. Хотиржамлик, тўхташ, бутунлай қотиб қолиш – «алдамчи» ҳолатлардир; булар минимал ўзгаришлар шароитидаги ҳаракатнинг тасодифий ҳолатларидир. Тилнинг статик кўриниши унинг динамикасидаги, аниқроғи, кинематикасидаги хусусий ҳолатдир» (Бодуэн де Куртенэ 1963, т.I: 349).

Прага лингвистик тўғарагининг таъкидлашича, «синхрон тасвирлаш эволюция ҳақидаги тушунчани бутунлай инкор қила олмайди. Чунки ҳатто синхроник жихатдан тадқиқ қилинаётган ҳолатда ҳам бошланғич босқич эндигина шаклланиб келаётган босқич билан алмашиб туриши кўзга ташланиб туради. Биринчидан, архаизмлар сифатида қабул қилинадиган синхрон элементлар, иккинчидан, маҳсулдор ва каммаҳсул шакллар орасидаги фарқлар диахроник ҳодисалардир ва уларни синхроник таҳлил доирасидан чиқариб ташланиши мумкин эмас»

Прага мактаби ғояларига содиқ бўлган ҳар қандай тадқиқотчи функционал таҳлил тамойилларини диахронияга кўчириш имкониятига эга

бўлади. Синхронияни диахронияга бутунлай қарама-қарши қўйишга, синхроник ва диахроник методлар ўртасига ўтиб бўлмас ғовлар қўйилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Демак, синхрония ва диахрония, статика ва динамика тушунчалари талқинида икки йўналиш, икки хил ёндашув шаклланди. Биринчиси, Соссюрнинг антиномиясини (тўғри деб қабул қилинган икки ҳол ўртасидаги зиддият) давом эттираяпти, иккинчисида эса уни инкор этиш ғояси устувор.

Ҳар ҳолда, статика ва динамика ҳамда синхрония ва диахрония ўртасидаги чегаралар ҳам сақланса, эслатилган антиномияни бартараф қилишга ҳеч ҳожат қолмайди.

Прагалик тилшунослар синхроник ва диахроник чегаравий тасвирга эга бўлган тилнинг функционал моделини яратишга муваффақ бўлдилар. Тил ходисаларини фақат синхрон тадқиқ қилиш бу бир томонлама ва чалкаш жараёндир. Ф. де Соссюр таълимотининг диққатга сазовор томони ҳам шундаки, у синхрон ва диахрон ҳолатларни ажратиб таҳлил қилиш йўлини кўрсатди. Аммо тилнинг бундай икки ҳолатини бир-бирларига боғлаб ўрганиш ҳар қандай лингвистик тадқиқот учун ҳам зарур шарт ҳисобланмайди.

Ҳар қандай тадқиқот ўз мақсадига эга – бу тил ҳолатини тасвирлаш ёки унинг тараққиётини ўрганишдир. Фақат тилнинг моҳиятини аниқлашга оид масалаларнинг ечимида статик ва динамик зидлик тушунчаси принципиал аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Лингвистик ходисаларнинг синхроник ва диахроник таҳлилини ажратиш эса методологик усул ҳолос ва у тилнинг табиатини, ижтимоий ва тарихий моҳиятини тушунмасликдан далолат бермайди. (Т.Бушуй, Ш.Сафаров).

3-маъруза: АСОСИЙ ЛИНГВИСТИК КОНЦЕПЦИЯЛАР (4 соат)

Режа:

1. Абу Наср Форобий таълимоти.
2. Абу Райҳон Беруний таълимоти.
3. Абу Али ибн Сино таълимоти.
4. Вилгельм фон Гумбольдт таълимоти.
5. Фердинанд де Соссюр таълимоти.
6. Шарль Балли таълимоти.
7. Роман Якобсон таълимоти.
8. Якоб Гримм таълимоти.

1. *Абу Наср Форобий таълимоти.* Араблар, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг халқлари қадимги даврда ҳам юқори маданиятга эга бўлиб, астрономия, география, тарих ва тилшунослик соҳасида ажойиб

кашфиётлар қилиб, жаҳон маданиятининг ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Қадимги араб тилшунослиги ва фани ривожига араблар билан бир каторда, эронийлар, греклар, еврейлар ҳамда араб халифалигига қарашли бўлган Марказий Осиё халқларининг фарзандлари ҳам катта ҳисса қўшганлар. Бу ҳақда ўзбек қомусида шундай фикр билдирилган: «Ўрта асрларда тилшуносликнинг ривожи араб ва араб тилида ижод этган филологлар томонидан давом эттирилди. Араб тилшунослиги ривожига Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Замаҳшарий, Жавҳарий, Маҳмуд Кошғарий сингари Ўрта Осиёлик олимларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди» (1:102).

Марказий Осиёнинг йирик мутафаккири Абу Наср Форобийдир. Унинг тўла исми-Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Ўзалик ал - Форобийдир (873-950).

Форобий ўз даврида мавжуд бўлган барча илмлардан баҳраманд бўлишга интилни ва бу йўлда Боғдод, Дамашқ, Ҳалаб, Ҳаррон каби араб шаҳрининг жуда кўп шаҳарларига саёҳат қилди, борган шаҳарларида олимлар билан танишиб, улар билан суҳбатлар уюштирди. Абу Наср Форобийни Шарқда иккинчи Муаллим (Муаллиму Соний) деб юритганлар.

Замонасининг ана шундай йирик мутафаккири бўлишига қарамай, Абу Наср Форобий жуда фақир яшаган. Ҳатто у ёзишга қоғоз, мутолаага чирок ёғи ҳам топа олмаган. Шундай бўлса-да, у илм йўлидан чекинмаган.

Абу Наср Форобий жуда кўп фанлар, тиллар ва ҳунарлардан хабардор эди. Форобий шахарма-шаҳар кезиб, ниҳоят, Дамашқ шаҳрига келади ва шоҳ саройига кириб боради. У эшикни очиб, киришга рухсат сўрайди. Ҳамма жулдур кийинган бу кишига тикилиб қолади. Форобий тўппа-тўғри бориб, шоҳ олдидаги бўш жойга ўтиради. Шоҳ саройида махсус бир тилда гаплашишар эди. Подшоҳ шу тилда уни чиқариб калтаклашни буюради. Шунда Форобий шоҳга қараб:

-Таксирим, шошилиш иш қилиш подшоҳга ярашмайди, – дейди. Подшоҳ эса Форобийга қараб:-Сен бу тилни биласанми? – дейди.

Форобий: -Етмиш тилни биламан, деб жавоб беради. Подшоҳ шундай жулдур кийинган, девонаваш бир киши қобилиятини кўриб ҳайратланади.

Дарҳақиқат, Абу Наср Форобий турли тилларни ўрганиш билан шуғулланган. Масалан, у тиббиёт ва мантиқ илмини христиан врачлари Юханно ибн Хайлон Кунноийдан, ҳикмат ва юнон тилини христиан Абу Башар Маттодан ўрганади (2:13).

Подшоҳ ва оммани ҳайратлантириш қобилиятига эга бўлган Абу Наср Форобий фалсафа, мантиқ, филология, риторика, тиббиёт, мусиқа, математика, зоология, ботаника каби фанларга тегишли 180 дан зиёд асарлар ёзган. Шундан кўринадики, Форобийнинг илмий-фалсафий мероси ниҳоятда бой ва ранг-барангдир.

Абу Наср Форобий тилшунослик ва адабиётшунослик, поэтика ва риторикага тегишли бир қанча асарлар ижод этган. У бу мавзуда «Шарҳ китоб-ал-Хитоба ли Аристотелос («Аристотелнинг «Риторика» асарига ёзилган шарҳ китоби»), «Китоб ал-алфоз ва ал-хуруф» («Лафз-сўзлар ва

харфлар ҳақида китоб»), «Калом лаҳу фи маъно исм ал-фалсафа» («Фалсафа номининг маъноси ҳақида»), «Китоб фи ал-хитоба кабир, ишрун мажалладан» («Риторика» ҳақида йигирма жилдлик катта китоб»), «Китоб фи саноат ал-китоба» («Ёзув санъати ҳақида китоб»), «Калом лаҳу фи аш-шеър ва ал-кавофий» («Шеър ва қофиялар ҳақида сўз»), «Китоб фи ал-луғат» («Луғатлар ҳақида китоб»), «Китоб фи ихсо икао» («Ритмлар таснифи ҳақида китоб») каби асарлар ёзган. Бу асарларда Форобий шоир, тилшунос, адабиётшунос сифатида намоён бўлади.

Абу Наср Форобий Аристотелнинг «Риторика» асарига ёзган шарҳида сўз туркумларини от, феъл, боғловчи деб уч гуруҳга ажратади. Бу нарса унинг сўз маънолари, товушлар таҳлили, ёзув тизими, услубият ҳақидаги фикрларида ўз ифодасини топган. Абу Наср Форобий ҳар бир сўз ифодаловчи тушунча, тасаввур ҳақида фикр билдириб шундай ёзади: «Бордию агар ўшанда у кишига бирор нарсанинг ўзини сўз билан тавсифлаб берилса борми, унда ўша сўз мулоҳазаларда ишлатиладиган ҳар бир нарса ичида яхшилик ва ёмонлик, адолатсизлик ё тубанлик ва ё бўлмаса, ҳалолликни тасаввур қилганига ўхшаб кетади.

Бас шундай экан, ҳаёлга келган сўзлардан кузатилган мақсад ҳам эшитувчини унинг ҳаёлига келган нарсани қилишга ундашдан иборат бўлади» (3:114).

Абу Наср Форобий ўз асарларида тиллар ва уларнинг луғатлари ҳақида маълумот беради. У *фалсафа* сўзининг маъноси ҳақида шундай ёзади: «Фалсафа юнонча бўлиб, араб тилига четдан кирган сўзлардандир. Бу сўз уларнинг тилларида *филосуфо* деб айтилади. Унинг луғавий маъноси-*ҳикматни ёқтириш* демакдир. Бу сўз юнон тилида «фило» билан «суфиё» сўзларидан таркиб топган. «Фило» деганда ёқтириш, севиш тушунилади; «суфиё» деганда эса ҳикмат, донолик тушунилади. *Файласуф* сўзи *фалсафадан* олинган, бу юнонларнинг тилида «филасуфус» дейилади. Бу ўзгариш юнонларда илдиздан бўладиган ўзгариш саналади. Уларнинг тилида бунинг маъноси *ҳикматни севиш* демакдир. Улар бу билан ҳаётдан ва умр кўришдан мақсад ҳикматни таъкидлашдан иборатдир, дейишади (3:208). Форобий ўз асарларида сўз маъноларини таснифлайди. Унингча, сўз маъноси икки хил бўлади: содда ва мураккаб. Бир турдаги нарса ва ҳодисаларни аташ вазифасини бажарувчи алоҳида сўзлар саналади: *одам, ҳайвон, уй, китоб* каби.

Ҳар бир нарса ва унинг белгисини билдирувчи сўзлар мураккаб ҳисобланади: *Бу одам ҳайвон*.

У содда маъноли сўзларни иккига ажратади: атоқли отлар, тур ва жинсни кўрсатадиган сўзлар. Тур ва жинс билдирувчи сўзлар асосида Форобий сўз туркумларини ҳам тасниф этади. У тур ва жинс билдирадиган сўзларни араб грамматик мактаблари анъаналари асосида от, феъл ва юкламаларга ажратади. От ва феълларнинг грамматик категориялари ҳақида маълумот беради. Хусусан, отлар учун жинс (эр-хотин), сон (бирлик-иккилик, кўплик) категориялари, феъллар учун замон (ўтган, келаси, ҳозирги) категориялари хослигини таъкидлайди.

Форобий тилшуносликнинг мундарижаси ҳақида қимматли фикр билдирган. У тилшуносликнинг мундарижасини олти бўлимдан иборат деб белгилайди: 1) содда сўз ҳақидаги фан; 2) сўз бирикмалари ҳақидаги фан; 3) содда сўз қонунлари ҳақидаги фан; 4) сўз бирикмалари қонунлари ҳақидаги фан; 5) ёзув қонунлари ва тўғри талаффуз (орфоэпия) ҳақидаги фан; 6) шеър тузилиши қоидалари ҳақидаги фан.

Форобий ҳар бир бўлимда нималар ўрганилиши ҳақида маълумот беради (4;10-12).

Абу Наср Форобий ўз даврининг етук адабиётшуноси сифатида адабиётшунослик атамаларидан трагедия, комедия, драма, сатира, поэма, эпос, риторика, акустика ҳақида маълумот бериб, уларнинг ҳозирги маъносидан бошқа маънода ишлатилишини қайд этади (3:119-121).

Абу Наср Форобий ўзининг «Шеър ва қофиялар тўғрисида сўз» номли асаридан бир хил товушлар билан тугалладиган сўзлар, лафздош сўзлар, ўзак ва қўшимчалар қофияси номи билан аталадиган қофия ҳақида маълумот беради. Қофия мисра охирини эслатиш билан ритмнинг шаклланишига муҳим ҳисса қўшади, деб кўрсатади Форобий.

Абу Наср Форобийнинг тилшунослик, умуман, филология соҳасида яратган асарлари кўп замонлар ўтишига қарамай, инсонларни сўзни севиш каби олижаноб ишга ундайди келажакда катта-катта ишлар қилиш ва бундай вазифаларни амалга ошириш учун ғайрат кўрсатишга умидворлик бахш этади.

2. Абу Райҳон Беруний таълимоти. Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973-1048)нинг асарлари 152 га боради. Афсуски, бизгача фақат 30 тачасигина етиб келган. Уларни ўрганиш бу буюк олимнинг астрономия, математика, физика, минерология, геодезия, жуғрофия, фалсафа, филология каби фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси ниҳоятда улкан эканини кўрсатади. Бироқ Берунийнинг шу кунгача фанга маълум бўлган асарларининг ҳаммаси ҳам нашр этилган ва тўла ўрганилган деб айтолмаймиз, уларнинг айримлари ҳамон қўлёзмалигича қолиб келмоқда. Шу сабабли, энциклопедист олим ижодининг айрим томонлари, жумладан, тилшунослик қарашлари етарли даражада ёритилмаган ва муносиб баҳоланмаган.

Берунийнинг «Таҳқиқ мо ли-л-ҳинд мин мақула мақбула фи-л-ақл ав марзула» («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ёки сиғмайдиган таълимотларининг ҳақиқатини аниқлаш», «Ҳиндистон»), «Ал-Қонун ал-Масъудий» («Қонуни Масъудий») «Геодезия», «Минерология», «Китоб-ул-Сайдана фи-т-тиб» асарларида адабиёт, тилшунослик каби соҳаларга оид қимматли маълумотлар бор.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида ҳинд тили ҳақида ҳам қимматли фикрлар беради.

Унингча, ҳиндлар билан орамизнинг узилиб қолишига бирмунча сабаблар бор. Улардан бири луғат-тилда ўзгалик, ундан кейин ҳиндларнинг тиллари оддий халқ ўртасида ишлатиладиган ва фозиллар сарф

(морфология), иштиқоқ (этимология), наҳв (синтаксис) ва балоғатнинг нозик қоидаларига асосланган тилга бўлинган» (5:32).

Беруний санскрит тилининг анча қийинлиги, ундан фойдаланиб ёзилган асарининг кўчирувчиси жуда эҳтиёткор бўлиши зарурлиги, у тилдаги хусусиятларга эътибор бериш кераклигини уқтиради.

Ҳиндларнинг тиллари, дейди Беруний, араб ва форс ҳарфларига тегишли товушларга тўғри келмайди ва ўхшамайди, ҳатто, тилимиз у товушларни ўз жойидан чиқариб айтолмайди, қулоқларимиз уларнинг нутқ товушларини ажратиб эшита олмайди. Нутқ товушларини ифодаловчи ҳарфларни ҳинд каби ёза олмаймиз. Натижада уларнинг луғавий birlikларини хатимиз билан ифодалаш қийинлашади.

Кўпинча ҳиндларнинг оғзидан бир исмни яхшилаб талаффуз қилишни ўрганиб оламиз, кейин шу исмни уларга қайтариб айтсак, англамайдилар ёки зўрға англайдилар. Чунки ҳиндларнинг тилларида 2 ва 3 ундош ҳарф кетма-кет келади ва уларни талаффуз қилиш биз учун қийин.

Берунийнинг кўп тилларни билиш қобилиятига «Ҳиндистон» асари билан танишгач гувоҳ бўламиз. У асарда келтирган маълумотларга қараганда, она тили - хоразмий тилидан ва турк, форс, араб тилларидан ташқари юнон ва сурёний тилларини мукамал билган. Натижада у ўз китобида 20 дан ортиқ юнон тилидаги асарларга ҳавола беради ва цитата келтиради.

Абу Райҳон Беруний ўз асарларида тил, ёзувнинг аҳамияти, синонимия ҳодисаси, ҳинд атамаларини араб тилида бериш усуллари ҳақида атрофлича фикр юритади.

Беруний кишиларнинг алоқа воситаси бўлган тилнинг вазифасини, тил ва ёзувнинг муносабатларини, ёзма тил ва оғзаки тилнинг фарқини, тил тараққиётида ёзувнинг ўрнини изоҳлаб шундай ёзади: «Тил сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир. Шунинг учун тил замоннинг бир ондек турғун қисми каби чекланиб қолади. Агар инсондаги сўзлаш қуввати ҳамма жойга шамол каби ёйилувчи бўлмаганда эди ва замонлардан замонларга нафаслар сингари ўтувчи хат ёзиш санъатини келтириб чиқармаганда эди, ўтмиш замоннинг хабарини, айниқса, узоқ замонлар ўтганда ҳозирги замон тилларига қандай кўчириб бўлар эди?» (1:138).

Синонимия тилнинг бой эканлигини, тараққиёт даражасини кўрсатиб турувчи ҳодисалардан биридир. Синонимия туфайли нозик маъно оттенкаларни англантишга, ранг-баранг стилистик бўёқларни ифодалашга эришилади.

Нозик маъно ва бўёқларни билдиришдан ташқари, синонимия нутқни раван қилиб тузишда, қайтариқларнинг, шунингдек, товуш ноқулайлигининг олдини олишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу ҳақда Беруний шундай ёзади: «Уларнинг тили сўзга бой ва кенг; араб тили каби, маълум бир нарса бирон ўзакдан олиниб, ўзига хос қилиб белгиланган бир мунча исмлар билан аталади; мақсадни ифода қилишда сифатларни кўпроқ айтишга эҳтиёж туғиладиган кўпгина нарсаларга битта исм берилади» (1:32).

Беруний нараса номини билиш инсоннинг маънавий бойлиги эмас, балки катта моддий бойлиги бўлиши мумкинлигини, шунинг учун ҳам тил ўрганишнинг тенгсиз амалий аҳамияти мавжудлигини таъкидлайди.

Фикрининг исботи сифатида асарнинг V бобида шундай ривоят келтиради:» Хоразм амирларидан бири касал бўлиб узоқ қийналади. Ниҳоят, нишопурлик бир табиб унинг касалига нима даво бўлиши мумкинлиги ҳақида рецепт ёзиб юборади. Бу рецептни маҳаллий доришуносларга кўрсатадилар. Улар тавсия этилган бир доривор ўсимликни ҳеч аниқлай олмайдилар. Шунда бир киши улар қидираётган доривор ўсимликни топиб бериши мумкинлигини, лекин нархи беш юз дирҳам соф кумушдан кам бўлмаслигини айтади. Амир мулозимлари рози бўлишади. У киши мулозимларга ўсимлик томирини тутқазади. Бу ўсимлик томири ҳар куни ўзлари кўриб юрадиган оддий бир чаён ўтининг томири эди. Мулозимларнинг жаҳли чиқиб, ўн беш дирҳамга ҳам олмайдиган шу томирни беш юз дирҳамга берасанми? деб ўшқирдилар. Шунда гиёҳфуруш жавоб беради: «Доривор моддалар номини билиш бебаҳо бойликдир. Сизлар шу ўсимлик номини билмаганликларингиз туфайли касалнинг қанчалар қийналишига сабабчи бўлдиларингиз, тилла баҳосига бўлса ҳам сотиб олишга рози эдиларингиз».

Номнинг жамият ҳаётида шу қадар катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, Беруний «Сайдана» асарида маълум доривор модданинг бир неча тилларда қандай номланишини баён қилиш билан бирга, ҳар қайси тилдаги маҳаллий номланишига ҳам катта ўрин беради.

Абу Райҳон Беруний айрим мутаассиб кишилар араб ёзувини Аллоҳ томонидан юборилган, деб илоҳий тус бераётган бир пайтда, ҳар қандай ёзув каби бу ёзув ҳам инсониятнинг кашфиёти эканлигини эътироф этади. Лекин бу ёзувда анча ноқисликлар бор эканлиги, шунинг учун ҳам грек, лотин, ҳинд тилидаги асарларнинг араб тилига қилинган таржималарида айрим номларни тўғри ифодалаш қийин, шу туфайли кўп номлар ғализ берилишини баён қилади.

Олимнинг айтишича, араб ёзувида «катта бахтсизликлар» бор. Унли фонемаларнинг ифодаланмаслиги, кўп ҳарфларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва уларнинг айрим нукталар орқалигина фарқланиши қатор қийинчиликларга олиб келади. Диоскорид, Гален, Павел, Орибазий каби грек олимларининг фамилиялари тўлиқ ва тўғри ифодалаб бўлмаслигини оригинални қиёслаган ҳолда транскрипция қилади. Шунингдек, ҳинд сўзларини беришда бир қанча ҳинд фонемаларининг араб тили фонологик системасида йўқ эканлигини, шунинг учун араб ёзуви орқали бу сўзларни тўғри ифодалаб бўлмаслигини айтади. Олим араб ёзувига форслардан фойдаланган ҳолда айрим қўшимча ҳарфлар киритади.

«Сайдана» асарини ўқир эканмиз, Берунийнинг қанчалар чуқур филологик билимга эга эканлигининг гувоҳи бўламиз. У назмнинг турли назарий масалаларига бағишлаб бир қатор асарлар ёзган. Шу билан бирга, ўзи ҳам араб тилида яхшигина шеърлар ижод қилган.

Бундан ташқари, турли тилда сўзлашувчиларнинг ўзаро алоқаси натижасида ҳам тиллар бир-бирини бойитиб боради. Халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар натижасида бир тил қурилишининг бирликлари иккинчи тилга кириб боради, шу тилга сингиб, унинг ўз тил бирлигига айланиб кетади. Тилдаги бу қонуният тўғрисидаги Абу Райҳон Беруний шундай ёзган эди: «Агар исм бирон ўзакдан олинган бўлиб, араб сўзи билан уларнинг маъносини бериш мумкин бўлса, бундан бошқа йўлга юрмайман. Лекин ҳиндчасини ишлатиш енгилроқ бўлса, унинг ёзилиш шакли жуда аниқлангандан кейин, ўша ҳиндчани ишлатаман. Ёки сўз четдан кирган бўлиб, ўзи жуда машҳур бўлса, унинг маъносини айтгандан кейин ўзини ишлатаман. Агар у исм-атама ўрнида бизда ҳам машҳур исм бор бўлса, бунда иш осон» (1:37).

Беруний асари манбаларга чуқур асосланганлиги билан характерланади. Бу нарсани ҳиндларнинг махсус атамалари ҳақидаги фикрларида кўриш мумкин. Асарда, бошқа манбаларда берилган кўп атамалар билан бир қаторда, илмий тенглаштириб бўлмайдиган сўзлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Булар узунликни ўлчаш учун ишлатиладиган *рама*, *даста* ва шеър туроқларига оид бўлган *жвалана*, *мадҳйа*, *парвата* каби атамалардир (1:117).

Беруний ҳинд ёзувининг хусусиятларини назарда тутиб, ҳинд транскрипциясининг диққатга сазовор тизимини ишлаб чиқди. Бу транскрипцияда ундошларни белгилашда арабча талаффуз мос бўлмаган белгиларни қўллаган. Масалан, у «гаф», «пе» ва «чим» ҳарфларидан ҳинд тилидаги шундай ҳарфларни ифодалаш учун фойдаланган. Кўпгина тадқиқотчиларнинг айтишича, бу усул урду тилида фақат XV-XVI асрларда кенг меъёردа ишлатила бошлаган.

Беруний умрининг охириги йилларида Маҳмуд Ғазнавийнинг вориси Маъдуд султонлиги даврида яъни, 1048 йилда доривор ўсимликлар, ҳайвонлар ва маъданлар тавсифига бағишланган «Сайдана» (Китоб ус-сайдана-фит-тибб) асарини ёзди. Берунийнинг тилга ва тилшуносликка бўлган қарашлари мана шу асарида яққол намоён бўлади.

«Сайдана»нинг кириш қисмида муаллифнинг ёшлик йилларида ўзини қуршаб турган оламни ва уларининг турли тилларда қандай номланишини билишга нақадар иштиёқманд эканлиги баён қилинади. Хусусан, олимнинг болалигида унинг юртига бир грек кўчиб келади. Абу Райҳон унга дон, уруғ, мева, ўсимлик ва бошқа нарсалар кўтариб келиб, булар грек тилида қандай номланишини сўраганлиги ва грекча номларини дафтарига ёзиб олганлигини баён қилади.

«Сайдана»нинг қимматли томони шундаки, унда доривор моддаларнинг бир неча тиллардаги номлари келтирилган. Ҳатто бир ўсимлик ёки модда бир тилнинг турли шеваларида турлича номланиши, ёки, аксинча, бир ном турли шеваларда турли ўсимлик номини билдириши мумкинлиги айtilган. Бу эса доривор моддалардан амалда фойдаланишни анча қийинлаштиради. Ана шуни эътиборга олиб, алоҳида фойдаланиш осон бўлиши учун у модда номининг диалектал вариантларини ҳам кўрсатади.

Ўзигача яшаган ва замондош шоирларнинг асарларини ёддан билган ва бу шеърлардан илмий асарларида фикрини далилламоқ учун «Сайдана» асарида шоирдан 141 та шеърий намуналар келтирган.

Берунийнинг қадимги араб поэзиясига катта эътибор бериши тасодикий эмас. Чунки қадимда ёзув маданиятига эга бўлмай туриб, араблар бирон воқеани эсда сақлаб қолиш учун уни шеърга солганлар. Натижада шеър кишига эстетик завқ бағишловчи воситагина бўлиб қолмай, ахборотни авлоддан-авлодга етказувчи, билимларни ўзида тўпловчи восита вазифасини ҳам бажарган. Шу боис бирор бир доривор модданинг қандай фазилатга эга эканлигини ҳам шеърга солганлар. Натижада шеърий халқнинг билимлар тўпламига айланган. «Сайдана» асарини ёзиш учун муаллиф фақат ўзи ёшлигидан дунёнинг турли минтақаларида бевосита кўрган ва ёзиб олган доривор моддалар ҳақида маълумот бериш билангина чекланмайди. Балки ўзигача бўлган барча олимларнинг қолдирган диний меросини синчиклаб ўрганиб, улардан самарали фойдаланади. Бу модда ҳақидаги уларнинг фикрлари берилади.

Асардаги 29 боб ва 1116 мақолада доривор моддаларнинг номи изоҳланади. Ҳар бир боб бир ҳарфга бағишланади. Араб алифбосидаги 28 та ҳарфга лом-алифни ҳам қўшиб алоҳида боб қилиб беради. Беруний ўз асарида бу муаммонинг ўта муҳимлигини сезган ҳолда, 4500 дан ортиқ арабча, хоразмийча, суғдча, туркча ва бошқа тиллардаги ўсимлик, ҳайвон, минераллар ва улардан тайёрланадиган дориворлар атамаларини шакллантиришда, меъёрлаштиришда жуда катта хизмат кўрсатади. Уларни изоҳлаш учун 250 дан ортиқ олимлар асарларидан иқтибослар келтиради.

Хуллас, Берунийнинг «Сайдана» асари доривор моддалар луғатидир. Бу луғатнинг характерли хусусияти шундаки, муаллиф фойдаланувчиларга осон бўлиши учун доривор моддалар номларини араб алифбоси тартибида жойлаштиради. Бир ҳарф билан бошланувчи бир неча сўз бўлса, улар шу ҳарф бобида ички алфавит асосида берилади. Натижада ўзигача араб лексикографларининг луғат тузиш тамойилларидан анча фарқ қиладиган ўзига хос луғатга айланади.

Бу луғат бир вақтнинг ўзида ҳам изоҳли, ҳам таржима, ҳам этимологик, ҳам диалектологик луғатнинг илк намуналаридан саналади. Беруний дунё тиллари, буларнинг фарқли хусусиятлари, лексикография, этимология, грамматика масалалари бўйича ўзининг маълум қарашларини баён қилди ва бу билан тилшуносликнинг фан сифатида шаклланиши ва лингвистик таълимоти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

3. *Абу Али ибн Сино таълимоти.* Абу Али Ибн Сино (980-1037) ўрта аср Шарқининг буюк мутафаккири, қомусий олимидир. Ибн Синонинг тил ҳақидаги қарашлари ўзининг илмий теранлиги, воқеликка муносиб баҳо бериш хусусияти билан ажралиб туради. Ибн Сино дунё камолоти учун жамият аъзоларининг эркин фаолиятига ҳам катта эҳтиёж борлигини асослаб беради. У яратилган нарсаларнинг барчаси инсоний ақл томонидан идрок эта олинishi кераклигини ҳам асослаб беради.

Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо», «Китоб ан-Нажот», «Донишнома», «Китоб ишорат ва танбиҳот», «Асбоби худуд ал-хуруф» асарларида тилшуносликка доир фикрлари баён этилган.

Ибн Синонинг тил ҳақидаги таълимоти мантикий нуктаи назарга асосланади. Унингча, фикр белгиси ҳақидаги таълимот тил ҳақидаги таълимотдир (1:126). У тилни табиий ва сунъий тилларга бўлади. Табиий тил тафаккур белгиси сифатида Ибн Сино томонидан ҳар томонлама ўрганилган. Ибн Сино таъкидлашича, фикр ва нутқ, тил ва тафаккур ўртасида доимий алоқа мавжуд.

Ибн Сино ўзининг «Шифо китоби»да инсон фикри сўзларда, яъни тилда ўз ифодасини топади, деган фикрни баён этади (1:127).

Бирор нарса ҳақида билим ҳосил қилувчи тушунча тасдиқловчи, бошқа предмет воситасида ҳосил қилинган билим аниқланган саналади, дейди Ибн Сино. Ушбу билимлар белгилар воситасида қабул қилинади.

Ибн Сино фикрича, белгилар уч хил бўлади: ақлий, табиий ва алоқадорлик. Ақлий белги сабаб ва натижанинг алоқадорлигини кўрсатади. Масалан, биз тутунни кўришимиз билан оловнинг мавжудлигини кўз олдимизга келтирамыз. Табиий белги табиий физиологик ёки қалб ҳолатини ифодалайди. Масалан, юзнинг оқариши – кўрқиш ёки камқувватлик, юзнинг қизариши – иситма кўтарилиши ёки уятчанликни ифодалайди. Алоқадорлик белгисида бирор предметнинг белгиси бошқа предметнинг белгиси сифатида қабул қилинади. Масалан, қора кийим мотам белгисини билдиради.

Ақл ҳар учала белгини англаб олишда иштирок этади. Сўз белги сифатида бирон бир маънони ифодалайди. Шунга кўра маънони фарқлашнинг уч тури мавжуд: розилик белги, мазмун белги ва зарурият белгиси.

Розилик белги сўз-белги ҳисобланадики, у қандай келишган бўлса, шуни ифодалайди. Масалан, *уй* сўзи келтирилганда, унинг хоналари, эшиги, деразаси, томи кўз олдимизга келади.

Мазмун белги ҳам сўз-белги бўлиб, у маънонинг қисмини ифодалайди. Масалан, бирор киши уйининг девори қулаган бўлса, *уйим қулади* дейиш билан унинг девори назарда тугилади.

Сўз билан алоқадор бўлиб, сўз-белги ифодалаган тушунчадан ташқи белги саналиб, у зарурият белгисидир. Масалан, биз ҳар доим «шифт» ҳақида гапирганимизда «девор» сўзи кўз олдимизга келади.

Ибн Сино сўзларни икки гуруҳга ажратади: содда ва мураккаб сўзлар. Ибн Сино содда ва мураккаб сўзлар йиғиндиси гапни ташкил қилади, дейди.

Мураккаб сўзлар ўзининг қуйидаги хусусиятига эга:

1. Мураккаб сўзлар ўз белгиларига эга. Масалан, *Ҳасан математикдир*. мураккаб сўз. У уч қисмдан иборат: *Ҳасан*, *математик* ва *дир*.

2. Мураккаб сўзнинг маъноси ва моҳияти ҳам бўлакларга ажралади. Масалан, *Ҳасан математикдир* гапида бир неча образ ўз ифодасини топган: «Ҳасан « образи, «математик» образи ва математиклик тушунчасининг Ҳасанга тегишлилиги.

3. Мураккаб сўзнинг қисми маънонинг қисмини кўрсатади. Юқорида келтирилган мисолда «Ҳасан» маълум кишини, «математик» унинг фаолиятининг турини кўрсатади.

Санаб ўтилган шартларнинг бирортасидан ажралган сўз Ибн Сино фикрича, содда сўзга айланади.

Содда сўзларни у уч гуруҳга ажратади: исм, феъл ва юклама.

Мустақил маънога эга бўлган алоҳида олинган сўз исм саналади: *она, ота, ўғил, тош* кабилар.

Маълум замон маъносини ифодаловчи сўз феъл ҳисобланади: *келди, ўтди, ишлади* каби.

Бир сўзнинг бошқаси билан алоқасини ифодалашга хизмат қилувчи мустақил маънога эга бўлмаган сўзлар юклама саналади: *аммо, лекин, ва, ҳам, билан* каби.

Ибн Синонинг тилшунослик қарашлари мантиқ асосида қурилган бўлиб, ҳар қандай тушунча, ҳукм сўз, сўз бирикмаси, гап орқали ифодаланади.

Ибн Синонинг фонетикага тегишли фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Абу Али Ибн Синонинг фонетикага бағишланган «Асбоби худуд ал-хуруф «(ёки»Асбоб») асари мавжуд бўлиб, унинг бир неча қўлёзмалари бизгача етиб келган. Унинг энг қадимги қўлёзма нусхаси 1024 йилда кўчирилган.

Гарчи бу асар араб тили фонетикасига бағишланган бўлса ҳам, лекин унинг V бобида форс, турк ва бошқа тиллар материаллари ҳам қамраб олинади. Шунинг учун ҳам Ибн Синонинг мазкур асари Сибавейҳий асари сингари ўзига қадар бўлган филологларнинг асарларидан фарқли равишда умумий фонетика масалаларини ёритишга бағишланганлиги билан ажралиб туради.

«Асбоб» асари араб тилшунослиги анъанасидан товушларнинг физиологик ва акустик томони ўрганилиши билан фарқланади. Асарнинг араб тилшунослиги асарларидан яна бир фарқли жиҳати шундаки, унда артикуляция томонидан яқин бўлган ва акустик белгисига кўра фарқланувчи ундошларнинг ўхшаш ва фарқли белгилари очилади. Масалан, к-г, қ-ғ каби. Бу шуни кўрсатадики, Н. С. Трубецкойдан бир неча асрлар олдин Марказий Осиё филологлари томонидан коррелятив ундошлар ажратилган ва ундош фонемаларни белгилашда асосий тамойил сифатида фойдаланилган.

Ибн Сино асарида турли ўзгаришлар билан талаффуз қилинувчи товушлар вариант билан фарқланиши кўрсатилади. Хусусан, г-г, i-i товушлари бир умумийликнинг икки хил кўриниши эканлигини баён қилади.

Ибн Синонинг «Асбоб» асари кириш ва олти бобдан иборат. Асарнинг кириш қисмида унинг ёзилиш сабаблари, анъанага кўра кимнинг шарафига ёзилганлиги баён қилинади. Асар Абу Мансур Муҳаммад ибн Али ибн Умарга бағишланган. Муаллиф шу қисмда рисола куйидаги олти бобга ажратганини баён қилади:

1. Товушнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида.
2. Нутқ товушларининг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида.
3. Бўғиз ва тилнинг анатомияси ҳақида.

4. Айрим араб товушларининг пайдо бўлишидаги ўзига хос хусусиятлар ҳақида.

5. Бу товушларга ўхшаш нутқ товушлари ҳақида.

6. Бу товушларнинг нутқий бўлмаган ҳаракатларда эшитилиши ҳақида.

Рисоланинг биринчи бобида, умуман, товушнинг пайдо бўлиши тўғрисида фикр юритилади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай товуш ҳавонинг тўлқинсимон тебраниши натижасида пайдо бўлади. Ҳавонинг тебранишида эса бир жисмнинг иккинчи жисм билан тўқнашуви (кар) ёки ҳар бир жисмнинг иккинчи жисмдан узилиши (кал) муҳим роль ўйнайди. Ҳар икки ҳолда ҳам ҳавонинг тўлқинсимон тебраниши рўй беради. Икки жисмнинг тўқнашуви жараёнида тўқнашувчи жисмлар ҳавони қисиб, муайян куч ва тезлик билан ҳаракат йўналиши томон тезроқ фазони бўшатишга мажбур қилади. Бу жисмнинг иккинчи жисмдан узилиши натижасида ҳам узилаётган жисмлар қисилган ҳавони муайян куч ва тезлик билан ҳавони бўшатишга мажбур бўлади.

Ҳар икки ҳолда ҳам узоқлашаётган ҳаво шакл ва тўлқинни ҳосил қилиши лозим бўлади. Тўқнашув натижасида ҳосил бўлган тўлқин узилиш натижасида ҳосил бўлган тўлқиндан кучлироқ тарқалади. Кўринадик, у табиатдаги товушларнинг қандай пайдо бўлишини биринчилардан бўлиб илмий асослаб берган.

Муаллиф физик товушлар билан нутқ товушларини бир-биридан фарқлайди ва физик товушни **савт**, нутқ товушларини **ҳарф** атамаси билан номлайди.

Унинг фикрича, савт ва ҳарф пайдо бўлишига кўра ўзаро умумий ва, шу билан бирга, ўзига хос белгиларга эга. Умумийлиги шундаки, ҳар икки жисмнинг қисилиши ёки очилиши, ҳавонинг тебраниши натижасида ҳосил бўлади. Ўзига хос томони шундаки, ҳарф нутқ органлари томонидан талаффуз қилинади. Асарда таъкидланишича, ҳарф - баландлик ва тон бўйича, ўхшаш товушларнинг эшитилиши бўйича бир-биридан фарқланади.

Ибн Сино нутқ товушларини ҳосил қилувчи уч жиҳатни кўрсатиб ўтади:

1. Кўкрак қафасида ҳосил бўладиган диафрагма ва кўкрак мускуллари орқали ҳаракатга келадиган ҳаво тўлқини.
2. Ҳаво тўлқини нутқ органларининг турли нуқтасида тўсиққа учрайди.
3. Товуш турлича тембр оттенкани берадиган ва турли акустик белги (масалан, *dīnāi* «акс-садо» *ḡunna* «назаллик») ҳосил қиладиган резонатор. Юқоридаги уч жиҳат бугунгача фонетикага бағишланган асарларда такрорланиб келмоқда.

Ибн Сино нутқ товушларини таснифлар экан, унли ва ундош товушларни бир-биридан фарқлайди. Унлилар учун **musannita**, ундошлар учун **samita** атамаларини қўллайди. У араб тилидаги йигирма саккизта ундош, учта унли фонемаларни ажратади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, араб тилшунослигида Ибн Синога қадар унлилар алоҳида фонологик бирлик сифатида қаралмасдан, ундошларнинг таркибий қисми сифатида ўрганилган.

Фонемаларни ундош ва унлиларга ажратиш Ибн Синонинг жаҳон тилшунослиги ривожига катта хизмати, деб баҳоланмоғи лозим.

Ундошлар пайдо бўлиш ўрни, усули, акустик хоссаси ҳамда чўзиқлик, сифат ва миқдор белгиларига кўра портловчи ва сирғалувчиларга бўлинади. Портловчилар «bi hams tam» тўлиқ тўсиқни ёриб ўтиш орқали ҳосил бўлади. Сирғалувчилар «bi hams gair tamm» эса, муаллиф фикрича, ўпкадан чиқаётган ҳавонинг тўлиқ бўлмаган тўсиқдан сирғалиб ўтиши орқали пайдо бўлади. Араб тилидаги 12 ундош портловчи саналади: q, g, d, d, t, t, b, m, n, l; қуйидаги 16 та сирғалувчи саналади: h, g, h, h, g, s, s, z, t, d, z, t, u, i, r.

Акустик белгисига кўра ундошларни жарангли (maghura) ва жарангсиз (magmusa)ларга бўлади. Лекин бу белгиларга кўра ундошларга изчил тавсиф бермайди.

Ибн Сино ундошларни пайдо бўлиш ўрнига кўра шарҳлайди. Араб тилшунослиги ундошларнинг таснифида артикуляция ўрни (махраж)га етакчи белги сифатида қараб, 16та пайдо бўлиш ўрнини ажратади. Лекин Ибн Сино ўзига хос йўлдан боради. У ҳар бир ундошнинг ўзига алоҳида тавсиф беради. Ундошлар тавсифи бўғиз ундошларидан бошланиб, лаб ундошлари билан тугайди.

Ундошлар чўзиқлик белгисига кўра, содда ундошлар (mufrada) ва мураккаб ундош (murakkaba)га бўлинади.

Ўпкадан чиқаётган ҳаво тўлиқ тўсиқни ёриб ўтишидан ҳосил бўлган ундош содда ундош ҳисобланади; тўлиқ бўлмаган тўсиқдан қисилиб ўтиши натижасида пайдо бўлган ундош эса мураккаб ундош ҳисобланади. Шундай қилиб, сирғалувчи ундошлар мураккаб ундошларга тўғри келади. Шуни таъкидлаш жоизки, Ибн Сино ундошларнинг артикуляциясига тўхталар экан, назаллашишга ҳам алоҳида эътибор беради. Назалликни ифодалаш учун gunna атамасини қўллайди. М ва Н ундошлар талаффуз қилинганда бир қисм ҳаво бурун орқали ўтишини ва бундай ундошлар назал (gunna) ундошлар эканлигини таъкидлайди.

Ибн Сино бўғиз ва тил ҳақида батафсил маълумот беради. Бўғиз (handara) уч тоғайдан (gudruf) иборат эканлигини кўрсатади: 1) қалқонсимон (dd-daragi); 2) номсиз (adim al-ism, al-ladi la smi ladu); 3) чўмичсимон (al-targahali). Асарда бўғизнинг қуйидаги ҳаракатлари кўрсатилади:

1. Бўғизнинг торайиши. Номсиз тоғай қалқонсимон тоғайга яқинлашиб, унга қисилиши натижасида бўғизнинг торайиши юз беради.

2. Бўғизнинг кенгайиши. Номсиз тоғай қалқонсимон тоғайдан узоқлашиши натижасида юзага чиқади.

3. Бўғизнинг ёпилиши. Чўмичсимон тоғайнинг қалқонсимон тоғай устига ёпилиши натижасида рўй беради.

4. Бўғизнинг очилиши. Чўмичсимон тоғайнинг қалқонсимон тоғайдан узилиши натижасида ҳосил бўлади.

Юқоридаги ҳаракатлар бевосита бўғиз мушаклари иштирокида амалга ошади. Бўғиз мушаклари эса икки гуруҳга бўлинади: 1) бўғизнинг ўз мушаклари; 2) бўғизнинг ташқи мушаклари. Муаллифнинг кўрсатишича, бўғиз ҳаракатида 22та мушак иштирок этади. Улардан олтитаси бўғизнинг

очилиши, тўрттаси ёпилишида, олтитаси торайишида, олтитаси кенгайишида катнашади.

Ибн Сино тилнинг (lisan) нутқ органи сифатида тузилишига ҳам атрофлича маълумот беради. У тилни қуйидаги қисмларга бўлади:

1. Тил асоси, тилнинг орқа қисми(Asl al-lisan);
2. Тилнинг танаси. У бевосита чуқур тил орқа билан туташади (Garm al-lisan). Тил танасининг ўзи қуйидаги қисмлардан иборат:
 - 1)Тил орқа (Al-guz al).
 - 2)Тил ўрта (Wosat al-lisan).
 - 3)Тил учи (Toraf al-lisan).
 - 4)Тил усти (Soth al-lisan).
 - 5)Тил ёни (Dil al-lisan).

Муаллиф тилнинг ҳаракатида саккиз мушак иштирок этишини баён қилади.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Ибн Синонинг нутқ товушларида иштирок этадиган нутқ органлари ҳақида кенг маълумот беришида унинг одам анатомиясидан катта тажрибага эга бўлганлиги сабаб бўлган.

Хуллас, Ибн Сино беқиёс табиб, ҳассос шоир, улкан муסיқашунос, йирик файласуф, физиолог олим бўлиши билан бирга, араб, форс, турк, лотин, суғд тилларининг билимдони, ажойиб тилшунос ҳам эди. Ўрта асрлар фанининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк файласуф сифатида фаннинг турли соҳаларида қалам тебратиб, улкан муваффақиятларга эришган. Қомусий олим сифатида фақат Шарқдагина эмас, балки Ғарбда ҳам маълум ва машҳур бўлди. Унинг илмдаги буюк хизматларига маҳлиё бўлган Микеланжело: «Бошқа олимларни маъқуллаб ҳақ бўлгандан кўра, Гален ва Ибн Синолар орқасидан эргашиб хато қилган яхшироқдир», -деган эди.

4. Вилгельм фон Гумбольдт таълимоти. «Германиянинг энг буюк шахсларидан бири» баҳосини олган (Хрестоматия 1936: 65) Вилгельм фон Хумбольдт – умумий тилшунослик фанининг асосчиси. Шунингдек, у киёсий-тарихий ва типологик таҳлил методларининг назарий асосларини ҳам яратган олимдир.

Олим ўз ҳаёти жараёнида тилшунослик, адабиёт назарияси, фалсафа каби фан соҳалари бўйича илмий ишлар яратди, сиёсат ва дипломатия соҳаларида фаолият кўрсатди, Берлин университетига асос солди (ҳозирги кунда бу ўқув юрти унинг номи билан аталмоқда).

Хумбольдтнинг тилшуносликка оид билимлари доираси ниҳоятда кенг эди. У қатор Европа тилларидан ташқари, бошқа оилаларга кирувчи бирмунча тилларни ҳам (жумладан, баск, полинезия, Америка хиндуларининг тиллари) мукамал билар эди. Бундай лисоний қобилият ва билим миқёси албатта буюк тадқиқотлар яратиш имконини беради. Натижада, Хумбольдт назарий тилшуносликка оид қатор муаммоларни муҳокамага қўйди, уларнинг ечимини излаш йўллари кўрсатди ва шу йўсинда тилшунослик фанининг кейинги ривожига улкан ҳисса қўшди. Бу

борада уни бутун бир тилшунослик мактаблари фаолиятига катта таъсир кўрсатган Бопп, Соссюр, Фортунатов, Бодуэн де Куртенэ каби фан дарғалари қаторига киритиш лозим бўлади.

Хумбольдт 1820 йилда Берлин университетида ўқиган «Тилларни турли даврлардаги ҳолатига нисбатан қиёсий ўрганиш» мавзусидаги маърузасида ўзининг лисоний тадқиқотларга оид дастурини эълон қилди ҳамда тил ҳақидаги фаннинг мазмуни, тадқиқот объектини чегаралаш масаласини алоҳида таъкидлади.

Кейинги йиллар давомида Хумбольдт «Ҳарфли ёзув ва унинг тил тузилиши билан боғлиқлиги» (1824), «Жуфт сон ҳақида» (1827), «Инсон лисони тузилишининг турлилиги» (1827-1829) илмий ишларини яратди. У умрининг охириги йилларида Ява оролидаги кави қабиласининг тили ҳақида уч томли рисола устида ишлади ва бу асар унинг ҳаётидан сўнг (1836-1839) нашрдан чикди.

Афсуски, олим илмий меросининг катта қисмини ташкил қиладиган кўлёзмалар тўпламини тўлиғича ўрганиш тадқиқотчиларга насиб қилмаган экан. Бу эса Хумбольдт асарларининг академик нашрида ўз аксини топди ва XX аср бошларида чоп қилинган ўн етти томлик нашрда (W. Humboldt von/ Gesammelte Schriften. Berlin. 1903 – 1936. –Bd. 1-17) унинг кўлёзмалар архивидан тўлиқ фойдаланилмаган. Бунга сабаб биринчи жаҳон уруши бўлди, чунки кўлёзмалар турли жойларга тарқалиб кетди, катта бир қисми бутунлай йўқолди. Кейинги даврларда бу архив анча тикланди, илгари йўқолган баҳосиз кўлёзмаларнинг бир қисми топилди. Шунинг учун Хумбольдт илмий фаолиятини янада батафсилроқ ўрганиш масаласи долзарблашмоқда.

Бу борада, айниқса, Хумбольдт назариясининг исботи бўлиб хизмат қилган материалга эътибор қаратиш лозим. Ҳозиргача олимнинг аниқ тиллар материали таҳлилига асосланган илмий ишларига унчалик даражада эътибор берилгани йўқ. Ҳатто улар муаллиф асарлари академик тўпламига ҳам киритилмаган, баск тили ҳақидаги тадқиқотлардан фақатгина айрим парчалар берилган. Хумбольдт шахсий архивининг сақланган қисмида Америка ҳиндуларининг тиллари, Океания тиллари, санскрит, мўғул, хитой, япон ва бошқа тиллар грамматикаси ҳақидаги қарийб 50 га яқин кўлёзма сақланади. Бу, сўзсиз, олимнинг назарий ғоялари ниҳоятда катта миқдордаги тил материалини таҳлил қилиш, уларни қиёсий ўрганиш натижасида юзага келганлигидан далолат беради ва олимнинг илмий фаолиятини ўрганишда буни эътиборга олмасликнинг иложи йўқ.

Бундан ташқари, Хумбольдтнинг архивида катта миқдордаги хатлар, шахсий ёзишмалар нусхалари ҳам мавжуд. Бу мерос ҳам ҳозирча нашр қилинган эмас ва кенг жамоатчилик учун нотаниш бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, шахсий номаларнинг тилшунослик учун илмий манба бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Бу турдаги номалар XIX асрда ҳозирги пайтда илмий журналлар, конференциялар зиммасига тушадиган вазифани бажарганлиги сир эмас. Айнан хатлар илмий ахборот алмашинув воситаси бўлган.

Хумбольдт Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида ижод қилаётган кўплаб ҳамкасблари билан ёзма мулоқотда бўлган. Бу эса унинг ўша давр илмий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганидан далолат беради. Шу сабабли ҳозирги замон тилшунослиги учун Хумбольдт архивининг илмий ўрганилиши ва нашрга тайёрланиши ниҳоятда муҳимдир. Қўлёзмалар таҳлили асосида олимнинг лингвистик тафаккури тараққиёти босқичлари, унинг илмий ғояларининг шаклланиш жараёни ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш ҳамда унинг тилшунослик фани тараққиётига қўшган ҳиссасига одилона баҳо бериш имконияти пайдо бўлади.

Хумбольдт эпистоляр меросининг илмий қиймати қанчалик юқори эканлигига оддий бир мисол тариқасида унинг фаранг хитойшуноси, биринчи хитой тили грамматикасининг муаллифи (1822) М.Абель - Ремюзага йўллаган хатини кўриш мумкин. Ушбу хатни 1979 йилда нашрга тайёрлаган олмон таржимони ва ношири К. Харбемайер (Қаранг: Humboldt W. Von 1979) ушбу нома тилшуносликнинг умумназарий муаммолари нуқтаи назаридан муҳим манба эканлигини қайд этади, аммо унинг мазмуни фақатгина мутахассислар учун тушунарлидир.

Ушбу номанинг мазмуни қуйидагилардан иборат: европалик мутахассислар хитой тили билан илк бор танишганларидаёқ (XVII асрда), унинг тузилиши ҳақидаги маълумотлардан тилшуносликнинг умумназарий хулосалари шаклланишида фойдалана бошлашди. Маълум даврда ҳатто ушбу тилни умумбашарий (универсал) тил яратиш лойиҳасига асос қилиб олиш режаси ҳам тарқалди. Бу борада, айниқса, Г.В. Лейбниц анчагина жонбозлик кўрсатди.

Хумбольдт хитой тили билан айнан фаранг тилшуноси М.Абель-Ремюзе маслаҳати билан шуғуллана бошлаган. Хитой тилини ўрганган Хумбольдт ушбу тилни билиш умумий тилшунослик учун муҳим эканлигини доимо таъкидлаб келган. Бундан ташқари, олим хитой тилини ҳинд- европа тиллари билан (масалан, юнон тили) қиёсий ўрганишни маъкул кўради. Тўғри, бир тилга хос категорияларни ўзга тил қурилишига мослаштиришнинг (бу тилшуносликда «эгоцентризм ҳодисаси» номини олган) жуда хавфли услуб эканлиги маълум. Аммо, Хумбольдтнинг фикрича, тафаккур категориялари айнан юнон тили қурилишида ўз аксини аниқроқ топади. Хумбольдт юнон тилига хос грамматик категорияларнинг «изи»ни хитой тили тизимида бўлмаса ҳам хитой тафаккуридан излашга ҳаракат қилади: «Сўзларда грамматик категориялар ҳақида бирор бир тасаввурга эга бўлмасликнинг иложи йўқ» (Хумбольдт 1979: 15).

Ф.Маттсон Хумбольдтнинг тўртта хати қўлёзмасини нашрга тайёрлаб, уларга изоҳлар берган. Ноширнинг қайдича, Хумбольдт славян тиллари билан бир қаторда, жанубий Америка тилларини ва баск, лўлилар тилини тадқиқ қилишнинг илмий жиҳатдан муҳимлигини айтади. Шу ернинг ўзида Хумбольдт қиёсий грамматикани яратиш учун болтиқ тилларига ҳам мурожаат қилиш кераклигини уқтириб ўтади (Mattson 1975).

Нашр қилинган хатларида Хумбольдт чех олими Йозеф Добровскийнинг (Dobrovsky 1753-1829) қўлланмаси асосида чех тилини

ўрганганлигини эслатиб ўтади ва Добровскийнинг асарини Якоб Гриммнинг «Немис тили грамматикаси» билан қиёслайди.

Хумбольдт илмий ғояларининг негизида ўша давр учун етакчи бўлган фалсафий методологик қарашлар туришини унутмаслик лозим. Хумбольдтнинг етук олим бўлиб шаклланишига энг кўп таъсир кўрсатган фалсафий асарлар И. Кантнинг «ғоя танқиди»га оид тадқиқотларидир. Булар каторига файласуфнинг билиш назарияси ва амалиёти, этика, эстетика ва табиат ривожига бағишланган асарлари киради.

Хумбольдт талқинича, тиллар халқлар ва алоҳида шахсларнинг ижод маҳсули, чунки тил нутқий фаолият жараёнида юзага келади. Тиллар – шаклан миллий. Олим лисоний анъана ҳодисасининг муҳимлигига эътиборни қаратади. Чунки, тил–авлоддан авлодга мерос. У тил ва унинг соҳиби бўлган жамоа муносабатини билиш зарурлигини таъкидлайди, зеро, тил тизимидаги умумийлик ва хусусийлик белгилари айнан жамоа ва шахс муносабатларига бориб тақалади. Бу муносабатлар асосида, ўз навбатида, тил тизимининг ижтимоий ва индивидуал хусусиятлари қарама-қаршилиги (антиномияси) шаклланади.

Хумбольдт томонидан ажратилиши таклиф қилинган навбатдаги антиномиялар тил ва нутқ қарама-қаршилиги (тил бир бутун ҳодиса сифатида нутқий фаолиятдан фарқ қилади) ҳамда нутқ ва тушуниш (қобилияти) қарама-қаршилигидир (ягона бир тил бирлигини сўзловчи ва тингловчи бир хилда тушунишмайди). Нутқий мулоқот жараёнидаги бир-бирини англашга эса аниқлаштирувчи (конкретлаштирувчи) маъно бирликлари воситасида эришилади. Тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини Хумбольдт улар бажарадиган вазифалар ҳамоҳанглигида кўради, зеро, тил ҳам худди тафаккур сингари ижодий жараёндир.

Умуман, И.Кант таълимоти, «соф ақл» зиддиятлари ҳақида таълимот сифатида фанлар методологияси мазмунига катта таъсир ўтказган. Кантнинг қайдича, оламнинг яхлитлиги нимадан иборат қабилидаги саволга мантиқан жавоб излаш, сўзсиз, бири–иккинчисини инкор этувчи турли жавоблар пайдо бўлишига олиб келади. Худди шу ҳолат Хумбольдтнинг антиномиялар (лисоний зиддиятлар) ҳақидаги таълимотида ҳам мавжудлигини пайқаш мумкин.

Хумбольдт назарий ғояларининг шаклланишида яна бир олмон файласуфи Ф.Шеллингнинг ҳам таъсири кучлидир. Натурфалсафа (табиат фалсафаси) оқими вакилларида бири Ф.Шеллинг таълимотининг негизида руҳ ва табиатнинг айни бир нарса эканлиги ҳақидаги ғоя ҳамда онгнинг абсолютлиги ҳақидаги тушунча ётади. Олим материянинг ўзи руҳан мавжуд деб ҳисоблайди. Мутлақ (абсолют) онгда субъект ва объект чамбарчас боғлиқ, натижада, субъект ва объект ажралмас яхлитликни ташкил қилади, уларни бир-биридан ажратишнинг имкони йўқ. Шеллинг натурфалсафаси ўргатишича, онгдан холи бўлган табиат олдиндан мавжуддир, онг – иккиламчи. Онгнинг пайдо бўлиши эса тараққиёт жараёнининг маълум босқичларида юзага келган ҳодиса.

Хумбольдт илмий таълимотининг шаклланишида Гегель фалсафаси ҳам ўз таъсирини ўтказган. Маълумки, ушбу фалсафа руҳнинг субъективлиги (антропология, психология) ва объективлиги (ҳуқуқ, маънавият, давлат) ҳамда абсолютлиги (санъат, дин, фалсафа) ҳақидаги ғояларини тарғиб қилади.

Гегель материя ва онгнинг ҳар иккиси ҳам бирламчи эмаслигини таъкидлайди. Тафаккур барча мавжуд ҳодисалар манбаи сифатида инсон идрокидан холи ҳолдаги объектив ҳодисадир. Дунёнинг моддий асосини ташкил қилувчи илк умумийлик - борлик ва тафаккур умумийлигидан бошқа ҳеч нарса эмас. Лекин бу умумийлик бошиданок объективлик ва субъективлик ўртасидаги фарқни ҳам инкор этмайди.

Тафаккур бир босқичдан иккинчисига томон узлуксиз тараққий этиб боровчи билиш жараёнидир. Тафаккурнинг энг юқори тараққиёт босқичи («абсолют ғоя») руҳнинг мутлақлигидир. Бу «ғоя» бутун инсоният тарихи жараёнида «ўзликни англаш» сифатида тараққий этади.

Хумбольдт инсоният тарихи ҳақидаги «гегелча қарашлар»ни ёқлайди ва улардан турли халқлар маънавий бойлигининг ўзига хослиги, тилларнинг турли-туманлиги, тил ва тафаккур муносабати каби муҳим масалалар талқинида фойдаланади. Унинг фикрича, тил материянинг «изи», «тамғаси» тушган «руҳ фаолиятидир». Тил ҳам, нутқ ҳам бирламчи эмас. Хумбольдт таълимотида «руҳ» тушунчаси етакчи категория, аммо унга бирор бир аниқ тавсиф берилмаган. Масалан, «халқ руҳи» тушунчасининг, тил табиатини инсон умумий фаолиятининг шакли «намунаси» тарзида талқин қилиниши бунинг мисолидир. Инсон руҳининг умумий ғояси аниқ ҳолатларда халқ руҳи шаклида намоён бўлади ва бу ҳолатларни бевосита идрок қилиш, билиш имкони мавжуд. Халқ руҳини ифодаловчи восита эса миллий тилдир.

Хумбольдт даври фалсафасида «халқ руҳи» тушунчаси доирасига халқнинг бутун маънавий, маданий ва интеллектуал мероси, тафаккур бойлиги киради. Бу қатордаги қадриятларни Хумбольдт жамиятнинг аслдан эга бўлган интеллектуал маънавий, таркибий элементлари сифатида қарайди ҳамда ана шу қадриятлар мажмуаси миллат маданиятининг негизини ташкил қилади деб ҳисоблайди. Халқ (миллийлик) тушунчаси тарихий воқеалардан ажратилган ҳолда қаралиши мумкин, худди шунингдек, тил тушунчаси ҳам мавҳум мазмунда талқин қилинади. «Тил, - деб ёзади Хумбольдт - бутун таркибий тузилиши билан миллий руҳнинг ижодий маҳсулидир». Бир оз кейинроқ «Руҳнинг миллийлиги ва тил қурилиши бир-бири билан шунчалик даражада чамбарчаски, уларнинг бири мавжуд бўлганда, иккинчисининг бўлиши муқаррар». Тил миллат руҳининг ташқи киёфасидир, «миллат тили унинг руҳи ва миллат руҳи унинг тилидир – бундан ортиқроқ бир-бирини такрорловчи ҳодисаларни тасаввур қилиш қийин» деб қайд қилади (Қаранг: Звегинцев 1960, 1-қисм: 71).

Вилгельм фон Хумбольдтнинг тил фалсафаси ҳақидаги таълимоти. Вилгельм фон Хумбольдт илмий меросининг умумфалсафий имкониятлари ва бойлиги ҳозирча нафақат тўлиқ ўрганилмаган, балки унинг моҳиятини ҳам тўлиғича англаб етганимиз йўқ. Лекин унинг барча асарларида фалсафа ва,

айниқса, лисоний фалсафанинг долзарб муаммоларига оид фикрлар мавжудлигини унутмаслик лозим (Хумбольдт 1985).

Хумбольдт (1767-1835) замонавий тилшуносликнинг пойдеворини яратган олимдир. Хумбольдт – ўз умумий тилшунослик назариясини яратаётиб, лисоннинг ўзгарувчанлик ва ижодкорона табиатини умумлаштирувчи фаолиятга боғловчи моҳиятини алоҳида таъкидлайди. Лисоннинг фаолият эканлигини олим қуйидагича таърифлайди: «миллат ҳаётини таъминловчи ҳодисаларнинг кўпчилиги – яшаш жойи, об-ҳаво, дин, давлат тузилиши, удумлар ва анъаналар маълум даражада миллатнинг ўзидан ажратилиши, ҳатто узоқлашиши мумкин. Лекин фақат биргина бошқача табиатга эга бўлган ҳодиса – миллатнинг нафаси, қалби бўлмиш тил у (миллат – Ш.С.) билан бир пайтда пайдо бўлади. Унинг (тилнинг – Ш.С.) иш фаолияти маълум муҳитда кечади, шу сабабли биз унга фаолият ёки фаолият маҳсули сифатида қараймиз» (Гумбольдт 1984: 303).

В.Хумбольдт – дунё маънавий маданиятида алоҳида аҳамиятга эга бўлган шахсдир. У олға сурган ғоялар ҳозирги маданият учун фақатгина тарих эмас, балки маданиятнинг ҳозирги кунидир. Хумбольдт инсонпарварлик фалсафаси ва тилшунослиги соҳасидаги янги тафаккур парадигмаларининг асосчиси. Ушбу парадигма доирасида замонавий фалсафий ва илмий тафаккур ўз тараққиётини давом эттирмоқда.

Маълумки, XIX аср тилшуносликда илмий таҳлил методларининг тараққиёти давридир. Айнан шу даврда дунё тиллари бўйича эмпирик материал тўпланиши билан бир қаторда, назарий ғоялар шаклланиши ҳам кузатилади. Тўпланган материал таҳлили асосида илмий-назарий ғояларни шакллантирган биринчи олим Хумбольдт бўлди. Унинг ижодий фаолияти ҳақида кўплаб (баъзан бир-бирига қарама-қарши) фикрлар билдирилган (Қаранг: Welhelm von Humboldts Sprachdenken, 1989). Шунинг билан биргаликда, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги тилшунослик фани тараққиёт даври учун хос бўлган қиёсий тарихий метод Хумбольдт илгари сурган илмий ғояларда ўз аксини топмаганлигини ҳам унутмаслик лозим. Бу эса, ўз навбатида, Хумбольдтнинг асосий асарини нашрга тайёрлаган олимлар А.Потт ва Г.Штейнталлар ўртасидаги мунозарага сабаб бўлди. Ушбу нашрга қарийб 500 саҳифалик «Кириш»ни тайёрлаган А.Потт Хумбольдт асарларига дурустроқ изоҳ беролмади, чунки бутун умри тарихий тилшунослик ва сўзлар тарихи (этимология) билан шуғулланган Поттнинг тадқиқот йўналиши Хумбольдтнинг фалсафий тафаккури билан мос келмаслиги муқаррар эди. Штейнталь (1956) қаламидаги асар эса Хумбольдт мероси илмий таҳлиliga нисбатан қўйилган дастлабки қадамлардандир ва ушбу асар ҳозиргача тилшунослар учун Хумбольдт илмий қарашларини ўрганишга киришиш «мўлжали» вазифасини ўтаб келмоқда.

Умуман, Хумбольдт ғоялари чуқур фалсафий маданий негизга эга. Буни биз унинг илк асари «Тафаккур ва нутқ ҳақида» матни билан танишгандаёқ сезамиз. Олимнинг илмий мушоҳадасида тадқиқот объектига мантикий ва антропологик ёндашувлар омухта бўлиб кетади. Хумбольдт катта грамматик тузилмаларни ҳам (тарихий ёки типологик нуқтаи назардан

ўрганилишидан қатъий назар) доимо инсоният тараққиётининг умуммаданий истиқболи нуқтаи назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Айнан шу билан у ўз даврдошларидан кескин фарқ қилади.

Хумбольдт, сўзсиз, ўз давридан ўзиб кетган олимдир, зеро, унинг илмий хулосалари замондошларидан кўра кўпроқ тилшунослик фани тараққиётининг кейинги даврларида юзага келган йўналишлар учун «тамал тоши» хизматини ўтаб келмоқда. Буни биз замонамизга хос илмий тадқиқот методлари шаклланишида сезиб турибмиз.

Тилнинг фалсафий талқини унинг моҳиятини ва бажарадиган вазифаларини методологик асослаш ҳамда унинг мавжудлигини белгиловчи асосий шарт-шароитлар, қонуниятлари, фаолият шакллари аниқлаш билан боғлиқдир. Ушбу муаммолар ечимини топиш услуб - методлари фалсафа ёки тилшунослик (семиотика) доирасида шаклланади ва ҳар қандай ҳолда ҳам инсоният маънавий-интеллектуал фаолиятининг муҳим соҳалари бўлмиш бу икки фан соҳалари тамойиллари амал қилади. Хумбольдт фалсафий назарияни конкрет илмий тадқиқот услублари билан бойитган ҳолда тил тизими «тилсимот»ларини очишнинг янги йўллари аниқлаш таклиф қилди. Хумбольдт лингвофалсафий назарияси унинг томонидан таклиф қилинган инсон ҳақидаги фалсафий назариянинг негизини ташкил қилади. Бу назария ўз даврида И.Кант томонидан қўйилган «Инсон ким (нима)?» саволига ўзига хос жавобдир. Инсоннинг ким эканлигини билиш учун Хумбольдт фикрича, инсонни инсонга айлантирувчи кучни аниқлаш лозим. Бундай кучни у лисонда кўради, инчунин, лисон инсон руҳининг фаолияти сифатида қаралади. Лисон инсон борлигини тўлиғича қамраб олувчи миллатнинг яхлит қувватидир.

Инсон ва лисоннинг чамбарчас алоқасини эътироф этган Хумбольдт икки муҳим методологик тамойилни қабул қилишга ундайди: 1. Лисон тадқиқисиз инсонни билиш мумкин эмас; 2. Лисон табиатини билиш ва тушунтиришга фақатгина инсон ва унинг дунёсига таянган ҳолда эришиш мумкин. Биринчи тамойил Хумбольдтнинг инсон ҳақидаги таълимоти (киёсий, умумий ва фалсафий антропология) асосини ташкил қилади. Иккинчиси эса олимнинг тил ҳақидаги лингвофалсафий назарияси шаклланишида асос хизматини ўтайди.

Ҳар бир назария пойдеворини асосий тамойил ташкил қилади. Бу тамойилнинг методологик вазифаси тадқиқот объекти ўрин олган воқеликни чегаралаш, унга яхлитлик кўринишини беришдир. Асосий тамойил тўғри танланганда, тадқиқот объекти назарий концепциянинг қонуниятларига бўйсунди, унинг зарурий элементи айланади. Тилнинг инсон тафаккури ва маданиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланувчи Хумбольдт назарий концепциясида тилнинг табиати ва мавжудлиги сифатида инсон универсуми (дунёси) қабул қилинган. Тил фалсафасидаги антропологик тамойил бевосита бошқа икки тамойил – трансценденталлик ва имманентликка – қарама - қаршидир. Бу тамойиллардан биринчиси доирасида тил «Оллоҳ кашфиёти» сифатида талқин қилиниб, борлиқ устидан ҳукмронлик қилувчи кучлар ҳаракати билан боғланади ва натижада тил инсон мавжудлиги доирасидан

ташқари ҳодиса кўринишида тасаввур қилинади. Имманентлик тамойили асосида эса тил, аксинча, «ўзи – ўзида ва ўзи учун» мавжуд бўлган ҳодиса руҳини олади ҳамда унинг моҳиятини унинг ўз ички тузилишидан излаш керак.

Хумбольдтнинг тил тизимининг антропологик талқинига доир қарашларига биноан, яъни «тил онтологиясига инсоннинг киритилишида», инсон ва унинг олами тавсифи тил тизимини тасаввур этишнинг оддий назарий устқурмаси бўлмасдан, унинг муҳим таркибий қисмидир. Бунда инсон олами табиат дунёси билан қиёсда ва умумий яхлитликда қаралади. Уларнинг учрашув нуқтаси инсондир. Инсон, ўз навбатида, икки бошланғич белгига эга, биринчиси – табиатан физик, «тирик жон», иккинчидан – тил, маданият каби ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқ ҳодиса. Хумбольдт антропологиясида инсон жисмоний, руҳий, маънавий яхлитлик (бутунлик) ҳисобланади. Инсон ҳаракатчан, фаол, мустақил, онгли фаолият қобилятига эга бўлган, эркин жон (зот)дир. Маданият ва цивилизация – инсон фаолиятининг меваси. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам инсон руҳининг куч-қудрати тилда намоён бўлади, зеро, тил инсон зотининг ботинидан, «унинг табиатининг яширин жойларидан» куч олади.

Тилни инсон оламининг зарурий элементи сифатида таърифлаётган Хумбольдт ўз таълимотида тилнинг барча хусусиятларини инсон фактори билан боғлайди. Булар қаторига тил тизимининг вазифалари, пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиёти ҳамда ички тузилиш тамойиллари киради.

Тил пайдо бўлишининг энг биринчи сабаби, Хумбольдтнинг фикрича, инсоннинг ички эҳтиёжи, яъни олам ва бошқа шахслар билан муносабатга киришиш ҳам унинг руҳий юксалишини таъминлашдан иборатдир. Инсон ҳаётининг бу уч муҳим томони, биринчидан, тилнинг мавжудлигини белгиласа, иккинчидан, унинг асосий вазифалари мазмунини шакллантиради. Бу вазифалар қуйидагилар: 1. Изоҳловчи фаолият (инсонга дунёни идрок этиш, англаш ҳамда унга таъсир кўрсатиш имконини бериш); 2. Коммуникатив фаолият (инсонларга бир-бирига таъсир ўтказиш имконини берувчи муносабатлар ўрнатиш); 3. Ўз-ўзига таъсир (рефлексив) фаолият (инсон руҳий тараққиётини таъминловчи восита).

Олимнинг қайд этишича, инсон олами диалектик тартиботга эга. Диалектика қонуниятлари тил тизими тартиботининг асосини ташкил қилади. Тил моҳиятининг диалектик тартиботини Хумбольдт тилни ҳар томонлама тавсифловчи мазмуний қарама-қаршиликлар воситасида исботлашга ҳаракат қилади: 1. мавҳумлик – моддийлик (шакл ва материал); 2. ички – ташқи; 3. фаолият – маҳсулот; 4. тирик – ўлик; 5. эркинлик-боғлиқлик; 6. инвариант – вариант; 7. умумий –хусусий. 8. ижтимоий – шахсий; 9. захира – мавжуд; 10. чексиз (давомсиз) – чегараланган (тугалланган); 11. ички имконият – фаоллашув; 12. субъектив – объектив ва ҳоказо.

Ушбу мазмуний қарама-қаршиликлар негизида тил мавжудлигини қайд этувчи асосий антиномиялар шаклланади: 1. тил - ягоналик ва турли-туманлик хусусиятларини мужассамлаштиради; 2. тил – инсоннинг лисоний

қобилияти ва ушбу қобилиятнинг аниқ тил шаклида фаоллашувидир; 3. тил - фаолият эмонация (нур тарқатувчи) сифатида; 4. тил - энергия ва эргон сифатида; 5. тил – нутқ ва уни англаш.

Шундай қилиб, тил инсон учун туғма бўлган ва сўзловчи ҳаракати асосида фаоллашадиган лисоний қобилиятдир. Ушбу ғоя тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги олдиндан мавжуд бўлган икки ғояга қарши туради. Булардан бири тилнинг инсон томонидан махсус кашф қилинганлиги ҳақидаги вулгар антропологик назария бўлса, иккинчиси тил инсонга Оллоҳнинг иродаси билан тухфа қилинганлиги ҳақидаги ғоядир. Биринчи назария доирасида тил тўлиғича инсон руҳининг кашфиёти ҳисобланиб, рух инсоннинг ўз тили устидан ҳукмронлик чегараси эканлигини тарғиб қилади. Иккинчисида эса инсон лисоний ижод фаолияти бутунлай йўққа чиқарилади. Хумбольдт ўз лингвофалсафий қарашларида юқорида санаб ўтилган ғояларнинг (рационал) мағзини ташкил қилувчи фикрларини умумлаштиради, зарур бўлганда, улардан унумли фойдаланади. Бинобарин, тилнинг пайдо бўлишидаги инсоннинг нофаоллиги ҳақидаги ғоя лисоний қобилиятнинг туғма эканлиги ҳақидаги қарашда, тилнинг миллат учун тухфа эканлиги ҳамда тил руҳнинг нур тарқатувчиси сифатида қаралишида ўз аксини топади. Инсон руҳининг фаоллиги ҳақидаги ғоя тилнинг энергия (инсон руҳининг реал фаолияти) ҳамда тилни доимий юксалиш тараққиётидаги ҳодиса сифатида талқин қилинишида тараққий топди. Лисоний ижодда инсон фаоллиги ҳақидаги ғоя, Хумбольдт таклиф қилган туғма қобилият ролини чегаралаш лозимлиги ҳақидаги тамойилда акс топди. Тил, Хумбольдтнинг фикрича, инсонга фаолият турлари сифатида берилган ва лисоний фаолиятда тилнинг яратувчанлик қобилиятини белгиловчи қонуниятлар акс топади, яратилаётган материалнинг миқёси, миқдори чегараланмайди.

Субъектив фаоллик тамойили тил «ҳаёти»нинг энг муҳим соҳалари тавсифида акс топади. Булар қаторига тилнинг болалар томонидан ўзлаштирилиши, унинг катталар томонидан қўлланилиши, тирик ва ўлик тилларнинг ўрганилиши ҳамда нутқий мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини тушунишга эришиш кабилар киради. Хумбольдтнинг айтишича, инсонга тилни ўргатиб бўлмайди, уни фақатгина инсон қалбида уйғотиш мумкин. Инсон ҳар сафар тилни ўз ҳаракати билан яратади, у қандай яратилса, ҳаётда шундайлигича қолади. Лисоний қобилият нутқий мулоқот жараёнида уйғонади ва тил тизимида бевосита мавжуд бўлганлари руҳ фаолиятида тўлғазилади. Тилда ҳеч нарса қотиб қолмайди, ҳаракатсиз бўлмайди, ҳатто қотиб қолган бўлак ҳам тафаккур жараёнида «қайта туғилади», нутқда қайта «тирилади». Бир-бирини тушунишни суҳбатдошларнинг бир хилдаги тушунчаларни айнан англаш ҳодисаси сифатида талқин қилиш нотўғридир. Инсонлар бир-бирларини англашлари учун ҳамфикрликка эришишлари, ўзаро тафаккур юритишлари лозим. Сўз, тил бирлиги сифатида тингловчини ўз ҳаракати воситасида тушунча ҳосил қилишга ундайди. Ҳар қандай тил қайта ҳаётга келиш захирасига эга. Агарда тил ўлик тилга айланса, субъектнинг фаоллиги воситасида уни қайта ҳаётга келтириш мумкин. Қайта

«ҳолсизланиш» ҳолати юзага келганда ҳам буюк инсонлар заковати уни «уйқу оғушидан» тортиб олиши мумкин.

Инсон оламига хос умумий хусусиятлардан бири, Хумбольдт таъбирича, идеаллик ва материалликни бириктириш қобилиятидир. Инсон ва унинг фаолияти маҳсули тил айнан шу жараён кесимида қаралади. Инсон моҳияти руҳ ва жисм бирлигидан иборат, тилнинг мазмун моҳияти эса товуш ва онгникидан. Сўзнинг таркибида товуш ва тушунча бирикиб, жисмоний материя ва руҳий куч бирикишини такрорлайди.

Ҳар қандай назариянинг яхлитлиги асосий тамойиллар тадбиқи узвийлигида намоён бўлади. Асосий тамойилнинг нотўғри тадбиқ қилиниши эса ушбу тамойилнинг назария учун методологик жиҳатдан нолойиклигидан дарак беради. Асосий тамойил мос ва муқобил бўлганда барча назарий-методологик амалларнинг ўз ўрнида ижро этилиши таъминланади.

Ҳар бир назария доирасида ундаги асосий тамойилнинг ишчанлик қобилиятини аниқловчи муҳит юзага келади ва бу муҳитда тамойилнинг бузилиши шароити ҳам туғилиши мумкин. Тил моҳияти талқинида антропологик тамойилдан чекиниш ҳолларини ушбу майдоннинг чегарасидан жой оладиган ҳодисалар тавсифида учратиш мумкин. Бундай «чегара» ҳодисалар қаторига, масалан, тилнинг пайдо бўлиши масаласи ва унинг фаолиятини таъминловчи қурилмаларни аниқлаш киради. Биринчи ҳолатда тилнинг пайдо бўлиши инсондан юқори турган илоҳий кучлар билан боғланади. Иккинчисида лисоний фаолият тилнинг ўз ички «кучлари» ҳаракати натижаси деб қаралади.

Хумбольдт лингвофалсафасига хос бўлган назарий ғояларни шакллантиришнинг диалектик услублари қўлланиши асосида эришилган хулосаларга нисбатан лисоннинг барча кўринишлари турли антиномиялар (қарама-қаршилик)нинг амалиётда намоён бўлиши сифатида қаралади. Айнан шу антиномиялар антропологик тамойил учун «синов майдони» хизматини ўтайдилар. Дастлабки ёндашувда Хумбольдтнинг имманентлик тамойили асосида тилнинг ўз-ўзидан фаолият кўрсатувчи тизим сифатида таърифланиши тилнинг моҳиятини умумдиалектика нуқтаи назарига мос бўлмаган ҳолда талқин қилишнинг натижасидек туюлади. Айни пайтда, бу ғоя Хумбольдтнинг тил табиати ҳақидаги фикрлари занжирининг зарурий ҳалқасига ўхшайди. Бу – тилнинг инсон билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги ҳақидаги антиномиянинг бир қисмидир. Ушбу антиномия, ўз навбатида, мантикий асосланиши мунозараларга сабаб бўлаётган бошқа антиномиялар қаторидан ўрин олади. Бир томондан, Хумбольдт фикрича, тил бирор бир илоҳий куч билан боғлиқ эмас. У ўз-ўзидан фаолият кўрсатувчи тизим. Тил бирор шахс фаолиятининг маҳсули эмас, у руҳнинг эркин ҳаракати натижаси, у миллатга берилган инъом. Бошқа томондан, тил – инсон руҳининг фаолияти ва шу аснода у инсонга бўйсунди. Тиллар ўз соҳиблари бўлган халқларга қарамдирлар, уларнинг мулки.

Машҳур украин файласуфи ва тилшуноси А.А.Потебня Хумбольдт илмий таълимотидаги икки кўринишдаги антиномияда «илоҳий бошланишга» ишора борлигини қайд қилган (Потебня 1913: 32). Биринчидан,

Ҳумбольдт томонидан тилни халқ руҳи ижодий маҳсули ва халққа берилган тақдир инъоми сифатида талқин қилиниши «инсонийлик - илоҳийлик» антиномиясини ташкил қилади. Тилнинг пайдо бўлишини халқ руҳи фаолияти билан боғлаш тилни инсон фаолияти маҳсули сифатида кўришдан бошқа нарса эмас. Тилни халққа берилган инъом сифатида талқин қилиш, албатта, аввалги фикрдан ўзига хос чекинишдир ва, натижада, Ҳумбольдт «тилнинг инсон фаолияти маҳсули ҳақидаги фикрини назарий - амалий жиҳатдан сақлаб қололмади» (Потебня, ўша асар). Кейинги антиномия тил ва руҳнинг бир пайтнинг ўзида айри ва яхлит объект бўлиши билан боғлиқ. Потебнянинг фикрича, Ҳумбольдт таълимотида тил ва халқ руҳи илоҳий куч билан муқаррар боғланиши шарт эди, чунки миллат тилини унинг руҳи билан боғлашнинг имкони йўқ.

Юқорида эслатилган иккала антиномияни ҳам (инсонийлик – илоҳийлик; тил ва руҳнинг алоҳида ёки яхлитлиги), Потебня қайдича, муаллифнинг ўзи алоҳида шакллантиришга улгурмаган. Бунинг сабаби Ҳумбольдтнинг бирор бир шошилиш хулосаси эмас, балки унинг тил пайдо бўлишини трансцендентал манба билан боғлашни инкор этишга ундайдиган умумий фалсафий –методологик қарашларидадир. Аслини олганда, Ҳумбольдт файласуф ва тилшунос сифатида Потебня айтган хатоликларга йўл қўядиган олимлардан эмас эди. Ҳумбольдт – файласуф инсонни унинг дунёсига боғлаш мумкинлигини тарғиб этувчи фалсафий антропология соҳасининг асосчиларидан бири. У барча турдаги хусусийлик ва умумийлик зиддиятларини «инсоният»ни алоҳида фалсафий ҳодиса сифатида тавсиф қилиш асосида бартараф этиш мумкинлигини исботлади. Ҳумбольдт – олим инсоннинг билиш қобилияти имкониятлари чегарасидан ташқари бўлган барча ҳодисаларни (масалан, туғилиш ва ўлим) илмий изоҳ бериш ҳаракатидан йироқ эди.

Потебня санаб ўтган антиномиялар ҳам Ҳумбольдт назариясидан четда қолгани йўқ. Аксинча, улар антропологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган эди. Потебня инсонийлик – илоҳийлик антиномияси деб атаган тилни Ҳумбольдтча инсон руҳининг маҳсули, халққа берилган инъом сифатидаги талқин ҳақиқий антропологик назариянинг натижасидир. Бу тилда инсонийлик ва табиийликнинг умумлашуви исботидир. Ҳумбольдт фикрича, инсонга тилнинг ўзи эмас, фақатгина лисоний қобилият ҳадя қилинган. Бу қобилият туғма, аммо унинг ривожини инсон фаолияти қонуниятларига амал қилади.

Тил ва руҳнинг айримлиги ва умумийлиги антиномиясини Ҳумбольдт худди бошқа антиномиялардек инсон табиати ва дунёсининг умумийлиги нуқтаи назаридан ечади. Миллат руҳи ва тил халқ интеллектуал кучларининг ажралмас умумий фаолиятини таъминлайди.

Кейинги антиномиялар, яъни тил халқ ижоди маҳсули ва халққа берилган тухфа қарама-қаршилиги ҳамда тилнинг инсон руҳи билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаслиги антиномияси заминидан тилда фаолиятлилик – ижодкорлик ва ташқи куч таъсири тушунчалари ётади. Тил, Ҳумбольдт таърифича, бир томондан инсон руҳининг фаолияти, иккинчи томондан,

ташқи ходисалардан юқорироқ турадиган аллақандай бир мустақил кучнинг таъсиридир. Тилга халқ ижоди сифатида қараб бўлмайди, чунки у инсоннинг ботинидадир.

Шундай қилиб, антропологик тамойилни изчил тадбиқ этиш имконини берувчи барча антиномияларнинг шаклланиши ва уларнинг ечимини излаш ҳаракатлари айнан ушбу тамойилнинг таъсир майдонида юзага келади. Бу эса Хумбольдт назариясида антропологик ёндашувнинг устуворлигидан далолат беради.

Хумбольдт таълимотининг асосий ғояси лисонни фаолият сифатида талқин қилиш билан боғлиқ ва бу ғоя рамзийлик, мажозийлик хусусиятига эга бўлган тилда ифода топади. Лисоний фаолият ғояси тилни имманентлик нуқтаи назаридан тадқиқ қилишга бутунлай тескари ёндашув – экстенсивлик хусусияти асосида талқин қилинади. Экстенсив ёндашув тилни кенг маънода, яъни «тил – рух», «тил - инсон», «тил - тафаккур», «тил - борлик», «тил - маданият» боғлиқликлари орқали тадқиқ қилишни назарда тутаяди. Хумбольдтнинг структурализмнинг тамал тошини қўйган олимлар қаторига киритишади. Дарҳақиқат, структур тилшунослик йўналишларида кўтарилган муаммолар, жумладан, тил ва нутқ қиёси, шакл ва субстанция қарама-қаршилиги, тил тузилишининг яхлитлиги кабилар Хумбольдт назариясида ўз ўрнини топган.

Хумбольдт тил тизими таҳлилида унинг ташқи тизимий тузилишига эмас, балки И.Кант фалсафасига асосланган ҳолда умумлаштириш тамойилига таянади. Шунга асосан тил субъектив ва объектив хусусиятлар умумлашмасидан иборат. Тил бирликлари идрок этилаётган объектни оддийгина акс эттириб қолмайдилар. Чунки тил – фаолият, у «ўлик» маҳсулот эмас. Тилнинг ҳаракатчанлиги, фаоллиги унинг яратувчанлик қобилиятида намоён бўлади. Тил материя ва шаклнинг умумийлигидан иборат. Албатта, тил таҳлилида бошланғич нуқта шаклдир, аммо Хумбольдт талқинида шакл мавҳум ҳодиса эмас. Шакл – тилнинг алоҳида элементлари йиғиндиси: «Лисоний шакл ўз табиатига нисбатан, материалдан фарқли ўлароқ, алоҳида элементларни ягона бир руҳий умумийликда идрок этилиши натижасидир» (Хумбольдт 1956: 76).

Замонавий тилшуносликнинг диққат марказида турган тил ва воқелик муносабати, тилнинг инсон онги, тафаккур, маданият билан муносабати каби долзарб муаммоларнинг барчаси Хумбольдтнинг тил тизимини тадқиқ этиш дастурида мавжуд бўлган муаммолардир. Олим ўзининг тил фалсафаси ҳақидаги таълимотида лисоннинг фаолият кўламига кирувчи барча соҳаларини умумлаштирди. Ҳолбуки, бу соҳалар ва муаммолар бошқа йўналишларда бир-биридан ажратилган ҳолда алоҳида ўрганилиб келинган ёки бутунлай назардан четда қолиб кетган эди. Тил тизими тадқиқотида антропологик тамойилнинг изчил тадбиқ қилиниши қатор назарий йўналишларни ягона бир методологик асос атрофида бирлаштириш имконини беради. Булар қаторига қуйидагилар киради: лингвогносеология – тилнинг билиш фаолиятидаги вазифасини ўрганиш, инсоннинг воқелик билан муносабатининг тил билан боғлиқ томонларини аниқлаш;

лингвомаданиятшунослик – «инсон – маданият - тил» муносабатларини ўрганиш; лингвосоциология – тил ва жамият алоқасини тадқиқ қилиш; лингвопсихология – тил ва шахс муносабати муаммосини ўрганиш; лингвопраксиология – тилнинг инсон амалий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш (Хумбольтнинг фикрича, тил, беихтиёр фаолият кўзғатувчи сифатида, инсонга предметлар билан муомала қилиш йўлини кўрсатади).

Хумбольт таълимотини тўлиқ англаш учун унинг томонидан «ички шакл» тушунчаси қай йўсинда талқин қилиниши масаласига тўхталмоқ лозим деб ҳисоблаймиз. Айтиш жоизки, ушбу тушунча Хумбольт таълимотидаги марказий ғоялар қаторидан ўрин олмайди, «ички шакл» сўз бирикмасининг ўзи ҳам унинг охириги ишларида учрайди. «Ички шакл» тушунчасининг ҳақиқий тарғиботчиси сифатида Г.Штейнталнинг номи зикр этилгани маъқулроқ. Қарийб юз йилдан ортиқ вақт давомида ушбу тушунчанинг мазмуни ва мундарижаси ҳақида юритилиб келинаётган мунозараларни бошловчи ҳам айнан Штейнталдир. Хумбольт таълимоти учун муҳимроқ тушунча нутқий фаолиятнинг мазмуний ва маъно томонларини акс эттирувчи – «тил шакли» тушунчасидир. «Ички шакл» эса Хумбольт учун тилнинг мавжуд бўлиши учун етарлича шароит туғдирувчи ақлий фаолиятдир ва бу фаолият ёки шароит тилшуносликнинг тадқиқот предмети бўлолмайди.

Хумбольт таъбирича, тил оддий тафаккур курали бўлиб қолмасдан, балки «тафаккурни таркиб топтирувчи органдир. Ақлий фаолият ... нутқ товуши воситасида моддийлашади ва ҳиссий идрок манбаига айланади. Шу сабабли тафаккур фаолияти ва лисоний фаолият ажралмас яхлитлиқдир. Оннинг объектив борлиққа ботиний интилиши талаффуз орқали зоҳирланади ва бу интилиш натижаси бўлмиш сўз орқали яна субъектга қайтади. Бу ҳаракатни фақатгина тил воситасида бажариш мумкин ва бундай объект – субъект алмашинувисиз ҳеч қандай тушунча ҳам шаклланмайди ва тафаккур ҳам юритилмайди» (Қаранг: Звегинцев 1960, 1-қисм: 80). Бундай яхлитлик шу қадар мустаҳкамки, ҳатто тил бутунлай ажратилган, якка муҳитда ҳам тафаккур учун асос бўлиб қолаверади.

Шунинг билан биргаликда, олим сўзнинг тушунча шаклланишидаги ролини алоҳида таъкидлайди: «Товушлардан иборат тузилманинг тушунча билан алоқасининг ўзига хослиги ички шаклда ўз аксини топади». «Сўз ҳиссиётга таъсир ўтказётган предметнинг акси эмас, балки бизнинг предметга нисбатан муносабатимиздир». Шунга нисбатан «ҳар қандай тил негизида ўзига хос дунёқараш ётади» (Grundzuge des allgemeinen Sprachtypus, Werke, V, S. 433) ва тил инсон ҳамда воқелик ўртасидаги воситачидир. Хумбольтнинг ёзишича, сўзни номлашда бизнинг қалбимизда пайдо бўлган предмет рамзининг изи («муҳри») ўз аксини топади. Ягона бир предметнинг турли услубларда атилишига сабаб айнан шунда. Масалан, санскритда фил, гоҳ «икки марта сув ичувчи», гоҳ «икки тишли», гоҳ «қўли бор» тарзида номланади ва ҳар бир номланиш ягона бир предмет ҳақида ўзгача тушунчани англатади. Хумбольт таъкидича, «ҳар бир тил инсониятнинг маълум қисмига оид тушунча ва тасаввурлар тўқимасидан иборат матони ҳосил

килади» (Қаранг: Звегинцев, 1-қисм: 81). «Тилларнинг кўплиги – ягона бир предметнинг кўп сонда номланиши эмас, балки ўша предметнинг турлича идрок этилишидир» (Über das Sprachstudium, Werke, VII, S. 602).

Хумбольдт таълимотининг яна бир муҳим хусусияти сўзнинг бошқа рамзий белгилардан тамоман фарқланишидадир. Маъно касб этувчи лисоний белгилар шаклланиши эркин эмас, сўз белги ва рамз ўртасидаги оралик ходисадир. Сўз маълум вазиятда белги вазифасини ўташи мумкин, аммо сўзни белги билан бутунлай тенглаштириш лисоний мулоқотни экологик хонавайронликка олиб бориб тақашдан бошқа нарса эмас. XX асрда Ж. Оруэнн ўз антиутопиясида ушбу хонавайронликдан инсониятни огоҳлан-тирган эди. Ҳақиқатдан эса қочиб бўлмайди: оммавий ахборотда кечаётган тилни ҳаддан ташқари ибтидоийлаштиришнинг мусибатли оқибатларга олиб келишини ҳеч ким инкор қила олмайди. Оммавийлашаётган «янги тил» (яъни тил тизими қонун-қоидаларини инкор этувчи белгилар тизими)ни ихтиро қилиш ва уни тарғиб қилиш ундан ҳам хавфлидир. Бу оқибатлардан қочиш барчамизнинг вазифамиздир. Бу борада В.Хумбольдт меросининг инсонпарварлик заҳирасидан фойдаланиш муҳим ва долзарб вазифа.

Хумбольдтнинг тилга нисбатан берадиган таърифида фаолият субъекти (халқ, инсон, рух, куч, тил, товуш, мазмун) ва фаолият вазифаси, мақсади, услуби, қуроли, маҳсули, материали каби тушунчалар асосий ўринни эгаллайди. Бу таъриф, бундан ташқари, тилнинг когнитив функцияси (воқеликдаги предметларни онгга кўчириш), коммуникатив ёки воситачилик функцияси (табиат ва инсон ўртасидаги воситачилик) ва воқеликни англашдаги воситачилик функциялари билан боғлиқдир.

Хумбольдт таълимотида билишнинг табақали дедуктив услуби устунлик қилади ва шу услуб асосида тилнинг структуравий тузилиши тавсиф қилинади. Бу борада Хумбольдт назарияси И.Кантнинг билиш ҳақидаги таълимоти билан қай даражада боғлиқлигини эслатиш лозим бўлади. Кант билишнинг уч асосий шаклини ажратган: 1. Сезиш; 2. Фаҳм; 3. Идрок. Сезиш – ҳис қилиш қобилияти; фаҳм – англаш ва ҳукм чиқариш; идрок – ғоя туғилишига олиб боровчи хулоса чиқариш қобилияти. Кант тажрибага асосланмаган ҳукм - фикрларни алоҳида ажратади. Бинобарин, у «категория»ларга тажрибадан холи ҳолда фикр юритиш натижасида шаклланадиган ҳодиса деб қарайди. Унингча, онгли хулосага ҳиссий туйғулар орқали эришилади.

Хумбольдт ҳам ўз хулосаларида худди шу йўлдан боради, у онгни объектив воқелик билан боғлиқ бўлмаган ҳодиса сифатида талқин қилади. У қай йўсинда тажрибадан холи ҳолда турли фактлар асосида алоҳида тилни ва умуминсоний тилни ажратиш масаласи устида фикр юритади. Олим «ташқи шакл» дан ташқари «ботиний шакл» мавжудлигини ҳам тасдиқлайди. «Ботиний шакл» Хумбольдт талқинида уч хил мазмунга эга: 1. Бир томондан, «ботиний шакл» - тушунчаларни товуш билан боғлаш усули, тафаккурни лисоний воқелантириш йўли, яъни онг категорияларини лисоний категориялар билан мослаштириш воситаси; 2. «Ботиний шакл» - бошқа томондан – миллий руҳнинг ифодаси ва бу руҳ аввал ботиний шакл топади,

кейин лисонга кўчади. Демак, ботиний шакл онг ва лисонни боғловчи восита. 3. Ниҳоят, лисоннинг ботиний шакли – нутқ жараёнида яратилган ва «қайта ишланган» ларнинг умумлашмасидир, у барча лисоний структуралар ва элементларнинг тизимдаги тўплами, у тил тузилишини моделлаштирувчи мавҳум қурилма.

Хумбольдтнинг тилнинг ижодкорона фаолияти, ўзгарувчанлик табиати каби хусусиятлари ҳақидаги фикрлари нутқ фаолияти назарияси ёки психоллингвистика каби замонавий тилшунослик йўналишлари учун таянч нуқта вазифасини ўтади. Унинг ғоялари ҳозирги замон фани тараққиёти учун хизмат қилиб келмоқда. Тилни Хумбольдт «ташки дунё ҳодисалари ва инсон ботиний дунёси» оралиғидаги дунё сифатида таърифлаган эди. Фаолиятнинг тил дунёсига кўчиши ҳақидаги ғоя Хумбольдтнинг муҳим кашфиётларидан биридир ва ушбу ғоя кўп жихатдан машҳур психоллингвистлар Л.С.Выготский ва А.Р.Лурияларнинг ғоялари учун асос бўлди. Ҳақиқатдан ҳам, Хумбольдт айтганидек, нутқий фаолият негизида «лисоний қобилят» ётади (Хумбольдт 1984:82).

Хумбольдт таълимотича, тафаккурсиз тил мавжуд эмас, аксинча, лисоний тафаккурнинг яхлитлиги мавжуд. «Тафаккур фаолияти ва тил ажралмас ва фарқланмайди. Тафаккур фаолияти, табиийки, товуш билан алоқага киришишга ҳаракат қилади, акс ҳолда, фикр аниқ бўлмайди, тасаввурни тушуниб бўлмайди» (Ўша ерда). Шу йўсинда энг муҳим антиномиялардан лисон ва тилнинг ажралмас бир бутунлиги ва ўзаро ички карама-қаршилиги ҳақидаги антиномия шаклланади.

Хумбольдт индивидуал нутқий ҳаракатлар воситасида бажариладиган лисоний ижод фаолиятининг узлуксизлигини назарий жихатдан асослаб берди. Унинг таъкидича, тил мавжудлигининг шакли тараққиётдир ва «тилга қандайдир ўлик маҳсулот сифатида эмас, балки ижодий жараён ҳолида қараш лозим», у – «тўхтовсиз фаолиятдир» (Ўша ерда). Бошқача айтсак, тил қай даражада фаолият бўлса, шу даражада ижод маҳсулидир. Бир томондан шахс тилни нутқ вазиятида ижод қилади, бошқа томондан эса, тил –аллақачон ижод қилинган ҳодиса, аввалги авлодлар фаолияти натижаси, маълум жамоанинг мулки.

Ҳозирги дунё тилшунослигида алоҳида хумбольдтшунослик йўналиши юзага келган. Бу йўналиш Вилгельм фон Хумбольдт лингвофалсафий дастури доирасида шаклланган назарий қарашлар ва таҳлил методлари умумлашмасидан иборат. «Ушбу дастурнинг назарий-методологик негизида антропологик тамойил туради. Унга нисбатан тилнинг ҳақиқий таҳлили инсон тафаккури ва онги, унинг маданияти ва маънавий ҳаёти билан мустаҳкам алоқада бажарилиши талаб қилинади» (Рамишвили 1990: 123).

Замонавий хумбольдтшунослик умумий тилшунослик фанининг тезкор ривож топаётган соҳасидир. Бу соҳа биринчи ўринда Хумбольдт таълимотининг семантика ва прагматикага доир ғояларига асосланади. Бинобарин, тилшунослик фанининг бугунги ривожига, айниқса, Хумбольдтнинг лисоний маънонинг таркиб топиш тамойиллари ҳамда лисоний фаолият кўчишида ижтимоий муҳит ва нутқий вазиятнинг роли

ҳақидаги фикрлари ўта муҳимдир. Шунинг билан биргаликда, Хумбольдт талқинида «ботиний ёки ички шакл» тушунчаси «лисоннинг ички қонуниятлари», «ички томон» каби тушунчалар билан бир хил мазмунда қўлланишини ҳам унутмаслик керак.

Хумбольдт умумлингвистик ғояларининг кўпчилиги унинг тарихий-фалсафий таълимоти негизида шаклланган ҳамда олмон мумтоз фалсафаси вакиллари И.Кант ва Ф.В.Шеллингларнинг танқидий ва тарихий фалсафа деб номланувчи назарияларига асосланади. Тилнинг моҳиятини тушунтиришда Хумбольдт «инсон руҳи» ҳақидаги «умумий ғоя» га таянади ва бу ғоя миллат тилида акс этишини уқтиради. Тилнинг табиати «халқ руҳи», яъни ушбу халқнинг маънавий қадриятлари ҳамда маданиятининг ўзи хослиги, миллий хусусиятлари билан боғлиқ.

Шундай қилиб, Хумбольдт лингвистик таълимотининг асосий ғоялари қуйидагилардан иборат: Хумбольдт тилшунослик фанида биринчилардан бўлиб тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш лозимлигини ҳамда уларнинг ўзаро муносабатда бўлиши ҳақидаги ғояни олға сурди ва бу ғояни назарий жиҳатдан асослаб берди. У тилшуносликда илк бор жонли нутқни ўрганиш зарурлигини уқтиради ва бу ўғит фаннинг кейинги тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этди. Шу аснода турли шевалар ва жонли тилларни ўрганиш, диалектология ва ареал лингвистика тараққиётини таъминловчи назарий ғоялар шаклланди. Бундан ташқари, лисонни маълум қонуниятлар асосида фаолият кўрсатувчи мавҳум тизим сифатида тасаввур қилиш ғояси ҳам таклиф қилинди.

Тил, Хумбольдт таъкидича, ўзида субъективлик ва объективликни камраб олади. Инсон бир томондан, тилни унга берилган мерос сифатида қабул қилса, иккинчи томондан тилни доимо «қайта шакллантиради», яратади. Нутқда ҳар сафар тил қайта яратилади. Лисоний анъаналар эса ҳар бир авлод ва шахснинг яратувчанлик қобилиятини таъминлайди. Ўз навбатида шахс ва авлод ҳам лисоний яратувчанлик жараёнига ўз таъсирини ўтказди, зеро, улар тилга янгиликларни жорий этишади ва бу янгиликлар олдинги анъаналардан тубдан фарқ қилади. Натижада, тилда зарурият ва эркинликнинг икки томонлама алоқаси мавжуд бўлади, бу алоқа, биринчидан, лисоний анъаналар таъсирини чегаралаб турса, иккинчидан, тил соҳиби бўлган жамият таъсир кучини таъминлайди.

Хумбольдт лисоний белгининг ихтиёрийлиги (эркинлиги) ва белгининг тил тизими элементи сифатидаги сабабли (мотивировкали) бўлиши ҳақидаги фикрни билдирди. Тилда ажримли (ажратиладиган) товушлар ўз моҳиятига эга. Ушбу турдаги товушларнинг микдори ва уларнинг ўзаро муносабати, Хумбольдт фикрича, ҳар бир тил тизимининг хусусиятларига боғлиқ. Шу сабабли тил тизимига турғунлик ва ўзгарувчанлик хосдир. Тил тизими «асоссиз турғунлик» дан кечиб, узлуксиз ўзгаришда бўлиб туради.

Тилнинг пайдо бўлиши «ички» ва «ташқи» эҳтиёж билан боғлиқ. Ташқи эҳтиёж инсонларда мулоқот ихтиёри туғилиши билан боғлиқ бўлса, ички эҳтиёж эса миллатнинг маънавий ва интеллектуал тараққиёти учун шарт –шароит яратишдир. Тил ва тафаккурнинг ҳамжиҳатликда тараққий

топишига Хумбольдт қаттиқ ишонади. Бу икки ҳодисанинг ҳамоҳанглиги ҳақидаги ғоя Хумбольдтнинг лисоний шакл тушунчасини ташқи ва ички шакл кўринишда талқин қилишга ундайди. Шунга нисбатан тилларнинг ташқи кўринишдаги фарқи турли тилларнинг турли «товушли шакллар»га эга эканлигида намоён бўлади.

Хумбольдт биринчилардан бўлиб тилнинг функционал фаолият моҳияти ҳақидаги ғояни олға сурди. Бунинг натижасида асосий эътибор ташқи шаклга эмас, балки тилнинг предмет – ҳодисаларни ифодалаш ҳамда фикрлар боғлиқлигини таъминлаш қобилиятига қаратилди. Олимнинг фикрича, тил, нутқдан фарқли ҳолда, нолисоний мазмунни ифодаловчи воситалар ва услублар мажмуасидан иборатдир. Бу эса тафаккур категорияларининг лисоний ифодасидир. Айнан шу нарса ҳар қандай тилнинг ботиний моҳиятини ва индивидуал хусусиятларини қамраб олувчи «ички шаклдир» ва «тилнинг асосий моҳиятидир».

5. Фердинанд де Соссюр таълимоти. Янги давр тилшунослигида Фердинанд де Соссюрнинг ғоялари асосан икки йўналишда ўрганилмоқда: 1) олимнинг семиотик ва лингвистик ғоялари бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ғоялар сифатида қаралмоқда; 2) синтактик структуралар («намуна» ёки «қолиплар») кўринишидаги «мавҳум бирликлар» лисоний белгиларга (гап ва унинг қисмлари) нисбатан иккинчи босқичдаги мавҳумлаштириш натижасидир. Зеро, ушбу лисоний бирликлар табиий нутқий вазиятда қўлланиш ҳолатидан мавҳумлаштирилган белгилардир. Бинобарин, Р.Амакернинг (Amarker, 1975) қайдича, Соссюрнинг лингвистик таълимотини мантиқан қатъий тартибдаги тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бундай формал тизим таҳлили эҳтимолли – дедуктив таҳлил назарияси доирасида кечади.

Соссюр тилшунослигининг асосий ғояларидан бири белги назариясини асослаш билан боғлиқ бўлиб, бунинг асосида семиологик тамойил ётади. Маълумки, олим инсон нутқининг (langage) барча кўринишдаги ҳолатлари ва унинг билан боғлиқ барча ҳодисаларни батафсил ўрганиш лозимлигини бир неча бор уқтирган. Бу эса, ўз навбатида, лингвистика фани олдида ўз-ўзини формаллаштириш ва ўз-ўзини билиш (эпистемологик вазифани бажариш) шартини қўяди. Фақат ушбу шарт таъминланганидан сўнггина лисоний тизимнинг синхрон ва диахрон таҳлилини бажариш ва тилларнинг умумий хусусиятларини аниқлаш мумкин бўлади.

Кўпчилик тадқиқотчилар Соссюрни «тилни ўз-ўзидан мавжуд бўлган ва ўзи учун хизмат қиладиган» тизим сифатида таърифлашда ва худди ушбу кўринишда тил тизим тилшунослиги фанининг предмети сифатида қаралишида айблашга ҳаракат қиладилар. Аслида, Соссюр лингвистик таҳлил «ички» ва «ташқи» тилшуносликка оид барча ҳодисаларни қамраб олиши лозимлигини қайта-қайта уқтирган (Кузнецов 2007).

Р.Амакернинг фикрича, тилнинг табиати тавсифида семиологик ёндашув субстанцияга нисбатан эмас, балки шаклга нисбатан қўлланиши лозим. Бундан ташқари, тилнинг ижтимоий хусусиятида лисоний

фаолиятнинг тил ва нутқ муносабатининг узвийлиги ҳамда ушбу муносабат лисоний қобилятни шакллантиришини унутмаслик лозим.

Соссюршунослар эътиборини тортадиган яна бир соҳа олим томонидан ажратилган дихотомиялар (карама-қарши жуфтликлар)дир. Бу дихотомиялар (лисоний) белгининг ихтиёрийлиги тамойили асосида исботланадиган теоремалар сифатида талқин қилинади. Ихтиёрийлик тамойили эса Соссюр таълимотининг асосий аксиомасидир. Тадқиқотчилар дастлабки ўринда «қобилят ва таъсис қилинганлик (институтцион)» (*faculte et institution*) карама-қаршилигини эслашади, чунки унинг асосида лисоннинг умумий хусусиятлари ётади. Бу хусусиятларда лисоний қобилятнинг ижтимоий характери ва биологик томони ўз аксини топади. Кейинги ўринда таҳлил қилинадиган дихотомиялар «синхрония ва диахрония» «шакл ва субстанция», «ифодаловчи ва ифодаланмиш», «тил ва нутқ» кабилардир. Булардан «ифодаловчи ва ифодаланувчи» дихотомиясига алоҳида эътибор қаратилади: ифодаловчи товушлар гуруҳи сифатида (ифода плани) қаралса, ифодаланмиш маъно гуруҳига (мазмун плани) киритилади ҳамда уларнинг ҳар иккаласи ҳам аниқ нутқий вазиятда, яъни тил ва нутқ ҳодисаларининг диалектик муносабати доирасида ажратилади, тавсифланади.

Замонавий соссюршуносликда тилнинг семиологик модели тушунчаси белгининг ўта даражадаги ихтиёрийлиги ҳақидаги ғоя тарғиби доирасида талқин қилинмоқда. Бунинг устига, кўпчилик Соссюр таълимотини англашнинг калити ҳам айнан ихтиёрийлик ғоясида деб ҳисоблайди. Бироқ бу масала атрофида маълум даражада тортишувлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Р.Амакер таъкидича, Соссюр «Умумий тилшунослик курси»ни нашрга тайёрловчилар муаллифнинг айрим фикрларини бузиб талқин қилишгача бориб етишган. Соссюрнинг «ифодаланмиш ва ифодаловчини боғловчи алоқа тўлиғича ихтиёрийдир» (*est radicalimet arbitraire – Saussure 1922: 10*) мазмунидаги фикрида нарса-ҳодисалар ва уларни атовчи нутқий бирликлар муносабати назарда тутилмасдан, балки инсонларнинг тарихан шаклланган ижтимоий тажрибасига асосланган воқелик ҳақидаги билими инобатга олинади. Ихтиёрийлик ғояси лисоний белгиларнинг мазмундорлиги (мазмуний аҳамияти) тушунчасининг талқинида ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳозирги пайтда тилнинг семиологик модели олим тақлиф қилган дихотомиялар (жуфтликлар) умумлашмаси доирасида талқин қилинмоқда. Масалан, тилнинг «ижтимоий маҳсулот» ёки «тизим, код» сифатида таърифланиши карама-қарши фикрлар талқинида қаралмасдан, балки тўлиқ ихтиёрийлик тамойили заминида бирлашувчи ягона ғоя доирасига киритилмоқда. Зеро, тилнинг ижтимоий ҳодиса (жамиятда таъсис қилинган, келишилган қоидалар умумлашмаси) бўлиши унинг тизимлилик хусусиятини ҳеч қачон инкор қилмайди. Бундай таъриф доирасида эпистемиологик, билишга оид (структура, субъект ва объект муносабати, яратувчанлик), семиологик (лисоний қобилят, мулоқот, тизим, белги) ҳамда турли лингвистик тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи ҳам назардан қочирилмайди. Тилнинг ушбу турдаги семиологик моделида одатда унинг умумий хусусиятлари таъкидланади. Бу хусусиятлар нутқда субстанция

шаклига эга бўлса (ифодаланишда – товушли, мазмун жиҳатидан - психик), умуман тилда (language) – бизнинг лисоний қобилятимизга боғлиқ бўлади. Алоҳида тилларда эса бундай семиотик умумийлик йўқ, чунки белги ҳар бир тилда ихтиёрий ва ҳар бир тил алоҳида белгилар тизимидан фойдаланади.

Тилни синхрон ихтиёрий белгилар тизими сифатида талқин қилиш соссюршуносликда анъанавий тус олган. Одатда, тил тизимини ушбу кўринишда таҳлил қилиш тилнинг бошқа ихтиёрий тизимлардан фарқини ажратиш мақсадини кўзлайди. Зеро, тил алоҳида бирликларни (дастлабки ўринда – луғавий бирликларни) қўллашда вазиятга мослашув хусусиятига эга. Бошқа турдаги формал тизимлар (жумладан, мантикий-математик тизимлар)да бундай эмас. Улар тил тизими умумийлигига бўйсунушга мажбурдирлар, чунки фақатгина лисон барча тизимларни ёритувчи восита – метатил вазифасини ўташ қобилятига эга.

Тилшуносликда узлуксиз муҳокама қилиниб келинаётган Соссюр таълимотига оид масалалардан яна бири «белгининг соф лингвистик моҳияти ва унинг таҳлили» масаласидир. Бу масала муҳокамасида асосий эътибор белгининг иккиёқлама хусусиятга эга бўлишига қаратилмоқда. Бунда Соссюр умуман «сўз» тушунчаси ҳақида сўз юритаётиб, «конкрет бирликни» аниқлашга ҳаракат қилганлигини унутмаслик лозим. «Конкрет бирлик» сўзловчи онгида дастлаб ифодаловчи белгиларни фарқловчи восита сифатида ажратилса, кейинги босқичда маъно ва шаклни мослаштирувчи восита сифатида тасаввур қилинади.

Тилнинг бошқа семиотик тизимлардан асосий фарқи шундаки, лисоний бирликлар нутқда кетма-кетлилик тарзида ифода топади.

Бугунги шароитда «ассоциация» ва «синтагма» тушунчалари таҳлили масаласи янада долзарбланимоқда, чунки синтагманинг тил тизимига ёки нутққа оидлигини аниқлаш Соссюр таълимотининг синтаксисга оид томонларини тавсифлаш учун муҳимдир. Маълумки, олим сўзловчининг синтагмалар тузишдаги шахсий истаги, ихтиёри билан бир қаторда нуткий вазиятда ҳосил бўладиган синтагмаларни (in praesentia) уларнинг негизини ташкил қиладиган мавҳум қолиплардан фарқлаш керак эканлигини қайд қилган эди.

«Ассоциация» ва «синтагма» тушунчалари муносабати иккиёқлама эканлигини эътиборга олиш натижасида мураккаб бирликларни таркибий қисмларга ажратишда ассоциатив гуруҳларни фарқлаш амалидан фойдаланилади. Бу эса ҳар бир ажратиладиган таркибий бирлик асосида маълум гуруҳга оид мавҳум ассоциатив бирлик туриши тўғрисидаги фикрнинг исботидир.

Соссюр лисоний бирликларнинг қуйидаги тўрт асосий хусусиятга эга бўлишини уқтирган эди: Ҳар қандай лисоний белги *ихтиёрий, ўзгалардан фарқланади*, белгилари *ўзаро қарама - қарши* ва ифода воситасига *бефарқлик*. Соссюр издошлари ушбу хусусиятларнинг алоҳида тиллар тизимида ва бу тизимларнинг турли тараққиёт босқичларида қай кўринишда намоён бўлиши масаласини тадқиқ этиб келишмоқда. Бундай тадқиқотлар, албатта, эслатилган хусусиятларнинг умумийлик даражасини тасдиқлаш

билан бир қаторда, уларнинг алоҳида тиллар тизимидаги фаоллашув даражасида маълум фарқлар мавжудлигини исботловчи далиллар тўплаш имконини кўпайтирмоқда.

Соссюрнинг синтаксисга оид таълимоти алоҳида эътиборга лойиқдир. Маълумки, ушбу таълимот нуқтаи назаридан қаралганда, тилнинг синтаксис тузилиши таҳлилида синтагмаларни ажратиш ва уларнинг структуравий мундарижасини ўрганиш лозим. Аммо Соссюр таълимотининг давомчилари синтагмани барча ҳолларда ҳам ажратиб бўлмаслигини сезишиб, «сигнификатив параллеллик»ни вужудга келтирадиган ҳолатларни ҳам назардан қочирмасликни таъкидлашди. Бинобарин, *plaire – plu, take – took, Nacht- Nacht* каби товуш алмашинуви йўли билан грамматик шакллар ясалганда ёки умуман грамматик маъно ифодасида бошқа ўзакдан фойдаланилганда, фаранг тилшуноси Гodelь айтганидек, «семантик масофа»лар ўзаро яқинлашади. Бу ҳодиса луғат ва грамматика муносабати доирасида талқин қилингани маъқул. Грамматиканинг луғат тизими билан муносабати Соссюр тарғиб қилган «мазмуний муҳимлик» (*valeurs*) ғояси нуқтаи назаридан қаралганда, ўзига хос номутаносибликни кўриш мумкин. Луғавий бирликларнинг психологик ва семантик жиҳатдан муҳимлиги аниқ, аммо грамматик муҳимлик мантиқан етакчи ўринда туради, чунки грамматик маъно мустақил равишда ифода топиши мумкин (ёрдамчи сўзлар) ҳамда грамматик шакллар фарқловчи хусусиятларга эга бўлади.

Шу тарзда синтаксиснинг «мавҳум бирликлари» ажратиладилар. Бундай мавҳумлаштириш жараёнида юзага келадиган мазмун «синтактик муҳимлик» (*valeurs syntaxique*) деб номланади. Мавҳум синтактик бирлик тил тизими бирликларига хос бўлган қарийб барча хусусиятларга, шу жумладан, белгининг ихтиёрийлиги хусусиятига ҳам эга. Гап ва бошқа мураккаб синтактик бирликлар тузилиши бир мавҳум тузилманинг бошқаси билан бирикишидан (*emboitement*) иборатдир.

Соссюрнинг синтаксисга оид фикрлари бевосита лисоний аналогия ва ижодкорлик (яратувчанлик) ҳақидаги ғоялар билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши лозим. Соссюр аналогия ҳодисасини тил тараққиёти жараёнида юзага келадиган ўзгаришлар кўринишида эмас, балки маълум тараққиёт босқичидаги лисоний яратувчанлик сифатида ўрганишни маъқул кўради. Бу эса тилнинг ўзгаришидан кўра унинг маълум ҳолати ҳақида гап кетаётганидан даракдир. Демак, психологик жиҳатдан таърифланганда, аналогия яратувчанликдир, грамматик ҳодиса сифатида қаралганда эса – тил тизими синхрон ҳолатининг ажралмас қисмидир. Аналогия тадрижий ривожнинг негизини ташкил қилади ва тилнинг яратувчанлик қобилиятини таъминловчи воситаларнинг чексизлигини тасдиқловчи ҳодисадир. Бу ҳодиса алоҳида шахс томонидан яратилган нутқий бирлик – гап ва айна пайтда, тил белгиси сифатида қаралиши лозимлигини изоҳлаб беради.

Айтиш жоизки, Соссюрнинг ўзи синтаксис таҳлили модели ҳақида бирор бир тўлиқ даражада шаклланган ғояни олға сурмайди. Аммо унинг издоши Р.Гodelь (1957) устозининг мулоҳазаларини жамлаб, Соссюрнинг синтаксис моделини шакллантиришга ҳаракат қилган. Ушбу моделнинг

синтаксис қисмини «муҳимликлар ва бирикишлар» умумлашмаси (valeurs itcombinaisons) сифатида таърифлаш мумкин. Бунда синтагманинг синтаксис учун муҳим бўлган маъно хусусиятлари эътиборга олинади. Синтактик муҳимлик эса, ўз навбатида, турли хил таркибий ўзгаришлар (транспозиция ва трансформация) учун асос бўла оладиган ассоциатив муносабатларда акс топади.

Умуман олганда, ҳозирги соссюронга тилшунослик ўз асосчиси бошлаб берган йўлдан бориб, семиологик тамойилларга таянган ҳолда синтаксис ҳодисаларини ёритишни маъқул кўрмоқда. Маълумки, Соссюрнинг ўқувчилари томонидан нашр эттирилган «Умумий тилшунослик курси» да унинг семиологияга оид ғоялари анча батафсил (баъзан бир оз узук ҳолатда бўлса ҳам) ёритилган. Аммо унинг синтаксисга оид фикр-мулоҳазалари эса кўпроқ кейинги йилларда нашр эттирилаётган ишларида мавжуддир. Бу фикр-мулоҳазаларда лисоний белгининг кетма-кетлик тамойили ва синтагма назарияси асосий ўрин эгаллайди. Айнан шу икки мезон Соссюр лингвистикасининг ўзагидир. Бу икки мезон тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш билан бир қаторда, тилшунослик фанининг объектини аниқлашда ҳам хизмат қилади. Тил ва нутқ муносабатини ўрганишда ушбу ҳодисаларга нисбатан тарихий ёндашув муҳимдир. Ушбу ҳодисалар муносабати масаласи эса Соссюр тилшунослигининг марказий муаммоси бўлиб, фақатгина унинг муҳокамаси асосида бошқа соссюронга ғояларнинг моҳиятини англаш мумкин. Масалан, лисонни (langue) лисоний фаолиятдан (language) ажратиш масаласини олсак, унинг ечимига фақатгина диалектиканинг (умумийлик – хусусийлик) қонуниятини тадбиқ этгандагина эришиш мумкин.

Соссюр кўтарган масалалардан яна бири – лисоннинг ижтимоий институционаллик (жамиятдаги келишилганлик, таъсис этилиш) даражаси масаласи замонавий тилшуносликда ўз ечимини топмоқда десак, хато қилмаймиз. Бинобарин, прагмалингвистикада кенг миқёсда тарғиб қилинаётган мулоқот тамойиллари (Грайс ва унинг издошлари) айнан «лисоний келишув» қонуниятларига амал қилади. Ушбу муаммо бевосита зарурият ва эркинлик ҳақидаги кўҳна фалсафий мунозара билан боғлиқ эканлигини сезамиз. Бундан ташқари, бу муаммо ечими йўлидаги изланиш яна бир муҳим масалага, яъни тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги азалий мунозарага ҳам бориб тақалади. Соссюрнинг лисоний фаолиятни икки қисмга, яъни шахс эркинлиги намунаси бўлган нутқ ва ижтимоий мажбурият намунаси бўлган тил босқичларига ажратиш борасидаги фикрлари тилнинг пайдо бўлиши ҳамда ривож топиши ҳақидаги муаммо ечимини топиш йўлидаги ўзига хос ҳаракат бўлган бўлса ажаб эмас. Соссюрнинг ўзи ҳам тилнинг ижтимоий табиатини унинг семиотик тизимлилиги билан боғлиқ «ички хусусияти» деб ҳисоблайди.

Семиологик таҳлилга тортиладиган объектлар, Соссюрнинг қайдича, маълум турдаги хусусиятларга эга бўлишлари керак. Биринчидан, улар белги кўринишида бўлишлари лозим. Белгилар тарихан ихтиёрий, аммо уларнинг кўлланиши келишувга (қоидаларга) асосланади. Белгилар мажмуаси тизимни ташкил қилади, уларнинг муҳимлик қиймати қарама-қаршилиқлар қаторидан

ўрин олишига нисбатан аниқланади. Ҳар бир семиологик белги парадигматик ва синтагматик қаторларда ўз ўрнига эгадир. Семиологик тизимлар ўзгариб туради.

Соссюр тилнинг бошқа семиологик тизимларга нисбатан ўзгача таркибий хусусиятлар ва вазифавий имкониятларга эга эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам лисоний белгиларнинг ихтиёрийлиги бошқа белгилардан кўра юқори даражада. Ягона бир тил соҳиби бўлган ижтимоий гуруҳ аъзолари ушбу тилни билишади ва ундан фойдаланадилар; тил тизимини алоҳида шахс ёки бир гуруҳдаги шахслар истаги билан ўзгартириб бўлмайди; тил миқдор жиҳатдан чегараланган лисоний бирликлар воситасида чексиз миқдордаги нутқий бирликларни ясаши мумкин.

Герман афсоналари ҳақидаги Соссюрнинг дастхатлари матни гувоҳлик беришича, у фольклорни ҳам семиологик тизим сифатида тадқиқ қилиш тарафдори бўлган. Демак, у оддий ва эстетик тизимларни кескин чегаралаш фикридан йироқ бўлган.

Соссюрнинг семиологик таълимотида белгининг ихтиёрийлиги тамойили алоҳида ўрин эгаллайди. Лекин у ушбу тамойилнинг айрим жиҳатлардан чегараланганлигини эслатишни ҳам унутмайди. Зеро, ушбу тамойил доирасидаги талқинда икки соҳа - семиология ва грамматиканинг ўзаро қарама-қаршилигига дуч келиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Дарҳақиқат, уларнинг биринчиси лисоний белгини унинг ихтиёрийлиги нуқтаи назаридан ўрганса, иккинчиси эса таҳлилда тизим таркибидаги бирликларни ассоциатив қаторларда гуруҳланишига таянади. Гodelнинг фикрича, Соссюр ўз маърузаларида лисоний бирликларнинг таркибий қисмларга ажралиши ассоциация қаторлари муносабатлари билан боғлиқ эканлиги ҳақида бирор бир аниқ фикр айтмаган, аммо у сўз яшаш ҳодисаси аналогия тамойилига мос келишини бир неча бор қайд қилади.

Гodelь, бундан ташқари, лисоний белгини мутлақ (абсолют) ихтиёрий деб қараш тилнинг тизимий талқинига маълум даражада ҳалақит бериши мумкинлигини қайд қилади. Маълумки, тизимда барча ҳодисалар бир-бирини тақозо этади, ўзаро алоқада. Ифодаловчи (белги) ва ифодаланмиш (референт) нинг алоқаси ўта ихтиёрий эканлигини аниқлаш учун тизимдан узоқлашиш, бу алоқани мавҳумлаштириш лозим бўлади. Бу йўсиндаги амал бажарилганда, лисоний белги ўзининг муҳимлик қийматини йўқотиши аниқ. Гodelь Ш. Балли билан мунозара юритиб, ихтиёрийликнинг чегараси лисоний белгининг ассоциация қатори ва синтагматик муҳитда турган ўрни билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Бизнингча, олимнинг лисоний белгининг ихтиёрийлик даражаси ҳақида билдирган ушбу фикри барча семиологик тизимлар тадқиқи учун муҳимдир ва ушбу тамойил тил тизимининг синхроник ва диахроник таҳлилида бир хилда қўлланиши мумкин.

Соссюр назариётчи бўлиш билан бир қаторда, ўз назарий ғояларини аниқ тил материали асосида исботлаш ва изоҳлашни ҳам унутмайди. У аслида қиёсий –тарихий тилшунослик билан шуғулланган бўлса ҳам, кейинчалик тил синхрониясига бўлган қизиқиш устунлик қилади ҳамда олим

фаол тил тизими материалдан фойдаланишни маъқул кўради ва оғзаки нутққа, аниқ матнларга мурожаат қилишни ҳам унутмайди.

Ҳар бир олимнинг фан ривожига қўшган ҳиссасига бериладиган баҳо турли даврларда турлича бўлиши мумкинлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо Соссюрнинг номи мана қарийб бир аср давомида тилдан тушмайди, унинг таълимотини камситишга ҳеч ким журъат қилмайди. Олимнинг тилшунослик назариясига қўшган ҳиссаси, лисоний белгилар тизими ҳақидаги таълимоти доимо юқори баҳоланиб келинмоқда. Шу сабабли Фердинанд де Соссюрнинг номини буюк фан арбоблари билан бир қаторга қўйишади. Соссюр таълимоти негизида структурализмнинг турли йўналишлари ривож топди ва шуни айтиш жоизки, бу йўналишларнинг баъзилари соссюрона структурализмдан қанчалик узоқлашмасинлар (масалан, Н.Хомский номи билан боғлиқ Америка структурализми), барибир методологик асос сақланади.

6. Шарль Балли таълимоти. Швейцариялик тилшунос Шарль Баллининг (1865 - 1974) номи барча мамлакатлар тилшунослари учун яхши таниш. Унинг асарларидаги лисоний таҳлилнинг қарийб барча соҳаларига оид фикрлар ва ғоялар ҳозиргача тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда эмас. Сўзсиз, олимнинг стилистикага оид тадқиқотлари ушбу соҳанинг ривожига катта ҳисса қўшди, ҳозирги пайтда тараққий этаётган йўналиш - коммуникатив стилистика кўп жиҳатдан айнан Ш.Балли таълимотидан назарий «озуқа» олаётганидан хабардормиз. Лекин Балли таълимотида яна бир соҳа борки, унинг умумий тилшунослик фани учун назарий ва амалий аҳамияти алоҳида эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Бу – лисоний типология соҳасидир.

Баллининг лисоний типология назариясига оид ғоялари «Умумий тилшунослик ва француз тили муаммолари» (русча нашри 1955) рисоласида ёритилган. Ушбу назариянинг асосий мақсади тил тизимининг луғавий, грамматик ва фонетик сатҳларининг типик хусусиятларини ягона бир методологик тамойил асосида ёритиш услубини яратишдир. Бу вазифани бажариш учун Балли «прогрессив (ўсувчан) кетма - кетлик» тушунчасини қўллайди ва ушбу тамойил воситасида тил тизимининг ҳар қандай сатҳига оид бирликларнинг тузилишини тушуниш мумкин, деб ҳисоблайди. Бу эса, ўз навбатида, типологик нуқтаи назардан қараганда, тил сатҳлари ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлигидан далолатдир.

Тил структурасининг турли сатҳлари хусусиятларини ягона бир илдиз негизида тасаввур қилиш ғояси муҳим аҳамиятга молик. Тилшунослик анъанаси учун бу катта янгилик. Одатда, тилнинг типологик таснифига луғавий, грамматик (морфологик) ва фонологик хусусиятларидан биригина асос қилиб олинади. Балли таклиф қилган «прогрессив кетма – кетлик» тамойили ижобий натижа бериши билан бир қаторда, айрим саволлар ва гумонлар туғдириши ҳам мумкин.

Ҳозирча тамойилнинг моҳиятига батафсил тўхталмасдан туриб, ушбу назарияни амалиётга тадбиқ этишининг айрим томонларини ёритишга ҳаракат қилмоқчимиз.

«Прогрессив кетма – кетлик» тамойили гап структураси таҳлилида ижобий натижа бериши маълум, аммо унинг сўз ва бўғин тузилиши таҳлилидаги роли гумонлидир. Агарда биз, Баллига эргашиб, француз тилида сўз тузилиши юқорида айтилган тамойилга амал қилади деб ҳисобласак, унда сўз таркибидаги элементларни гап бўлаклари билан тенглаштирган бўлар эдик. Семантик жиҳатдан ҳам бу фикр ўз тасдиғини топмаса керак, зеро, сўз ва гап бўлақларининг маъно ясаш хусусиятлари тамоман ўзгача. Масалан, «негиз + қўшимча» қолипида ясалган сўзларни олсак, унинг воситасида олдин предмет аталади (номланади), кейин эса суффикс воситасида ушбу предмет ҳақидаги фикр ифодаланади қабилдаги фаразни исботлаш муаммолидир. Бу фараз исботсиз қолса керак, чунки сўз ва гапнинг турли сатҳларга оидлиги ва батамом ўзгача хусусиятлар соҳиби эканлигини ҳеч ким инкор қилгани йўқ.

Балли типологик назарияси доирасида фонетикани бошқа сатҳлар билан тенглаштириш ҳам ўта қийин масаладир. Алоҳида олинган бўғиннинг маънога эга эмаслиги барчага маълум, шундай экан, бўғин луғавий бирликлар ва гап бўлаклари билан бир қаторда тура олмайди. Балли прогрессив кетма – кетлик тамойилини француз тили фонетикасида мавжуд бўлган окситон ритм (сўзнинг охириги бўғини урғу олиши) ҳодисаси билан изоҳлайди, лекин бошқа тилларда ритм бўлмаса ҳам фонетик структурада ушбу тамойил ўз кучини йўқотмайди-ку?!

Хуллас, типологик таснифда турли сатҳларга оид хусусиятларни умумлаштириш муаммоси муаммолигича қолмоқда ва Баллининг бу йўналишдаги ҳаракати самарасиз қолмоқда. Шунинг учун ҳам Баллининг тиллар типологиясига оид назариясида асосий ўринни «прогрессив кетма - кетлик» тамойилига эмас, балки «анализм» ва «синтетизм» тушунчаларига берган маъқулроқ. Балли ушбу тушунчаларни қуйидагича изоҳлайди: «Синтез – нутқий кетма-кетликка ва хотирадаги яккамаъноликка (моносемия) қарама-қарши турадиган лисоний фактлар умумлашувидир. Лисоний шакл эса, аксинча, кетма-кетлик ва моносемия талабларига қанчалик мос келса, шу даражада аналитик хусусиятга ҳам эга бўлади» (Балли 1955: 159). Анализм тушунчаси учун асос бўлиб хизмат қиладиган «кетма-кетлик» тушунчаси эса «лисоний белгиларнинг нутқ жараёнида бири-бирига қўшилиб кетмасдан, кетма –кет давомийликда келиши» сифатида таърифланади (Ўша асар, 159 бет). Ушбу тамойилга бўйсунмаган барча турдаги тузилмаларда дистаксия ҳодисаси мавжуд деб ҳисобланади: «Дистаксия ҳодисаси юзага келганда, лисоний белгилар оддийгина кетма-кет келмасдан, балки биргина ифодаловчи бир неча ифодаланмишга эга бўлиши мумкин (масалан, французча *va!*) ёки аксинча, биргина ифодаланувчи (референт) бир неча ифода воситаларида намоён бўлади (масалан, *pous disons*)» (Балли 1955:195). Типологик тасниф учун кўрсатилган турдаги лисоний ассиметриянинг муҳимлигига ишонган Балли ўз таъкидини давом

эттиради: «Ишончимиз комилки, кўрсатилган номутаносиблик қай даражада чуқур бўлса ва тез учраса, ўша тил шу даражада синтетикдир, бу мутаносибликнинг юзакилиги ва кам учраши тилнинг аналитик эканлигидан дарак беради» (Балли 1955:160). Шу ўринда анъанавий морфологик типологияда ҳам агглютинатив, флектив, аналитик, синтетик қурилишга эга бўлган тиллар гуруҳлари ажратилишини эслатмоқчимиз. Аммо бундай ажратишда типологлар факатгина ифода планига, яъни лисоний белгиларнинг шаклий тузилишига эътиборни қаратадилар. Балли эса ифода ва мазмун доиралари хусусиятларини бир хилда инобатга олиш, шакл ва мазмун уйғунлигига асосланиш тарафдоридир.

Бундан ташқари, «аналитик» ва «синтетик» атамаларининг қўлланишининг ўзида ҳам номутаносибликлар мавжудлиги сабабли, унинг баъзи фикрлари анъанавий морфологик типология нуктаи назаридан ишончсиздек туюлади. Масалан, Баллининг фикрича, француз тилида қисқа сўзларнинг кўп миқдорда бўлиши ушбу тилнинг синтетизмга мойиллигидан далолат беради. «Узун сўз, - дейди олим, - тушунарли бўлиши учун уни таҳлил (анализ) қилиш керак, шунинг учун ҳам ҳозирги француз тилида узун сўзлар кўп бўлганида, ушбу тилнинг умумий луғавий структураси аналитик хусусиятга эга бўлган бўлар эди» (Балли 1955: 332). Ушбу ҳодиса анъанавий морфологик типология нуктаи назаридан талқин қилинганда биз бутунлай бошқа хулосага келишга мажбурмиз. Дарҳақиқат, синтетик тилларда сўзнинг узунлиги қўшилаётган сўз ўзгартувчи қўшимчалар ҳисобидан ортади, чунки бу қўшимчалар воситасида сўзлар бирикиб, нутқий тузилмалар ҳосил қилади. Аналитик тилларда эса қисқа шакллар миқдори кўпроқ, чунки уларда синтактик алоқалар ёрдамчи сўзлар воситасида шакл топадилар.

Балли «аналитик» атамасини фонетик тузилмалар таҳлилида ҳам худди шу маънода қўллайди. Унинг таъкидича, француз тили товушлари олмон тилидан фарқли ўлароқ, «оддий ва нутқий қаторда бир-биридан осонгина ажралади, демак, улар ўзига хос аналитик хусусиятга эгадирлар» (Балли 1955: 215).

Бироқ француз тили товушларининг дастлабки тасаввурдаги оддийлиги ва аниқлигини ушбу тилнинг аналитик хусусияти билан боғлаш мумкин эмас. Худди шунингдек, олмон тилида товушларнинг ушбу сифатларга эга эмаслигини бу тилнинг синтетик хусусияти билан исботлаш ҳам мунозаралидир. Бунинг учун инглиз тили фонетик тизимини қиёслаш лозим бўлади. Фонетик тизимида дифтонг, трифтонг каби таркибли фонемалар мавжудлигига қарамасдан, инглиз тилининг аналитиклик даражаси француз тилига нисбатан анча юқори эканлиги маълум.

Балли ўз таълимотида ифода ва мазмун доираларига кирувчи бирликлар ўртасидаги муносабатларни ёритишда «гипостаз», «плеоназм», «ажратиш», «фаоллашган белги» каби тушунчалардан кенг миқёсда фойдаланганлигини кўрамиз. Бу тушунчаларнинг қўлланиши ва мазмуни аналитизм ва синтетизм ҳодисалари таърифига мос келиши керак. Лекин бу талабни ҳар доим ҳам бажариш осон эмас.

Француз тилининг аналитик тузилишини таъминловчи воситалар қаторига Ш. Балли артикл ва бошқа «кичик сўзчалар»ни ҳам киритади (Ўша асар, 213-214). Айни пайтда, у артикл ва урғусиз олмошга синтетик тузилиш кўрсаткичи сифатида қарайди, чунки бу бирликлар плеонастик бирикмаларнинг пайдо бўлишига сабабчидир. Масалан, *pous aimons* гуруҳида грамматик шаклларнинг плеонастик устма-устлиги намоён бўлади (1-шахс кўплик сони икки марта ифодаланади). Бу гуруҳдаги тузилмалар француз тили синтетик анъанасини янада кучайтириши аниқдир (Балли 1955: 234).

Балли томонидан мураккаб замон шаклларининг аналитик хусусиятининг изоҳланиши ҳам муаммолидир. Олимнинг дастлабки хулосаси мураккаб замон шаклларининг пайдо бўлиши француз тилининг аналитик тараққиётидан гувоҳлик беришини тасдиқлашдир: «аналитик тараққиёт модал мазмунни феълдан ажратувчи (мураккаб) шаклларнинг ривожига сабаб бўлади; прогрессив кетма-кетлик эса модал белгиларнинг диктал феълдан олдин келишини талаб қилади» (Балли 1955: 234). Аммо ушбу мураккаб замон шакли таркибига, масалан, равиш киритилгани заҳотиёқ шакл синтетик кўриниш олади. Бунинг сабабини тушунтириш осон: грамматик белги (шакл) нинг қисмларга ажратилиши дистаксия, яъни синтез ҳодисасидир. Шунга биноан *j'ai beaucoup souffert* синтетик гуруҳини Балли аналитик бирикма мисоли сифатида беришдан қочиб, уни синтез маҳсули деб қарашни маъкул кўради.

Мураккаб замон шаклининг синтетиклиги «фаоллашган белги» қўлланишида ҳам намоён бўлади. Баллининг таърифича, фаоллашган белги ягона бир ифодаланмиш бир қатор ифодаловчиларга мос келганда ҳосил бўлади. Бу ифодаловчиларнинг мазмуни уларнинг маъно хусусиятлари умумлашувидан иборатдир, алоҳида олинганда эса улар аниқ мазмунга эга эмас (Балли 1955: 161). Демак, мураккаб замон шакли тўлиғича фаоллашган белги таърифига мос келади ва шу сабабли у дистаксия ҳодисаси таркибига киритилиши лозим.

Швейцариялик тилшуноснинг типологияга оид ғояларида учрайдиган қарама-қарши фикрлар ва уларнинг баъзан тил материалида ўз тасдиғини топмаслик ҳолатлари ўта жиддий муаммоларни туғдириши мумкинлигига аминмиз. Ҳатто ушбу типологик назариянинг энг умумий тамойиллари ҳам муҳокамага муҳтож. Масалан, прогрессив кетма-кетлик тамойилини олайлик. Кетма-кетлик прогрессив бўлиши учун умумий мазмунни ифодаловчи қисм маъносини тўғридан-тўғри англаш қийин бўлган қисмдан кейин келиши лозим. Маъно жиҳатидан муҳим бўлган қисм маъноси ноаниқ бўлактан олдин келган ҳолларда прогрессив кетма-кетлик ва аналитизм таъминланмайди (Балли 1955: 218). Унда нутқий бирлик (гап) нинг маъносини қайси қисмларга таянган ҳолда англаш мумкин, деган саволнинг туғилиши табиийдир. Баллининг қуйидаги мулоҳазалари ушбу саволга жавоб бўла олишига шубҳамиз бор: «Бўлак – унинг ҳақида сўз юритилаётган (фикр юритилаётган) предмет, яъни аниқланмиш; яхлитлик – аниқловчидир. Демак, микдорий аниқловчи мантиқан микдорий аниқланмишни (t) тасвирлайди, умумий микдор эса t' билан ифодаланади... Прогрессив кетма-кетлик

миқдорий аниқловчининг миқдорий аниқланмишдан олдинги ўринни эгаллашини талаб қилади. Ҳинд – Европа тиллари бундай тузилишдан узоқдирлар» (Балли 1955: 249).

Нутқий тузилмалар қисмлари жойлашиш тартибининг улардаги маъно хусусиятларга таъсири доирасини аниқлашнинг бирор бир меъёри ёки ўлчови мавжуд эмаслиги сабабли прогрессив кетма-кетлик даражасини аниқлаш субъектив кўринишга эга бўлиб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Умуман, Ш.Баллининг лисоний ҳодисалар жараёни керак бўлганидан бошқачароқ кечади, бошқача кўринишда юзага келади, деган фикрини (Балли 1955: 204) тушуниш қийин. Тилшунослик фанини лисоний бирликлар тузилишининг қайси шакли воқеликка ёки мулоқот эҳтиёжига мос тушиши умуман қизиқтирмайди. Тилларнинг кўпсонлилигининг ўзи ҳам у ёки бу тилнинг тузилиш жиҳатидан бошқасига нисбатан устунлигини тасдиқлаб бўлмасликнинг исботидир.

Баллининг типологияга оид ғояларининг ўзига хослигини қайд қилиш билан бир қаторда, уларнинг морфологик типологияга мос келадиган жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталмоқ керак. Олим «кетма-кетлик» (бир чизикдан ўрин олиш) тушунчасини қўлланишга киритаётиб, морфологик тасниф бўйича агглютинатив тиллар синфига кирадиган тиллар тизимида тўлиқ намоён бўладиган нутқий тузилиш тамойилини тавсифлайди. Маълумки, айнан агглютинатив тилларда бир морфема ягона бир маънони ифодалайди ва шу йўсинда ифода ва мазмун доиралари ўртасида ҳеч қандай ассиметрия муносабати юзага келмайди.

Баллининг ҳозирги замон француз тили тизимидаги синтетик ва аналитик анъаналар муносабати ҳақида билдирган фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Олимнинг фикрича, француз тилида маълум сабабларга биноан синтетик хусусиятларнинг қайта тикланиши кузатилмоқда. Шу муносабат билан «прогрессив кетма-кетлик» ва «синтактик сиқиклик» ҳодисаларига яна бир бор тўхталмоқчимиз.

Баллининг фикрича, француз тили аналитик хусусиятини аниқловчи асосий кўрсаткич прогрессив кетма-кетликдир. Аммо бунда қайси тузилиш ҳақида сўз кетаётганлигини билиш мушкулдир. Тўғри, прогрессив кетма-кетлик француз грамматикасининг асосий «устуни», аммо Балли талқинини давом эттирсак, грамматика ўз анъанавий ҳудудидан чиқиб, «бўғин грамматикаси» даражасигача тушади. Прогрессив кетма-кетлик тамойили таъсирини «тизимнинг барча қисмларида, гап тузилишидан бошлаб, то сўз ва бўғин тузилишигача кузатиш мумкин» (Балли 1955: 204). Тил тизими талқинига бундай «нописанд» ёндашиш кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолда тил тизими сатҳлари ва улар таркибига кирувчи бирликлар (гап, сўз бирикмаси, сўз ва бўғин) ўртасидаги фарқ асоссиз инкор қилинади. Шунингдек, айрим тил ҳодисаларини прогрессив кетма-кетлик ғояси нуқтаи назаридан талқин қилишдаги ноизчилликлар ҳам кишини ҳайратлантиради. Агар бирор бир ҳодиса ушбу тамойилга мос келмаса, уни эскирган, фаол қўлланишдан чиққан деб қаралади. Масалан, агар Ш.Балли талқинига ишонсак, француз тилидаги «сифат- от» қолипидagi бирликларни

адабий тилга хос архаик тузилма сифатида қарамоғимиз лозим (Балли 1955:254). Аслида, бу фикр ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Туб ёки бир таркибли (ўзакли) сифатларнинг ҳар қандай ўринда (бирикма таркибида) қўлланиши ҳеч қандай стилистик аҳамиятга эга эмас.

Баллининг ҳозирги замон француз тилида синтетик қурилмалар миқёсининг кенгайиб бораётганлиги ҳақидаги фикрига келсак, бу фикр ҳам келтирилган мисолларда тўлиғича ўз исботини топмаганлигини кўрамиз. Олимнинг қайдича, синтетикликнинг қайта тикланишига сабаб от ва феъл бирикмаларида синтактик сиқикликнинг юзага келиши ва шу ҳодиса натижасида бирикма қисмлари ўзларининг алоҳидалик (автономлик) мавқеларини йўқотишидандир. Натижада, бирикма элементлари ўзига хос олд қўшимча мақомини оладилар.

Аслида, эслатилган сиқиклик ҳодисаси асосан фонетик хусусиятга эга. У ёрдамчи ва мустақил сўзларни фарқлашга ҳеч қандай халақит бермайди. Француз тилининг аналитик аъаналари ва унинг тизимида пайдо бўлаётган янги кўринишдаги синтетизмни исботлашда Ш.Балли қарийб бир хил фактларга мурожаат қилади. Фарқ фақатгина шундаки, олим аналитизмни изоҳлаш учун ифода доирасига мурожаат қилса, синтетик тузилиш исботида лисоний бирликларнинг мазмун доираси инобатга олинади.

Француз тилининг аналитик хусусияти шундаки, у флексив қўшимчалар ўрнига олд элементлар тизимидан фойдалана бошлади (Балли 1955: 213-214), яъни ифода тизимида ўзига хос ислоҳот юзага келди ва синтетизм ўрнини аналитизм эгаллади. Аммо айнан шу ҳодисаларни мазмун доираси нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, тил қурилишида ҳеч қандай ўзгариш ёки ислоҳот жараёни кечганлигининг бирор бир «из»ини кўрмаймиз. Француз тили аввал қандай даражада синтетик бўлса, уни шу даражада сақлаб қолаверди. Чунки ўзгариш фақат ифода воситаларида: флексия ўрнини олд элементлар эгаллашди, семантема эса ўзгармасдан қолаверади. «Эски» синтетизм «янги»си билан ўрин алмашди, аммо сифат кўрсаткичларга эга бўлган типологик ўзгариш юзага келмади. Демак, Балли таълимоти нуқтаи назаридан қарасак, француз тили аналитизми ҳақида гапиришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

Олим таълимотида «синтактик сиқиклик» ҳодисасининг икки турдаги белгилари ажратилади: 1) бу ҳодиса сўзнинг маъно жиҳатидан алоҳидалик (автономлик) хусусиятини йўқотиши; 2) семантема олд элементлар билан бирикиб, ягона бир урғуга эга бўлган ритмик гуруҳни ташкил қилади.

Ш. Балли «сўз автономлигидан (мустақиллигидан) синтагматик бирикма автономлигига ўтиш» деганда нимани назарда тутди? Умуман, «автономлик» тушунчаси Балли таълимотида қандай ўринни эгаллайди ва нимани англатади? Бу саволларнинг туғилиш сабаби ва бизни ҳайрон қолдирган нарса шундаки, муаллифнинг фикрича, от феълга нисбатан кўпроқ автономлик хусусиятига эга эмиш. Наҳотки шундай бўлса?! Ахир нутқий бирликлар тизимида феълнинг роли алоҳида эканлиги, синтагмада у «етакчилик» қилиши барчага маълум-ку! Феъл ҳатто оғзаки нутқда бошқа бирликлар қуршовида ўз грамматик шаклини тўлиқ сақлаб қолиш

хусусиятига эга. От эса бундай мустақиллик хусусиятига тўлиқ даражада эга эмас ва у доимо синтактик қуршов таъсирида бўлади.

III. Балли асарининг кейинги саҳифаларидан маълум бўлишича, у сўз автономлиги масаласини семантема автономлиги масаласи билан алмаштиради: «сўз автономлиги масаласи семантема масаласига бориб тақалади» (Балли 1955:318). Умуман, Балли таълимотида «сўз» тушунчаси йўқ деса ҳам бўлади, асосий ўринни «семантема» ва «молекула» тушунчалари эгаллайди. «Молекула» фақатгина луғавий маънога эга бўлган негизга грамматик қўшимчалар қўшиш билан ясалади. Олим «молекула»ни синтаксис бирлиги сифатида талқин қилади. Сўз туркумлари ҳам молекулалар доирасида ажратилади. Семантема-нинг маълум турдаги актуализатор (фаоллаштирувчилар) билан бирикувида от сўз туркумидаги бирликлар ҳосил бўлса, бошқа турдаги фаоллаштирувчилар эса семантемани феъл туркумига ўтказди. Масалан, *march* артикль воситасида от ясайди, қўшимча ва урғусиз олмош билан бирикканда феълга айланади.

Луғавий-грамматик белгиларига нисбатан фарқланадиган анъанавий сўз туркумлари қаторига бундай янгича тавсиф бериш синтактик сиқиклик ҳодисасининг мавжудлигини исботлаш имконини яратади. Натижада, Балли сўз туркумларини синтактик тузилмалар деб қарашни таклиф қилади.

Бизнингча, семантема мустақиллигини сўз мустақиллиги билан тенглаштириб бўлмаса керак, шу сабабли сўзни тил тизимининг реал бирлиги эканлигини эътироф этувчи тилшунослар синтактик сиқиклик ҳодисасининг барча тиллар учун бир хилда фаоллашувини тасаввур қила олмайдилар. От ва феъл бирикмаларида синтактик сиқиклик фақатгина олд ўриндаги элементлар доимий сўз ўзгартирувчи қўшимчалар қаторидан ўрин олгандагина юзага келади. Француз тилида бундай парадигматик қаторлар мураккаб замон, мажхул даража категориялари ифодасида шакл топадилар. Аммо бундай ҳолатларда фақатгина олд элементларнинг феъл билан вазифавий-маъновий бирикиши юзага келади, ҳеч қандай шаклий бирикиш кузатилмайди. Шакл нуқтаи назаридан ушбу элементлар – морфема эмас, балки сўздир. Ҳатто биз бу элементларни морфема сифатида тасаввур қилсак ҳам, барибир уларни синтетик тузилиш натижаси сифатида талқин қилиб бўлмайди. Демак, олд элементлар вазифаси ва ифода қилинаётган маъно жиҳатидан морфемаларга (негиздан кейинги) ўхшаса ҳам, улар ўз структуравий мустақилликларини сақлайдилар. Бу элементлар морфологик шакллар қаторини (парадигмани) ҳосил қилмаганликлари сабабли уларни морфемаларга айланиши ҳақида гапириш унчалик ўринли эмас. Бу турдаги бирикмаларни от ва феъл гуруҳлари синтаксиси доирасида ўрганган маъқулроқ.

Худди шунингдек, аналитик гуруҳларда синтактик сиқиклик даражаси албатта ўсиб боради. Аммо, ҳар қандай ҳолда ҳам у флектив тилларда кузатиладиган даражага етиб бормайди. Зеро, флектив тилларда сўзлар бирикувининг асосий шакли мослашувдир ва бунда айни бир грамматик белги гап таркибида худди уни сиқувга олаётгандек, бир неча бор такрорланади. Француз тилида, флектив шакллар камлиги сабабли бу услуб

кам учрайди. Агар Ш.Балли синтактик сиқикликни гап таркибининг синтактик тузилиши нуктаи назаридан аниқлаш ниятида бўлганида, француз тилида синтетизмнинг қандайдир янги «тўлқини» пайдо бўлиши ҳақида гапирмас эди: «...мослашув синтактик жиҳатдан бошқарувга нисбатан кўпроқ синтетик хусусиятга эга. Бошқарув бир-биридан «ташқарида» бўлган бўлакларни боғлайди, мослашув эса уларни (бўлакларни) бир-бирига қориштириб бириктиради» (Балли 1955: 224).

Синтактик сиқиклик француз тилида асосан фонетик хусусиятга эга. Ритмик гуруҳ синтактик тузилишга таянади. Бунда фонетика етакчилик қилади, чунки алоҳида бир ритмик гуруҳ нутқ услуби ва тезлигига нисбатан бир неча синтактик гуруҳларни қамраб олиши мумкин. Демак, ритм – бириктирувчи ҳодисадир.

Шундай қилиб, Ш. Баллининг аналитизм ва синтетизм ҳодисалари муносабати ҳақидаги фикрлари шаклланишида методологик хатога йўл қўйилган, яъни сўз тил тизимининг реал мавжуд бирлиги сифатида эътироф этилмаган. Сўз реал бирлик сифатида қаралса, сиқиклик ҳодисаси ҳам синтаксис сатҳидан кўра фонетикага хос эканлиги ҳам ўз исботини топади. Сўзсиз, Балли таълимоти жаҳон тилшуносларининг назарий қарашларида ўз аксини топди. Унинг француз тили тузилиши ҳақидаги фикрлари морфологик типология доирасида шаклланган назарий қарашларнинг мантиқий давомидир.

Балли таълимотининг асосий мақсади луғат, грамматика, фонетика сатҳларининг типик хусусиятларини тавсифлашнинг умумий тамойилларини яратишдир. Бундай асосий тамойиллардан бири прогрессив кетма-кетлик тамойилидир. Балли ушбу тамойил асосида тилнинг ҳар қандай сатҳи тузилишини тушунтириш мумкинлигига ишонади. Амалиётда эса бундай эмаслиги маълум бўлди. Гап тузилишини ёритишда бу тамойил самарали натижа берган бўлса ҳам, сўз ва бўғин тузилишини ўрганишда у ҳеч қандай натижа бермади. Сўзнинг таркибий бўлаклари унинг умумий маъносини очиб бера олмайди. Гап бўлаклари эса, аксинча, бу вазифани бажариш қобилиятига эгадирлар.

Баллининг типологик таълимоти умумий қабул қилинган тилларнинг морфологик таснифига мос келмайди. Тўғри, бу икки йўналишда ҳам «аналитик» ва «синтетик» тиллар тушунчаси мавжуд, аммо уларнинг қўлланиш доираси ва мазмуни турлича. Анъанавий морфологик таснифда ифода услуби ва воситалари муҳимдир, Балли эса ифода ва мазмун доираларини бир хилда инобатга олиш тарафдори. Шу сабабли, француз тилида қисқа (ҳажмдаги) сўзларнинг кўплиги, олимнинг фикрича, синтетизмнинг кучайишидан дарак беради. Айни пайтда, француз тилида аналитизмга интилиш мавжудлигини ҳам инкор қилмайди. Энг қизиғи, иккала ҳодисанинг ҳам исботини бир хил омиллардан қидиради, аммо биринчисида мазмун доирасига мурожаат қилинса, иккинчисининг (аналитизмнинг) исботини ифода воситаларидан излайди. Юқорида айтганимиздек, Баллининг аналитизм ва синтетизм муносабати ҳақидаги қарашлари бевосита сўз бирлигини тавсифи билан боғлиқ (унинг томонидан

сўзнинг тил тизимининг реал бирлиги эканлиги инкор қилинганлигин эслайлик). Натижада, сўз мустақиллиги ҳодисаси семантема мустақиллиги билан алмашштирилган.

Балли таълимотида ҳаяжонли нутқ ҳолатини ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Олимнинг фикрича, тилда аффеktiv (ҳаяжонли) ҳолатнинг ифода топиши икки асосий мақсадни кўзлайди: 1) сўзловчининг хис-туйғуси, кайфиятини ифодалаш ҳамда маълум қилинаётган ахборотга баҳо бериш; 2) мулоқот иштирокчиларига таъсир ўтказиш мақсадида маълум турдаги лисоний воситалардан фойдаланиш. Умуман, Ш. Баллининг тилнинг таъсир ўтказиш воситаси бўлиши ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир ва бу фикр-мулоҳазалар ҳозирги кунда коммуникатив тилшунослик, прагматлингвистика ва психоллингвистикада фаоллашган қатор муаммолар муҳокамаси учун муҳимдир.

Балли лисонда интеллектуал ва аффеktiv хусусиятлар муносабатини аниқлашда психология фанида мавжуд бўлган инсон онгида ушбу хусусиятларнинг алоҳида акс топиши ҳақидаги ғояга асосланади. Тафаккур фаолияти ва онгдаги бундай икки томонламалик тўғридан-тўғри тил тизимига ҳам кўчади ва Балли «интеллектуал» ва «аффеktiv» тилларини фарқлайди.

Баллининг тилнинг ҳаяжонли-аффеktiv хусусиятлари ҳақидаги фикрлари экспрессивликнинг нутқий фаолиятдаги ўрнини аниқлаш учун муҳимдир. Олим ҳаяжонли нутқ фаолияти тадқиқига социологик нуқтаи назардан ёндашади. Бундай ёндашув ўша давр учун янгилик эди ва шу асосда тилшуносликда тамоман янги йўналиш –*лингвостилистика* юзага келди. Лингвостилистиканинг тил тизими ва нутқий фаолиятни функционал жиҳатдан тадқиқ қилиш борасидаги маҳсулдор натижалари барчага маълум.

7. Роман Якобсон таълимоти. Р.Якобсоннинг (1896-1982) тилшуносликнинг турли соҳаларига оид ғоялари билан тадқиқотчилар яхши таниш. Олим тилшунос ва адабиётчи сифатида машҳур. Россия тилшунослиги анъаналарининг давомчиси бўлган Р.Якобсон таълимоти ўзига хослиги, назарий фикрларнинг асослилиги, янгилиги билан доимо ажаралиб турган ва бу фикрлардан турли йўналишлар вакиллари унумли фойдаланиб келишмоқда.

Р.Якобсон таълимотининг умумий тавсифини бериш учун дастлаб олимнинг тилнинг бошқа ижтимоий ҳодисалар қаторида тутган ўрни ҳақидаги фикрини билмоқ керак.

Тил тизимлашган, нисбатан мустақил (автоном) ҳодиса бўлиб, у, бир томондан, ўз-ўзидан ва ўзи учун мавжуд, иккинчи томондан, лисоний қобилият ва хусусиятларнинг умумий доираси (миқёси)га киради. Нисбатан мустақиллик тамойили фанлараро муносабатни тақоза этиш билан биргаликда, лисоний ҳодисалар тадқиқида редукционизмни, яъни уларни ажаратиб, фақатгина психология ёки тилшунослик «қарамоғи»га ўтказишни инкор қилади. Лисоний ҳодисаларни турли фан соҳаларидаги тадқиқида яқинлик бўлса-да, лекин улар қоришиб кетмаслиги, айнан бир-бирин

такрорламаслиги лозим. Нисбатан автономлик тамойили тил тизимининг барча сатҳлари учун хосдир. Фонология, морфология, синтаксис ва луғат тизими бирликларини таркибий қисмларга ажратишда турли услубларга мурожаат қилиш лозим бўлади. Тил тизими қарам-қаршиликлар қаторидан иборатдир (ҳаракатчанлик-турғунлик, диахрония-синхрония, эллипсис – тўлиқлик, архаизм-неологизм, мафора-метонимия, изчиллик-рақобат ва ҳ.к). Ушбу жуфтликлар аъзолари ҳам нисбатан мустақиллик хусусиятига эгадирлар.

Якобсон таълимотида шахсларо ва шахснинг ўз-ўзи билан мулоқот шакллари фаркланиб, бу мулоқот турларининг ижроси тилнинг асосий вазифалари эканлиги қайд этилган. Тил бирликлари доимий равишда маълум бир мақсадга йўналтирилган, шунингдек, тил тизимидаги ўзгаришлар ҳам бирор-бир мақсадни кўзлайди ҳамда тадқиқотчи ушбу мақсадни аниқлаши лозим. Масалан, бундай мақсадлар қаторига тизимдаги мувозанатни сақлашга йўналтирилган ҳаракатлар ҳам киради. Маълумки, тил доимо ўз вазифасини ижро қилади, аммо унинг айрим қисмлари, кичик тизимларининг фаоллиги унчалик маҳсулдор бўлмаслиги мумкин. Масалан, *тежамкорликнинг* баъзан таъминланмай қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Бир гуруҳ ёки сатҳ доирасидаги тежамкорлик бошқа жойда бузилиши, таъминланмаслиги мумкин. Тил тизими тараққиётида тизимлараро мувозанатнинг сақланиши ўта муҳимдир.

Якобсон тил тизими тараққиётини *турғунлик* ва *ҳаракатчанлик* нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Бу хусусиятлар диахрония ва синхронияда бир хил кудратга эга. Лисоний ўзгаришлар структуранинг бузилиши ва қайта ташкил топиши натижасидир, бу эса бошланғич ва натижавий (охирги) тизимларни қиёслаш ҳамда ўзгаришлар юзага келаётган сатҳларни аниқлашни тақозо этади. Албатта, тил тизими ўзгариб туради ва юзага келаётган ўзгаришлар, мавжуд ҳодисалардан қайси бири маҳсулдор эканлиги, «келажаги борлиги»га ишорадир. Ижодкорлик, яратувчанлик (creativity) руҳи тилнинг энг асосий ички хусусияти, захираси. Тилнинг яна бир ички хусусияти бўлган вақт, замон ўлчови (меъёри) унинг макондаги вариантлашуви (муқобиллашуви) билан чамбарчас боғлиқдир.

Якобсон лисоннинг номоддий хусусиятини алоҳида қайд этади – нафақат тилнинг умумий тизими, балки унинг қисмлари ҳам моддий кўринишга эга эмас. Демак, хабар ва унинг коди муносабати олдиндан мақсадли равишда шаклланган. Хабар ёки ахборот нутқий фаолиятнинг ягона, такрорланмас мақсадидир, код эса – ахборотни узатишни таъминловчи тизим. Код доимо нисбатан мустақил бўлган субкодлардан иборат бўлади. «Код / хабар» қарама-қаршилиги Фердинанд де Соссюр ажратган «ижтимоийлик / индивидуаллик» қарама-қаршилигига мос келмайди. Ҳар бир шахс ўз субкодига эга, хабарда эса ижтимоийликнинг турли босқичлари акс топади. Код ва хабар муносабати тўрт кўринишга эга: 1) хабар ҳақидаги хабар (баён, изоҳ, ишора); 2) коднинг коди (атоқли отлар); 3) код ҳақидаги хабар (тилнинг металингвистик вазифаси); 4) бевосита хабар мазмуни билан боғлиқ код (илк хабарни билмасдан туриб, код мазмунини тушунмаслик

ҳолати). Бу турдаги кодлар қаторига шифтерлар ва дейктик белгилар киради. Шифтерлар (ўтказувчи, кўчирувчи лисоний белгилар) тил тизимини нутқий фаолиятнинг асосий бўлаклари бўлган сўзловчи, адресат, контекст, хабар, алоқа ва код кабиларни тавсифлаш учун муҳимдир. Нутқий ҳаракатнинг ушбу бўлакларига нисбатан тилнинг асосий олти вазифаси ҳам белгиланади.

Ф. де Соссюр ғоялари таъсирида бўлган Р. Якобсон нутқ жараёнида товушларнинг турлича талаффуз этилиши масаласи билан қизиққан ва бу ҳодисанинг тилнинг коммуникатив вазифасига боғлиқ эканлигини қайд қилди. Бинобарин, унинг фикрича, фонеманинг асосий моҳияти маъно фарқлаш вазифаси билан боғлиқдир. Олимнинг таъкидлашича, сўзловчи шахс лисоний қобилятининг асосини она тили фонологик тизимини, ушбу тил фонемалари мажмуасини билиш ташкил қилади. Тил тизимининг ўзгариши, биринчи навбатда, фонемалар таркибининг ўзгаришидир (Ф.де Соссюр эса лисоний ўзгаришни нутқ ҳодисаси деб ҳисоблайди).

Якобсоннинг фонетик бирликларни уларнинг маъно ва вазифавий хусусиятларини ҳисобга олмасдан туриб таҳлил қилиш мумкин эмас, - деган фикрига тўлиқ қўшилмоқ керак.

Худди шу қабилдаги фикр «маъно» тушунчасига нисбатан ҳам билдирилади. Маъно (Р.Якобсон «сигникатум» атамасини ишлатади) бирор – бир моддий бирлик билан алоқадор эмас. Шу сабабли «сигникатум» ва «денотат» тушунчаларини қиёслаб бўлмайди.

Тил тизимида маъно ва товуш бирор бир алоҳида, индивидуал хусусиятга эга эмас, уларнинг хусусияти генерик (генус- синф), яъни маълум бир синфга оидлиги билан белгиланади. Ҳар қандай лисоний белги ўз мазмунининг воқеланишига нисбатан маълум синф, гуруҳларга хос бўлган умумий маънони ифодалаш қобилятига эга. Демак, фонема – муқобил вариантлар синфи. Синф ёки гуруҳнинг кейинги босқичлардаги таснифий бўлиниши контекстга боғлиқ ҳолда кечади. Бундай хусусият сўзларнинг барча туркумларига хосдир, шу жумладан, шифтер ва атоқли отларга ҳам. Маълум синфга кирувчи бирликларнинг таснифи уларнинг қўлланиши жараёнида юзага келади ва «танлов / бирикув» ёки «ўхшашлик / яқинлик» қарама-қаршиликларига асосланади. Лисоний белгилар бирикуви асосида матн ҳосил бўлади. Бирликларнинг танлов ва бирикув асосида алоқага киришув қоидалари тилнинг поэтик вазифасининг намоён бўлишидир.

Тил тузилиши хусусиятларининг таҳлили жараёнида лисоний белги тушунчасига таянилади. Белгининг тавсифида ифодаловчи ва ифодаланмиш (сигнатум - сигнанс) нинг алоқаси мустаҳкамлиги тамойилига эътибор қилиш керак.

Лисоний белги тил тузилиши элементидир ва унинг тавсифида «муносабат» тушунчаси муҳимдир. Лисоний муносабатлар мажмуаси асосида тил бирликлари ажратилади, лекин аксинча эмас. Муносабатлар тушунчаси қарама-қаршилиқлар қаторларида воқеланади; бу қаторларга кирувчи элементлар бир-бирларини тақозо этадилар, уларнинг биридан иккинчиси ҳосил бўлади. Боз устига, бу элементлар доимо жуфтлилик тамойилига амал қиладилар ҳамда улар маълум шаклий кўрсаткичлар

асосида ўзаро фарқ қиладилар. Р.Якобсон Ф.де Соссюрдан фарқли ҳолда лисоний белгиларнинг ихтиёрийлиги чегараланган деб ҳисоблайди. Белгининг ихтиёрийлиги, бир томондан, ономотопия ва бошқа фонеморфологик ҳодисалар таъсирида чегараланса, иккинчи томондан, белгининг ифода ва мазмун хусусиятлари ўзаро муносабатда бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Булар эса, ўз навбатида, лисоний белгининг тасвирий (иконик) кўриниш олишига сабаб бўлади.

Р.Якобсон тилнинг тизимли характерини ёритишда холизм тамойилига асосланади, яъни тил бирликлари яхлит бир бутунлик сифатида бўлакларни ўз ичига олади ҳамда кейинги босқичларда бошқа бутунликлар таркибига кириб, пировард натижада тил тизимининг элемент қисмига айланади. Яхлитлик бўлакларнинг оддий йиғиндиси эмас, яхлит ва бўлак бир-бири билан босқичли муносабатга эга ва тизимнинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Холизм ғояси инвариантнинг нисбийлиги тамойилига амал қилади, яъни ҳар бир тил бирлиги ҳар қандай қўлланиш муҳитида ўз асосий белгиларини сақлайди.

Якобсон назариясида фарқловчи белгилар масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Шу мақсадда кўрсаткичли ва кўрсаткичсиз бирликлар қаторлари ажратилади. Кўрсаткичли бирликлар кўрсаткичсизларга нисбатан иккиламчидир. Бунинг исботини ҳатто болалар нутқи тараққиётида ҳам кузатиш мумкин: шаклий кўрсаткичли категориялар гўдаклар нутқининг илк босқичларидаёқ шаклланади.

Маълумки, Р.Якобсон умрининг охириги йилларида АҚШда яшаб ижод қилди ва олимнинг Америка тилшунослиги тараққиётидаги хизмати алоҳидадир. Айниқса, унинг фарқловчи белгилар, вазилавий қарама-қаршилиқ, фонологик тизимларнинг макон ўлчови ва тил тизими тузилишининг босқичли сатҳлари ҳақидаги фикрлари Америка тилшунослигида кенг миқёсда тарқалди. Жумладан, олим таклиф қилган фонологик бирликларни фарқловчи белгилар асосида таҳлил қилиш услуби АҚШ фонологларида катта қизиқиш уйғотди. Р.Якобсон ғоялари баъзи ҳолларда Америка тилшунослигида революцион ўзгаришларга сабаб бўлди. Масалан, Якобсоннинг фонологияси Л.Блумфильд издошлари тарғиб этаётган фонемика йўналишига катта талафот етказди. Этнология, морфология ва бошқа соҳаларга оид тадқиқотлар семантикани ўрганиш мўлжалини ола бошладилар. Бунда Якобсоннинг семасиология ва фонологик тадқиқ услублари намуна бўлиб хизмат қилди. Олимнинг назарий ғоялари ва тадқиқ усуллари Америка ҳиндулари тили, фольклор матнларини ўрганишда, антропологик тадқиқотлар ўтказишда амалий кўрсатма хизматини ўтади. Шунинг билан биргаликда, Якобсоннинг болалар нутқи, афазия ва бошқа соҳаларга оид ишларининг аҳамиятини ҳам қайд этмоқ зарур.

Якобсоннинг таъсири генератив тилшунослик тараққиётида ҳам сезиларлидир. Бу таъсир баъзан бевосита намоён бўлса, бошқаларида билвосита. Бу, айниқса, акустика, психоллингвистика, нутқ патологиясига оид ҳодисалар таҳлилида аниқроқ кўринади.

Якобсоннинг ботиний шакллар ҳақидаги фикри генератив фонология намояндаларига унчалик маъкул келмади, чунки улар ботиний шакл ходисасини фақатгина мавҳум тушунча сифатида талқин қилиш тарафдоридирлар. Кейинчалик, 1960 йилларга келиб, генератив-фонологларнинг бир қисмида ўта мавҳумликка нисбатан шубҳа туғила бошлади. Ҳақиқатдан ҳам, мавҳум ботиний шакллар (deep structures) коидаларининг психологик жиҳатдан воқеликка унчалик мос келмаслиги охириги йиллар давомида аниқ бўлди.

Фонемаларнинг фарқловчи белгилари ҳақидаги Р.О. Якобсон билдирган ғоя ҳам генератив фонологияда ўз аксини топмади.

Роман Осипович Якобсон ўтган асрнинг 30-йиллари бошида Ленинград шаҳрида ташкил топган «Поэтик тил бўлими» (ОПОЯЗ – отдел поэтического языка) нинг фаол қатнашчилари-дан бўлганини ҳамда «поэтика ва лингвистикани яққалам қилган» (И. Мирзаев) олимлардан бири эканлигини унутмаслик керак. Якобсон таълимотида лингвопоэтикага оид ғоялар салмоқли ўрин эгаллайди. Олим тилшуносликни поэтикага хизмат қилувчи фан деган ақидага бутунлай қарши чиқади. Дарҳақиқат, тилшунос агарда нутқ бирликларининг тор доиралари билан чегараланиб қолса, тўлиқ матнлар, дискурсив бутунликларнинг таркибий ва мазмуний қурилишини тўлалигича тадқиқ қилиш имконига эга бўлмайди. Аслида, лисоний фаолият билан қизиқаётган тадқиқотчи Lingvistici nihil a nic alienum puto «лингвистикага доир бирор нарса ҳам менга бегона эмас» мақолига амал қилиши талаб қилинади. Шу сабабли дискурсни ўрганиш лингвопоэтика-нинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади (Қаранг: Р.Якобсон. Поэтика масалалари. Т., 2005. И.Мирзаев таржимаси).

8. Якоб Гримм таълимоти. Буюк олмон мутафаккири Якоб Гримм (1785-1863) тил тизими тарихий тараққиёти назариясини яратган олимлардан биридир. Дастлабки пайтларда Гримм тил тизимидаги тарихий ўзгаришларни тизимнинг бузилиши, пароканда бўлиши деб ҳисоблаган бўлса-да, кейинчалик унинг бу ходисага нисбатан қарашлари батамом бошқача мазмун олди. Натижада, олим маълум бир тилнинг ифода воситаларига бой бўлиши флексия тизимининг тараққиёти билан боғлиқ деган ақидадан ҳам воз кечди. XIX аср ўрталарида Я.Гримм тилнинг тарихий тараққиёти тил тизимининг такомиллашуви натижасидир деган хулосага келади. Олимнинг «такомиллашув» назариясига биноан тил тараққиёти уч босқичдан иборат:

- 1) ўзак – сўзнинг таркиб топиши;
- 2) флексия тараққиёти;
- 3) флексиянинг бошқа ифода воситалари билан (ўрин) алмашинуви.

Гримм таклиф қилган таҳлил режасида асосий ўрин диахрония услубига ажратилган, синхронияга оид масалалар эса фақатгина батафсил диахрон таҳлилдан сўнг ўрганилиши лозим.

Гриммнинг фикрича, тил миллий руҳнинг аксидир, шу сабабли маълум лисоний ҳолат (ривож ёки парокандалиги) миллий маданият ҳолатининг давомидир. Шунинг учун ҳам қиёсий-тарихий тилшунослик руҳидаги тадқиқ

лисоний шакллар билан чегараланиб қолмасдан, балки тил бирликлари (масалан, сўз) шакли билан ҳам шуғулланиши лозим.

Гримм адабий тилни маданият ривожининг манбаи, воситаси деб ҳисоблайди. Адабий тил маданият тараққиёти жараёнида илғорлашган диалектларнинг бири негизида шаклланади ва унинг тараққиётида миллатнинг илғор зиёли намояндалари, ижодкорларнинг ҳиссаси каттадир. Олимнинг фикрича, поэзия тилнинг энг такомиллашган шаклидир.

Олимнинг тил пайдо бўлиши ҳақидаги билдирган фикрлари ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳити нуктаи назаридан жуда журъатли туюлади. Тил тизимида мавжуд бўлган барча турдаги (қоидадан) истиснолар кўҳна ҳодисалар қолдиқларидир. Албатта, бунда нутқ бирликлари тузилиши ва тартиботининг тизимий хусусиятларини эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлади. Гримм тил «руҳи» нинг ҳаракатини тарихан кўра билиш лозимлигини уқтиради, аммо бунда «тарих» ва «тараққиёт» тушунчаларини чалкаштириш мумкин эмас.

Гримм таълимоти нутқий мулоқотнинг реал ҳодисалар мажмуаси сифатида талқин қилиниши билан боғлиқ бўлган ҳолда шаклланди. Бу таълимотда тил луғавий заҳирасининг имкониятлари тўлиғича қамраб олинган. Бундай кенг қамровлилик луғат такрибининг ижтимоий вазифавий хусусиятларининг инобатга олиншини тақозо қилади.

Олим талқинича, филология таркибига, грамматика ва луғат таҳлилидан ташқари, матнни билиш ҳам киради. Буларнинг ҳар иккаласи оддийгина билиш бўлмасдан, балки уларни тарихий жиҳатдан билмоқ керак. Я.Гримм асарлари филология фанига бўлган муносабатни ўзгартирди ва ушбу фан қамровининг янада кенгайишига сабаб бўлди. Олим, адабий жараёнлар ҳақида фикр юритаётиб, нутқнинг таркиб топишига, унинг воқелик намунаси эканлигига эътиборни тортди. Гриммнинг фандаги новаторлиги, биринчи навбатда, лисоний тадқиқотлар методологиясининг ўзгартирилганлигида намоён бўлади – олим тил тизимини таҳлил қилишнинг қиёсий-тарихий методига асос солганлардан биридир. (Т.Бушуй, Ш.Сафаров, 4,5,6,7,8).

4-маъруза: **ТИЛ ВА НУТҚ**

Р е ж а:

1. Тил ва нутқ тушунчаси ҳамда уларнинг ўзаро муносабати.
2. Тил ва нутқ ҳақида Ф.де Соссюр назариясининг моҳияти.
3. Тил ва нутқ ҳодисаларининг қарама-қарши хусусиятлари.
4. Тил ва нутқнинг меъёрлашув ҳодисасига муносабати.

Мавзу бўйича таянч иборалар: *Ф. де Соссюр, тил ва нутқ дихатомияси, тил, сўзлаш қобилияти, нутқ, умумийлик, моҳият, имконият, тил бирликлари: фонема, морфема, лексема, конструкция (модель), нутқ бирликлари: товуш, фон, бўгин, аффикс, морф, сўз, сўз-шакл, сўз бирикмаси, гап, микроматн, макроматн, тил ва нутқда қарама-қарши хусусиятлар.*

1. Тил ва нутқ тушунчаси ҳамда уларнинг ўзаро муносабати. Инсон бор экан, тил ва нутқ нима, улар қандай пайдо бўлган, тил ва нутқ қандай қонуниятлар асосида яшайди, ўзгаради ва тараққий этади, тилнинг мазмуни ва шакли нимадан иборат, тил ва жамият ўртасидаги муносабат, тилнинг жамиятдаги ўрни, тилнинг таснифи, уни таҳлил қилиш усулларида қандай маъно бор каби масалалар барчани ўйлантиради.

Тил - материал, нутқ - фаолиятдир. Фаолиятнинг етакчи ва ёрдамчи турлари фарқланади. Етакчи фаолиятнинг бажарилиши онг иштирокида, ёрдамчи фаолиятнинг бажарилиши онг иштирокисиз амалга оширилади. Нутқ пайдо бўлишининг бошланғич нуқтаси рухий, якуний нуқтаси жисмонийдир, чунки у нутқ организмнинг ҳаракати натижасида пайдо бўлади. Ана шу икки нуқта орасидаги жараён психологик тилшуносликни қизиқтирадиган масаладир. Бу қуйидаги моделга тўғри келади: мазмун-матн.

Бирор мазмунни нутқ шаклига келтиришда биринчи босқич хотирадаги сўз бойлигидан зарур сўзни танлайди, иккинчи босқич тўғри синтактик қурилмани аниқлайди, учинчиси - сўзни керакли морфологик шакллар билан жиҳозлайди.

Ниятнинг туғилиши нутққа кирмайди. Ният пайдо бўлгандан кейин инсон уни амалга оширишга ҳаракат қилади, шу мақсадда мазкур ниятнинг мазмуни шакллантирилади, бу жараён икки босқични ичига олади: биринчи босқичда матннинг темаси ва бу *тема* тўғрисида нима дейилиши, яъни *рема* аниқланади.

Нутқнинг яратилиш модели қуйидагича бўлади: ният (мотив) - чуқур семантик босқич - ташқи семантик босқич - чуқур синтактик босқич - ташқи синтактик босқич - чуқур морфологик босқич - ташқи морфологик босқич - чуқур товушлар босқичи ёки фонологик босқич ва ниҳоят фонетик босқич.

Турли экспериментлар йўли билан замонавий психологик тилшунослик тавсия этган модел ана шу.

2. Тил ва нутқ ҳақида Ф.де Соссюр назариясининг моҳияти. Фанларнинг тараққиёти ҳар бир даврнинг илғор фалсафий фикри, давр учун етакчи бўлган фан соҳаларининг ютуқлари билан узвий боғлиқ. XX аср бошларида илмий-фалсафий таълимотга Ф. Гегель диалектик усулининг кенг кириб бориши, Дарвин эволюцион таълимотининг, А. Эйнштейн нисбийлик назариясининг шаклланиши ва ривожланиши тилшуносликка ҳам катта таъсир кўрсатди.

Тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаб ўрганиш дастлаб араб тилшунослиги (VIII-IX аср) нинг тил ўрганиш усулларида (1:160-162), кейинчалик В. Гумбольдтнинг тилдаги ҳаракат, жараён, куч (энергео) ва

маҳсулот (эргон) (2:10-16), А. Штейнталнинг тилдаги «барқарор моҳият ва ҳаракатдаги кучлар» (3:5-14), Бодуэн де Куртенэнинг «тилдаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик» (4:12-16) ҳақидаги фикрларида учратамиз. Лекин тил ва нутқ бирликларининг моҳиятини очиш ва унга мазмун берилиши Ф. де Соссюр ва унинг издошлари яратган таълимот билан боғлиқдир.

Идеалистик диалектика методологиясига таянадиган Соссюр таълимотини материалистик асосда ривожлантириб, унга диалектик материализмга хос мазмун беришда А.И.Смирницкий, В.З.Панфилов, А.С.Мельничук, В. М Сольнцевларнинг хизмати катта.

Тилнинг турли қирраларини узвий тарзда бирлаштириб, уни яхлит бир бутунлик, бир система сифатида ўрганувчи тилшунослик асримизнинг 20-йилларида шаклланди. Ф. де Соссюр асос солган систем тилшунослик номи билан машҳур бўлди. Диалектик усул билан қуролланган систем тилшуносликнинг асосини тил ва нутқ оппозицияси ташкил этади.

Систем тилшуносликдаги тил ва нутқ оппозициясидан келиб чиқиб, нутқ фаолияти қуйидаги уч таркибий қисмдан иборат, деб кўрсатилади: 1) тил; 2) сўзлаш қобилияти (тилдан фойдаланиш малакаси ва кўникмаси); 3) нутқ (5:12).

Маълум бир жамиятнинг барча аъзолари учун аввалдан тайёр ҳолга келтирилиб қўйилган, ҳамма учун умумий, яъни қабул қилиниши ва қўлланиши мажбурий, фикрни шакллантириш, ифодалаш учун хизмат этадиган бирликлар ва бу бирликларнинг ўзаро бирикишини белгиловчи қонун-қоидалар йиғиндиси **тил деб аталади**.

Тил инсон онгидаги психофизик ҳодиса бўлиб, ўзига умумийлик, моҳият, имконият каби сифатларни мужассамлаштирган. У ўзининг бу сифатларини аниқ шаклларда-хусусий ҳодиса ва воқеликлар сифатида, ранг-баранг миқдорий кўринишларда гавдалантиради. Шу жиҳатдан тил ва нутқнинг ўзига хос нисбий мустақил бирликлари мавжуд: фонема, морфема, лексема, конструкция тил бирликлари ҳисобланса; товуш, фон, бўғин, аффикс, морф, сўз, сўз шакли, сўз бирикмаси, гап, матн нутқ бирликлари саналади.

Тил бирликлари ҳамиша икки (ташқи ва ички) томоннинг бир бутунлигидан иборатдир. Ташқи томонда унинг моддий жиҳати намоён бўлади. Масалан, фонемаларнинг талаффуз хусусиятлари, морфемалардаги фонемалар тизими каби. Ички томонда тил бирлигининг вазифаси, маъноси ва қиймати намоён бўлади. Масалан, фонемаларнинг маъно фарқлаши, морфемаларнинг мазмуни ва вазифаси.

Маълум бир жамиятга мансуб шахснинг шу жамиятга мансуб тилдан огоҳлиги, унинг имкониятларидан фойдалана олиш кўникмаси ва даражаси сўзлаш қобилияти ҳисобланади.

Тилнинг тил қобилияти асосида айрим шахс томонидан маълум бир хабар бериш (коммуникация) мақсади учун қўлланиши, ишга солиниши **нутқ деб аталади**.

Тил - тил қобилияти-нутқ занжирида фақат нутққина ташқи шаклда намоён бўлади ва бизнинг сезгиларимиз томонидан қайд этилади. Тил яширин ички идеал ҳодиса сифатида англашилади.

Ф. де Соссюр тил ва нутқ муносабатини шатранж ўйини қоидалари мисолида изоҳлаб берган. Тил ва шатранж бирликлари орасида умумий ўхшашликлар мавжуд.

Тил билан нутқнинг ўзаро муносабатини яхши англамоқ учун тилнинг қандай қурилма эканлигини яхши англамоқ лозим.

Тил бирликлари ташкил этувчилик принципи асосида ўзаро боғлангандир. Шу жиҳатдан тил бирликларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) ташкил этувчи: бунга энг кичик тил бирликлари киради; б) ҳосила: бунга тил бирликларидан вужудга келувчи натижа киради.

Ўзаро бирикиб, ўзидан йирик тузилишдаги бир бутунликни ҳосил этувчи бирликлар ташкил этувчилар дейилади. Масалан, ABCD квадрат ўзига хос катта бир ҳосила бутунлик бўлиб, у қуйидаги ташкил этувчилардан иборат:

- 1) AB, AD, BC, CD тўғри чизиклар;
- 2) AB ва CD, BC ва AD тўғри чизикларининг ўзаро тенглиги ва параллелиги;
- 3) AB ва AD, BC ва CD тўғри чизикларининг ўзаро тенглиги ва перпендикулярлиги;
- 4) Шу чизиклар асосида вужудга келган тўртта 90^0 ли бурчак.

Ташкил этувчилар билан улар томонидан янги ташкил этилган бутунлик орасида иерархик (поғонали) бутун билан бўлак боғланиши мавжуд. ABCD квадрати ташкил этувчилари рўйхатидаги каби иерархик муносабат тил бирликларининг сатҳма-сатҳ қатламланишида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, ўзбек тилидаги фонемалар маълум бир бутунлик – фонологик сатҳни ташкил этади. Бу сатҳ эса, унли ва ундошлардан иборат икки қисмдан тузилган. Унлилар тизими лабланган ва лабланмаган унлилардан иборат.

Тилшуносликда бўлинмас, энг кичик деб тушуниладиган фонема ва морфема яна ҳам кичикроқ ташкил этувчиларга ажратилади. Фонемада фарқловчи белгилар, морфемада мазмун режаси (семема) ва ифода режаси (номема, семема) фарқланади. Семемада семалар ажратилади.

Энг кичик тил бирлиги ҳисобланган фонемалар инсон нутқ аъзолари ёрдамида ҳосил қилинган товуш типларининг андозалари бўлиб, улар психик-акустик образлар қатори сифатида бизнинг хотирамизда сақланади. Сўзловчи психик-акустик образлар асосида нутқ аъзоларини ҳаракатга келтириб, фонемаларнинг нутқий кўринишлари ҳосил бўлади. Масалан, а фонемаси турли талаффузи натижасида мазмун ўзгаради: *ота-ата, она-ана, қора-қара* кабилар.

Тилнинг энг кичик бирликлари – фонемалар асосида вужудга келган лексема ва морфемада ҳам ушбу ҳолатни кузатиш мумкин.

Тилда фонема, морфема, лексема ва курилма каби ташкил этувчи бирликлар мавжуд бўлиб, улардан ҳар бири ўзига хос қатор белгиларга эгадир.

Тил билан нутқ бир-бирини шартлайдиган, бири иккинчисини вужудга келтирадиган, бирисиз иккинчиси тўғрисида гапириб бўлмайдиган воқеликдир.

Тил қобилияти шахснинг ақлий фаолият тури бўлиб, у тил ўрганиш ва тил қўллаш компонентларидан иборат. Киши тил ўрганишда нутқ-тил, тил қўллашда эса тил-нутқ тизмаси билан иш кўради.

Шундай қилиб, у тил ва нутқни ажратади. Тил ижтимоий ҳодиса, шу билан бирга, кўп қаторли ва психик характерлидир. Нутқ тилни тўплаш натижаси бўлиб, у индивидуал бир қаторли ва табиий характердадир.

Ф. де Соссюр қарашларида баъзи нотўғри жиҳатлар мавжуд. У тил ва нутқнинг фарқли томонини берса-да, тилни ижтимоий ҳодиса, нутқни шахсий ҳодиса санаб бир-бирига қарама-қарши қўяди. Тилда бетайин белгилар ҳукмронлик қилади деб, белгилардаги психологик ҳолатдан ташқари бўлган ҳодисаларни инкор этади. Белгилар психик характерда, дейди. Тилни синхроник ва диахроник аспектда ўрганиш бир-бирига боғлиқдир. Лекин Ф. де Соссюр уларни бир-бирига қарама-қарши қўяди.

Умуман, Ф. де Соссюр социологизмни тарихийликка қарши қўйиб, тилшуносликни психологизмга боғлайди.

3. Тил ва нутқ ҳодисаларининг қарама-қарши хусусиятлари. Тил ва нутқнинг қуйидаги қарама-қарши хусусиятлари мавжуд:

1. Тил турли хил бирликлар орасидаги барқарор муносабатнинг мажмуи бўлса, нутқ эса шу мажмуига оид бирликлардан фойдаланиб, айрим коммуникатив мақсадлар учун ҳосил қилинган курилмалар ва уларнинг функционал реализациясидир.

Масалан: *Азизим! Бахтни бировларнинг остонасидан қидирманг!* (А.Қаҳҳор). Бунда қуйидаги тил бирликлари мавжуд: *азиз, бахт, биров, остона, қидир* лексемалари; *-им, -ни, -лар, -нинг, -си, -дан, -ма, -нг* - аффиксал морфемалар; *от+феъл, от+от* шаклидаги сўз бирикмалари; *тўлдирувчи+ҳол+кесим* тартибидаги гап.

2. Тил бирликлари парадигматик, нутқ бирликлари синтагматик боғланишда яшайди. Икки ва ундан ортиқ тил бирлигининг бир парадигма қаторида бирлашиши учун улар орасида субстанция ва маъно томонидан маълум ўхшашлик, фарқ, зиддият бўлиши шарт. Масалан, отларнинг эгалик аффикслари орасидаги парадигматик боғланиш.

Синтагма камида икки бирликдан ташкил топади.

3. Тил тизими фонема, лексема, морфема, сўз бирикмаси ва гап каби тил бирликларига оид бўлган кичик тизимларнинг ўзаро ташкил этувчилик роли асосидаги боғланишидан вужудга келади.

Нутқ тизими эса турли типдаги кичик тил тизимларидан танлаб олинган бирликлар ёрдамида ҳосил қилинадиган, шахсий коммуникатив

мақсад учун хизмат қилиб, ўзининг физик, моддий кўламига эга бўлган ҳосилалар билан иш кўради.

4. Тил бирликлари умумийлик ва моҳиятни инвариантларда, нисбатан ўзгармас барқарорликда, нутқ бирликлари эса вариантларда, хусусий кўринишларда акс эттиради.

5. Тил имконият бўлиб, нутқ шу имкониятнинг маълум даражада юзага чиқарилишидир. Натижада бир тил материали асосида турли хил услублар шаклланади.

6. Тил бирликларига аввалдан барқарорлик, доимийлик ва мажбурийлик хусусияти, нутқ бирликларига эса вақтинчалик ва эркинлик хусусияти хосдир.

7. Хуллас, тил учун умумийлик, имконият, тайёрлик, мажбурийлик, бирликлари чегараланганлик хос бўлса, нутқ учун хусусийлик, воқелик, ҳосилалик, ихтиёрийлик, бирликлари чегараланмаганлик хосдир.

4. Тил ва нутқнинг меъёрлашув ҳодисасига муносабати. Тилнинг инсон учун фикрлаш воситаси бўлишини, моддий асос сифатида хизмат қилишини ҳали *биринчи босқич* дейишимиз мумкин. Иккинчи босқичда эса фикрлаш натижасида, тафаккур маҳсули реаллашмоғи, яъни фикрлаш маркази бўлган миядан ташқарига чиқиши лозим. Бунда эса тилга бўлган эҳтиёжнинг *иккинчи босқичи* бошланади - у коммуникатив вазифани бажаришга киришади.

Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг турли тилларда турлича номланишидан қатъий назар, мана шу жараёнда у инсонлар фаолиятида фикрлаш ва ўзаро ижтимоий муносабат - муомала воситаси, материали бўлиб қолаверади. Аммо тил муомала воситасига айландими, унинг табиий равишда имконият доираси ҳам кенгайиб боради. Энди у нутқ, нутқий жараён қуролига айланади.

Бу ҳолни *учинчи босқич* деб аташ мумкин. Босқичлар сони ортиб боравергани сари тилнинг ижтимоийлик имконияти ҳам тобора кенгайиши маълум бўлиб қолади. Яъни, инсон нутқий фаолиятида коммуникатив вазифани бажараётган тил кўмагида суҳбатдош ёки тингловчига маълум ахборот ҳам етказилади. Демак, тилга бўлган муносабатда *тўртинчи босқич* юзага келади.

Шу ўринда акад.В.В.Виноградовнинг муҳим бир фикрини эсламаслик асло мумкин эмас. У тилнинг учта энг муҳим вазифаси мавжудлигини таъкидлаган эди: алоқа, хабар, таъсир этиш [Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.,1963, с.6.]. Тил инсонлар ўртасида алоқа воситаси бўлиши, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида хабар беришдан ташқари суҳбатдош ёки тингловчига маълум таъсир ўтказиш, ҳиссиётини қўзғатиш кучига ҳам эга. Агар бу ҳолатни шартли равишда *бешинчи босқич* деб атайдиган бўлсак, таъкидлаганимиздек, тилнинг босқичма-босқич такомиллашиб, мукаммаллашиб ва имкониятлари ҳам аста-секинлик билан кенгайиб боришини кузатамиз.

Тилнинг такомиллашиб бориши ва нутқ жараёнидаги босқичларини таниқли тилшунос олимлар Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар систем тилшунослик «тил-меъёр-нутқ» тарзида ажратишини таъкидлашиб, қайд қиладиларки, «Тил бевосита кузатишда берилмаган. У жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар йиғиндиси сифатида қаралади.

Меъёр тушунчасига тил нуктаи назаридан муносабат билдиришдан аввал талабаларга 1- курсда танишилган баъзи бир тил атамаларини эслатиб ўтиш мақсадига мувофиқ бўлади. Бу, энг аввало, тил ва нутқ тушунчалари, улар ўртасидаги диалектик, чамбарчас алоқа масаласидир.

Айтилганлардан англашилаптики, тил ва нутқ тизимида меъёр ҳам ўз ўрнига эга. Бинобарин, тил материал сифатида нутқ жараёнида хизмат қила бошлаган лаҳзаларданок уни меъёрлаштириш жамоа, жамият эҳтиёжига айланган, меъёрий муаммолар кун тартибига қўйилган. Мана шу ўринда юқорида номлари тилга олинган олимларимизнинг қуйидаги фикрларини келтириш муҳим: «Меъёр таърифида «жамият (ижтимоий) томонидан белгиланган, аниқланган қонуниятлар ва имкониятлар» тушунчаси мавжуд. Бу тушунча қуйидаги изоҳларни талаб этади. Биринчидан, тилнинг моддий томони ҳақидаги бизнинг тасаввуримиз нутқда юзага чиқар экан, у қандай шакл ва кўринишда воқеланиши жамият томонидан муайян меъёрлар билан белгиланган бўлади. Масалан, «бу ёққа кел» тушунчасини имо-ишора билан ифодаламоқчи бўлсак, кўрсаткич бармоқни ёки қўлни ишора қилинаётган кишидан ўзимиз томон ҳаракатлантиришимиз лозим. Оғзаки нутқда эса жамиятимиз томонидан қабул қилинган махсус товушлар тизмаси мавжуд бўлиб, биз уларни талаффуз этишимиз - айтишимиз шарт. Айтилганларнинг барчаси меъёрнинг таркибий қисмларидир. Шунга кўра тил имкониятлари меъёр дарчасидан ўтиб, нутқда юзага чиқади» [Неъматов Ҳ., Расулов Р. Юқоридаги асар, 27-бет].

Жамият тараққиёти билан баб-баравар аҳоли сони, бинобарин, уларнинг тилга бўлган эҳтиёжи ҳам ўсиб бораверади. Бу эҳтиёжларни қондириш зарурати эса ўз навбатида тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги табиатини, моҳиятини, вазифасини ўрганишни тақозо қилади, нутқ жараёнидаги истеъмолда бўлиш хусусиятларини кузатишни келтириб чиқаради. Агар мана шу айтилганларни бошқачароқ тарзда изоҳлаш мумкин бўлса, тил ва нутқ меъёрини ўрганиш, таҳлил қилиш кузатувчиларнинг асосий муддаосига айланиб қолади.

Тил элементларининг маълум бир меъёрга келтирилиши, бир томондан, тил мутахассислари томонидан бошқариб борилса, иккинчи томондан, табиий равишда ҳам юз беради. Аммо, фикримизча, бир нарса маълум - тилнинг амалда бўлиш ҳолатларига тазйиқ ўтказиб бўлмайди. Лекин тегишли йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, тавсиялар берилиб борилиши зарур. Бу меъёрий тавсияларнинг қанчалик ҳаётий эканлигини эса амалдаги нутқий жараённинг ўзи белгилайди. Иккинчидан, ана шу меъёрий

хужжатларсиз, йўл-йўриқларсиз ҳам тил ва нутқ ривожини тасаввур этиб бўлмайди. Қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонун буни яққол исботлади. Кейинги йилларда тилимиз ривож, тараққиёти ва нутқ маданиятида юз берган ўзгаришларни нафақат ўзбек тили мутахассислари, балки шу тилда сўзлашувчи барча инсонлар, ҳатто республикамиз ҳудудида яшовчи она тилиси бошқа бўлган кишилар ҳам кузатиб, билиб, эришилган ютуқларни эътироф этиб туришибди.

Шу билан бир қаторда, ўзбек тили ва нутқи маданияти учун олиб бораётган ишларимиз талаблар даражасида эмаслигидан, бизни қаноатлантирмаётганлигидан ҳам кўз юма олмаймиз. Хулоса шу бўладики, бу борадаги ишларимизни изчил ва доимий ҳолатга келтиришимиз керак. Биз Президентимиз И.А.Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонидан ҳам жиддий имконият сифатида фойдаланиб, бу шарафли вазифани йўлга қўйиш ишига ҳисса қўшишимиз лозим.

Аммо бу ўринда биз нимага эътиборимизни қаратишимиз лозим? Назаримизда, тил ва нутқнинг ушбу кўринишларининг фарқли ва умумий, афзал ва мушкул жиҳатларига, пайдо бўлиш даври ва имкониятларига. Шунда ҳам бу жиҳатларга адабий меъёр нуқтаи назаридан муносабат билдирилиши тўғри бўлади. Шу маънода тил ва нутқнинг оғзаки шакли вақт нуқтаи назаридан ёзма нутққа қараганда анча илгари пайдо бўлганлиги, ундаги меъёрлашиш жараёнининг стихияли тарзда кечганлигини таъкидлаш жоиз. Бунинг устига ўзбек тилидаги диалект ва шеваларнинг кўплиги, уларнинг бир-биридан баъзан жиддий фарқ қилиши тилнинг оғзаки меъёри ҳақида мулоҳаза билдиришни ниҳоятда чигаллаштиради. Шунинг учун ҳам проф. Ф.Абдуллаев адабий тилнинг қонун-қоидаларини, меъёрларини белгилашда бу хусусиятни ҳисобга олмаслик кутилган натижани бермаслигини таъкидлаган эди [Абдуллаев Ф. Ўзбек миллий адабий тили ва уни ўрганишга оид масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973, 43-бет].

Ҳарқалай, ҳозирги даврда бизга тилимизнинг меъёрини белгилаб берувчи, уларни ўзлаштириб олишимизга, кўникма ҳосил қилишга ёрдам берувчи оммавий ахборот, бадиий адабиёт сингари кучли воситалар ҳам борки, уларни, айниқса, бадиий адабиёт намуналарини, ана шу маънода ўзига хос кўзгу дейиш мумкин. Чунки уларнинг тилни қамраш имкониятлари бошқа манбаларга нисбатан кенгдир.

Шунинг учун ҳам тил ва нутқ маданиятидаги ҳақиқий аҳволга, вазиятга баҳо берувчи, мавжуд камчиликларни танқид қилувчи, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатувчи чиқишлар оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилиши ва бу масъулиятли вазифани амалга оширувчи шу соҳа ходимларига, журналистларга, адибларга таяниб иш кўрилиши лозим.

Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ҳамда халқимизнинг дунё фани ва маданиятида, бинобарин, тил ва нутқ маданиятида тутган ўрни, эгаллаган мавқеи ҳақида сўз юритганда бу халқнинг неча минг йиллар давомида фойдаланиб келган оромий, юнон, карошта, суғд, хоразм, кушон, эфталит,

пахлавий, сурия, ҳинд, урхун (руник), уйғур, араб, лотин, рус (кириллица) ёзувларини ва яна лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтаётганлигимизни эслаш кифоя. Шундай экан, ўзбек адабий тилининг шаклланиши, шубҳасиз, ўзбек халқи асрлар давомида фойдаланиб келган ёзув маданиятининг тақомили ҳамдир [Каримов С.А. Тил таълими ва меъёр. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. - 267 б.].

5-март: **ТИЛНИНГ ТИЗИМ ЭКАНЛИГИ** (2 соат)

Режа:

1. Тил белгилар тизими сифатида.
2. Тизим ва қурилиш.
3. Тил тизимининг ички тузилиш хусусияти.
4. Лингвистик бирликларнинг ўзаро муносабатлари.
5. Парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишлар ва зидланиш турлари.
6. Тизим ҳосил қилувчи, тизимда ҳосил бўлувчи ва тизимга бетараф белгилар.
7. Лингвистик бирликларда умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикасининг намоён бўлиши.

1. **Тил белгилар тизими сифатида.** Тил одамларнинг ўзаро мулоқотга киришувида фойдаланиладиган, уларнинг онгида сақланадиган, бироқ конкрет фикрларидан, ҳиссиётларидан, истакларидан холи бўлган материал бирликлар тизимидир (Джонсон – Лэрд 1988: 234-235).

Тил бу белгилар тизими. Белгилар эса муайян маънони ва уни ифодалаш воситасининг умумлашмасидир.

Инсоният жамиятида мулоқот, ўзаро фикр алмашинувнинг рўй бериши, яъни қандай воситалар билан ахборотни бир-бирларига узатиш, бу воситаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қандай қўлланилиши, қандай ўзгаришларга дучор бўлиши ҳақидаги фан *семиотика* (грекча «сема» - белги) деб аталади (Кравченко 2001: 20).

Семиотика фанининг асосчиси америкалик файласуф Ч.Пирс (1839-1914) биринчилардан бўлиб, ўзи асослаган фаннинг текшириш объектини (жамиятда фойдаланадиган турли белгилар системаси), белгиларнинг моҳиятини ва ўзаро муносабатларини аниқлаб, тасниф қилди.

Тилшунос олимлардан семиотика фанининг ривожланишига Фердинанд де Соссюр катта ҳисса қўшди. У тилни белгилар системаси сифатида таърифлайди. Агар Ч.Пирс семиотика фанининг асосчиси ҳисобланса, Соссюрни, том маънода, тилни белгилар системаси сифатида ўрганадиган умумий тилшуносликнинг бир бўлими – лингвосемиотика фанининг асосчиси деб аташ мумкин.

Тил белгиси моддий тузилмадир. У воқеликдаги предметни, хусусиятни, муносабатларни англатади. Тил белгиларининг мажмуи белгилар системасининг вужудга келишига олиб келади. Ушбу система муайян фикрий (мантикий) мазмун (ифодаланмиш) ва фонематик жиҳатдан бир-бирларидан ажрала оладиган белгилар (ифодаловчи) йиғиндисидан иборат. Лисоний белгининг бу икки аспекти инсон онгига доимий боғлангани ҳолда турғун бирикувни ҳосил қилади ва ижтимоий аҳамиятга молик маънони англатади. Бу иккала аспектнинг ажралмаслиги, ягона бутунлиги асосида борлиқнинг муайян бир бўлаги, яъни алоҳида воқеа ва ҳодисалар инсон онгида ўз аксини топади ва лисоний ифодаланади (Лосев 1982: 30-31).

Белгининг ҳар иккала аспекти бир-бирига боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади, аммо тил тизимининг умумий ассиметрия қонунларига бўйсунди.

Энг типик лисоний белги сўзdir. Чунки инсоний билимларнинг барчаси ва предметларни образлари орқали билиш аждодларнинг фикрлаш жараёнининг натижаси сифатида сўзларда ўз ифодасини топган. Шундай қилиб, сўз бирлиги кумулятив маънога эга, у яъни илгаридан жамланиб келинаётган ахборотлар йиғиндисидан иборат.

Айрим сўз бирликларида ифодаланган маъно инсоният тўплаган тажрибаларнинг, уларни ўраб турган оламдаги факт ва ҳодисаларнинг схематик инъикоси бўлиб, улар тавсифловчи, таърифловчи белгиларни, яъни тўлиқ маъноли сўзларни ҳосил қиладилар.

Бошқа тил белгилари ифодалайдиган маънолар (олмошлар, предлоглар, боғловчилар) тил белгилари орасидаги ички муносабатларни, мураккаб лисоний белгилар – гаплар таркибида фикрнинг турли муносабатларини ифодаловчи ахборотдан иборат.

Алоҳида ички тизим орқали ифодаланадиган маънолар, масалан, ўзига хос маъно англатувчи белгилар сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи морфемалар бўлиб, улар маъно ифодалайдилар ва шу сабабли уларни айрим ҳолларда «айрим белгилар» деб ҳам аташади (Back, Harnish 2000: 44-46).

Сўз белгисининг асосий фарқловчи хусусиятларидан бири у ифодалайдиган маънонинг (ифодаланмишнинг) босқичли принцип асосига қурилганидир. Зеро, ҳар қандай сўз белгиси ифодалаган шакл фонемалардан, ҳар қандай тилда чегараланган микдордаги «семасиологиялашган» (И.А. Бодуэн де Куртенэ) товушлардан ташкил топади. Улар турли бирикувлар орқали объектив борлиқдаги, инсон фаолиятининг барча жиҳатларига оид тушунчаларни номловчи бирликларни ясаيدилар. Сўз бирлигининг қуйи босқичида турувчи иштирокчилари фонемаларнинг фарқловчи белгилари бўлиб, улар фақат перцептив (ҳис қилиш, идрок қилиш) функциянигина эмас, балки дистинктив (фарқловчи) функцияни ҳам бажарадилар. Дифференциал белгили фонемалар ўзига хос «белгиларнинг белгиси» (К.Л.Бюлер, О.С.Ахманова, Ю.С.Степанов), «фигуралар» (Л.Ельмслев) деб ҳам талқин қилинади.

Шундай қилиб, сўз белгиси умумий билишга оид вазифадан ташқари, тилнинг кичик структуравий (фонема, морфема) ва катта (сўз бирикмалари, гап) бирликларини идентификациялаш (ажратиш) вазифасини ҳам бажаради.

Бу бирликлар тил белгиларининг мураккаб тизими сифатида икки томонлама ифодаланиши билан характерланади, зеро, улар дастлаб воситалар системасида (предмет ва ҳодисаларнинг маъносини англатиш учун), кейин эса нутқда коммуникантлар ўртасида ахборот узатиш, прагматик таъсир ўтказиш учун ишлатилади (Макеева, Целенко 1998).

Лисоний белгилар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва шунингдек, бир-биридан ажралган ҳолда ишлатилмайди. Ҳар қандай тил элементи у ёки бу система, микросистема, қатор доирасида сайқалланган намуналар асосида икки турдаги структуравий ўзгаришлар, яъни парадигматик ва синтагматик бирикув қонуниятларига кўра қўлланилади.

Хуллас, лисоний белги қуйидаги хусусиятларига нисбатан тасниф қилиниши мумкин:

1. Белги яшаш тамойилига (усулига) кўра:

а) белги яшашнинг семиологик усулига кўра (лексик морфемалар, тўлиқ маъноли ва ёрдамчи сўзлар);

б) иккиламчи маъно англатувчи белгилар (Э.Бенвенист). Улар семантик интерпретация тамойилига биноан фарқланадилар (булар қаторига барча дискурсив – нутқий бирликлар киради);

2. Фикрнинг тугалланганлиги ёки тугалланмаганлигига кўра лисоний белги тўлиқ (гап) ёки тўлиқсиз (сўз, сўз бирикмаси) бўлиши мумкин;

3. Нутқ ҳаракатига боғлиқ ва боғлиқ эмаслигига нисбатан лисоний белги виртуал (нутқда фаоллашмаган) ёки актуал (фаоллашган) бўлиши мумкин. Масалан, сўз белгиси маъносини фаоллаштириш уч босқичда амалга ошади:

а) сўз-лексема, семантик жиҳатдан бўлинмас виртуал белги (масалан, «уй»);

б) сўз бирикмаси семантик жиҳатдан алоҳида белгилардан ташкил топади (масалан, «эски уй», «ота уйи»);

в) сўз қўлланиши–жумлада тўлиқ фаоллашган сўз белгилари (масалан, «Бу уй арзон сотилади»).

Мисолларда келтирилган охириги икки лисоний белги ўзаро оппозицияга эга: виртуал сўз белгиси (лексик системада) – актуал сўз белгиси (нутқ актида); Улар ўртасидаги оралиқ узв маълум даражада фаоллашган сўз белгиси – тил лексик тизимининг элементи (бирлиги).

4. Асосий хусусиятлари умумийлигига кўра (категориал маъносига, нутқда бажарадиган функциясига, қўлланиш доирасига кўра) тил белгилари семиологик синфларга ажратиладилар:

а) характерловчи – тўлиқ маъноли сўзлар;

б) идентификацияловчи – атоқли отлар;

в) квантитатив – сонлар;

г) дейктив белгилар – субъектив, объектив ва ички структурал муносабатларни ифодаловчи сўзлар (кишилик, кўрсатиш ва бошқа олмошлар);

д) боғловчи сўзлар (релятив) – предлоглар, боғловчилар.

Нуткий хусусиятга эга структураси ва ифодалаган маъносига кўра турли-туман бўлган, нафақат вазиятни, балки «фикр маҳсули» бўлган ходисаларни, фактларни ифодаловчи тўлиқ лисоний белгилар алохида семиологик гуруҳни ташкил қилади. (Т.Бушуй., Ш.Сафаров)

2.Тизим ва қурилиш. Ўзаро боғлиқ ва шартланган икки ва ундан ортик элемен-тларнинг муносабатидан ташкил топган ва янги сифатга эга бўлган барқарор бутунлик система саналади. Тил бирликлари воқеланиш белгисига кўра ҳам, тузилиш (онтологик) табиатига кўра ҳам системадир. Масалан, ҳар бир морфема бевосита кузатишда бир қанча шаклий ва мазмуний вариантлар (алломорфлар, морфема вариантлари) орқали намоён бўладиган умумлашма сифатида системадир. Шунингдек, ҳар бир фонема ҳам бевосита нутқ жараёнида бир неча вариантлар (аллофонлар) орқали намоён бўладиган умумлашма, бутунлик сифатида система саналади. Бундан ташқари морфема ва ундан юқори бирликларнинг ҳаммаси тузилиш (онтологик) табиати жиҳатидан қурилма (конструкция) сифатида маълум қурилиш (конструктив) бирликларнинг ўзаро барқарор синтагматик муносабатидан ташкил топган система ҳисобланади. Масалан, морфема икки ва ундан ортик фонемаларнинг ўзаро синтагматик муносабатидан ташкил топади ва янги сифатга эга булган бутунлик сифатида система саналади (морфема бир фонеманинг янги сифатга эга бўлиб, морфемик сатҳга кўтарилиши натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, у - унлилар сирасида фонема. Лекин шу фонема кўрсатиш олмоши ёки Ш шахс кишилик олмошининг моддий асоси булиб хизмат қилиши мумкин. Икки бирлик булган фонема ва морфема ўртасида сифат ўзгариши рўй беради.

Системанинг муҳим белгилари: 1) таркибий қисмларга бўлиниш, 2) таркибий қисмларнинг бутун таркибидаги ўзаро ва бутун билан бўлак, тур билан жинс ўртасидаги шартланган муносабатнинг бўлиши ва 3) кўпинча бутуннинг таркибий қисмларида мавжуд бўлмаган янги сифатга эга бўлишидир.

Биринчи белгига кўра, ҳар қандай система муайян қурилиш бирликларидан ташкил топади. Бу эса унинг ички бўлакларга бўлиниш хусусиятига эга эканлигини кўрсатади.

Иккинчи белгиси бугун таркибидаги элементларнинг бир-бири билан ва элементларнинг бутун билан бўлган муносабатини ифодалайди. Ҳар икки муносабат зарурий ва ўзаро шартлангандир. Масалан, фонемасиз морфеманинг бўлиши мумкин эмас. Морфема фонемалардан ташкил топади. Фонема морфема таркибига унинг қурилиш бирлиги сифатида киради. Шунингдек, сўз шакл морфемалардан ташкил топади. Морфема эса сўз шакл таркибида унинг қурилиш бирлиги сифатида фаолият кўрсатади. Буларнинг муносабати бутун ва бўлак ўртасидаги муносабатдир. Бундан ташқари бўлак билан бўлакнинг, бутун билан бутуннинг ҳам муносабати мавжуд. Масалан,

сон категорияси таркибида бирлик кўпликсиз бўлиши мумкин эмас. Бирлик шакл кўпликка нисбатан, кўпликка зидланганда аниқланади.

Учинчи белгига кўра, система деб қаралаётган бутунлик таркибий қисмларининг оддий йиғиндисидан иборат эмас. У таркибий қисмларида системага киргунча мавжуд булмаган янги сифатга ҳам эга бўлади. Масалан, икки хил газнинг - водород, кислороднинг бирикмасидан сув ҳосил булади. Шунингдек, фонемалардан ташкил топган морфема фонемаларга нисбатан янги сифатга эга бўлади. Фонемалар маънони фарқлаш учун хизмат қилувчи маъносиз бирликлар бўлса, уларнинг қўшилувидан ҳосил бўлган морфема эса маъноли бирлик саналади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай системада система ҳосил қилувчи ва системада намоён бўлувчи белгилар мавжуд бўлади.

Система қурилма экан, у албатта тузилишга эга бўлади. Системани ташкил этган элементларнинг ички алоқаси структурани ташкил этади. Бундан англашиладики, система ва структура тушунчалари бир-бири билан узвий алоқадор тушунчалардир. Системасиз структуранинг, структурасиз системанинг бўлиши мумкин эмас. Система атамаси ички тузилиш бирликларнинг ўзаро муносабати асосида вужудга келган бутунликни ифодаласа, структура атамаси бутунликнинг ички тузилишини онтологик табиатини ифодалайди.

3.Тил тизимининг ички тузилиш хусусияти. Тил система сифатида ички тузилишга, структурага эга. Тилнинг ички тузилиши (структураси) кўп сатҳлидир.

Тилнинг қиммат жиҳатдан бир хил бирликларининг йиғиндиси лингвистик сатҳ деб юритилади. Масалан, фонологик сатҳ морфемик сатҳ каби. Маълум бир тилдаги фонемаларнинг ўзаро муносабати мажмуи фонологик сатҳни, морфемалар муносабати мажмуи эса морфемик сатҳни ташкил этади.

Лингвистик сатҳ тушунчаси ҳозирги тилшуносликда кенг тарқалган бўлса ҳам, лекин тилни сатҳларга бўлишда хилма-хиллик кўзга ташланади. Шундай бўлишга қарамасдан, деярли барча тилшунослар тилнинг қуйидаги сатҳларини бирдек тан оладилар: 1) фонологик сатҳ 2) морфемик сатҳ 3) лексик сатҳ 4) морфологик сатҳ 5) синтактик сатҳ 6) устсинтактик (суперсинтактик) сатҳ.

Юқоридаги сатҳларнинг ҳар бири ўзининг бирлигига эга: фонологик сатҳ бирлиги-фонема; морфемик сатҳ бирлиги-морфема; лексик сатҳ бирлиги лексема; морфологик сатҳ-бирлиги сўз шакл; синтактик сатҳ бирлиги синтаксема; устсинтактик сатҳ бирлиги матн (текст).

Кўрсатиб ўтилган сатҳлар қуйидан юқорига қараб қатъий тартибда жойлашади. Ҳар бир юқори сатҳ бирлиги ўзидан бир даража қуйи сатҳ бирликларининг синтагматик муносабатидан ташкил топади (бундан фақат лексик сатҳ бирлиги мустасно), фонемаларнинг синтагматик муносабатидан морфемик сатҳ бирлиги морфема ҳосил бўлади (шу жумладан лексик морфема ҳам) [*Лексик сатҳ бирлиги санатувчи туб лексемалар лексик морфема сифатида қаралади. Туб лексемалар «морфемалардан ташкил топади», «Морфемаларга*

бўлинади» қабiliда қаралмайди. Ясалмалар эса худди шу тамойилга амал қилади. Айрим муаллифлар синтагматик муносабатни қўйинчилик муносабати деб берганлар. Бу атама юқоридаги муносабат табиатига мос келмайди. Чунки қўйинчилик горизантал йўналишида ҳам, вертикал йўналишида ҳам бўлиши мумкин. Синтагматик муносабат эса фақат горизантал йўналишида, кетма-кет келадиган бирликлар муносабатидир].

Морфемаларнинг синтагматик муносабатидан эса морфологик сатҳ бирлиги бўлган сўз шакл вужудга келади. Сўз шакл, ўз навбатида, морфемаларга (тўғрироғи, морфема вариантларига) бўлинади ва бошқалар.

4. Лингвистик бирликларнинг ўзаро муносабатлари. Тил системасидаги ҳар бир сатҳ бирлиги фонема, морфема, лексема, сўз шакл, синтаксема, матн лисоний (лингвистик) бирликлар саналади.

Лисоний бирликлар система таркибида маълум муносабатда бўлади. Уларни дастлаб икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабати; 2) турли сатҳга мансуб бўлган бирликлар муносабати, яъни сатҳлараро муносабат.

Бир сатҳга мансуб бирликлар муносабати. Бир сатҳга мансуб бўлган бирликлар ўзаро икки хил муносабатга киришади: 1) уядошлик (парадигматик) муносабати; 2) кетма-кетлик муносабати.

Уядошлик муносабати. Бир сатҳга мансуб бўлган, қиммат жиҳатдан бир хил бирликларнинг маълум умумий белги асосида бир гуруҳга (уяга) бирлашуви уядошлик муносабати саналади. Уядошлик муносабатида бўлган бирликлар учун умумий белги сифатида шу бирликларнинг маъноси ҳам, шакли ҳам хизмат қилиши мумкин. Масалан, ишчи, ишла лексемалари ўзакнинг умумийлиги билан ўзаро бирлашса, қўшимчалари билан фарқланади. Ёки аксинча, ишла, англа, сўзла сингари лексемалар қўшимчанинг умумийлиги билан бирлашиб, ўзакнинг хилма-хиллиги билан фарқланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам уядошликни ҳосил қилади. Лексик сатҳда айрим лексемалар шаклий ўхшашлик умумий белгиси асосида бир уяни, синфни ташкил этади. Бундай лексемалар муносабати лексик омонимларни ҳосил қилади. Ёки баъзи лексемалар маъно умумийлиги асосида бир синфга бирлашади.

Бундай муносабатда бўлган лексемалар лексик синонимларни ташкил этади. Худди шундай хусусият фонологик сатҳдан юқори бўлган барча сатҳ бирликлари учун ҳам ҳосдир. Масалан, умумий эгалик маъноси асосида барча эгалик шакллари бир уяга бирлашади. Замон маъноси асосида барча замон билдирувчи феъл шакллари бир уяни ҳосил қилади. Шу билан бирга, уя ичида худди шундай умумий маъно асосида яна кичик уяларга бирлашиши мумкин. Жумладан, ўтган замон шакллари, ҳозирги замон шакллари, келаси замон шакллари каби.

Шундай қилиб, маълум уя ўз ичида кичик уяларга бўлиниб, уялар даражаланишини ҳосил қилади. Масалан, *а, э, о, у, у, а* унлилари муносабати унлилар системасини (парадигмасини) ташкил этиш билан бирга, бу

унлиларнинг ҳар кайсиси бевосита кузатишда бир қанча вариантлар орқали юзага чиқади ва вариантлар уясини (системасини) ташкил этади.

Лисоний бирликларнинг уядошлик муносабатини белгилашда кўпроқ маъно умумийлиги белгиси хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, маълум умумий маъно асосида бир уяга бирлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган умумий маъно такрорланиши лозим. Анна шу такрорланувчи маъно (сема) ҳар бир аъзони айни шу уяга (парадигмага) бирлаштириш учун хизмат қилади. Шу билан бирга уянинг ҳар қайси аъзоси бошқа аъзодан маълум белгиларига кўра фарқланиш хусусиятига ҳам эга. Ана шу фарқланиш белгиси билан уянинг алоҳида бирлиги эканлигини сақлаб туради. Демак, ҳар бир аъзо бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар бирлигидан ташкил топади. Бирлаштирувчи сема ҳар бир аъзони маълум мазмуний уяга (парадигмага) бирлашишини, фарқловчи сема эса уя таркибидаги ҳар бир аъзонинг ўзига хослигини, алоҳидалигини кўрсатиб туради. Англашиладики, уянинг ҳар бир аъзосида умумийлик ва ўзига хослик диалектикаси ўз тажассумини топади. Масалан, -ган, -ди шакллари ўтган замон семаси билан бир уяга киради. Шу билан бирга уларнинг ҳар иккиси ўзига хос фарқланиш белгисига ҳам эга. Улар ўтган замоннинг нутқ моментига нисбатан узоқ ёки яқинлигини ифодалаш жиҳатидан бири-биридан фарқланади. Биринчиси нисбатан узоқ ўтган замонни, иккинчиси эса яқин ўтган замонни билдиради.

Ҳар бир уя (парадигма) система саналади. Шундай экан, тил системаси ўзаро муносабатда бўлган бир қанча уяларнинг бирлигидан иборатдир.

Ҳар бир уя аъзолари бир-бири билан зидланиш хусусиятига эга. Зидланиш ҳар қандай нарса ва ҳодисанинг ички тараққиёт негизидир. Шундай экан, даврлар ўтиши билан уя аъзолари ўртасида микдорий ўзгариш рўй бериши мумкин. Айрим аъзолар эскириб, истеъмолдан чиқиши, янгиси кириб келиши мумкин. Бу эса тил системасининг очик система эканлигини кўрсатади.

Кетма-кетлик муносабати. Бир сатҳга мансуб булган бирликлар нутқ жараёнида ўзаро кетма-кет боғланиб маълум ахборот ташиш учун хизмат қилади. Ҳар бир лисоний бирликнинг вазифаси кетма-кетлик (синтагматик) муносабатга киришганда намоён бўлади. Нутқ жараёнида иккита бирликни ҳеч қачон бир вақтда талаффуз қила олмаймиз. Олдин биттасини, сўнг иккинчисини, учинчисини ва ҳ.к талаффуз қиламиз. Лисоний бирликларнинг маълум чизикда кетма-кет боғланиши икки элементни ҳеч қачон бир вақтда талаффуз қилишга имкон бермайди. Муайян чўзиқликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ элементларнинг кетма-кет муносабати кетма-кетлик (синтагматик) муносабат саналади. Масалан, ишчиларга сўз шакли таркибидаги *иш-чи-лар-га* морфемалари бир қаторда кетма-кет жойлашади.

Бундан кетма-кетлик муносабати фақат нутққа хос деган хулосага келмаслик керак. Кетма-кетлик муносабати имконият ва воқелик диалектикасини ўзида мужассам қилган ҳолда тилга ҳам, нутққа ҳам хосдир. Ҳар қандай кетма-кетлик муносабати маълум тилда амал қилувчи муайян қоидалар, андозалар асосида майдонга келади. Бундай қоида, андозалар

ижтимоий моҳиятга эга бўлиб, у ёки бу тилнинг ҳар бир вакили онгида тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Нутқ жараёнидаги реал бирикма эса ана шу қоида ва андозалар асосида юзага чиқади. Ҳар бир лисоний бирликнинг бошқа лисоний бирликка боғланиш имконияти мавжуд бўлади. Грамматик жиҳатдан боғланиш мумкин бўлган бирликлар ҳам агар мазмуний мослик бўлмаса, боғлана олмайди.

Масалан, *йиғламоқ*, *кулмоқ*, *муштирашмоқ* сингари лексемаларнинг мазмуний мундарижасида *одам* лексемаси билан боғланиш имконияти мавжуд. Ўз навбатида *одам* лексемасининг мазмуний мундарижасида *йиғламоқ*, *кулмоқ*, *муштирашмоқ* лексемалари билан мазмуний мос келадиган (шу ҳаракатларни юзага чиқара олиш) сема мавжуд. Ҳар икки инсоний бирликда мавжуд бўлган ўша бир-бирига мос сема уларни ўзаро мазмуний ва грамматик муносабатга киришувига йўл очади. Аксинча, *тош* лексемаси билан *емоқ*, лексемаси ўртасида юқоридаги каби мазмуний уйғунлик йўқ. Шунинг учун ҳам улар ўзаро мазмуний боғланиш имкониятига эга эмас.

Кўринадики, тил эгалари онгида тайёр ҳолда мавжуд бўлган лисоний бирликларнинг ўзаро қўшилиш қоидалари, андозалари тил сатҳига ана шу қоида ва андозалар асосида бевосита кузатишда намоён бўлган чексиз ҳосилалар, конкрет бирикмалар нутқ сатҳига мансубдир.

Синтагматик муносабат ёрдамида тилнинг бош вазифаси коммуникатив вазифаси амалга ошади.

Турли сатҳга мансуб бирликлар муносабати. Поғонали муносабат. Бир сатҳга мансуб, мураккаблик даражасига кўра бир хил бўлган лисоний бирликлар муносабатидан ташқари, турли сатҳга мансуб, турли мураккабликдаги бирликлар ҳам ўзаро муносабатга киришади. Мураккаблик даражаси турли хил бўлган, икки хил сатҳга мансуб лисоний бирликлар муносабати поғонали муносабат саналади. Бундай муносабатни «...дан ташкил топади», «... таркибига киради» ифодаси билан бериш мумкин. Демак, қуйи сатҳ бирлиги ўзидан бир даража юқори сатҳ бирлиги учун қурилиш (конструктив) бирлиги бўлиб хизмат қилади. Юқори сатҳ бирлиги эса қурилма (конструкция) сифатида ўзидан бир даража қуйи сатҳ бирликларининг кетма-кетлик (синтагматик) муносабатидан ташкил топади. Масалан, *мактабга* сўз шакли морфологик сатҳ бирлиги сифатида морфемик сатҳ бирлигига нисбатан мураккаблик даражаси юқори. Чунки у ўзидан бир даража қуйи морфемик сатҳнинг *мактаб* ва *-га* бирликлари ўртасидаги синтагматик муносабат ҳосиласи сифатида майдонга келган.

Демак, морфологик сатҳ бирлиги бўлган сўз шакл морфемик сатҳ бирлиги бўлган морфемаларнинг (морфема вариантларининг) ўзаро синтагматик муносабатидан ташкил топади. Морфема (морфема варианты) эса сўз шакл таркибига киради.

Лисоний бирликларнинг мураккаблик даражаси нисбийдир. Унинг мураккаб деб ном олиниши ўзидан бир даража қуйи сатҳ бирлигига нисбатандир. Масалан, морфемик сатҳ бирлиги бўлган морфеманинг мураккаб (қурилма, система) деб ном олиниши фонологик сатҳ бирлиги бўлган фонемага нисбатандир. Морфема, ўз навбатида, морфологик сатҳ

бирлиги бўлган сўз шакл учун элемент, қурилиш (конструктив) аъзоси саналади. Сўз шакл морфемага нисбатан мураккаб, синтаксемага нисбатан эса элемент ҳисобланади.

Лисоний бирликлар ўртасидаги поғонали муносабат тил системаси ички тузилишининг оддийдан мураккабга қараб таркибий жойлашганлигидан далолат беради.

5. Парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишлар ва зидланиш турлари. Юқорида таъкидланганидек, уядошлик (парадигматик) муносабатида бўлган лисоний бирликлар муайян бирлаштирувчи семага эга бўлиши билан бирга, ўзаро фарқловчи семага ҳам эга бўлади. Ана шу фарқловчи семалар уя аъзоларининг ўзаро зидланиши учун асос бўлади.

Системавий тилшуносликда уя аъзоларининг ана шундай фарқловчи семалар асосида зидланишини белгилаш марказий ўринни эгаллайди. Чунки лисоний бирликларни маълум синфларга бирлаштириш қанчалик муҳим бўлса, синф аъзоларини бир-бирига зидлаш ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Синфларга бирлаштиришда лисоний бирлик мазмуний мундарижасидаги бирлаштирувчи сема хизмат қилса, бир-биридан ажратишда фарқловчи сема асосий роль ўйнайди. Шунинг учун системавий тилшунослик асосчилари зидланиш тушунчасига катта эътибор бериб, тил-да зидланишдан бошқа ҳеч нарса йўқлигини таъкидлайдилар.

Фарқлаш тушунчаси зидланиш тушунчасини тақозо этади. Икки нарса бир-биридан фақат ўзаро зид қуйилгандагина фарқланади. Системавий тилшуносликнинг асосчиларидан бири Н.С.Трубецкой фонологик сатҳда зидланишларни қуйидагича белгиларга кўра тасниф этади:

А.Зидланиш системасига муносабатига кўра.

Б. Зидланувчи аъзолар уртасидаги муносабатга кўра.

В.Зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш кучига кўра [Трубецкой К.С. Основы фонологии. М., 1960, с.82.].*

А. Зидланиш системасига кўра зидланиш турлари. Бу белгига кўра зидланишлар бир ўлчовли ва кўп ўлчовли ҳамда ажралган ва пропорционал зидланишларга бўлинади.

Зидланишлар зидланувчи аъзоларни фарқлаш учун хиз-мат қиладиган белгиларнигина эмас, балки ҳар икки зидланаётган аъзолар учун умумий бўлган белгини ҳам тақозо этади. Бундай белгилар «қиёслаш учун асос» бўлиб хизмат қилади.

Қиёслаш учун асос белгига эга бўлмаган икки нарса ўзаро зидланиши мумкин эмас. Қиёслаш учун асос бўлган белгига кўра зидланишлар икки турли булади: 1) бир ўлчовли, 2) кўп ўлчовли.

Бир ўлчовли зидланишларда зидланувчи аъзоларнинг зидланишлари учун асос бўлган белги фақат шу зидланиш учунгина хос бўлиб, зидланиш системасининг бошқа аъзоларида учрамайди. Масалан, лотин график системасидаги Е ва F ҳарфлари зидланишини олиб кўрайлик. Бу ҳарфларнинг зидланиши бир ўлчовлидир. Чунки бу икки ҳарф ўртасидаги ўхшаш белгилар йигиндиси (вертикал чизиқ ва икки горизонтал чизиқ) лотин алфавитидаги бошқа ҳеч қайси ҳарфда учрамайди. Аксинча, Р ва R ҳарфлари зидланиши

эса кўп ўлчовлидир. Чунки бу харфлар ўртасидаги ўхшаш (қиёсга асос бўлган) белгилар (вертикал чизиқ ва унинг устига ўнг томондан чизилган ярим доира) фақат шу жуфтликдагина эмас, балки бошқа харфларда ҳам мавжуд (масалан, *В* харфида).

Бир ўлчовли ва кўп ўлчовли зидланишларнинг ажратилиши тилшуносликда жуда катта аҳамиятга эга. Бундай зидланишлар тилнинг барча сатҳларида учрайди.

Бундан ташқари биринчи белгига кўра зидланишларнинг пропорционал ва ажралган турлари ҳам мавжуд.

Маълум бир зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат тил системасининг бошқа зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат билан бир хил бўлган зидланишлар пропорционал зидланиш ҳисобланади. Масалан, ўзбек тили фонологик системасидаги *к-г* фонемаларининг зидланиши пропорционалдир. Чунки бу зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабат, яъни жарангсизлик, портловчилик белгиси асосида умумийликни ҳосил қилиши фақат шу жуфтлик учунгина эмас, балки *п-б*, *т-д* каби жуфтликлар учун ҳам ҳосилдир [Трубецкой Н. С. Основы фонологии. М., 1960, с.82; Нурмонова Д.А. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг муътадиллашуви (фонологик сатҳ). Номз. дисс. Тошкент, 1998, 8-бет]..* Маълум бир зидланиш аъзолари ўртасидаги қиёс учун асос бўлган белги тил системасидаги зидланишларнинг ҳеч қайсисида учрамайдиган зидланиш ажралган зидланиш саналади. Масалан, *б* ва *л* жуфтликлари ўртасидаги зидланиш ажралгандир. Чунки билабиаллик ва лабиоденталлик белгилари бошқа ҳеч бир жуфтликда қиёс учун асос бўлмайди.

Б. Зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра зидланиш турлари. Зидланиш аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра зидланишлар *приватив* (қиёсга асос бўлган белги бирида бор, иккинчисида йўқ бўлган зидланиш), *даражали* (градуал) ва *тенг қимматли* (эквиполент) зидланишларга бўлинади.

Зидланувчи аъзоларидан бирида зидланиш учун асос бўлган белгининг мавжудлиги, иккинчисида эса йўқлигига асосланган зидланиш приватив зидланиш ҳисобланади. Зидланувчиларнинг белгига эга булган аъзоси белгили (маркирланган), кучли, белгига эга бўлмаган аъзоси эса белгисиз (маркирланмаган), кучсиз аъзо дейилади. Масалан, *т-д*, *к-г* ундошлари зидланишлари приватив зиддият саналиб, зидланувчи жуфтликларнинг ҳар бирида биринчи аъзо «овоз» (жаранг) белгисининг йўқлиги, иккинчиси эса борлиги билан характерланади. Бундай зидланишларнинг график ифодаси учун кучсиз аъзога «-», кучли аъзога «+» белгиси қўлланилади. Масалан, сўз туркумлари системасида от билан феъл ўртасида қиёс учун асос бўлган белги «ҳаракат» саналиб, биринчиси бу белгининг йўқлиги (-), иккинчиси эса борлиги (+) билан характерланади.

Зидланувчи аъзолар бир белгининг турли даражасини (градациясини) кўрсатувчи зидланиш даражали зидланиш ҳисобланади. Масалан, унлиларда оғиз очилишининг турли даражасини кўрсатувчи *у-у-о*, *и-э-а* ўртасидаги зидланиш.

Даражали зидланиш кўп аъзоли бўлиб, даражаланиш силсиласидаги биринчи ва сўнгги аъзо чегара аъзолар, улар ўртасидаги аъзолар эса оралик аъзолар саналади [Трубецкой Н. С. Основы фонологии. М., 1960, с.82; Нурмонова Д.А. Ўша асар, 106бет].

Чегара аъзолар зидланишнинг икки қутбини ташкил этади ва максимал зидланиш ҳосил қилади.

Зидланувчи аъзоларнинг ҳар иккиси мантиқан тенг бўлган, яъни белгининг икки даражасини ҳам, бор ёки йўқлигини ҳам билдирмайдиган зидланишлар тенг қимматли (эквивалент) зидланиш ҳисобланади. Масалан, опа-сингил, ота-она зидланиши.

Шуни таъкидлаш керакки, зидланишларнинг юқоридаги турларини ажратиш тил системасининг конкрет шарт-шароити билан боғлиқ. Бу системанинг конкрет шарт-шароитдан ажратиб олинган айни бир зидланиши приватив ҳам, даражали ҳам бўлиши мумкин. Масалан, у-О ўртасидаги зидланиш оғизнинг очилиш даражаси сифатида олинса, приватив зиддият бўлади. Зидланувчилардан бири оғиз очилишининг «нуль» даражаси сифатида қабул қилинади. Бу вақтда у «очиқ эмас», о эса «очиқ», ёки у «ёпиқ», О эса «ёпиқ эмас» тарзида зидланади. Худди шу белгига кўра тил системасидаги у га нисбатан очиқроқ унли у эътиборга олинса, у билан о ўртасидаги зидланиш даражали зидланишга айланади. Бу вақтда у ва о зидланишнинг чегара аъзолари, ў эса оралик аъзо бўлиб қолади. Шундай қилиб, у ёки бу зидланишни приватив, даражали ва тенг қимматли зидланиш сифатида баҳоланиши бизнинг қандай нуқтаи назардан ёндашувимизга боғлиқ.

Лекин бундан у ёки бу зидланишни белгилаш соф субъектив характерга эга деган хулосага келмаслик керак.

Шуни таъкидлаш керакки, зидланишнинг ўзида уни маълум бир турга киритиш учун асос бўладиган қандайдир белги мавжуд бўлади. Тилнинг системавий тузилишининг ўзи ва унинг функциялашуви кўп ҳолларда зидланишнинг объектив ва аниқ турини ажратишга имкон беради. Юқорида кўриб ўтган у ва о фонемалари ўртасидаги муносабат приватив зидланиш сифатида ҳам, даражали. зидланиш сифатида ҳам тасаввур этилиши мумкин. Лекин амалда уларнинг қайсиси реаллашаётгани шу фонологик системанинг тузилиши ва қўлланиши билан боғлиқ бўлади [Нурмонова Д. А. Ўша асар. 116бет].

В. Зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш кучига кўра зидланиш турлари. Зидланувчи аъзоларнинг маъно фарқлаш кучига кўра зидланишлар доимий ва мўътадиллашган турларга ажратилади. Зидланишларнинг бундай таснифи тил системасининг конкрет шароитда юзага чиқишига функциялашувига асосланади. Система функция тамойилига амал қилади.

Тил системасидаги зидланувчи аъзолар нутқ жараёнида муайян синтагматик муносабатга киришганда ҳам зидланишга асос бўлган белгини сақлаб қолса, доимий зидланиш, аксинча, сақлаб қолмаса, мўътадиллашган зидланиш саналади. Масалан, ўзбек тилида сўз охири жарангли ва жарангсиз ундошлар зидланиши учун кучсиз вазият саналади. Ана шу вазиятда зидланувчи аъзолар зидланиш белгисини йўқотади, мўътадиллашади: Масалан, боб-боп. Тог-тоқ.

Мўътадиллашган зиддият ҳам барча зиддиятлар каби фақат фонологик сатҳ учунгина хос эмас. Уларнинг барчаси тилнинг ҳамма сатҳларида учрайди. Жумладан, бирлик ва кўплик морфемалари ўртасидаги зидланиш ҳурмат маъносини ифодалаганда мўътадиллашади.

6. Тизим ҳосил қилувчи, тизимда ҳосил бўлувчи ва тизимга бетараф белгилар. Системавий тилшунослик нуктаи назаридан ҳар қандай лисоний белги икки хил хусусиятга эга. Уларнинг биринчиси мутлақ хусусият бўлиб, системага киргунга қадар ҳам лисоний бирликда мавжуд бўлади. Бу хусусиятлар бевосита кузатиш босқичида шу белгининг ўзига мансуб физик-физиологик хоссасида кўриниб туради.

Лисоний белгининг иккинчи хусусияти эса фақат системада бир лисоний белгининг иккинчи лисоний белгига муносабати орқали аниқланади. Предмет ўзининг хусусиятларидан ташқарида мавжуд бўлмаганидек, унинг хусусияти ҳам бу предметнинг бошқа предмет билан муносабатидан ташқарида яшай олмайди. Масалан, Ернинг тортиш қуввати шу предметнинг ўзига хос хусусияти. Лекин бу предметнинг тортиши учун бошқа предмет бўлмаса, унинг тортиш хусусияти «яширин» лигича қола беради [Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абулгазихана. Ташкент, 1969, с.20; Нурмонов А. Тил тизими ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1993, 1-сон, 27-бет].

Шу билан биргаликда лисоний бирликларнинг шундай белгилари борки, бундай белгилар система учун аҳамиятли бўлмайди.

Лисоний бирлик белгиларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1) система ҳосил қилувчи белгилар;
- 1) системада ҳосил бўлувчи белгилар;
- 2) системага бетараф белгилар.

Система таркибидаги элементнинг системага боғлиқ бўлмаган, системага киргунга қадар ҳам унда мавжуд бўлган хусусияти система ҳосил қилувчи белгиси ҳисобланади. Масалан, икки кишидан иборат оилани система десак ва икки оила аъзосини система элементлари ҳисобласак, бу икки аъзонинг эркаклик ва аёллик белгиси система ҳосил қилувчи белги саналади. Чунки бу икки аъзонинг эркаклик ва аёллик белгиси системага киргунча ҳам мавжуд эди. Шу билан бирга бу белги оила қурилиши учун зарурий белгидир. Оиладан ташқарида эркак ва аёл бир-бирига эр-хотин бўлолмайди. Улар никоҳдан ўтиш орқали ўзаро эр-хотинлик муносабатига киришадилар ва оилани ташкил этадилар. Демак, система аъзоларининг эркаклик ва аёллик белгиси система ҳосил қилувчи белги саналади. Бу белгиларсиз икки шахс нормал оила қура олмайди. Эркаклик ёки аёллик жинсига мансублик белгиси оила муносабатида ҳосил бўлмайди, балки бу муносабатда юзага чиқади.

Куёв-келинлик хусусияти эса системада, икки аъзонинг никоҳдан ўтиши орқали ҳосил бўлади. Системадан ташқари алоҳида олинган элементнинг ана шундай хусусияти системада ҳосил бўлувчи белги ҳисобланади.

Оила таркибидаги икки аъзо бўй, гавда, юз кўриниш, соч, кўз ранглари ва ҳ. каби бир қатор белгиларга ҳам эга. Лекин бу белгилар оила (система) нуқтаи назаридан унчалик қимматга эга эмас. Бундай белгилар системага бетараф белгилар ҳисобланади [Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., 1971, с. 46-47].

Оила аъзоларининг эркаклик ва аёллик белгиси элементнинг мутлақ белгиси бўлса, куёвлик ва келинлик белгиси икки аъзонинг бир-бирига нисбатан ҳосил бўлган нисбий белгисидир.

Анъанавий тилшунослик лисоний белгининг мутлақ хусусиятларини тан олган ҳолда, нисбий хусусиятини назардан соқит қилди. Лисоний бирликларнинг фақат мутлақ хусусиятагина эмас, балки нисбий хусусиятга ҳам эга бўлишининг тан олиниши ҳозирги тилшуносликнинг катта ютуғидир. Худди шу масала асосида ҳозирги тилшунослик анъанавий тилшуносликдан фарқ қилади. Масалан, товушнинг физик хусусияти билан бирга фонологик муносабати ҳам мавжуд. Турли фонологик системага эга бўлган тилларда моддий бир хил бўлган товуш турли нисбий хусусиятга эга бўлиши мумкин: ўзбек тилида к ва х товушлари бир хил жарангсизлик белгисига эга. Бу уларнинг фонологик тизимга киргунча бўлган, системага алоқаси бўлмаган мутлақ хусусиятидир. Лекин жарангсизлик белгисининг фонологик қимматга эга бўлиши ёки бўлмаслиги билан «к» бир-биридан фарқланади. «К» нинг жарангсизлик белгиси фарқловчи. Чунки шу белгиси билан «г» дан фарқланади. «х» нинг жарангсизлик белгиси эса фарқловчи эмас. Чунки унинг бу белгига кўра қарама-қарши қўйиладиган жарангли зидди йўқ.

7. Лисоний бирликларда умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикасининг намоён бўлиши. Умумийлик ва хусусийлик. Диалектикада умумий ва хусусий, тасаввуфда кулл ва жузв ўта муҳим категория ва тушунчалар бўлиб, уларни чуқур ва атрофлича ўзлаштирмай туриб фалсафа ва тасаввуф моҳиятини, билиш назариясини (гносеологиясини), нарса-ҳодисаларнинг таҳлил моҳиятларини тушуниш мумкин эмас.

Хусусийлик нима? Биз кўра оладиган, сеза оладиган, кузата оладиган ҳар бир нарса, воқеа-ҳодиса, белги ва хусусият хусусийликдир.

Хусусийликнинг уч асосий белгиси ажратилади:

І. Хусусийликнинг моддийлиги ва бевосита кузатиш; фаҳмда берилганлиги.

ІІ. Хусусийликнинг алоҳида ва такрорланмаслиги.

ІІІ. Хусусийликларнинг чекланмаганлиги ва беҳисоблиги.

Тушунарли бўлиши учун, хусусийликнинг бу белгиларини «дарахт» мисолида кўриб чиқамиз. Хусусий «дарахт» (ХД) бу кўз олдимизда, маълум бир жойда, маълум бир вақтда, маълум бир шаклда ва кўринишда, маълум бир тараққиёт босқичида турган алоҳида бир нарса, ўсимлик. Биз дарахтни кўра оламиз, пай-паслай оламиз, керак бўлса, узунлигини, йўғонлигини, тана ва шохлар миқдорини, ҳатто ундаги барг ва гуллар сонини ҳисоблай оламиз.

Бу дарахт моддий шаклга эга, яъни муайян моддалардан илдизни, танани, пўстлоқни, шох-шаббаларки ҳосил қилувчи органик ва ноорганик бирикмалардан иборатдир. Дарахтнинг моддийлиги ҳам мана шу моддалардан тузилганлигидадир. Шу моддийликлар бўлмаса, ХД ҳам бўлмайди, йўқолади. ХД уйимиз ҳовлисида, институт боғида ўсиб турибди, уни кузатишимиз учун ҳеч қандай тўсқинлик йўқ.

Ҳар бир ХД такрорланмас ва алоҳидадир. Ҳовлингизда иккита олма дарахти ўсади, дейлик. Бу дарахтлар бир йилда экилган бўлса, уларни бир хил деб бўладими? Йўқ! Чунки улар иккита дарахт, иккита алоҳидалиқдир. Ахир бир дарахтни кессангиз, иккинчиси кесилмайди-ку. Ҳар бир хусусийлик ўз ҳолида яққалигида бўла олиши, яшай олиши ҳар бир хусусийликнинг алоҳидалиқ белгисини ташкил қилади. ҳовлингиздаги иккита дарахт нафақат иккита алоҳидалиқ, балки такрорланмасдир ҳам. Бу икки дарахтга разм солиб қарасангиз, ёши, танаси деярли бир хил бўлса-да, шохлари турлича жойлашганлиги, шохлар ва барглар миқдори ҳар хил эканлигини ва маконда жойланишда бошқа-бошқа эканлигини билиш қийин эмас улар иккита дарахтдир. Бу ХДнинг алоҳидалиқ ва такрорланмаслик белгисидир.

ХДлар чегараланмаган ва беҳисобдир. Ер юзида нечта дарахт бўлса, шунча ХД бор. Ер юзи, сув ости, чўл ва тоғлардаги ХДларни санаш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди ва фараз қилайликки, инсоният маълум бир кунда ер шаригаги дарахтларнинг миқдорини санамокчи бўлди ва санади ҳам. Хўш, нимага эришади? ҳеч нарсага! Чунки бу ХДлар миқдорига кечагина ёнган ёки кулатилган дарахт ҳам, шу бугун ерни ёриб чиқаётган бўлажак дарахт ҳам, бундан минг-минг йил аввал мавжуд бўлган ХДлар ҳам ва бундан минг-минг йил кейин пайдо бўладиган ХДлар кирмаган. Бу мавжуд бўлган ва бўладиган дарахтлар миқдорига нисбатан инсоният маълум бир кунда санаган дарахтлар миқдорини ер юзидаги сув миқдори ва томчи сув билан қиёслаш мумкин. Бундан минг-миллион йиллар олдин бўлган дарахтлар ҳам ХДлар бўлган ва бундан кейин бўладиганлари ҳам ХД бўлади. Шунинг учун хусусийликлар беҳисобдир.

Моддий кўринишга эга бўлган ҳар бир нарса ҳар бир қалам, ҳар бир олма, ҳар бир чойнак, ҳар бир дафтар, ҳар бир ковун ҳақида сиз ХД тўғрисида айтилган хулосаларнинг айтишингиз мумкин. Лекин хусусийликни моддийлиги ҳам бир хил булавермайди. Масалан, қизил ранг хусусийлигини олайлик. Унинг моддийлиги шундаки, у кўзга ташланиб туради ва бошқа ранглардан ажралиб туради. Бўйдаги, шохдаги, мевадаги, гулбаргдаги... қизил ранг хусусийлик сифатида ўзи хос бўлган хусусийлик билан бирга яшайди, шу хусусийликдан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Аммо, шунга қарамай, ҳар бир биз кўрадиган ранг, сезадиган ҳид ва маза ҳам хусусийликдир. Чунки улар моддий такрорланмас ва алоҳида хусусийлик таркибидагина бўлади. Уларда ажралган ҳолда мавжуд бўлолмайди.

Хусусийликнинг яна бир кўриниши турли хил хатти-ҳаракатлар, воқеа-ҳодисалардир. Бир ашулани санъаткор икки марта айтар экан, бу бир эмас,

икки хусусийликдир. Ёки бир матнни бир котиб икки марта кўчираб экан, бу жараён икки хусусий ҳаракатдир. Чунки турли замонларда содир бўлади.

«Мен китоб ўқияман» гапи икки марта такрорланса, икки хусусийлик воқеаланган бўлади. Бу гаплар бирин-кетин такрорланган бўлса ҳам, уларнинг бири иккинчисидан ҳеч бўлмаганда замонда фарқ кўрилади.

Демак, хусусийлик бу биз сезги узвларимиз билан сеза оладиган борлиқ нарса, белги, воқеа-ҳодисалардир. Бизни сезги узвларимизнинг имкониятлари чекланган, шунинг учун биз сезги органларимизни асбоб-ускуналар билан кучайтирамиз. Масалан, оддий куролланмаган кўз билан биз осмондаги олти мингта юлдузни кўра олсак, кучли биллурли телескопда бир неча юз минг, радиотелескопда бир неча миллиард юлдузларни кўра оламиз. Телескоплар ёки микроскоплар ҳам сезги узвларини кучайтирувчи воситалардир. Инсоният кўриш, сезиш, таҳлил қилиш имкониятларини минглаб ускуналар асосида минглаб марта кучайтирган. Бироқ энг кучли асбоб ҳам хусусийликдан бошқа нарсани кўрсата олмайди. Хусусийликлар ниҳоятда чексиз катта ёки ўта кичик ҳам бўлиши мумкин. Ер шарининг ўзи қуёш системасида бир хусусийликдир. Шунингдек, галлактикамизнинг ўзи ҳам ниҳоятда улкан хусусийликдан бошқа нарса эмас. Сувнинг ҳар бир молекуласида мавжуд бўлган битта кислород атоми ҳам алоҳида хусусийлик. Хусусийликларнинг ҳар бири бир алоҳидалик бўлганлиги учун ранг-барангдир. Уларнинг миқдори ва тури ақлга сиғмайди.

Умумийлик нима? Боғингизда юз туп дарахт бор. Бу дарахтларнинг ҳар бири алоҳида ва нисбатан мустақил, такрорланмас ХД эканлигини биласиз. Лекин сиз ҳеч қийинчиликсиз: «Боғимиздаги дарахтлар бу йил яхши ҳосил берди», - деб юз туп ХДни дарахтлар сўзида мужассамлаштирасиз, умумлаштирасиз. Уч-тўрт яшар болага истаган турдаги танасидан шохланиб, барг ва ҳосил берадиган катта ўсимликни кўрсатиб: «Бу нима?» - десангиз, адашмай: «Дарахт», - деб жавоб беради. У олмами, акациями, чинорми, барибир, дарахт. Нотаниш жойга бориб, танасидан шохланиб, барг ва мева берадиган нотаниш ўсимликни кўриб, сиз унинг дарахт эканлигини биласиз. Албатта, сиз унинг ёшини, гуллаш даврини, тахминий яшаш йилини ва бошқаларни билмаслигингиз мумкин, лекин дарахт эканлигига шубҳа қилмайсиз. Чунки у сиз билдирган дарахтларга ўхшаш, монанддир. Қайси асосда сиз боғингиздаги алоҳида Х Д ни ёки нотаниш ўлкадаги ўзингиз танимаган ўсимликни «дарахт» сўзи билан атаб умумлаштира олдингиз? Бунга жавоб бериш қийин эмас: Сиз кўрган ва таниган минглаб ХДлардаги умумийликлар, ўхшаш жиҳатлар асосида.

Сизга таниш бўлган барча ХДларнинг умумий хусусиятлари шундан иборатки, улар ўсимлик, яъни ерга илдиз қўйиб ўсадиган нарса бўлиб, мустаҳкам танага эгадир. Бу танадаги шохлар, шохлардан бутоқлар ўсиб читали ва шох-бutoқлар барг, гул ва меваларни ўзида сақлайди. Шундай умумий жиҳатга эга бўлган ҳар бир предмет Сиз учун—дарахт. Лекин бевосита кузатишда берилган ХД эмас, балки онгингизда, миянгизда, хаёлингизда мавжуд бўлган умумий дарахт (УД)нинг тархи, рамзи, тимсоли, образидир. УД бевосита кузатишда берилмаган. У бизнинг онгимиздагина

яшайди. УД ниҳоятда содда: танасидан шохланадиган йирик ўсимлик. УД таърифлаш учун мазкур таъриф етарли, УД бизнинг онгимизда мана шу белгиси билан яшайди ва шу белги хусусиятга эга бўлган беҳисоб ХДларни битта УДга бир-лаштиришга имкон беради. Шунинг учун умумийлик нима, деганда, биз айта оламизки, умумийлик бевосита кузатишда берилган алоҳида хусусийликлардаги ёрқин ва ўзаро боғланган ўхшаш белги-хусусиятларнинг онгимиздаги, тафаккуримиздаги яхлит тархи (режаси), рамзидир. Барча ХДлардаги ўхшаш белгилар уларнинг барчасини ўсимликлар дунёсига мансуб, мустаҳкам танага, танадан ўсиб чиқувчи шохларга эга эканлигидир.

Умумийликдаги белгилар, хусусиятлар, албатта, ўзаро боғлиқ бўлиши керак ва бир бутунликни ташкил этиши керак. Биз буни: умумийликдаги белгиларнинг ўзаро боғланиб, яхлитликни ҳосил қилишини болалар билан турли тажриба ўтказиб аниқлай оламиз. Уч-тўрт яшар боладан дарахт расмини чизишни илтимос қилсак, у тана, шох, барг ва ҳосилни чизади, холос. Ундан: Сен чизган дарахт мана шу дарахтми? - деб сўрасангиз: «Йўқ!» - дейди. Бола ўзи чизган расм дарахтнинг умумий рамзи эканлигини айтолмайди, шу билан бирга уни алоҳида бир дарахт билан тенглаштирмайди.

Умумийликлар хусусийликлардаги жузъий, майда-чуйда белгиларни ўз ичига олмайди. У ёрқин хусусиятларнигина қамраб олади, шунинг учун умумийликларни илғай олиш қобилияти инсонда жуда эрта, фикрни баён эта олиш кўникмасидан аввалроқ шакллана бошлайди ва мана шу умумийликларнинг онгда шакллана бошлаши сўз эҳтиёжини туғдиради.

Умумийлик жузъийликлардан ҳоли бўлганлиги, онгимизда, миямизда, тафаккуримизда рамз сифатида. мавжудлиги учун умумийликларда акс эттирилган хусусиятларга эга булган чексиз миқдордаги хусусийликларни бирлаштиради, умумлаштира олади. Хусусийликка моддийлик, алоҳидалик ва беҳисоблик хос бўлса, умумийликка хос сифатлар қуйидагилардир:

1. Онгда тарх, рамз сифатида мавжудлиги ва бевосита куза тишда берилмаганлиги.

2. Чекланмаган миқдорда хусусийликларда такрорланиб туриши, макон ва замондан нисбатан ҳоли бўлиши.

3. Умумийликларнинг нисбатан чегараланганлиги.

Умумийликнинг бу хусусиятларини шархлаймиз. Биринчи хусусият. Умумийлик моддийликдан ҳоли. Уни кўриш, сезиш, ўлчаш, тасвирлаш имкони йўқ. У фақат тафаккур ва тахаййул этилади. Умумийлик моддийликка эга бўлма-сада, моддийлик ҳақида тасаввур унинг таркибида мавжуддир. Чунончи, умумий дарахтда ёғоч, пўстлок, шох, барг моддалари, турлари, кўринишлари мавжуд эмас, лекин унда УДнинг таркибий қисми бўлган тана, шох, барг ва ҳосилларнинг муайян моддалардан иборат бўлиши ҳақида тасаввур мужассамлангандир.

Чунончи, «қалам» десак, бу умумиятда ёғоч қопламага эга бўлган, 8-25 см. узунликдаги, ўртасида графит (қоратош) ўрнатилган ёзув қуроли назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда «қалам» умумийлиги бу йўниб, ичидаги

коратошини чиқариб ёзиш, чизишга мўлжалланган курол. Бу умумийликда на қаламни ранги, на ёғочининг, тошининг қаттиқ юмшоқлиги акс этмаган, лекин қалам умумийлигида шу моддийликларнинг мавжудлигининг шарти яширингандир. Шунинг учун умумийликни моддийликдан тамоман соқит этилган деб бўлмайди.

Моддийлик ҳақида тасаввур умумийликнинг замирида *ва* унинг бир бутунлигини таъминловчи омилдир.

Иккинчи хусусияти. Умумийлик онг, тафаккурдаги руҳий бир ҳодиса бўлганлиги сабабли у хусусийликларда воқеланади. Хусусийликлар беҳисоб бўлганлиги сабабли умумийлик зарраси ҳар бир хусусийликка такрорланиб тушади. Бир қарашда умумийлик хусусийликдан йўқолгандек туюлади. Зоҳиран бу шундай. Чунончи, умумий дарахт таърифи билан хусусий бир дарахт тавсифини қиёслайлик. *Дарахт — танасидан шохланувчи йирик ўсимлик. Боғимиздаги олти ёшли шу сермева гилоснинг мана бу шохига олмани пайванд қилдик.*

Бу икки мисолдаги биринчи таъриф мукаммал ва тўлиқдир. УДга танасидан шохланувчи йирик ўсимликдан бошқа таъриф беролмаймиз ва истаган кўшимча аниқловчилар таърифини бузади. Лекин «*боғимиздаги олти ёшли мана бу сермева гилос*» хусусийлиги тавсифида УД таърифи йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Умумийлик-хусусийлик диалектикасининг ҳаммани ҳайратга солувчи хусусияти ҳам худди мана шунда.

Бутун тасаввуф фалсафаси, жумладан, «*Лисонут тайр*» ва «*Мантиқ-ут тайр*» мунозаралари мана шу умумийлик ва хусусийлик, жузв ва кулл атрофида баҳс юритади. Шунинг учун қушлар (хусусийликлар) шохдан (Симург-умумийликда) тамоман узилгандек кўринадилар. Лекин ориф—Худхуд уларга тушунтириб айтади:

*Сиз тушуб ул шохдин беҳад байд,
Ул яқинроқ сизга мин ҳаблул варид*

Худди шунга ўхшаш «боғимиздаги олти ёшли шу сермева гилос» тавсифида «танасидан шохланувчи ўсимлик» таърифи (яъни хусусийлик тавсифида умумийлик таърифи) йўқ. Лекин бу зоҳиран шундай, моҳиятан эса УД таърифи гилоснинг ўз ичидадир. Гилос гилос бўлиши учун аввало дарахт—танасидан шохланувчи йирик ўсимлик бўлиши керак. Лекин бу умумийлик хусусийликнинг моҳиятини белгилаб туриб, унда сингиб кетади. Чунки умумийлик хусусийликларда воқеланар экан, хусусийликлар умумийликнинг муайян бир турининг, муайян бир хилининг, муайян бир навининг муайян бир замон ва маконда, муайян бир моддий шаклда воқеланган кўринишлари бўлганлиги сабабли Уларда бундай муайянликлар шунчалик кўпки, улар ўта муайянни -моҳиятни, умумийликни тўсиб қўяди. Шунинг учун умумийлик муайян шаклларда, муайян кўринишларда беҳисоб хусусийликларда беҳисоб кўп марта такрорланиб турганлигига қарамай ҳеч қачон тўлиқ тугал воқеланиши мумкин эмас.

Хусусийликларнинг хил ва турлари кўпая борган сари умумийликларнинг воқеланиши кенгайиб боради. Шунинг учун хусусийлик қанча бетакрор бўлса, умумийлик шунча такрорланувчандир.

Учинчи хусусият. Умумийликлар нисбатан миқдоран чегаралангандир. Чунончи, ер юзидаги ўсимликларнинг хусусий кўринишларини санаб саноғига етолмаймиз. Санашнинг фойдаси ҳам йўқ. Чунки бугун юлинган майса ўрнидан эрта янгиси униб чиқади. Лекин ўсимлик дунёсининг умумийликлари ўта чегараланган. Ўсимлик дунёси асосан уч умумийликда бирлашади: дарахт, бута, ўт.

Бу уч умумийликнинг доираси шунчали кенгки, нафақат ердаги, балки сув оламини ҳам ўз ичига олади.

Яна, масалан, инсон умумийлиги ҳам шу даража кенг кўламлики, маҳлуқотнинг бир тури, соҳиби нутқларнинг барчасини қамраб олади. Ва уни қуйи умумийликларга ажратиш аҳамиятсиздир. Умумийликнинг хусусийликларда воқеланишида, юқорида кўриб ўтганимиздек, чексиз миқдорда оралиқ умумийликчалар бўлиши мумкин. Масалан, УДХД оралиғида мевали дарахтлар мевасиз дарахтлар, ясси баргли нина баргли, данак мевали - уруғ мевали ва ҳоказо оралиқ умумийликлар бўлиши мумкин. Лекин бу умумийликлар аҳамиятли эмас.

Худди шунингдек, инсон якка шахс оралиғида жинсига, миллатига, динига, ёшига, ижтимоий аҳволига кўра минглаб табақаланиш оралиқ умумийликлар борки, улар умумийлик-хусусийлик муносабатларини ўрганишда аҳамиятсиздир ва алоҳида шахснинг тавсифига алоқадор, моҳиятга эга эмас.

Умумийлик-хусусийлик муносабатларини якунлар эканмиз, айтиш жоизки, умумийлик ва хусусийлик бир-бирига зид нарсалар эмас. Уларнинг бир-бирини инкори диалектик нисбийдир: хусусийликдан моддий, шаклий, даврий, маконий муайянлик четлаштирилса, у умумийликка айланади ва аксинча умумийликнинг моддий, шаклий, даврий, маконий воқеланиши хусусийликдир.

Умумийлик-хусусийлик диалектикаси бутун диалектиканинг, яъни бутун борлиқ табиат ва жамиятнинг асосий муносабат қонунларидан бири бўлганлиги сабабли жамиятнинг таркибий қисмларидан бири бўлган ва инсоннинг асосий сифатларидан бўлмиш тилда ҳам тажаллиланади, яъни воқеланади, юзага чиқади.

Тилшуносларимиз узоқ замонлар давомида инсон тили ва нутқидаги умумийлик ва хусусийлик ихтилофи (диалектикаси) тажаллиси моҳиятига етолмай, боши берк кўчада чексиз хусусийликлар доирасида ўралашиб қолдилар. Зероки, жонли мушоҳадада, бевосита кузатишда фақат хусусийликлар берилган. Хусусийликлар эса, кўриб ўтганимиздек, умумийликни тўсиб қўяди. Тилшуносликда лисоний умумийлик ва хусусийликларни фарқ қилиш жуда катта аҳамиятга эга.

Б. Инвариант ва вариант. Лисоний бирликларда намоён бўлган умумийлик-хусусийлик зидланишини ифодалаш учун тилшуносликда кўпроқ инвариант ва вариант атамаларидан фойдаланилади.

Инвариант ва вариант тушунчалари лисоний бирликларнинг тузилиш (онтологик) моҳиятини, демакки, тилнинг тузилиш табиатини тавсифлашда энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳар қандай умумийлик хусусийликлар орқали намоён бўлганидек, ҳар қандай инвариант вариантлар орқали моддийлашади.

Инвариант ижтимоий-руҳий, тил эгаларининг ҳаммаси учун умумий-мажбурий бўлган моҳият-имкониятдир. У бевосита кузатиш босқичида, нутқ жараёнида вариантлар орқали намоён бўлади. Ниманики талаффуз қилсак, қулоғимиз билан эшитсак, қўлимиз билан ёзиб, кўзимиз билан ўқисак, булар вариантлар саналади.

Вариантлар синфга хос умумий белгиларни ва ўзига хос фарқловчи белгиларни ўзида мужассам этади. Умумий белги ҳар бир вариантни маълум умумийликка-синфга бирлаштириш, фарқловчи белгилар эса бу вариантни синф таркибидаги бошқа вариантдан ажратишга ёрдам беради. Масалан, кўз олдимизда бир неча туп арчалар турибди. Бу арчаларнинг ҳар бир тупи ўзига хос белгиларга эга. Ҳеч бўлмаганда бўйи, танасининг катта-кичиклиги, шохларининг жойлашиши билан бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга ҳар қайси тупни арча синфига киритишга асос бўладиган, бу тупларнинг ҳар бирида такрорланадиган умумий белги ҳам мавжуд бўлади.

Алоҳидаликларни маълум умумийликка, синфга бирлаштириш учун асос бўлган, ҳар бир алоҳидаликда такрорланувчи умумий белгилар, тарх қолип инвариант саналади.

Инвариантлар бевосита кузатишда бир неча вариантлар орқали моддийлашади. Юқоридаги «арчалик» умумий белгисини ўзида акс эттирган ва бевосита сезги органларимиз таъсирига берилган алоҳида арчалар умуман арчанинг вариантларидир.

Тил системаси ва унинг бевосита юзага чиқишида, яъни система-функция муносабатида намоён бўладиган умумийлик-хусусийлик диалектикаси тилшуносликда тил-нутқ зидланиши орқали ифодаланади. Шунга кўра, тилшуносликда «эмик» ва «этик» бирликлар бир-бирига зидланади. Умумийлик, имконият, моҳиятни билдирувчи ижтимоий-руҳий, мажбурий бирликлар тил бирликлари саналади ва бу бирликлар «ема» элементи билан тугайдиган атамалар билан номланади: *фонема, морфема, лексема, синтаксема* ва бошқ. Хусусийлик воқелик ва ҳодисани билдирувчи бевосита моддий воқеланган бирликлар «этик» бирликлар ҳисобланади. Бу бирликлар «эма» билан тугаган атаманинг эма қисмини олиб ташлаш (масалан, фон, морф, леке, синтакс) бу «эма» қисми олиб ташланган қисм олдида «алло» элементини қўшиш (масалан, аллофон, алломорф, аллолекс каби) ёки «эма» билан тугаган атама охирига вариант сўзини қўшиш (фонема варианты, морфема варианты, лексема варианты) орқали ифодаланади. «Эма» элементини олган бирликлар тил бирликлари, қолганлари эса нутқ бирликлари саналади. [Ломтев Т.П. Об абсолютных и реляционных свойствах синтаксических единиц. «Общее и русское языкознание» тўплами. М., 1978, I с.125].

(2 соат)

Режа:

1. Тилдаги парадигма ва синтагма тушунчалари.
2. Парадигматик муносабат.
3. Синтагматик муносабат.
4. Тил ва нутқ дихатомиясида парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг воқеланиши.

Синтактик муносабатлар. Синтактик бирликлар ҳам тил бирлиги сифатида тизим таркибида синтагматик ва парадигматик муносабатда бўлади.

Парадигматик муносабат. Синтактик бирикмаларнинг макон ва замонга боғлиқ булмаган ўзаро ассоциатив муносабати парадигматик муносабат ҳисобланади. Маълум бир асосда ўзаро ассоциалашган синтактик бирликлар парадигма аъзолари саналади. Парадигма аъзоларининг умумлашмаси эса маълум умумлашмани, категорияни ҳосил қилади. Парадигма ва унинг аъзолари ўртасида умумийлик ва хусусийлик муносабати мавжуд бўлади. Ҳар қандай умумийлик (инвариант) хусусийликлар (вариантлар) орқали намоён бўлади. Демак умумийликнинг намоён бўлиш шакли хусусийликдир.

Парадигматик муносабат ҳам худди синтагматик муносабат сингари мазмуний ва шаклий парадигматик муносабатларга бўлинади.

Мазмуний парадигматик муносабат. Синтактик бирлик икки ва ундан ортиқ вариант — маънолар бирлигидан ташкил топган инвариант маънога эга бўлади.

Маълум синтактик бирлик орқали ифодаланган инвариант маънонинг вариант маънолари муносабати шу синтактик бирлиkning мазмуний парадигмасини ҳосил қилади. Масалан, эга орқали ифодаланган субъект инвариант маъноси қуйидаги вариант маънолар бирлигидан иборат:

Агенс (ҳаракатни юзага чиқ арувчи): **Бола ўйнапти** Пакиенс (агенс таъсирига учровчи субъект): **Она боласини ўйнати.**

Микдор субъекти: **Сув тизадан** ва бошқалар. Синтактик кўпмаънолилик синтактик омонимия ҳодисалари мазмуний парадигматик муносабатларни ўз ичига олади.

Шаклий парадигматик муносабат. Синтактик бирликлар реал ҳолда бир канча нутқий кўринишларда намоён бўлади. Ҳар қандай синтактик бирлик ўзида моҳият ва ҳодиса, умумийлик ва хусусийлик диалектикасини тил ва нутқ бирликларига бўлиниши орқали акс эттиради. ҳар бир аниқ сўз бирикмаси ёки гап орқасида қандайдир тил моҳияти ётади. Масалан, **юзларимни силаб-сийпалади** аниқ нутқий бирикма икки сўз шаклининг грамматик-семантик алоқасини акс эттиради: III шахс бирликдаги ўтган замон феъли — **силаб-сийпалади** (ҳоким қисм) ва тушум келишигидаги от (тобе қисм). Лекин бу боғланиш орқасида бошқа синтактик қурилмаларни

хам кўриш мумкин. Уни қидириш йўли парадигматик аспектда (ассоқиакция асосида) таҳлил қилиш асосида аниқ нутқий ҳодисаларни умумлаштиришни тақозо этади. Умумлаштириш эса бизни нутқий ҳодисалардан тил ҳодисасига олиб боради. Бу икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда **силаб-сийпалади** сўзининг шу бирикма доирасида синтактик қонидани бўлмаган ҳолда шаклини ўзгартириш асосида (**юзларимни силаб-сийналаб, юзларимни силаб-сийпалар, юзларимни силаб-сийпалаган** ва бошқалар) ёки тобе қисмнинг шаклини ўзгартириш асосида (**юзларимдан силаб-сийпалаб**) шу нарса маълум бўладиги, икки сўз шаклининг бир қатор нутқий бирикиши асосида маълум сўз шаклининг (силаб-сийпаламоқ) бошқа сўзининг (юзларим) маълум шакли (тушум ёки чиқиш келишиги) билан бирикиш намунаси ҳосил қилинади.

Агар бу бирикмани, бир томондан, **сочларимни (сочларимдан силаб-сийпалади), бошларимни (бошларимдан силаб-сийпалади)** каби бирикмалар билан, иккинчи томондан, **юзларимни (юзларимдан тирнади, юзларимни томоша қилди)** каби бирикмалар билан қиёсласак юқоридаги бирикма намунаси фақат **юзларимни** ва **силаб-сийпалади** сўзлари учунгина хос эмас, балки умумлашган намуна орқали бир қанча бошқа сўзлар асосида қатор реал бирикмалар ҳосил қилиниши мумкин. Бу сўз бирикмаси намунасининг муҳим белгиси шуки, ҳоким бўлак ўтимли феълдан, тобе бўлак эса тушум келишигидаги отдан ифодаланади.

Шундай қилиб, таҳлилнинг иккинчи босқичида бирикмаларнинг умумлашган намунаси ҳосил қилинади.

Умумлашган намуна фақат сўз бирикмалари доирасидагина эмас, балки гап доирасида ҳам, матн доирасида ҳам мавжуддир.

Синтактик бирликларнинг умумлашган намунаси тил бирликлари, уларнинг шу умумлашган намуна асосида аниқ реаллашуви эса нутқ бирликларидир.

Синтагматик муносабат. Муайян синтактик бирликнинг бошқа синтактик бирлик билан кетма-кет муносабати синтагматик муносабатни ҳосил қилади.

Синтактик бирлик тил тизмаси таркибида юқори сатҳ бирлиги сифатида шакл ва мазмун бирлигидан ташкил топган бир бутунлик экан, синтактик бирликлар ўртасида синтагматик муносабат ҳам икки томонлама хусусиятга эга бўлади: а) шаклий синтагматик муносабат; б) мазмуний синтагматик муносабат.

Шаклий синтагматик муносабат. Маълум синтактик шаклнинг (гап бўлаги шаклининг) бошқа синтактик шакл билан кетма-кет муносабати шаклий синтагматик муносабат саналади.

Анъанавий тилшуносликда «синтактик муносабат» ва «синтактик алоқа» терминлари фарқланади. «Синтактик муносабат» термини синтактик бирликлар ўртасидаги мазмуний синтагматик муносабатни, синтактик алоқа термини эса шаклий синтагматик муносабатнинг ифода томонини билдиради.


Ҳар қандай шаклий синтагматик муносабат маълум мазмуний синтагматик муносабатни ифодалайди ва бу икки муносабат бирлиги шакл ва мазмун диалектикасини акс эттиради. Масалан, эга ва кесимнинг шаклий муносабатидан ташкил топган мен келдим синтактик қурилмаси субъект ва предикатнинг мазмуний муносабатини ифода қилади.

Шаклий синтагматик муносабат икки хил бўлади: а) тенг муносабат (тенгласиш); б) тобе муносабат (тобеласиш).

Ўзаро тенг (бир хил) вазиятдаги синтактик шакллар муносабати тенг муносабат ҳисобланади.

Тенг муносабатдаги синтактик бирликлар кўпинча бир хил грамматик шалда, бир хил синтактик вазиятда туради ва бир хил сўрова жавоб бўлади. Ўзаро тенг боғловчилар, санаш оҳанги ва тенг боғловчи вазифасидаги бошқа воситалар ёрдамида боғланади. Масалан, *Олимлар, фозиллар, шоирлар шахри.* (У.)

Ўзаро тенг муносабатда бўлган синтактик шакллар бошқа бир умумий синтактик шакл билан тобе муносабатда бўлади. Масалан:



Айрим муаллифлар ўзаро тенг муносабатда бўлган синтактик бирликлар ўртасида шаклий боғланишнинг мавжудлигини инкор қиладилар.

А. М. Пешковский фикрича, *Салим, Карим, Ҳалим келишди* каби қурилмаларда *Салим, Карим, Ҳалим* бўлаклари битта келди бўлаги устидан ҳокимлик қилиш туфайли ўзаро боғланади. Аслида эса уюшиқ бўлақлар ўртасида шаклий боғланиш йўқ, улар биргаликда келди бўлаги билан алоқага киришади.

Т.П.Ломтев уюшиқ бўлақлар ўртасида мазмуний муносабат мавжудлигини эътироф этади. Унинг таъкидлашича, уюшиқ бўлақлар ўртасида шаклий муносабатнинг йўқлиги бу сўзлар орқали ифодаланган предметлар ўртасида муносабатнинг йўқлигини билдирмайди. Предметлар ўртасида муносабат бор: бу муносабат уюшиқ бўлақлар орқали ифодаланган предметларнинг бир хил ҳолатдаги муносабатидир. Уюшиқлик муносабати ифодаланмиш муносабатини акс эттирганлиги туфайли унга сўз шакллари ўртасидаги алоқа тури сифатида қаралиши мумкин эмас [Ломтев Т. П. Структура предложения в современном русском языке. М., 1979, с. 51]. «Лекин уюшиқ бўлақлар бир хил вазиятдаги синтактик бирликларнинг шаклий жиҳатдан маълум боғловчи воситалар (тенг боғловчилар ва санаш оҳанги) ёрдамида боғланиши бўлганлиги сабабли, улар ўртасидаги шаклий синтагматик муносабатни инкор қилиб бўлмайди.

Бири тобе, икинчиси ҳоким вазиятдаги синтактик шакллар муносабати тобе муносабат ҳисобланади. Бундай муносабатда тобе вазиятдаги синтактик шакл ҳоким вазиятдаги синтактик шаклнинг «бўш ўринлари»ни тўлдиради, унинг шаклий ва мазмуний валентликларини руёбга чиқаради. Шунинг учун ҳам бундай муносабат доимо икки қисмдан — тобе ва ҳоким қисмдан иборат бўлади. Масалан, *мовий осмон.*

Шаклий синтагматик муносабат маълум боғловчи воситалар ёрдамида руёбга чиқади. Бундай воситалар анъанага кўра синтактик алоқа воситалари ҳисобланади.

Ўзбек тилининг конун-қоидалари асосида маълум бир сўз ёки сўзлар гуруҳини боғли нутқнинг муставил (содда, қўшма гаплар ва матн) ва номустақил (гап бўлаги ва сўз бирикмаси) хусусиятга эга бўлган бирлиги сифатида шакллантирувчи ва уларии боғловчи воситалар синтактик алоқа воситалари саналади. Улар куйидагилардан иборат: а) келишиқ эгалик шакллари; б) ёрдамчи сўзлар; в) айрим ҳолатларда мустикал сўзлар, асосан, олмошлар; г) гап ва матнда гап бўлақларининг ёки бошқа қисмларнинг тартиби; д) оҳанг.

Сўз шакли. Сўзларнинг ўзгариш парадигмасидаги сўз ўзгартирувчи воситалар (келишиик ва эгалик шакллари) боғли нутқда мустикал сўзларни ўзаро синтактик алоқага киритувчи воситалар саналади. Ўзгариш парадигмасидан синтактик алоқа ҳарактерига мувофиқ келадиган аниқ бир шаклини қўллаш ёрдамидагина мақсадимизга мос маънони бера оламиз ва гапни грамматик жиҳатдан ўзбек адабий тили меъёрига мувофиқ равишда тўғри қўллай оламиз. Солиштиринг: *Акамга китоб олдим — Акамдан китоб олдим.* Акам сўзининг келишиқ парадигмасидан (*акам, акамнинг, акамни, акамга, акамда, акамдан*) мақсадимизга мувофиқ биттасини танлашимиз маъно фарқлаш учун хизмат қилади. Биринчисида мақсад китобни ким учун олганлигини ифодалаш бўлганлиги учун *ака* сўзининг келишиқ парадигмасидан аташ семасига эга бўлган жўналиш шаклини, иккинчисида эса мақсад китобни кимдан олганлигининг ифодаси бўлганлиги учун келишиқ парадигмасидан чиқиш семасига эга бўлган чиқиш келишиги шаклини танлаган. Ёки узум сўзининг келишиқ парадигмасидан (*узум, узумнинг, узумни, узумга, узумда, узумдан*) сўзловчи ; ўз мақсадига мувофиқ равишда биттасини танлайди. Солиштиринг: *узум е (умуман узум), узумни е (аниқ олдидаги, маълум бир наводаги узум), узумдан е (ҳаммасини эмас, унинг бир қисмини).*

Сўз ўзгариш парадигмасидан ўзимизга зарур бир шаклини танлашимиз сўзларнинг ўзаро боғланиш конун-қоидасига мувофиқ (бошқарув, мослашув ёки битишув) амалга оширилади.

Ёрдамчи сўзлар. Ёрдамчи сўзлар боғли нутқда гап бўлақлари ва гапларни грамматик алоқага киритувчи; воситалар ҳисобланади. Бу вазифани бажаришда барча турдаги ёрдамчи сўзларнинг хизмати бир хил эмас.

1.Кўмакчилар. Кўмакчилар ҳам худди сўз ўзгартирувчи шакллар каби гап бўлақларини ва қўшма гап қисмларини синтактик алоқага киритувчи восита вазифасини бажаради. Бу воситалар от ёки от ўрнида алмашилиб келган олмошларни бошқа сўзлар билан (асосан феъллар билан) боғлаб келади. Масалан: *Она ўғлининг сўзи билан овунди(П.Т.) Ватан учун тўккали йўқми бир қошиқ қоннинг (Ҳ.О.)*

Айрим ҳолларда кўмакчилар келишиқ шакллари билан алмашилиши мумкин. Солиштиринг: **Она ўғлининг с ў з и б и л а н овунди // Она ўғлининг с ў з и д а н овунди. Пахтани машина б и л а н тердик // Пахтани**

м а ш и н а д а **тердик** **Акам** м а к т а б т о м о н **кетди** // **Акам** м а к т а б г а **кетди**. Ёки келишик шакли билан бирга келиши мумкин. Масалан: **Акам** м а к т а б г а қ а р а б (томон) **кетди**.

Шунинг учун ҳам сўзларнинг келишикли (мактабга), кўмакчили (мактаб томон) ва келишикли-кўмакчили (мактабга томон) шакллари шу сўзларнинг синтактик шакллари саналади. Бу синтактик шакллар ўртасида маълум мазмуний фарқланишлар бор. Кўп ҳолларда келишиклари шакл билан кўмакчили шакл бир-биридан аниқлик-ноаниқлик белгисига кўра фарқланади. Синтетик (келишикли) шакл кўпинча аниқлик аналитик (кўмакчили) ва синтетик-аналитик (келишикли-кўмакчили) синтактик шакллар эса ноаниқлик белгисига эга бўлади. Солиштиринг: **мактабга кетди** (йўналиш нуқтаси аниқ — мактаб), **мактаб томон кетди**// **мактабга томон кетди** (йўналиш нуқтаси аниқ эмас).

2.*Боғловчилар.* Боғловчилар содда гап қисмларини, қўшма гап компонентларини ва матн таркибидаги гапларни ўзаро грамматик ва мазмуний алоқага киритиш учун хизмат қилади. Масалан: **Сўйлаб берай** **З а й н а б** в а **О м о н** **Севгисидан бир янги дoston.** (Х.0.)

3.*Юкламалар.* Кўмакчи ва боғловчининг вазифасига қараганда юкламаларнинг синтактик вазифаси мураккаб ва хилма-хилдир. Биринчидан, содда гап таркибида гап бўлақларининг синтактик алоқага киришида тенг боғловчилар каби хизмат қилади. Шунинг учун ҳам тенг боғловчи ўрнида юкламани қўллаш мумкин бўлади. Масалан: *Бир севгиким жон берур танга* *Ҳам Зайнабу Омонларга хос.* (Х.0.) *Зайнаб ва Омонларга хос.* Солиштиринг: *Келди ва кетди* // *келди-да, кетди* // *келди-ю кетди*. Фақат боғловчи ва юклама ўртасида нозик мазмуний фарқ бор. Уюшиқ феъл кесимлар юкламалар ёрдамида боғланганда, ҳаракат тезлиги семаси ҳам ифодаланади.

Айрим юкламалар уюшиқ бўлақларнинг ва уюшиқ гапларнинг синтактик алоқага киришувида маълум даражада хизмат қилиш билан бирга, уюшаётган бўлақларга таъкид маъносини (**ҳам** юкламаси) ва бутун гапга инкор маъносини (*на на ...*) юклайди. Масалан: *На хотин, на фарзанд кўр(ма)ган бир йигит.* (У.) // *Хотин ҳам, фарзанд ҳам кўрмаган бир йигит.*

Иккинчидан, юкламалар эргаш гапли қўшма гаплар таркибида эргаш гапларни бош гапга боғлаб келади. Масалан: *Билки, жангда билинади мард йигитнинг сараси.* (ХО.)

Юкламалар матннинг алоҳида гапларини боғлаб келади ва матн ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Масалан: *На кўкнинг фонари учмасдан, на юлдуз сайр этиб кўчмасдан...* (У.)

Юқоридаги гапнинг биринчи компонентида **на** юкламасининг ишлатилиши худди шу юклама билан бошланувчи кейинги компонентнинг ҳам келишини тақозо этади. Кейинги компонент ифодаланмаса, биринчи компонент нисбий тугал маъно англатмайди, синсемантик хусусиятга эга бўлади. Автосемантиклик бутун бир матнга хос бўлади. Матн қисмларини боғлашда оҳанг асосини, инкор юкламаси эса қўшимча роль уйнайди.

Юкламалар матн қисмларини боғлашда хизмат қилиш билан бирга, гапга эмоционал-экспрессив ва модал маънолар ҳам юклайди. Масалан: *Наҳотки денгизлар чаппа айланиб, наҳотки дарёлар оқар тескари.*

4. *Олмошлар.* Олмошлар эргаш гапларнинг бош гапга боғланишида ва матн қисмларининг ўзаро боғланишида хизмат қилади. Масалан: *Толеим шулки, Ватанда бир гулистон танладим. (Ҳ.О.)* Бу гапда эргаш гапни бош гапга боғлашда **-ки** юкламаси иштирок этиши билан бирга, олмош мазмуний «пуч» сўз бўлганлиги учун кейинги гап «пуч» сўзнинг маъносини изоҳлаш, уни «тўлдириш» учун хизмат қилмоқда. Демак олмош асосида икки гап боғланади.

Олмош матн ҳосил қилиш вазифасини ҳам бажаради. Бу вақтда матннинг биринчи қисмида қатнашган от, сифат, сон ўрнида кейинги гапда олмош алмашилиб келади ва бу алмашилиш матн қисмларини бир бутунлик ичида бирлаштиришга хизмат қилади. Масалан: *Бу эрининг яқин ўртоғи Тўланбой исмли киши эди. У қиз танлаб-танлаб ёшини ўтказиб қўйган, охири қирқни қоралаб қолганда уйланган, ўзи кичиккина, ҳар гапига мақол ёки матал қўшиб гапирадиган сўзамол киши эди. У кирган давра бирдан яшнаб кетар, тўй-ҳашамларда у бўлмаса, ўрни йўқланиб туради. У ўзини катта олмасди. (С.А.)*

Бу микроматндаги гапларнинг синтактик алоқаси биринчи гап таркибида келган атоқли от Тўланбойнинг кейинги гапларда III шахс кишилиқ олмоши билан алмашилиши орқали юзага чиқади.

Бошқа мустақил сўзлар, одатда, махсус грамматик восита вазифасини бажармайди. Шундай бўлишига қарамасдан, улар ҳам маълум даражада гапнинг грамматик шаклланишида хизмат қилади. Айрим мустақил сўзларнинг лексик маъноси гапда қўлланилиши мумкин бўлган барча сўзларнинг мазмуний ва грамматик алоқалари ҳақидаги, айрим сўзларнинг мазмуний вазифа имконияти ҳақидаги, бошқа сўзлар билан боғланиш имконияти ҳақидаги дастлабки ахборотни ташийди. Масалан: келди сўзи қуйидаги саволларга жавоб бўлиб келувчи сўзлар билан бирика оладиган буш ўринларга эга: *келди — ким?, қачон?, қаердан?, нимада?, нима учун?, қаерга?* Демак бу феъл олтига валентликка, бўш ўринга эга.

Гап таркибида бошқа сўзларни эргаштирувчи грамматик ва мазмуний марказ предикат саналади. Унинг бўш ўринларини тўлдирувчи, у билан қандайдир муносабатда бўлган сўзлар. предмет аргументлари ҳисобланади. Кўринадики, предмет барча аргументларни уюштириб, боғлаб келади.

5. *Гап бўлақларининг тартиби.* Ўзбек тили морфологик жиҳатдан агглютинатив тилларга кирганлиги ва кўп ҳолларда сўз шакллари унинг синтактик ўринларини ҳам тайинлаб турганлиги туфайли гап бўлақларининг тартиби аморф тилларига нисбатан анча эркин. Гап бўлақлари тартибининг ўзгариши кўпинча бу бўлақларининг синтактик ўрнини ва гапнинг умумий мазмунини ўзгартирмайди. Масалан: *Деразамнинг олдида бир туп ўрик оппоқ бўлиб гуллади. (Ҳ.О.) Бир туп ўрик деразамнинг олдида оппоқ бўлиб гуллади. // Бир туп ўрик оппоқ: бўлиб деразамнинг олдида гуллади. // Гуллади бир туп ўрик оппоқ бўлиб деразамнинг олдида.*

Лекин бу ҳолат гап бўлақларининг тартиби маълум бир меъёрга бўйсунмайди, дегани эмас. Ўзбек тилида гап бўлақларининг тартиби қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) сўз бирикмалари қисмлари тартибининг грамматик меъёрини кўрсатиш; 2) гап (жумла)нинг коммуникатив мақсадига кўра у ёки бу бўлақнинг аҳамиятлилигини кўрсатиш; 3) нутқнинг услубий хусусиятини акс эттириш ва бошқалар. (Бу хусусиятлар ҳақида «Гап бўлақларининг тартиби» мавзусига қаранг.) Шундай қилиб, гап бўлақларининг тартиби маълум граммати услубий вазифа бажаради.

6. *Оҳанг*. Гапнинг грамматик шаклланишида оҳанг воситаларининг иштироки зарурийдир. Чунки оҳанг гапнинг зарурий белгиларидан бири ҳисобланади. Гапнинг мелодикаси турли хилдаги ахборотларни ифодалаш хусусиятига эга: гапларнинг дарак сўроқ, буйруқ турларини; эмоционалликка кўра турини ажратишда **Поезд келди** (эмоционалсиз) // **Поезд келди!** (эмоционалли); сўз ва гапларни фарқлашда (**баҳор** — сўз, **Баҳор** — гап); турли пичинг, кесатик, ишончсизлик тахмин каби модал маънолар ифодасида (**Пичоқни шу Холмат урадими?** // **Пичоқни шу Холмат урадими?!**) ва бошқалар.

Шундай қилиб, боғли нутқда гапни шакллантиришда хилма-хил воситалар иштирок этади. Жумладан, синтактик (гап бўлақларининг таркиби, ёрдамчи сўзлар), лексик (мустақил сўзлар), морфологик (мустақил сўзларнинг морфологик шакли), фонетик (оҳанг) воситалар. Буларнинг кўпчилиги (морфологик воситалардан ташқари барча воситалар) барча тиллар учун характерли бўлиб, универсал хусусиятга эгадир.

Мазмуний синтагматик муносабат. Синтактик бирликлар фақат шаклий жиҳатдангина эмас, балки мазмуний жиҳатдан ҳам ўзаро боғланади. Икки синтактик шаклнинг бир-бири билан тўғри боғланиши учун фақат шаклий боғланишнинг тўғрилиги кифоя қилмайди. Масалан, **емоқ** феъли ўтимлилик хусусий грамматик маъносига эга бўлганлиги туфайли шаклий жиҳатдан тушум келишигидаги отни бошқариб келади. Демак тобе қисмнинг тушум келишигида келишини талаб қилади. Ҳар қандай тушум келишигидаги отнинг ўтимли феъл билан грамматик боғланиши шаклий жиҳатдан тўғри. Масалан, **тошни емоқ**. Лекин ҳар қандай тушум келишигидаги отнинг **емоқ** ҳоким бўлагига боғланаверишига мазмун йул қўймайди.

Тушум келишигидаги тобе қисм билан ҳоким қисм тўғри боғланиши учун мазмуний мосликка ҳам эга бўлиши керак. Тобе ва ҳоким қисм ҳар иккисида такрорланадиган умумий семага эга бўлиши керак. Ана шу умумий сема тобе ва ҳоким қисмларнинг мазмуний боғланиши учун асос бўлади. Масалан, **емоқ** феъли фақат **емиш** мазмуний майдонига кирувчи сўзлар билан боғлана олади (**гушт, ош, олма, гилос ва бошқалар**).

Мазмуний бирликларнинг кетма-кет муносабати мазмуний синтагматик муносабатни ҳосил қилади. Синтактик бирликларнинг мазмуний муносабати киши онгида акс этган моддий дунёдаги элементларнинг ўзаро муносабатидир. Масалан, предмет ва унинг белгиси (таъми— мазаси, хусусияти, ранги, микдори ва бошқалар) ўртасидаги муносабат, ҳаракаг ва

унинг белгиси (тарзи, сабаби, ўрни, пайти ва шу кабилар) ўртасидаги муносабат, ҳаракат ва унинг субъекти ўртасидаги муносабат, ҳаракат ва унинг объекти ўртасидаги муносабат ва бошқалар.

Шунга мувофиқ, синтактик бирликлар ўртасидаги мазмуний синтагматик муносабатни ҳам қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) субъект ва предикат муносабати ёки предикатив ва субъектлик муносабат;
- 2) белги ва предмет ўртасидаги муносабат ёки атрибутив муносабат;
- 3) белги билан ҳаракат ўртасидаги муносабат ёки релятив муносабат;
- 4) предмет (объект) ва ҳаракат ўртасидаги муносабат ёки объектлик муносабат.

Атрибутив муносабат белги + предмет семантик моделидаги сўз бирикмаси учун хосдир (қизил қалам, учта дафтар), *шоир Абдулла Орипов* типдаги оппозитив муносабат ҳам атрибутив муносабатнинг бир тури сифатида қаралади.

Объектлик муносабат объект + ҳаракат, предмет + белги (компаратив бирикмаларда: *Каримдан катта, Каримдан кучли* ва бошқ. алар) семантик моделидаги сўз бирикмаларида ифодаланади.

Релятив муносабатни ифодаловчи сўз бирикмалари бир қанча семантик моделларга эга:

- 1) ҳаракат + унинг сифат ёки миқдор тавсифи (тез юрмоқ, кўп ўқимоқ);
- 2) ҳаракат + унинг юзага чиқиш ўрни (*Москвадан келмоқ Москвада ишламоқ*);
- 3) ҳаракат ёки белги + унинг юзага чиқиш найти тонгда турмоқ, доимо қувноқ);
- 4) ҳаракат ёки белги + унинг юзага чиқиш сабаби (*касаллиги учун келолмади ёки касаллигидан келолмади, тадбиркорлиги учун ҳурматли*);
- 5) ҳаракат + унинг юзага чиқиш мақсади (*дам олиш учун борди*) ва бошқалар.

Субъектлик муносабат субъект ва унинг ҳаракати муносабатидир. Бу муносабат икки хил шаклий синтактик муносабат орқали ифодаланади. Бирида эга ва кесимнинг *мослашув* йўли билан боғланиши орқали ифодаланади. Масалан, *Ҳалима қўйлади*. Иккинчисида эса субъектни билдирувчи қисм қаратқич аниқловчи шаклида, қаратувчи предикатни билдирувчи қисм эса эғалик шаклида қаралмиш вазиятида келади. Демак қаратувчи ва қаралмишнинг мувофиқлашув алоқаси орқали ифодаланади.

Англашиладики, субъектлик муносабат борлиқдаги маълум пропозицияни акс эттиради ва тилнинг икки хил бирлиги орқали ифодаланади: а) гап орқали (эга — кесим орқали), б) сўз бирикмаси (қаратувчи — қаралмиш алоқаси) орқали.

Сўз бирикмаси сатҳида субъектлик муносабатни атрибутив муносабатдан алоҳида олинишига сабаб шуки, бу муносабат предикатив муносабат билан ассоциатив боғланган. Ҳар икки муносабат ҳам бир пропозицияни ифодалайди. Улар ўртасидаги фарқ шу пропозициянинг қандай ифодаланишидадир.

Субъектлик муносабатнинг бу икки турини икки сатҳ бирлиги сифатида фарқлаш учун эга-кесим муносабати орқали ифодаланган субъектлик

муносабатии предикатив, қаратувчи-қаралмиш муносабати орқали ифодаланган субъектли муносабатини *мувофиқлашув* муносабати терминлари билан номлаш мумкин.

Булардан ташқари, ундалма ва киришлар орқали ифодаланадиган мазмуний муносабат тури ҳам борки бу мазмуний муносабат юқоридаги мазмуний муносабатлардан маълум фарқли хусусиятларга эга.

Атрибутив, релятив, объектли ва бошқа мазмуний муносабатлар гапнинг синтактик тўзилиши орқали ифодаланадиган диктум (пропозиция)нинг икки бирлиги ўртасидаги муносабат бўлса, иккинчи типдаги муносабат гапнинг синтактик тўзилиши орқали ифодаланган диктум билан сўзловчи ўртасидаги муносабат, бошқача айтганда, диктум ва модус муносабатидир.

Биринчи типдаги муносабат объектив муносабат бўлса, иккинчи типдаги муносабат субъектив муносабатдир. Биринчи типдаги муносабат гап (жумла) диктумига кирса, иккинчи типи модусига оид бўлади.

Биринчи типдаги муносабат ўзининг шаклий боғловчи воситаларига ва боғланиш усулига (мослашув, бошқарув, битишув) эга бўлса, иккинчи тури бундай хусусиятга эга эмас.

Иккинчи типдаги муносабатни гап (жумла) диктумига қандай маъно юклашига кўра икки турга ажратиш мумкин:

а) вокатив муносабат: ундалма орқали ифодаланган предметнинг (тингловчининг) гап (жумла) орқали ифодаланган диктум билан муносабати;

б) модал муносабат: гап (жумла) орқали ифодаланган диктум билан сўзловчининг муносабати.

Тобеликнинг йўналишига кўра синтактик алоқа турлари. Синтактик алоқа йўналишига кўра иккига бўлинади: а) икки томонлама алоқа (координация), б) бир томонлама алоқа (субординация).

Икки томонлама алоқа (координация). Икки томонлама алоқада икки синтактик шакл ўзаро икки томонлама — ҳам чапдан ўнгга қараб, ҳам ўнгдан чапга қараб боғланади. Хар икки синтактик шакл боғловчи восита олади. Бундай алоқада синтактик шаклнинг бирини ҳоким, иккинчисини тобе деб бўлмайди. Тобеланишнинг бир йўналишида ҳоким қисм, бошқа йўналишида тобе вазиятни эгаллайди. Масалан, *менинг қаламим* типдаги қаратқич ва қаралмиш алоқасида қаратувчи қаратқич келишиги, қаралмиш эса қаратувчининг шаклига мувофиқ равишда I шахс эгалик қўшимчасини олиб, ўзаро боғланади. Бундай боғланишда, бир томондан, қаратувчи қаралмишнииг ўзига мос эгалик шаклларида бирида келишини, иккинчи томондан, қаратувчини қаратқич келишигида келишини талаб қилади. Ана шу хусусиятларини ҳисобга олиб, айрим муаллифлар бундай алоқани тенг алоқадан ҳам, тобе алоқадан ҳам фарқлаган ҳолда алоҳида алоқа тури сифатида ажратишни маъқул кўрадилар [Р а с у л о в И. Сўз бирикмаси масаласи. Ўзбек тили ва адабиёти. 1978, 2-сон. 37-бет; Мамедов Х., Бердиалиев А. Сўз бирикмаларида мослашув ҳодисаси борми? —

Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 3-сон; Ўзбек тили грамматикаси. II қисм, Тошкент, 1976, 16-бет]. Синтактик алоқанинг бу тури учун турли хил терминларни тавсия қиладилар: *тобедош алоқа* [Ўзбек тили грамматикаси, II қисм, ўша бет.], *муносабатдорлашиш* [Расулов И. Ўша мақола, 38-бет.]³ ва бошқалар.

Дарҳақиқат, қаратувчи — қаралмиш алоқаси тобеланишнинг бир томонлама йўналишига асосланган тобе алоқадаги—субординациядан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун бундай алоқани тобе алоқддан фарқлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Биз бу алоқани мувофиқлашув (координация) термини билан номлашни маъқул кўрамыз.

Бир томонлама алоқа (субординация). Бир томонлама алоқада тобеланиш йўналиши бир томонлама бўлади: тобелашиш ё чапдан ўнгга қараб йўналади (иккинчи даражали бўлақларнинг ҳоким бўлақ билан алоқаси), ё ўнгдан чапга қараб йўналади (бош бўлақларнинг ўзаро алоқаси). Тобе қисм тобелаштирувчи восита ёрдамида ҳоким қисмга боғланади. Масалан, *китобни ўқи, овқатдан ол, мен келдим* ва бошқалар. Бундай алоқанинг икки турини фарқлаш лозим бўлади: а) бир томонлама боғли алоқа; б) бир томонлама эркин алоқа.

Боғли алоқа. Тобе қисмнинг қандай шаклда келиши ҳоким қисмга боғлиқ бўлган алоқа боғли алоқа саналади. Тобе қисм ҳоким қисм талаб этган шаклда келади. Тобе қисм қайси шаклда келиши ҳоким қисм томонидан белгиланади. Масалан, китобни ўқи бирикмасида тобе қисм ўтимли феълдан ифодаланган ҳоким қисм талабига мувофиқ тушум келишигида келади.

Боғли алоқа уч турга бўлинади: а) мослашув, б) бошқарув, в) битишув.

Мослашув. Тобе қисм ўз шаклини ҳоким қисм шаклига мувофиқлаштириши мослашув саналади. Ҳоким сўзнинг шакли ўзгариши билан тобе қисмнинг шакли ҳам ўзгаради. Демак, ҳоким қисм шаклининг ўзгариши тобе қисмнинг ўзгаришига таъсир қилади. Ана шу хусусияти билан бу алоқа бошқарувдан фарқ қилади (бошқарув алоқасига қаранг).

Кесим эга билан мослашув йўли билан боғланади. **Мен келдим** курилмасида эга (мен) кесим (келдим) билан шахс ва сонда мослашган.

Ҳозирги ўзбек тилида эга билаи кесим шахсда мослашиши ҳам, сонда доимо мослашиши шарт эмас. Эга III шахсдаги шахс билдирувчи отлардан ифодаланганда кесим икки вариантда — бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, **талабалар тўпландилар, талабалар тўпланишди, талабалар тўпланди.**

Эга III шахсдаги шахс билдирмайдиган отлардан ифодаланганда, эга билан кесим ўртасида сонда умуман мослик бўлмайди. Масалан, **қушлар сайрайдилар эмас, қушлар сайрайди; еллар эсадилар эмас, еллар эсади.**

Эга билан кесимнинг мослашиш қамровига кўра мослашув иккига бўлинади: а) тўлиқ мослашув, б) қисман мослашув.

Эга билан кесимнинг ҳам шахсда, ҳам сонда мослиги тўлиқ мослашув саналади. Масалан, **биз қаздик**. Эга билан кесимнинг фақат шахсда мослиги қисман мослашув ҳисобланади. Масалан, **пахталар очилди**.

Бошқарув. Ҳоким қисм талаби билан тобе қисмнинг маълум шаклда келиши бошқарув ҳисобланади. Масалан, тобе вазиятдаги **қалам** сўзи ҳоким вазиятдаги **ёзмоқ** сўзи талаби билан ўрин-пайт келишиги ёки ёрдамчи сўз ёрдамида боғланади: 1) **қаламда ёзмоқ**, 2) **қалам билан ёзмоқ**.

Ҳоким қисм бошқарувчи, тобе қисм бошқариловчи саналади. Тобе қисмни ҳоким қисмга боғловчи восита тобе қисмда — бошқариловчида бўлади. Шунинг учун тобе қисмнинг қайси шаклда эканлиги бошқарув учун аҳамиятли бўлса ҳам, ҳоким қисмнинг қандай шаклда бўлишининг бу алоқа учун аҳамияти бўлмайди. Ана шу хусусияти билан бошқарув алоқаси мослашувдан фарқ қилади (солиштиринг: мослашув).

Бошқарув алоқасида тобе қисм ҳоким қисмнинг синтактик ва мазмуний валентлигини юзага чиқариш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳоким қисмнинг қандай сўздан ифодаланиши ҳам бундай алоқа учун катта аҳамиятга эга.

Бошқарувчи сифатида энг кенг қўлланадиган сўз туркуми феълдир. Шу билан бирга, от, сифат, сон, равишлар ҳам баъзан бошқарувчи бўлиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бошқарувчининг қандай сўз туркумидан ифодаланишига кўра бошқарув иккига бўлинади:

1) феъл бошқаруви, 2) от бошқаруви.

Ҳоким қисм феъл ва унинг функционал шаклларида ифодаланган бошқарув алоқаси феъл бошқаруви саналади: **уйни кўрмоқ уйдан чиқмоқ**.

Ҳоким қисм феълдан бошқа сўз туркумларидан: от, сифат, сон, равишдан ифодаланган бошқарув алоқаси от I бошқаруви ҳисобланади: **девдан кучли, шамолдан тез**.

Бошқарув алоқасини юзага чиқарувчи воситага кўра бошқарув иккига бўлинади: 1) келишликли бошқарув, 2) кўмакчили бошқарув.

Тобе қисмнинг ҳоким қисмга келишлик шакллари орқали боғланиши келишликли бошқарув саналади: **сенга олдим, темирдан қаттиқ**.

Тобе қисмининг ҳоким қисмга кўмакчилар ёрдамида боғланиши кўмакчили бошқарув ҳисобланади: **мактаб томон кетди, ариқ бўйлаб юрди**.

Баъзан тобе қисм ҳоким қисмга келишлик шакли билан бирга, кўмакчи ёрдами билан ҳам боғланиши мумкин. Бундай иккита воситали бошқарув келишликли-кўмакчили бошқарув саналади: **мактабга томон кетди— мактаб томонга кетди**.

Шунга кўра, бундай алоқани вариантли ва вариантли бўлмаган алоқага бўлиш мумкин. Вариантли бўлмаган алоқада тобе қисм ҳоким қисм талаби билан фақат бир шаклга эга бўлади: **уйдан чиқмоқ, Каримни кўрмоқ**.

Вариантли алоқада эса тобе қисм ҳоким қисмга бир неча шаклда боғланади: **узум емоқ — узумдан емоқ, мактабга кетмоқ — мактаб томон кетмоқ — мактаб томонга кетмоқ** вариантларининг ҳар бири ўзаро

умумийлик-хусусийлик аниқлик-ноаниқлик маънолари билан фарқ қилади.

Битишув. Тобе қисмнинг ҳрким қисмга сўз тартиби ва оҳанг ёрдами билан боғланиши битишув саналади: **катта бино, тез юрмоқ, ўнта бола.**

Даврлар ўтиши билан келишик шакли ўз вазифасини йўқотиб, сўз таркибида «қотиб» қолиши мумкин. Бу ҳолларда келишик шакллари тобе қисмни ҳоким қисмга боғловчи восита бўлиб келмайди. Шунинг учун ҳам бундай сўзлар бошқарув алоқасини эмас, балки битишув алоқасини ҳосил қилади: **тезда келди, юракдан сўзлади.**

Бу сўзларда келишик шаклининг ўз вазифасини йўқотиб, қотиб қолганлиги сўроғидан ҳам билиниб туради, бу сўзлар келишликли сўроқни талаб қилмайди: **тезда (қачон?) ишга тушди, юракдан (қандай?) сўзлади** каби. Ўз вазифасидаги келишик шаклини олган сўзлар эса шундай келишикдаги сўроқда жавоб бўлади: **олмадан (нимадан?) олди, китобни (нимани?) ўқиди, дўстидан (кимдан?) эшитди.**

Эркин алоқа. Боғли алоқада тобе қисм ҳоким қисмнинг валентлигини юзага чиқариш учун хизмат қилса, у билан чамбарчас боғлиқ бўлса, эркин алоқада тобе қисм ҳоким қисмнинг валентлигини юзага чиқармайди. Тобе қисмнинг қайси шаклда келиши ҳоким қисмга боғлиқ бўлмайди. Масалан, **Заводда ишчи. Синфимизда аълочи.**

Эркин алоқа боғли алоқа таркибига кирувчи бошқарувга ўхшайди. Шунинг учун ҳам ўзбек тилшунослигида бундай типдаги бирикмалар бошқарув алоқаси сифатида — **от бошқаруви** номи остида ўрганиб қолинди.

Лекин эркин алоқага кирувчи унсурлар бошқарув унсурларидан муҳим белгиси билан фарқ қилади.

Бошқарув алоқасининг юзага чиқишида ҳоким қисмнинг мазмуний грамматик хусусияти, унинг категориал белгиси асосий (роль уйнайди. ҳоким қисмнинг категориал хусусияти тобе қисмнинг шаклини ҳамда унинг ҳоким қисм билан боғланиш характери олиндан белгилайди.¹ Масалан, **Машинада келдим** курилмасида тобе қисмнинг (машинада) восита келишигида келиши ҳоким қисмнинг умумий категориал маъноси (фёъл категориясига мансублиги) ва хусусий категориал маъноси (ўтимсизлик нисбат ва ҳ.к.) билан олиндан белгиланган.

Эркин алоқада ҳоким қисмнинг умумий категориал маъноси ҳам, хусусий грамматик маъноси ҳам тобе қисмни бошқарув шаклида келишини талаб этмайди. **Раҳмат** (ёрдამингизга раҳмат), **совға** (болаларга совға, болалардан совға, болаларда совға), **хат** (акамдан хат, акамга хат, акамда хат) каби сўзлар ўзлари учун изчил бир шаклни талаб этмайди.

Бундай сўзларнинг жўналиш, ўрин, чиқиш келишликларидаги сўзлар билан эркин боғланавериши уларнинг муайян келишик шаклидаги сўзларни бошқаришини эмас, балки бу шаклларга нисбатан бетарафлигини кўрсатади.¹

¹ Бошмонов М. Ўзбек тилининг гап бўлақларини «тил — нутқ» дихотомик бўлинишида ўрганиш. ҚД, Тошкент, 1991, 76—77-бет.

Аслида бундай типдаги бирикмаларнинг бир гуруҳи бошқарувчи феълнинг тушиб қолиши натижасида икки бирикманинг қисқариб, бир бирикма ҳолига келиб қолишидан, ўзига хос кантаминация ҳодисасининг рўй беришидан вужудга келган. Масалан, «мехробден чаён», I «тобутдан товуш» каби бирикмалар «мехробдан чиққан чаён», «тобутдан чиққан товуш» сингари икки бирикма асосида — бошқарув (тобутдан чиққан мехробдан чиққан) ва битишув (тобутдан чиққан товуш, мехробдан чиққан чаён) алоқаларидан биринчи бирикма ҳоким қисми (бошқарувчи феъл)нинг тушиб қолишидан ҳосил бўлган. Биринчи бирикмада **тобутдан, мехробдан** сўзлари ҳоким қисм (чиққан) нинг умумий категориал маъноси (феъллиги), хусусий категориал маъноси (ўтимсизлиги, аниқлик нисбати), мазмуний майдони (йўналши ҳаракати) талаб этган грамматик шаклда (чиқиш келишигида) келган. Иккинчи бирикманинг тобе қисми (**...дан чиққан**) ҳоким қисмга битишув йўли билан борғланган. Биринчи бирикма ҳоким қисмининг тушиб қолиши натижасида бошқарув бирикмасининг тобе қисм билан битишув бирикмасининг ҳоким қисми бирикиб қолади. Табиийки, ҳосил бўлган бундай бирикма тобе қисмининг шакли ҳоким қисмнинг умумий категориал ва хусусий грамматик маъноларига асосланмайди. Натижада бошқарув барҳам топади.

«Менга рухсат», «қардошларга салом» типдаги бирикмалар кўмакчи феълнинг тушиб қолишидан ҳосил бўлади: **менга рухсат беринг, қардошларга салом айтинг**. Тобе қисм (менга, қардошларга) бошқарувчи феълнинг категориал ва хусусий грамматик маънолари талаб этган шаклни олган.

Бошқарувчи феълнинг тушиб қолиши эса бошқарув муносабатига ҳам барҳам берган.

Юқорида кўрсатилган типдаги барча бирикмаларда тобе қисмнинг шакли ҳоким қисмнинг умумий категориал маъноси ва хусусий грамматик маъносига боғлиқ бўлмайди. Демак бундай типдаги алоқа алоҳида типни—эркин алоқани ташкил этади.

Бундай алоқадаги тобе қисм айрим муаллифлар томонидан детерминантлар термини билан ҳам номланади.

Синтактик бирликларнинг даржали муносабати. Тилнинг бир сатҳига мансуб бўлган қиммат жихатдан бир хил бирликлар ўзаро синтактик ва парадигматик муносабатга киришади.

Шу билан бирга, тил бирликлари оддийдан мураккабга қараб бўлак ва бутун муносабатига киришади. Кичик сатҳ бирликлари катта сатҳ бирликлари учун материал бўлиб хизмат қилади. Қиммат жихатдан бир хил бирликларнинг ўзаро синтактик муносабати ўзидан юқорироқ ва янги сифатга эга бўлган бутунликни ҳосил қилади. Синтактик бирликларнинг бутун ва бўлак муносабати даражали муносабат ҳисобланади. Масалан, матн бутунлик сифатида ўзаро синтактик муносабатда бўлган бир неча содда ва қўшма гаплардан ташкил топади. Қўшма гаплар бир бутун сифатида синтагматик муносабатдаги 2 ва ундан ортиқ содда гаплардан ташкил топади. Содда

гаплар бир бутун сифатида ўзаро синтагматик муносабатда бўлган бир неча бўлақлардан ёки бир сўзнинг янги сифатга эга бўлишидан (сўз-гаплар) ҳосил бўлади. Гап бўлаги икки ва ундаи ортиқ морфемаларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топган маълум синтактик вазиятдаги бутунлик — сўз шакли саналади.

Синтактик муносабатларда шакл ва мазмун алоқаси. Мазмуний-синтактик муносабатлар шаклий-синтактик муносабатлар ёки синтактик алоқалар ёрдамида ифодаланади. Синтактик муносабат билан синтактик алоқа бир-бирини тақозо қилувчи бир ҳодисанинг икки томони. бўлса ҳам, лекин уларнинг ҳар иккиси маълум ўзига ҳосликка эга бўлганлиги туфайли бир-бирига мувофиқ келиши шарт эмас.

Масалан, мазмуний-синтактик муносабат таркибига кирувчи вокатив ва модал муносабатлар шаклий жиҳатдан ундалма ва киришлар орқали ифодаланади ва бу синтактик шакллар гапнинг синтактик қурилмаси бирликлари саналади. Лекин улар мазмуний-синтактик муносабати ифодаласа ҳам, синтактик алоқага киришмайди.

Шунингдек айни бир синтактик муносабат бир неча хил синтактик алоқа ёрдамида намоён бўлиши мумкин.. Масалан, қаратувчи — қаралмиш муносабати мувофиқлашув (*бизнинг мактабимиз*), бошқарув (*бизнинг мактаб*) ва битишув (*бола кийим*) алоқаси орқали ифодаланади.

Шунинг учун ҳам синтактик муносабатларнинг бу икки томони диалектиканинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва кўрашени акс эттириш қонунига амал қилади.

Мазмуний-синтактик муносабатларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1.Субординатив муносабат (бир томонлама муносабат):

- а) предикатив муносабат (эга-кесим муносабати);
- б) объектли муносабат (тўлдирувчи-тўлдирилмиш) муносабати;
- в) атрибутив муносабат (сифатловчи-сифатланмиш) муносабати;
- г) релятив муносабат (ҳол-ҳолланмиш муносабати).

2.Координатив муносабат: қаратувчи қаралмиш муносабати (икки томонлама муносабат).

3.Копулятив муносабат: уюшиқ бўлақлар муносабати.

4.Интрадуктив муносабат:

- а) вокатив муносабат (ундалма-жумла мазмуни);
- б) модал муносабат (киришнинг жумла мазмуни билан муносабати).

Бу муносабатларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи 3 гуруҳи синтактик алоқа воситаларига эга бўлса, тўртинчи гуруҳи бундай хусусиятга эга эмас.

Режа:

1. Тилшуносликнинг математика билан муносабати.
2. «Математик тилшунослик» тушунчаси.
3. Гап тузилиши формуласи.
4. Гапларнинг нормативлик ёки псевдонормативлик жиҳатидан таҳлили.
5. Гап синтагматикасининг таҳлили.
6. Тўплам назариясининг лисоний ҳодисалар таҳлилига тадбиқ этилиши.
7. Матн яратилиш жараёни модели.

1. **Тилшуносликнинг математика билан муносабати.** Ҳар қандай фан математика билан чамбарчас боғлиқ бўлгандагина юксак мақсадларга эриша олади. Тилшунослик ҳам ундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам ХХ асрнинг ўрталарига келиб, тилшуносликда бир қатор лингвистик тушунчаларни аниқлаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида *математик лингвистика* номи билан юритилувчи алоҳида йўналиш майдонга келди.

Муайян *математик аппарат*лардан фойдаланиладиган лингвистик тадқиқот усули математик лингвистика деб юритилади.

Ҳозирги кунда бу атама остида икки хил фан соҳаси тушунилмоқда. Биринчиси, **математиканинг бўлими бўлган математик лингвистика**. Унинг текшириш методлари кўп жиҳатдан математик мантиқ, айниқса, унинг алгоритм назарияси бўлимлари билан кўп жиҳатдан умумийликка эга.

Иккинчиси, **лингвистика йўналиши бўлган математик лингвистика**. **Математик усуллардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган ҳар қандай лингвистик тадқиқот йўналиши математик лингвистика деб юритилади.**

Тилни математик йўл билан таснифлаш Ф.де Соссюрнинг тил ҳақидаги таълимотига, унинг тилга шу тил эгаларининг нутқий фаолиятида муайян вазифа бажарувчи механизм сифатида қарашига асосланади.

Нутқий фаолият натижасида "тўғри матн" деб юритилувчи **нутқий бирликлар кетма-кетлиги** майдонга келади. Бу нутқий бирликлар муайян қонуниятларга бўйсунди ва уларнинг кўпчилиги математик тавсифга берилади.

Гапларни математик тавсифлаш усуллари ишлаб чиқиш ва ўрганиш математик лингвистиканинг асосий вазифаларидан биридир. Бундай вазифа математик лингвистиканинг синтактик структурани тавсифлаш усуллари назарияси бўлими зиммасига тушади.

Гапнинг синтактик структурасини тавсифлаш учун икки хил усулдан фойдаланилади: 1) гап таркибидан унинг алоҳида синтактик бирлик сифатида амал қиладиган иштирокчиларини ажратиш; 2) гап таркибидаги сўзларнинг тобеланиш муносабатини тавсифлаш. Масалан, *Ўқувчилар мактабимиз боғида ҳар хил меваларни ўстирадilar* жумласи биринчи усулга кўра, аввало яхлит ҳолда муайян ишора билан белгиланади ва у тадрижий равишда иштирокчиларга бўлинади.

Бундай усуллар Америка структур тилшунослигида кенг қўлланилди ва биринчиси "Бевосита иштирокчилар грамматикаси", иккинчиси эса "Тобелилик грамматикаси" номи билан юритилди. Уларнинг ҳаммаси **трансформацион грамматиканинг** турли кўринишлари саналади.

Математик лингвистиканинг яна бир тармоғи **формал грамматика** назариясидир. Бу грамматика ҳам машҳур Америка тилшуноси, трансформацион грамматика асосчиси Н.Хомский номи билан боғлиқдир. Формал грамматика алоҳида матнларни эмас, балки бир қанча тўғри матнларни ва қонуниятларни тавсифлаш усулларини ўрганади. Бу қонуниятлар формал грамматиканинг абстракт символлари орқали белгиланади. Шу асосда "туғдириш грамматикаси" ёки **"генератив лингвистика"** майдонга келди. Булардан ташқари, тилшуносликда инвариантлик назарияси ҳам математика таъсирида вужудга келган. Математикада инвариант атамаси орқали ўзгарувчан сонлар остидаги ўзгармас, барқарор миқдор тушунчаси англашилади. Шунингдек, **тилшуносликда кенг қўлланилаётган статистик методлар ҳам математика фанининг таъсири натижасидир.**

2. **Математик тилшунослик.** «Математик тилшунослик» - тил ҳақидаги **фаннинг тўла ҳуқуқли соҳасидир**, бу тушунча эндиликда барчага таниш ва унинг қўлланиш доираси «қиёсий тилшунослик» тушунчасидан кам эмас. Бунинг исботини биз математик тилшуносликнинг олий ўқув юртлари учун тасдиқланган намунавий ўқув режаларига мажбурий фан сифатида киритилишида ҳам кўришимиз мумкин.

Техника ва ахборот технологиясининг ҳозирги ривожланиш даврида фан тараққиёти учун математиканинг аҳамияти чексиздир. Шу сабабли барча фанларнинг ривожини математика ривожини билан боғлашмоқда ва **математик асосга эга бўлмаган тадқиқотлар хулосаларининг гумонли эканлиги қайд қилинмоқда.**

Айримлар математикани «фанларнинг кироличаси» сифатида таърифлашади. Ҳақиқатда эса **«фанлар кироличаси» фалсафадир**, математика унга тобе, зеро, математик назариялар фалсафадан (аниқроғи – мантиқдан) ўзлаштирилган.

Тилшуносликка математик таҳлил усуллари тadbиқ қилишнинг ашаддий тарафдорлари структуралистлардир. Ҳатто уларнинг фикрича, структурализмнинг "туғилиши" сабабчиси ҳам математикадир. Буни биз структур тилшунослик ҳақидаги қўлланма муаллифи Ю.Д.Апресяннинг куйидаги қайдида аниқ кўришимиз мумкин: "... ҳар бир эмпирик фаннинг асосий вазифаларидан бири қўлланишдаги тушунчаларни ўз ўтмишидаги бўлган фанга оид тушунчаларга мослаштиришдир... **структур тилшуносликнинг ўтмишидаги фан – математика**" (Апресян 1966:38).

Математик тушунча ва амаллар тилшуносликка оид тадқиқотларда XIX аср ўрталариданок, яъни структурализм пайдо бўлишидан бирмунча олдин тадбиқ қилина бошланган. Математиканинг бошқа фан соҳаларига тадбиқи қутилган самара бериши айнан ўша пайтларда ўз исботини топган.

Статистик усулнинг лингвистик тадқиқотлардаги аҳамияти барчага маълум. Унинг ёрдамида лисоний бирликларнинг қўлланиш коэффициенти, яъни нутқий (ёзма ва оғзаки) фаоллик даражаси аниқланади. Статистик таҳлил натижаларидан амалий мақсадларда, масалан, ёзма ёдгорликлар сирларини очишда, криминалистикада (номаълум муаллифни аниқлашда), луғатлар тузишда, стилистик таҳлилда ва бошқа соҳаларда фойдаланилади.

Статистик таҳлил, сўз шакллари ва гаплар қурилишининг аналитик қилишларини тузиш бир тилдан иккинчи тилга машина (автоматли) таржиманинг математик асосини яратиш имконини беради. Ҳозирги кунда турли хил таржима автоматлари пайдо бўлган ва ҳар бир шахс улардан фойдаланиш имконига эга. Аммо бу турдаги машиналарнинг қобилияти анчагина чекланганлигини ҳам унутмаслик лозим, уларнинг “тиши” фақатгина содда, унчалик мураккаб бўлмаган матнларга “ўтади”. Фақатгина автоматик луғатларнинг (масалан Японияда кенг қўламдаги қўлланишда бўлган иероглифлар луғати) имкон даражаси анчагина кенг.

Математик методларни (баъзан уларни “аниқ” ёки “жиддий” методлар деб ҳам аташади) тилшуносликка тадбиқ этиш тарафдорлари тил тизимида товуш, сўз, морфема каби қийматлар (катталиклар) мавжуд ва уларни миқдоран таҳлил қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бироқ ушбу қийматларнинг ўзаро нисбати математик хусусиятга эга бўлмаса керак ва шу сабабли бу нисбатни математик ишоралар воситасида ифодалаш қийин масала. Масалан, “нотинчликда” сўз формасини морфемалар йиғиндисидан (но+тин+ч+лик+да=нотинчликда) иборат деб ҳисобласак, морфемаларни рамзий белгилар билан алмаштириш мумкин: но-(префикс) – п; тин – (ўзак) – ў; -ч -(суффикс) – с; лик – (суффикс) – с; -да – (флексив қўшимча) – ф; унда қуйидаги тенглама ҳосил бўлади: п+ў+с+с+ф. Лекин бундай тузилмани математик формула сифатида талқин қилиш мушкул, чунки бу ерда математик ўзгариш амалларини (қўшилаётганлар ўрнини алмаштириш, бир қиймат ўрнига иккинчисини қўйиш, қавсдан чиқариш кабилар) бажариб бўлмайди. Демак морфемаларнинг ўзаро муносабати бутунлай бошқачадир.

Математика, биология, физика каби аниқ фанларга хос метод ва усулларни тўғридан-тўғри лисоний таҳлил доирасига кўчириш методологик жиҳатдан нотўғридир. Бу йўсиндаги уринишни, масалан, математик глоттохронология методи қўлланишида кўришимиз мумкин. Ушбу метод тарафдорларининг фикрича, тил луғат бойлигининг янгиланиши маълум вақт даврийлигида маълум фоизда юзага келади. Шунга биноан икки қариндош тилнинг бир-биридан ажралиш даврини ёки умуман тилнинг бир тараққиёт ҳолатининг иккинчисига ўтиш вақтини аниқлаш мумкин эмиш.

Биринчисида қуйидаги формула таклиф қилинади: $d = \log c \cdot 2 \log r$ (ажралиш пайти сақланган луғавий бирликлар фоизи логарифмининг сақланиш коэффициенти логарифмига икки ҳисса кўпайтиришига тенг).

Иккинчи формула: $\log r = \log t + (1000 \text{ йил давомида сақланиш коэффициенти логарифми луғатлар ўртасида мослик фоизининг логарифмига тенг. Бунда луғатлар мослиги фоизи элемент ҳосил бўлгандан буён ўтган}$

давр миқдорига тақсимланади). Масалан, археологик қазилар жараёнида топилган кўмир таркибига асосланиб, ёнғин бўлиб ўтган вақтни аниқлашади. Лекин, лисон – ижтимоий ҳодиса, унинг тараққиёти «ўлик» дунё мавжудотларидан тубдан фарқ қилади. **Тил луғат таркиби қисқа муддатда катта ўзгаришларни бошдан кечириб, кескин янгиланиши ҳеч гап эмас.** (Масалан, XI асрда норманлар истилоси натижасида инглиз тили луғат таркибининг қарийб ярмини роман ўзагидаги сўзлар ташкил қила бошлади. Худди шунингдек, мустақиллик даврида ўзбек тили луғати янги атамалар ҳисобидан кескин бойиб бормоқда). Шунинг билан биргаликда, айрим тиллар луғат бойлиги асрлар давомида сезиларли даражада ўзгармасдан қолиши мумкин (масалан, литва тилида бу ҳодиса кузатилган). Бундан ташқари, тилларнинг ажралиш даврига оид ёзма ёдгорликлар бўлмаса (ёки улар кам миқдорда сақланган бўлса), ушбу тиллар луғат таркибини тўлиғича аниқлашнинг имкони йўқ. Демак, **математик глоттохронология методининг** қўлланиши ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди.

Аммо глоттохронология методининг камчиликларини кўриб, уни бутунлай унутиш лозим деган хулоса пайдо бўлиши асло мумкин эмас. Лисоний таҳлилда математик амаллардан фойдаланиш имкониятлари кўп ва тилшуносликнинг «аниқ» фанлар билан бирга ривожланиши, ўз муаммолари ечимини топишда аниқ фанларга хос методлардан самарали фойдаланиш имконига эга эканлигининг аллақачон гувоҳи бўлганмиз.

Қуйида айрим лисоний ҳодисалар таҳлилида математик усуллардан фойдаланиш имкониятларини батафсилроқ ёритишга ҳаракат қиламиз.

3. Гап тузилиши формуласи. Аънавий грамматикада гап тузилишининг асоси эга–кесим бирикувчи сифатида талқин қилинади. «Х ухляпти» туридаги гапларда Х – эга, «ухляпти» - кесим ҳисобланса, «Х Ҳни кураяпти» туридаги гапларда эса Х – эга, Ҳ – кесимнинг кенгайиши. Бундай талқинда келтирилган гап формулалари бир ўринли ёки бир аргументли вазифага эга.

Мантиқий таҳлилда «эга-кесим» ёки бир ўринли структурага эга бўлган гаплар («Аҳмад ухляпти») $f(x)$ формуласида ифодаланади, яъни f – «ухляпти» мазмунини ифодаласа, Х нинг мазмуни «Аҳмад» аргументидир.

Худди шундай формула «Аҳмад Тошматни кўраяпти» гапига ҳам мос келади: f нинг мазмуни кенгайтирилган кесим «Тошматни кўраяпти», ўзгарувчан қиймат Х эса «Аҳмад» аргументини ифодалайди.

Бундай талқинда тушум келишиги шакли «Тошматни» «кўраяпти» кесимининг кенгайиши натижасидир ва «Тошматни кўраяпти» тузилмаси «Аҳмад» аргументининг мураккаблашган вазифасидир.

Баён қилаётган таҳлил услуби генератив грамматика йўналишидаги тадқиқотларда қўлланиладиган усулларга мос келади. Н. Хомский (1973) таклиф қилган гап тузулишининг генератив шакли ҳам «эга-кесим» схемасига мосдир. Н.Хомскийнинг фикрича, ҳар қандай гап тузилиши негизида $S = (V, D)$ схемаси ётади: S (sentence) – таянч рамз; V – терминал бўлақлар рамзи; D – ҳосил қилиш қоидалари.

Н. Хомский (1962 : 430 – 331) «Одам тўпни тепди» туридаги гапларнинг беш таянч рамздан ҳосил бўлишини қуйидаги формула мисолида изоҳлайди:

1. $S \rightarrow NP+VP$ (NP – эга гуруҳи, VP – кесим гуруҳи).
2. $NP \rightarrow N$ (от).
3. $N \rightarrow$ одам.
4. $NP \rightarrow$ феъл + N.
5. Феъл – «тепди».
6. $N \rightarrow$ тўп(ни).

Ушбу гапнинг ҳосил бўлиш жараёни келтирилган қоидаларнинг кетма-кет намоён бўлиши билан боғлиқ:

1. $S \rightarrow NP+VP$
2. $N + VP$.
3. Одам + VP.
4. Одам + феъл.
5. Одам + N + тепди.
6. Одам + тўп + тепди, яъни «Одам тўпни тепди».

Бу кўринишдаги тавсифда гап структурасининг барча бўлаклари эга гуруҳининг ёки кесим гуруҳининг таркибига кирадилар.

Генератив грамматикада ҳам (анъанавий грамматикада бўлганидек) гап бир аргументли функция сифатида талқин қилинади: эга гуруҳи аргумент, кесим гуруҳи эса бу аргументдан юзага келадиган вазифадир. Айтиш жоизки, замонавий мантикда кўп аргументли функциялар ҳам мавжудлиги эътироф этилади.

«Аҳмад ухляпти» гапи $f(x)$ икки аргументли тузилмадир ва бу ерда f функциясининг мазмунида ҳолат (state) ишораси бор. Ўзгарувчан қийматли f нинг вазифаси X «Аҳмад» аргументи мазмунини ҳам қамраб олади. Шунингдек, «Аҳмад Тошматни кўраяпти» гапи ҳам икки аргументли $f(x,y)$ вазифани ифодалайди. Бу ерда f функциясининг мазмуни «кўраяпти» ҳамда ўзгарувчан қийматлар x ва y ларнинг аргументлари – «Аҳмад» ва «Тошматни» ягона қолипни ташкил қилишади.

Кўп аргументли функцияни ифодаловчи гаплар ($n>1$) муносабатлар тизими сифатида қаралади. «Муносабатлар тизими» тушунчасини қўллашни А. Тарски (1951: 548-588) таклиф қилган.

Ушбу тизим $S=(A,P)$ кўринишдаги чекли кетма-кетлик (давомийликдир) ва бу ерда A – тизими P – тизимдаги элементларнинг у ёки бу муносабатларининг ифодасидир.

Муносабатлар тизимига эга бўлган ҳар қандай гапнинг умумий формуласи $S=(A,P,n,V,\phi,D)$: S – гап, A – алоҳида муносабатлар асосида боғланган предикатлар умумлашмаси ёки алоҳида функциянинг аргументлари тўплами; P – предметларни боғловчи муносабатлар; n – предикатли предметлар (аргументлар)нинг лисоний ифодаси; ϕ – предикатли предметларни ёки улар ўртасидаги муносабатларни лисоний ифодалашда фойдаланиладиган грамматик шакллар; D – юқорида айtilган лисоний ифода турларини аниқловчи қоидалар.

Икки ўринли муносабатнинг биринчи предмети «референт» деб аташса, иккинчисига эса «релят» атамасини беришади.

Г. Райхенбахнинг (1948) фикрича, бир ўринли бўлмаган муносабатни бир аргументли функция шаклида тасаввур қилиш кейинги предметнинг мураккаб функцияга сингдирилиши натижасидир. Бу ҳолда иккинчи аргумент яширин ифодага эга. Олим айтилган бир ўринли функция ифодасини қуйидаги формулада кўрсатади:

$$q(x) = f(x, y_1)$$

Бу ерда $y_1 - q(x)$ функциясининг яширин аргументидир.

Лекин Г.Райхенбах томонидан келтирилган гапни («Х Вильямнинг ўғли») икки ўринли функциянинг ифодаси сифатида талқин қилган маъқулроқ.

Биринчидан, гап структурасининг бу йўсиндаги талқини икки аргумент ўртасидаги муносабатни конверсив (тескари, биридан бирига кўчувчи) муносабат деб ҳисоблаш имконини беради. Конверсив муносабатлар санок бошига эга бўлганда юзага келади. Масалан, x ва y ўртасидаги муносабат « x у дан баланд» ёки « x у нинг ўғли» ифодаларида тўғри, деб ҳисобланса, « y у дан паст» ёки « y у х нинг отаси» ифодаларида тескари, конверсивдир.

Муносабатларнинг конверсивлиги тушунчаси «катта-кичик» ифодасини бир бутунликка боғлаш имконини беради: « x у дан катта» ва « y у дан кичик». Худди шунингдек «ақллироқ – ахмоқроқ»: « x у дан ақллироқ» ва « y у дан ахмоқроқ»; «яхшироқ – ёмон»: « x у дан яхшироқ» ва « y у дан ёмон».

Ҳар қандай гап эга-кесим тузилишидаги структура сифатида талқин қилинишида иккинчи предметни фақатгина кесимнинг кенгайтирилиши кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Лекин бу ҳолда эга ва тўлдирувчини ягона бир муносабатдаги бўлақлар сифатида қараб бўлмайди.

Иккинчидан, гап структурасини муносабатлар тизими сифатида талқин қилиш икки предмет (аргумент) ўртасидаги муносабатнинг *симметрик* ва *носимметрик* турларини фарқлаш имконини беради.

Агарда икки аргумент ўртасидаги муносабат симметрик бўлса, унда икки ўринли функциянинг ифодаси тўғри ва тескари йўналишда ўзгармасдан қолади. Масалан, « x у нинг акаси» ва « y у х нинг акаси» тузилмаларида x , y эркак жинсидаги шахслар маъносини олади.

Икки аргумент ўртасидаги муносабат носимметрик бўлган тақдирда тўғри муносабатнинг ифода усули ўзгаради. Масалан, « x у нинг ўғли» тузилмасида x нинг y га муносабати лисоний ифодаси «ўғли (дир)». Бу тузилманинг конверсияси « y у х нинг отаси» гапи билан ифодаланади ва бу ҳолда y нинг x га муносабати «отаси(дир)» шаклида ифода топади.

Уч ўринли муносабатни ифодаловчи гаплар b хилдаги тузилишга эга бўлишлари мумкин. Масалан гап a, b, c предметлари ўртасидаги муносабатни ифодалайди десак, унда биргина $R(a,b,c)$ уч ўринли муносабат доирасида 3 бинар (жуфтлик) фарқлари муносабати юзага келади: $a b(r) - b c(r)$. Бу уч жуфтлик муносабатлари биргина уч ўринли муносабат $R(a,b,c)$ нинг олти вариантини тузиш имконини беради.

Учала предикатли предметнинг ҳар бири ҳам таянч бўлиши мумкин; бу эса биргина муносабатнинг уч вариантдаги тузилишини яратади. Ҳар бир бинар гуруҳ муносабатлар конверсияси имкониятига эга. Бу эса яна уч вариантни ҳосил қилади. Қуйидаги муносабатлар эса муҳокама қилинаётган ҳодисанинг амалда тўрт вариантли бўлиши мумкинлигидан далолат беради:

1.1. $ab - ac - ac$. *Автомат чойни қадоқларга жойлайди.*

1.2. $ba - bc - ac$. *Чойни автомат қадоқлайди.*

2.1. $ac - ab - cb$. *Автомат чойни қадоқлайди.*

2.2. $ca - cb - ab$. *Чой автомат (томонидан) қадоқланади.*

Ушбу тузилмаларга уч ўринли муносабатларни ифодаловчи гап турлари мос келади.

4. Гапларнинг нормативлик ёки псевдонормативлик жиҳатидан таҳлили.

Мантиқий ва лисоний семантика одатда қарама-қарши қўйилса ҳам, уларнинг ўзаро яқинлиги инкор қилинмайди. Лекин ушбу яқинлик икки кўринишда бўлади. Бир томондан, лисоний семантика, худди тилшуносликнинг барча соҳаларидагидек, тадқиқни формаллаштиришга кўпроқ интилади ва шу сабабли замонавий мантиқнинг формал усуллариға мурожаат қилади. Бошқа томондан, мантиқшунослар тилни тафаккур фаолиятининг воқеланиши сифатида талқин қилаётиб, дескриптив (тавсифий) гаплар билан чекланиб қолмасдан, бошқа турдаги ҳукмларга ҳам мурожаат қилишмоқда. Албатта, улар асосан табиий тил материалидан фойдаланишмоқда.

Лекин бу жараёнда айрим муҳим тўсиқларнинг пайдо бўлиши муқаррар. Сунъий тиллар, ифода усул ва воситаларининг аниқлиги билан ажралиб туради (шу сабабли улардан компьютер дастурларида фойдаланиладилар). Сунъий тилларнинг энг асосий камчилиги улар табиий тил каби бой ифода воситаларга эга эмас ва турли вариантларга мослаша олиш каби хусусиятлар ҳам уларга хос эмас. Мантиқшунослар бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида кўп тармоқли, имкониятлари кенгроқ сунъий тил яратиш умидидадилар ва бу тилни ҳосил бўладиган нутқий тузилмалар миқдори жиҳатидан имкон борича табиий тилга яқинлаштиришни режалаштирганлар.

Қоидаларга келсак, улар нормани жорий қилиш воситасидир ва бу қоидалар ўзига хос «келишув» натижасидир. Булар қаторига, масалан, жиноий кодекс қоидалари ва шахмат ўйини қоидалари ҳам киради. Аммо биринчиси бузилганда, жазо санкцияси қўлланилса, иккинчисида ҳеч қандай жазо назарда тутилмайди.

Ўз-ўзини тутиш муомала нормасини олиб кўрайлик. Бу турдаги нормани ифодаловчи гапнинг генератив қолипи қуйидагича:

xRa

Бу ерда x – норма субъекти, яъни алоҳида шахс, шахслар гуруҳи, ижтимоий гуруҳ кабиларни ифодаловчи от ёки олмош; R – «албатта», «ижозат бераман», «тақиқлайман» каби сўзлар ёки уларнинг синонимлари

воситасида ифодаланадиган модель оператор; а – маълум бир ҳаракат, хусусият ва ҳолат.

Бу келтирилган формула нормадаги гап учун асосийдир ва у таркибан турли кванторлар, актуализаторлар (фаоллаштирув-чилар) ҳисобидан бойиши мумкин. Масалан, бу ўринни норма фаоллашадиган турли вазиятларни тавсифловчи тўлдирувчи эргаш гаплар эгаллайди.

«Эртага ёмғир ёғиши керак» ва «У менга пулни қайтариши керак» қабилидаги гаплар қиёсланганда, уларнинг «алдамчи» нормативлик хусусиятларини кўрамиз. Биринчисида норма субъекти, яъни инсонга ишора йўқ, иккинчисида эса – норманинг мазмуни, яъни норма кўрсатмаси бўлган ҳаракат ёки ҳолатга ишорани кўрмаймиз. (Лекин «У менга 10 сўм қайтариши керак» туридаги гаплар норма жиҳатидан тўлиқдир).

Деонтик мантикда бир норматив операторни иккинчиси билан алмаштириш имкониятини берадиган тенг ҳуқуқли бирликлар ажратилади. Уларни О (obligatory – «мажбурий»), Р (permitted – «ижозат берилган»), F(fotbidden – «тақиқланган») ва N (not – «йўқ») сифатида белгилайдилар. Унда тенг ҳуқуқлиликини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$O_p = NPN_p,$$

$$P_p = NF_p,$$

$$F_p = ON_p,$$

$$F_p = NP_p,$$

$$O_p = FN_p,$$

$$P_p = NON_p.$$

Ушбу формулалар деонтик операторларнинг синонимик қатори кўринишини олиши мумкин: «таъқиқланган..» = «ижозат берилмаган» = «бажарилмаслиги шарт» кабилар.

Кўпгина баҳсли ҳолларда нормадаги гапларни аниқлаш мезони бир деонтик операторни маъноси мос келадиган бошқаси билан алмаштириш асосида бажариладиган трансформа ҳаракатларининг маъқул келишидир. Масалан, «Сизда мантиқ дарслиги бўлиши керак» гапини таҳлил қилиб кўрайлик. Ушбу гап қайси матнда ҳосил бўлишига нисбатан нормага мос келиши ёки мос келмаслигини кўрамиз. Қиёсланг: 1) «Сизда мантиқ дарслиги бўлиши керак (чунки буни ўқитувчи талаб қилади)»; 2) «Сизда мантиқ дарслиги бўлиши керак (чунки мен бу китобни сизнинг хонангизда кўрдим)». Ушбу гапларнинг норма операторини унга тенг жумлага алмаштириш йўли билан ўзгартирсак «Сизда мантиқ дарслигининг бўлиши таъқиқланмаган» тузилмаси ҳосил бўлади. Унда биринчи гапнинг мазмуни ўзгармайди ва у нормага мос гап деб ҳисобланади, иккинчиси эса ўз мазмунини йўқотади, чунки у норма талабига мос келмас эди.

Бу усул нормадаги гапларни субъектив ишонч мазмунидаги нормадан ташқари гаплардан фарқлаш имконини беради: «Сиз ўша ерда бир соатдан сўнг бўлишингиз керак», яъни: «Сиз ўша ерга бир соатдан сўнг етиб бора оласиз (етиб борасиз)».

5. Гап синтагматикасининг таҳлили. Синтагматик гуруҳлар нафақат сўз шакллари, балки синтактик ва вазифавий жиҳатдан бириккан сўз ва

моҳиятига эга бўлган бўлакларини ҳам қамраб олади. Масалан, юқори босқичлардаги гуруҳларга оддий гап бўлакларидан ташқари ушбу гап бўлаклари вазифасини ўтовчи синтактик қурилмалар ҳам кирадилар. Булар, масалан, сифатдош ва равишдош бирикмалари, эргаш гаплардир.

Юқори босқичдаги синфлардан тузилган моделлар парадигматик синфлар моделларидан оддийроқ, чунки биринчилари фақатгина синтактик тузилишни акс эттирадилар. Агарда, масалан, атрибутив синтагмаларда аниқловчи - Σ суперсинфига, аниқланмиш эса N суперсинфига кирса, унда ҳар қандай атрибутив тузилма бир структурада ифода топиши мумкин:

$$\Sigma N$$

Синтагматик синфларга нафақат оддий гаплар тузилишини тавсифлашда, балки бошқа предикатив хусусиятдаги мураккаб синтактик тузилмаларнинг моделини ажратиш мақсадида ҳам мурожаат қилишга тўғри келади, шу сабабли у ёки бу моделни тўлдирувчи суперсинфлар қатъий табақали даражаларга эга бўладилар.

Энг йирик синтактик тузилмалар модели биринчи даражали суперсинфлардан иборат бўлади. Уларнинг таҳлили натижасида биз иккинчи даражали суперсинфларни (яъни мураккаб синтактик тузилмаларни) ажратамиз ва кейинги синфлар таҳлили учинчи даражадагиларини ажратиш имконини беради. Бу йўсиндаги таҳлил фақатгина парадигматик синфлардан иборат бўлган энг кичик тузилмалар ажратилганига қадар давом этаверади.

Айтилганларни изоҳловчи мисолни келтирамиз. Қуйидаги матн берилган:

Кичкина бола китоб ўқияпти.

У ҳузур билан саҳифаларни варақлаяпти.

Бу бола тез ўқийди.

Боланинг онаси у билан фахрланади.

Синтактик бирликлар тўпламининг 1 – даражадаги суперсинфларда акс этиши келтирилган мисоллар намунаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\begin{array}{cccc} \Sigma & \Delta & \Psi & \Theta \\ \Delta & \Omega & \Psi & \Theta \\ \Sigma & \Delta & \Omega & \Theta \\ \Sigma & \Delta & \Omega & \Theta \end{array}$$

Бу ерда Δ - алоҳида гапнинг эгаси; Θ - кесим; Σ - суперсинф Δ билан мослашган аниқловчи; Ψ – суперсинф Θ нинг тўлдирувчиси; Ω - суперсинф Θ билан боғланган ҳол.

Эквивалентлик жиҳатидан мос келадиган суперсинфларни қатор қўйиб ва бўлакларнинг ихтиёрий эканлигини эътиборга олган ҳолда гапнинг қуйидаги моделини ҳосил қиламиз:

$$\boxed{(\Sigma)} \Delta \boxed{\Theta \rightarrow (\Omega)} \begin{array}{c} \Psi \\ \Omega \end{array} \Theta \quad I$$

Ушбу модел жуда оддий. Асл матнларда мураккаброқ гаплар учрайди ва уларнинг модели анча мураккаб бўлиши табиий. Бинобарин, бадий матндан олинган гаплар модели қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

$$\begin{array}{ccc}
 (\Sigma) & \left(\begin{array}{c} \Delta \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot C) \end{array} \right) & \left(\begin{array}{c} \Xi \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot C) \\ \Sigma \end{array} \right) \\
 & \downarrow & \\
 \left(\begin{array}{c} \Omega \\ \Pi \cdot e \\ \Pi \cdot c \\ \Psi \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot c) \end{array} \right) & \Theta & \left(\begin{array}{c} \Omega \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot c) \\ \Psi \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot c) \end{array} \right) \\
 & \left(\begin{array}{c} \Pi \cdot e \\ \Pi \cdot c \end{array} \right) & \left(\begin{array}{c} \Omega \\ \Psi \end{array} \right) (\Omega)
 \end{array}$$

Бу матнда юқори доиранинг таркиби – эга гуруҳидир, пастдагисиники – кесим гуруҳи. Юқори доирасидан пастга кўрсатгич эга гуруҳининг кесим гуруҳидан олдинги ўринни эгаллашига ишора. II-даражадаги суперсинф I-даражадагига эргашади.

I-моделдаги эга ва тўлдирувчи от (N) ёки олмош (P_r) ва шунга нисбатан модел яна қайта изоҳ олади:

$$\Delta = \frac{N}{P_r}; \Psi = \frac{N}{P_r}.$$

Эганинг аниқловчиси сифат (a) ёки равиш (b) воситасида ифодаланади:

$$\Sigma = \frac{a}{b}$$

Ҳол равиш ёки предметли от билан ифодаланади:

$$\Omega = \frac{B}{C \cdot B}$$

Мураккаб моделларни ҳам шу йўсинда тавсифлаш имконияти бор.

6. Тўплам назариясининг лисоний ҳодисалар таҳлилига тадбиқ этилиши. Тилшуносликда тўплам назарияси ёрдамида грамматик тавсиф ва таснифларни асослаш мумкин ҳамда шу усул воситасида грамматик тизимларни тиллараро қиёслаш имконияти кучаяди. Аммо ушбу назариядан нутқий бирикмаларнинг грамматик меъёрлар таъбига мос келиши ёки мос келмаслигини аниқлаб бўлмайди, чунки тўплам назарияси аксиомаларига таяниб (тажрибавий) хулосалар чиқариш қийин масаладир. Бундан ташқари, тўплам назариясида грамматик тизим акс топувчи лисоний ҳодисаларни кашф этиш имконига эга бўлган амаллар кам. Аммо шунинг билан бир қаторда, ушбу назария формал тизимнинг энг умумий хусусиятларини аниқ

таърифлаш, ёритиш мақсадида бажариладиган тадқиқотлар учун методик асос бўлади.

Тўплам назарияси амаллари таърифлари, тавсифлари қуйидагилардир:

Тўғри чизикларнинг кесишиш нуқтаси $x \cap y = \{z : z \in x \text{ ва } x \in z\}$; бу x ва y учун умумий бўлган элементлар тўпламини шакллантиради.

Бирикув $x + y = \{z : z \in x \text{ ёки } z \in y\}$; бу иккала тўпламда ҳам мавжуд бўлган элементлар бирикувини (тўпламини) шакллантиради.

Айрим $x \sim y = \{z : z \in x, \text{ лекин } z \in y \text{ эмас}\}$; y фақатгина биринчи тўпламда мавжуд бўлган элементлар тўпламини шакллантиради.

Айириш ҳолларда киритма муносабати $\subseteq$ га ҳам мурожаат қилинади: $x \leq y$, фақатгина агар $x \cap y = x$ бўлса, «муносабат» ва «вазифа» тушунчалар тўплами назарияси учун муҳимдир ва бу тушунчаларни изоҳлаш мақсадида «тартиблаган жуфтлик» тушунчасига мурожаат қилинади: $\langle x, y \rangle = \{x, y\}$.

Навбатдаги таъриф r тескари r – муносабатни беради:

$$r' = \{ \langle z, y \rangle : \langle y, z \rangle \in r \}.$$

x тўпламининг r га нисбатан образи жуфтликлар иккинчи элементларининг тўпамидир, ушбу жуфтларнинг биринчи элементи x га тегишли:

$$r''x = \{z : \text{қандайдир } y \text{ учун, } y \in x \text{ ва } \langle y, z \rangle \in r\}.$$

Лингвистик таҳлил учун зарур бўлган “кетма-кетлик” тушунчаси лисоний элементларни $1, 2, 3, \dots$, a тўлиқ сонларга қиёсловчи функция сифатида талқин қиланади.

Лисоний тадқиқотларда тўплам назариясига оид бўлмаган айрим махсус амалларнинг тадбиқ қилиниши ҳам етарли самара бериши мумкин.

Масалан: Конкатенация $x \wedge y = x + 1 \{ \langle \beta, \alpha \rangle : \langle \beta - (x) \text{ узунлиги, } \alpha \rangle \in y \}$.

$$\text{Интерконкатенация } x \cdot y = \{u \cap v : u \in x \vee v \in y\}$$

Масалан: $\{\text{bet, det, pet}\} \cdot \{-s, \text{ed}\} = \{\text{bets, dets, pets, beted, deted, peted}\}$; бу амалга одатдаги кўпайтириш амалининг кўпгина хусусиятлари хосдир.

$$\text{Даражага кўтариш: } x^0 = 1$$

$$\text{Ҳар бир } a \geq 0 \text{ учун } x^{a+1} = (x^a \cdot x) + x^a.$$

Бу амал узунликнинг барча кетма-кетликлари тўпламини ташкил қилади ва бу тўплам x тўпламдаги элементлардан бўлган a дан катта эмас;

$$(t, e)^2 = \{0, t, e, tt, te, et, ee\}.$$

Тилнинг тўплам назариясига асосланган таърифларидан бири қуйидагича:

L тўплами x га нисбатан тилдир, фақатгина ва фақатгина агар $L \leq x^\infty$ бўлса.

Тил тизимининг асосини грамматика ташкил қилади. Агарда Γ асл математик тавсиф бўлса, ΓL нинг грамматикаси бўлади.

Ҳар қандай грамматика ягона бир таърифга эга бўлишига қарамасдан, амалда u таърифлар қаторига эга бўлади ва улардан биринчиси содда бўлмаган элементларни тавсифлайди, кейингисида эса содда ва содда бўлмаган таърифлардан бир хилда фойдаланилади.

Юқорида айтилганларга асосланиб, грамматик қурилиш намуналарини кўриб чиқамиз.

Инглиз тилидаги The moss covers the cliff «Қояни мох (пўпанак) коплаган», Some bog surrounds the cliff «Қояни ботқоқлик ўраган» сода гапларини тузиш учун уч от, иккита феъл ва иккита детерминатив (артикл - the ва олмош – some) луғавий бирликлари етарли.

Икки муқобил грамматика намуналарини келтирамиз:

$$\begin{aligned} S &= \{klif, m \text{ ə } s, b \text{ ə } g\} & (1)-(4) \text{ Худди 1 – грамматикадек} \\ D &= \{\delta\text{ə}, s\text{ə}m\} & (5) L_1 = Q \cdot V \cdot Q \\ Q &= D \cdot S \\ V &= \{k\text{ə}v\text{ə}z, s\text{ə}r\text{a}u\text{nd}z\} \\ U &= V \cdot Q \\ L_1 &= Q \cdot U \end{aligned}$$

Албатта 2 – грамматика оддийроқ, аммо унда и кесим гуруҳининг аниқ тавсифи йўқ. Иккала грамматика ҳам 72 кўринишдаги гап яшаш имкониятини берувчи L_1 га асосланади.

Агарда гапларнинг турли ўринларига равиш билан ифодаланган бўлакларнинг киритилишини эътиборга олсак (3 – 4 грамматикалар), унда қуйидаги кўринишдаги грамматикани тузиш мақсадга мувофиқ:

5 – грамматика

(1) – (4) Худди 1 ва 2 – грамматикалардагидек

(5) $A = \{nau, olredI\}$

(6) $L_3 = A^1 \cdot Q \cdot A^1 \cdot V \cdot Q \cdot A^1$

Киритилган равиш бўлакларининг ихтиёрийлиги A^1 нинг таркибида бўш тўпламнинг элементлари мавжудлигида кўринади.

Гап таркибида сифатлар кўп микдорда қўлланилиши мумкинлиги инобатга олинса, қуйидаги кўринишдаги грамматикалар ҳосил бўлади:

6 – грамматика

1) $S = \{klif, m \text{ ə } s, b \text{ ə } g\}$

2) $A = \{ould, gri:n\}$

3) $D = \{\delta\text{ə}, \infty \text{ sem}\}$

4) $Q = D \cdot A \cdot S$

5) $V = \{k\Delta v\text{ə}z, s\text{ə}r\text{a}u\text{nd}z\}$

6) $L_4 = Q \cdot V \cdot Q$

7 – грамматика

(1)-(3) худди 6-грамматикадек

(4) $Q = D \cdot A^6 \cdot S$

(5)-(6) худди 6-грамматикадек, лекин L_4 L_5 билан алмашинади

7 – грамматика эса мумкин бўлган такрорларни чегаралайди.

Бундан ташқари, грамматик моделларда «узук» бўлакларни қайд этиш имконияти ҳам йўқ эмас. Масалан, инглиз тилидаги мослашувчи феъллар

cover up «тўлиқ қопламоқ», cool off «тўлиқ совутмоқ» кабилар қуйидаги муносабатда тасаввур қилинади;

$$V = \{ \langle k \Delta v \rangle, \langle k \Delta u \rangle, \langle k \Delta f \rangle \}.$$

Шундан сўнг ёрдамчи амал бажарилади:

$$r/x = \{ y \wedge w \wedge z : \langle y, z \rangle r \text{ ва } w \in x \}$$

Бу ерда r муносабатни билдиради. Юқорида аниқланган V да ва the cliff нинг давом қилишига тенг x да, v/x cover the cliff up, cool the cliff off каби тузилмалар ҳосил бўлади.

8-грамматикада r/x амалидан фойдаланилади:

(1) – (3) Худди 1-грамматикадагидек

$$(4) V = \{ \langle k \wedge v \rangle, \langle k \Delta u \rangle, \langle k \Delta f \rangle \}$$

$$(5) L_6 = Q \cdot (v/Q + Q(v/1)) \cdot Q$$

Навбатдаги 9 ва 10-грамматикалар пасив (мажхул даража) гапларнинг тузилишини акс эттиради:

9 – грамматика

(1) – (3) худди 1-грамматикадагидек

$$(4) V = \{ \langle k \wedge v \rangle, \langle s \wedge r \rangle, \langle d \wedge u \rangle, \langle d \wedge f \rangle \}$$

$$(5) A = Q \cdot V \cdot Q$$

$$(6) P = Q \cdot \{ w \wedge z \} \cdot v \cdot \{ b \wedge a \} \cdot Q$$

$$(7) L_7 = A + P$$

10 – грамматика

(1) – (5) худди 9-грамматикадагидек

$$(6) T = \{ \langle q \wedge v \wedge q^1 \rangle, \langle q^1 \wedge w \wedge z \wedge v \wedge b \wedge a \wedge q \rangle : q \in Q \text{ ва } q^1 \in Q \text{ ва } v \in V \}$$

$$(7) P = T^{CC} A$$

$$(8) L_7 = A + P$$

Кўриниб турибдики, 9-грамматика гапнинг актив ва пасив шакллари қиёслади, 10-грамматика эса бу қиёсни T муносабатни киритиш йўли билан бажаради. Бу амал лисоний ва математик мазмундаги трансформациядир.

Бинобарин, агар x the moss covered the cliff «Қояни мох қоплаган» гапи бўлса, унда y the cliff was covered by moss «Қоя мох (пўпанак) билан қопланган» гапидир, демак $T(x)=y$ ва $T(y)=x$.

Келтирилган мисоллар тўплам назариясининг барча турдаги лисоний ҳодисалар таҳлили учун асос бўла олишидан хабар беради. Бу назариянинг математик таҳлилда тутган ўрни математика фанидан хабардор барча мутахассисларга маълумдир.

7. Матн яратилиш жараёни модели. Матн – мураккаб лисоний-тафаккур фаолияти маҳсулидир. Унинг яратилиш жараёнини математик моделлаштириш тилшуносликнинг замонавий соҳалари – математик ва инженер тилшуносликнинг асосий вазифасига айланди. Бундай моделни тузишда матн таркибидаги лисоний ва нолисоний ҳодисаларни бир хилда эътиборга олиш лозим, яъни шуни унутмаслик лозимки, матн таркибидаги нолисоний ҳодисалар моделда мустақил, лисоний категориялар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда фаоллашув имкониятига эгадирлар. Матн яратилиш жараёнининг математик моделини таклиф қилган муаллифлардан бири А. Хёчернинг (Höcher 1995) таълимотича, матн – ижтимоий тажриба

фаолиятининг бир тури ва унинг асосида константа, яъни ўзгармас элемент туради. Лекин, матн яратилиши – маълум турдаги лисоний-мантикий жараён, шу сабабли унинг процессуал босқичини ҳам эътиборга олиш лозим. Олим математиканинг мавхум вақт оралиғидаги фаолият (Verlaufscharakter) эканлигини ва бу фаолият шахсларнинг маълум коммуникатив вазиятдаги муносабати бўлишини таъкидлайди. Шунинг учун ёзма матн учун нафақат графика тараққиёти (ёзув жараёни), балки муаллиф, ўқувчи ҳам муҳимдир. Чунки муаллиф ва ўқувчи, худди матннинг ўзи сингари, маълум ижтимоий муҳитда мавжуд бўладилар.

Айтилганлардан келиб чиқиб, матн фаолияти иштирокчилари муносабатларини қуйидагича белгилаш мумкин: TS_1 (муаллиф), T (матн), TS_2 (ўқувчи ёки тингловчи), S_1 (ахборот узатувчи), S_2 (ахборотни қабул қилувчи):

- 1) яратувчининг муносабати (Produktionsrelation P_1):

$$P_1 - R(S_1, T);$$
- 2) мақсад (интенция) муносабати (Projectionsrelation P_2):

$$P_2 - R(TS_1^2, TS_2);$$
- 3) умумий комплекс муносабат (Komplexrelation P_3):

$$P_3 - R(TS_2, T).$$

Айни шу уч хилдаги муносабатлар матн бажарадиган коммуникатив жараёни ташкил қилади ва бу жараён қуйидаги формулада ифода топади:

$$P_1, P_2, P_3 \rightarrow \text{матн}.$$

Жамият ва матн тушунчаларининг P_1 туридаги муносабатлар билан мустақкам алоқасини инобатга олиб, интенция муносабати формуласини аниқлаштириш мумкин:

$$P_2^1 - R(P_1, TS_2).$$

Демак, яратувчанлик муносабатлари матн субъекти бўлган жамият ва матн ўртасидаги оралиқ босқичдир.

Матн яратилиши ва унинг идрок (қабул) қилиниши ўртасидаги муносабат ҳам эътиборга лойиқдир. Матн T_1 яратилишида олдиндан шакллантирилган материал T_0 асос бўлади. Унда матн яратилиши формуласи: $TS_1(T_0 - T_1)$. T_1 матнини қабул қилаётган адресат ўз T_2 матнини яратади. Матнни қабул қилиш формуласи: $TS_2(T_1 \rightarrow T_2)$.

Шундай қилиб, матн яратилиши ва қабул қилиниши жараёнларининг узвийлиги ва ушбу формулаларнинг структура жиҳатидан яқинлиги таъкидланади: T_2 T_1 дан фарқ қилади, демак матннинг идрок қилиниши унинг яратилиш жараёнидан нисбатан тартиблашганлиги билан фарқ қилади.

Ушбу икки жараён учун умумий бўлган қуйидаги структуравий қисмлар (амаллар) мавжуд:

- 1) Қўлланиладиган материал жамланиши (репродуктив босқич), яъни тагматннинг яратилиши;
- 2) Тагматннинг қайта тақсимооти ва тизимлаштирилиши босқичи;
- 3) Тагматннинг ҳақиқий матнга ўтказиш учун лозим бўлган метаматннинг пайдо бўлиши.

Хуллас, ахборотни яратиш ва узатишнинг асосий воситаси бўлган тил тизимининг таҳлили индивид ва жамоа фаолиятини, инсон тафаккур қобилиятини тадқиқ қилишнинг муҳим қисмидир (воситасидир).

Информатика тараққиёти тилшунослик ва айниқса инженер тилшунослиги фанларидан матн фаолиятини акс эттирувчи алгоритмларини яратишни талаб қилмоқда. Бу алгоритмлар жамланмаси матнлар таркибида мавжуд бўлган ахборотни тез суръатда жамлаш ва қайта ишлаш имконини бериши керак.

Математик моделлар қўйилган мақсад ва вазифадаги фарққа нисбатан икки турга ажратиладилар: 1) идеал (рамзий) модел, унинг мақсади лисоний ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини изчил аниқлаш ва имкон борича тилнинг олдин маълум бўлмаган хусусиятларини ажратиш; 2) қайта яратувчи (инженер - лингвистик) моделлар, бунда лисоний объектларни таҳлил қилиш билан бир қаторда қайта яратиш муаммоси ҳам назарда тутилади.

Табиий тил белгиларини ва математик белгилар тизимини қиёслаш ҳамда уларнинг ахборот ташиш имкониятларини моделлаштириш назарияси нуқтаи назаридан ўрганиш математик усулларни лисоний таҳлил шароитига тадбиқ қилишда бир қатор методологик тўсиқлар учрашидан гувоҳлик беради. Бу тўсиқларнинг мавжудлиги қуйидагилар билан боғлиқдир:

- 1) лисоний объектларнинг давомий аморфик ҳолати ва математик моделлаштирувчи воситаларнинг аниқлиги ўртасидаги қарама-қаршилик;
- 2) лисоний белгининг маъно жиҳатидан бойлиги ва математик белгилар маъносининг чегараланганлиги.

Шу сабабли ҳозирги пайтда таклиф қилинаётган математик моделларда тил тизимини тўлиғича қамраб олиш мақсади кўзланмайди, улар алоҳида олинган лисоний ҳодисалар ва улар ташкил қиладиган маълум тизимларни акс эттириш учун мўлжалланганлар.

Режалаштирилаётган мақсад ва вазифалари фарқига нисбатан лисоний структураларни математик моделлаштиришнинг икки асосий маҳсулдор йўналишини ажратиш мумкин. Булардан биринчиси математиканинг сонсиз соҳалари бўлган тўплам кабиларга асосланади ва бу йўналиш алгебраик тилшунослик номини олган (Н. Хомскийнинг генератив грамматик назарияси, С. Маркус ва И.И. Ревзинларнинг назарий-тўплам моделлари ва бошқалар). Иккинчи йўналиш эхтимолли статистика тилшунослиги (Н.Д. Андреев, П.М. Алексеев, Р.Г. Пиотровский С. Ризаев ва бошқалар) бўлиб, унда эхтимоллик назарияси ва математик статистика методларидан фойдаланилади.

Статистик таҳлилнинг асосий мақсади лисоний бирликларнинг умумий тизимий характерини, хусусиятларини ўрганишдир. Алоҳида олинган гуруҳлар тил тизимининг барча таркибий қисмларига хос белгиларини намоён қилиши мумкинлиги ушбу гуруҳларни эхтимоллик назарияси методлари асосида таҳлил қилиш йўли билан исботланади. (ТБ., ШС)

**8-март: ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**
(4 соат)

Режа:

1. Тилни ўрганиш методологияси ва методлари.
2. Билиш усуллари ва тилшунослик методлари.
3. Анъанавий таҳлил методлари. Тавсифий метод. Қиёсий-тарихий метод. Структур метод.
4. Замонавий лисоний таҳлил методлари. Дистрибутив таҳлил методи. Дифференциал таҳлил усули. Компонент таҳлил
5. Анъанавий ва систем тилшунослик муносабати масалалари

Тилни ўрганиш методологияси ва методлари. Объектни билиш жараёнида тадқиқотчи унга муайян методология ва текшириш методи асосида ёндашади. Ўрганилаётган объектни қай даражада объектив изоҳлаш тадқиқотчининг қандай методология ватадқиқот методига таянишига боғлиқ. Шунинг учун ҳар қандай фанда методология ва метод таянч нукта бўлиб хизмат қилади.

Метод юнонча *methodos* сўзидан олинган бўлиб, тадқиқот усули демакдир. Методология эса юнонча *methodos* "тадқиқот усули" ва *logos* "таълимот" сўзларидан олинган бўлиб, фаннинг тадқиқот усуллари ҳақидаги таълимотдир.

Методология умуман илмий метод ҳақидаги таълимот ҳамда хусусий фанлар методлари ҳақидаги таълимот, яъни билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот сифатида ҳар қандай фан назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга [Шермухаммедова Н.Фалсафа ва фан методологияси. Тошкент, 2005.211-бет].

Кўринадики, методология ва метод тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий фан методлари билан умумий илмий метод бир-бири билан муносабатдадир.

Билиш усуллари умумий ва хусусий бўлади. Шунинг учун у фалсафий метод, яъни умуман билиш усули ҳақидаги метод ва умумилмий методларга бўлинади. Биринчи ҳолатда методология у ёки бу фалсафий системага хос билиш методи тамойилларига мувофиқлиги сифатида тушунилса, иккинчи ҳолатда эса методология у ёки бу фан тармоғига хос тадқиқот методлари ҳақидаги таълимот сифатида тушунилади. Фан методологияси билишнинг фалсафий методининг муайян фан доирасида ўрганилаётган объект хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда конкрет қўлланилишидир.

Фалсафий метод, яъни билиш методи табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот саналади.

Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

Ҳар қандай фан махсус тадқиқот методларини ишлаб чиқади. Бу илмий тадқиқот методлари фалсафий ва мантикий методлар билан умумилмий методлар орқали мувофиқлашади.

Хусусан, тилшуносликда қўлланиладиган методлар математика ёки физикада қўлланиладиган методлардан фарқ қилади. Физикада асбоблар ёрдамидаги эксперимент методи устуворлик қилса, тилшунос матн тахлили ва уни умумлаштириш усулидан кўпроқ фойдаланади.

Тилшуносликда тавсифий, қиёсий-тарихий, структур сингари методлар қўлланилади ва улардан қайси бирининг устувор методга айланишига кўра тилшунослик тарихи ҳам турли босқичларга бўлинади.

Метод атамаси билан методика атамаси кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатилади. Лекин метод ва методика бир-биридан фарқ қилади. Метод билиш усули бўлса, методика билиш усулида қўлланиладиган йўл-йўриқдир.

Билиш усуллари ва тилшунослик методлари. Ҳар қандай фан асосида кишиларнинг олами бевосита кузатиши ётади. Инсон ўзини қуршаб турган олам узвларини сезги органлари ёрдамида ҳис қилади, бошқаларига солиштиради, фарқли ва ўхшаш белгиларини аниқлайди, сўнгра муайян ҳулосага келади. Демак, ҳар бир фан инсонларнинг олами кузатиши, билиши жараёнида, унинг натижасида пайдо бўлади.

Фаннинг асоси бўлган билиш узоқ вақтлардан буён мутафаккирларни қизиқтириб келади. Жумладан, бизнинг бобокалонларимиз ҳам бу соҳада ўзларининг қимматли фикрларини баён қилганлар.

Дунё алломалари ичида иккинчи муаллим номи билан машҳур бўлган Форобий билишнинг икки даражасини ажратади. Хусусан, у "Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида" («Ихсо ал-улум») асарида илмнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни баён қилади: Оламда субстанция (жавҳар) ва акциденция (ораз) ҳамда субстанция ва акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир".

Форобийнинг тилга олган жавҳар ва ораз ҳақидаги бу фикри билиш назариясида буюк инқилоб эди. Чунки бизни қуршаб турган олам ва унинг унсурлари жавҳар ва оразларнинг ўзаро диалектик муносабатидан ташкил топгандир.

Форобий тилга олган жавҳар ва ораз тушунчалари остида нима ётади? Ҳар қандай нарса дастлаб бизнинг сезги органларимизга таъсир қилади. Ана шу сезги органларимиз ёрдамида ҳис қилиш мумкин бўлган белгилар ораз саналади. Ораз Аристотель фалсафасидаги акциденцияни билдиради.

Форобийнинг тушунтиришича, оразни беш сезги органлари ёрдамида ҳис этамиз.

Хусусан, ранг кўриш сезги органи орқали; овоз эшитиш органи орқали; маза-таъм — маза сезги органи орқали; предметларнинг ҳолати: совуқ-иссиқлиги, қаттиқ-юмшоқлиги тана сезгиси орқали, ҳид ҳидлаш органи орқали ҳис этилади.

Бу сезги органлари инсондан ташқари ҳайвонларда ҳам мавжуддир. Демак, юқоридаги сезги органлари барча жонзотларга хос. Улар орқали ҳар қандай жонзот ўзини қуршаб гурган оламини амалий билади, унга мослашади.

Ҳар қандай фан амалий билиш устига қўйилган назарий билимга асосланади. Билиш эса фалсафа фанининг асоси саналади. Назарий фалсафа асосчиси И.Кант унинг ўрганиш предмети нарсалар (табиат ва жамият) эмас, балки инсоннинг билиш фаолиятини илмий текширишдан, инсон ақлий фаолиятини аниқлашдан иборат эканлигини таъкидлаган эди..

Фалсафа инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқнинг гурли соҳаларига оид бўлган ҳодиса ва воқеалар ҳақида, уларнинг туб моҳиятини ифодаладиган умумий хулосалар чиқариши демакдир. Фалсафий тафаккур оламидаги нарса ва ҳодисаларни фикрда умумлаштириб, ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда ўрганиш, уларнинг моҳиятини муқурроқ ва тўлароқ билишдир. Фалсафа марказида борлиқ ва уни билиш муаммоси ётади.

И.Кантнинг таъкидлашича, бизнинг онгимиздан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда «нарсалар олами» мавжуд. Бундай нарсаларни у «нарса ўзида» деб номлайди. Билиш ана шу «нарса ўзида»нинг сезги органларимизга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Унинг фикрича, сезги органларимизга таъсир қиладиган «нарса ўзида»нинг сир-асрорларини билиш мумкин эмас.

Гегелнинг фикрича, дастлаб олам ва тафаккур айнияти бўлган ва бу айният дунёнинг субстанционал (зотий) асо-сини ташкил этган. Тафаккур фақат субъектив инсон фао-лиятигина эмас, балки объектив моҳият, барча мавжудотнинг бирламчи манбаи бўлган. Тафаккур модда, табиат ҳолида ўзини «бегоналаштиради». «Абсолют ғоя»нинг олий татаққиёт босқичи «абсолют рух», яъни инсоният, инсоният тарихи саналади.

Гегель тарихий жараённинг диалектик характерини тадқиқ қилар экан, тил тараққиётита алоҳида аҳамият беради. У тилни назарий ақлнинг яратувчиси ҳисоблайди, чунки тил унингташқи ифодаси саналади.

Инсоннинг сезги органлари ёрдамида ҳосил бўлган билими ҳиссий ёки амал билиш саналади. Булардан ташқари, инсон ҳаёл суриш, нутқ ёрдамида ҳам билимга эга бўлиши мумкин. Билишнинг бу йўли қувваи нотиқа ва қувваи мутаҳаййила дейилади. Нотиқа қуввати бошқа барча қувватларнинг (сезгиларнинг) етакчисидир.

Ҳиссий билим билиш жараёнининг марказий нуқтаси саналса ҳам, лекин у кўпинча алдаб қўйиши мумкин. Масалан, Қуёш ер атрофида айланаётгандай кўринади, аслида эса аксинча.

Шунинг учун бизнинг аждодларимиз ҳиссий билиш билан идрокий билишни ажратганлар. Идрокий билиш ҳиссий билимларни солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш, ҳиссий билимларнинг ҳосил бўлишига асос бўлган оразлар) (акциденциялар) замирида яширинган моҳиятни — жавҳарни аниқлаш орқали ҳосил қилинади. Масалан, танада иситманинг кўтарилишини аниқлаш ҳиссий билим саналади. Лекин ҳар қандай ҳарорат ўз-ўзидан кўтарилмайди. Уния маълум ички сабаблари бор. Ана шу сабабни аниқлаш иситн мага ўхшаш, у билан боғлиқ бўлган бир қанча ҳиссий билимларни

солиштириш, қиёслаш, умумлаштириш орқали амалга оширилади ва иситма ниманинг аломати эканлиги аниқланади.

Солиштириш, қиёслаш, мантиқий умумлаштириш орқали ҳосил килинган билим идрокий, назарий билим саналади. Бу билим орқали оразлар замиридаги жавҳар белгиланади. Ҳар қандай фан ана шу белгиларни келтириб чиқаради.

Бундан кўринадики, ҳиссий (фаҳмий) билим тажриба, амалиёт, бевосита кузатиш босқичи саналиб, ҳақиқий назарий (идрокий) билим амалий билимларнинг ўзаро мун носабатини ўрганиш, умумлаштириш орқали ҳосил қилинади ва бу билимга эга бўлиш ҳар қандай фаннинг бош мақсадидир. Билишнинг бу икки босқичи ҳозирги даврдан барча фан вакиллари томонидан эътироф қилинади. Жумладан, тилшуносликда ҳам бу икки усулга амал қилинади. Қайси усулга таянишга кўра тилшунослик амалий ва назарий тилшуносликка бўлинади.

Анъанавий таҳлил методлари.

Тавсифий метод. Тавсифий метод тилшуносликда энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса бу метод тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга.

Тавсифий методнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у объектни бевосита сезги аъзолари берган маълумотга асосланиб ўрганади. Хусусан, тилшуносликда ўрганиш объекти матн ҳисобланади. Матндан гаплар, гаплардан сўзлар, сўзлардан морфемалар, морфемалардан товушлар ажратилади ва улар муайян гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда тавсифланади.

Тавсифий метод маълумотлари бошқа барча методлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Хусусан, структур метод тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Ёки қиёсий-тарихий метод учун ҳам қиёсланаётган объект ҳақидаги изоҳни тавсифий метод беради. Демак, у Кам тавсифий метод хулосалари асосида иш кўради.

Қиёсий-тарихий метод. Оламни билишда ўрганилаётган объектни қиёслаш катта роль ўйнайди. Олдин ўрганилган объектни янги ўрганилаётган объектга қиёслаш билишнинг энг асосий усулларида биридир. Қиёслаш натижасида қиёсланаётган объектларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари аниқланади. Бундай усул тилшуносликда ҳам қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини ёритишда кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам қиёслаш умумилмий тафаккур жараёни сифатида лингвистик таҳлилнинг барча методларида учрайди.

Лекин лингвистик тадқиқот методикасида бир тилнинг ички гузилиши бўйича қиёслаш ва тиллараро қиёслаш жиддий Фарқланади. Бир тилнинг ички тузилиши бўйича қиёслаш шу тилнинг турли грамматик ҳодисалари ва категорияларини ўз ичига олади. Масалан, сифат билан равиш қиёсланади ва уларнинг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари аниқланади.

Тиллараро қиёслашда турли тиллар бир-бирига таққосланади.

Тиллараро қиёслаш, бир томондан, қардош тилларни, иккинчи томондан, ноқардош тилларни ўрганиш ва ўқитиш гажрибаси таъсирида майдонга келди.

Тиллараро қиёслаш ўзига хос тадқиқот усуллари системасига эга. У икки хил тилшунослик методини вужудга келтирди. Биринчиси, қардош тилларни қиёслаш, иккинчиси эса ноқардош тилларни қиёслаш.

Биринчи типдаги қиёслашда қардош тиллардан биттасини бошқасига қиёслаш йўли билан уларнинг тарихий тараққиёти, улар ўртасидаги фарқланиш жараёни очиб берилади. Бундай қиёслаш қиёсий-тарихий метод асосида олиб борилади. Бу метод тилларнинг генетик умумийлигига асосланади. Иккинчи типдаги қиёслаш турли системадаги тиллар асосида олиб борилади ва унинг натижасида типологик категориялар аниқланади. Бундай метод қиёсий-чоғиштирма метод саналади.

Структур метод ва унинг йўналишлари. Тилшунослик тарихида структурализм XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ҳукм сурган ёш грамматикачиларнинг лингвистик қарашларига қарши майдонга чиқа бошлади. Уларнинг ёш грамматикачиларга қарши чиқишига француз "социологик мактаби" ва Фосслернинг "немис неофилологик мактаби" қарашлари маълум даражада замин яратди. Гарчи бу мактаблар ёш грамматикачилар қарашларида тамоман узилмаган бўлса ҳам, лекин тилни, бир томонда социал факт", иккинчи томондан, психологизм деб "тушуниш структурализмнинг майдонга келишига туртки бўлди. Ҳар қандай илмий оқим каби структурализм ҳам Ўз ғоявий асосларига эга. Структур тилшуносликнинг пайдо бўлишига И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Ф.де Соссюр қарашлари асос бўлиб хизмат қилди.

И.А.Бодуэн де Куртенэ тилшуносликка функционаллик тамойилини олиб кирди. Унинг маъноси шуки, лингвистик воситалар нутқ жараёнида бажарадиган вазифасига қараб белгиланади. Бундай тамойил фонетика соҳасида фонема тушунчасининг туғилишига олиб келди. У нутқий жараёндаги физиологик тавсифи билан тенг бўлмаган товуш ҳақида фикр юритди. Натижада фонема тушунчасига асос солди. Швейцария тилшуноси Ф.де Соссюрнинг тилшунослик олдидаги буюк хизмати шундаки, у синхрония билан диахронияни аниқ фарқлади. Шунингдек, синхрон нуктаи назар маълум бир тилнинг муайян бир даврида мавжуд бўлган элементларнинг ўзаро узвий боғлиқ. бўлган системани ҳосил қилади, деган фикрга келишига имкон туғдирди. Унинг фикрича, тил қисмлари синхрон муносабатда ўрганилиши мумкин бўлган системадир.

Гарчи синхрония ва диахрония уртасидаги муносабат, тилнинг синхрон ҳолатига хос системавийлик дастлаб Бодуэн томонидан олга ташланган бўлса ҳам, лекин Соссюр томонидан аниқ, ифодасини топди ва унинг бу икки бош ғояси, яъни тилнинг синхрон таҳлили, тил системаси ҳамда тил структураси ва тил функцияси ҳақидаги ғоялар янги тилшуносликнинг шаклланишида таянч нукта бўлиб хизмат қилди. В.Матезиус фикрига кўра, Бодуэн, Соссюр ғояларига асосланган фуқционал ва структурал нуктаи назар ҳозирги кунда тилшунослик истиқболи учун пухта замин яратувчи ягона назариядир.

Ф.де Соссюрнинг тилга элементлар муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида ёндашуви, нуткий фаолиятнинг тил ва нутқ ўртасидаги ўзаро муносабатдан ташкил топган бутунлик деб эътироф этиши, тилнинг синхрон ва диахрон ҳолатини аниқлаб бериши ва унинг белгилик табиатини ёритиши структур тилшуносликнинг туғилишига замин яратди.

Шунинг учун А.А.Холодович Ф.де Соссюр китобининг тилшунослик тарихидаги ахамияти ҳақида фикр юритар экан, унинг дунёга келиши тилшунослик тарихида янги даврнинг бошланишига олиб келди, дейди.

Бундан ташқари, структур тилшуносликнинг пайдо бўлишига XX асрда табиий фанлар қўлга киритган ютуқлар ҳам сабаб бўлди. Хусусан, XX асрнинг биринчи чорагида физика фанида энг кичик заррачалар кашф этилди. Бунинг натижасида бевосита сезги аъзоларимиз таъсирига бериладиган ҳар қандай ҳодисалар ўз ичида ички таркибий қисмлардан гашик топши ва бу таркибий қисмларнинг ўзаро муносабати структурани ҳосил қилиши ҳақида фикр юритилди. Шундай қилиб, структура атамаси остида муайян бутунлик таркибида иштироқ этган элементлар ўртасидаги муносабатлар усули, характери, қонуни тушунилади бошланди.

Агар XIX асрдаги ишмий тадқиқотлар бевосита тажриба асосида фактларни кузатиш ва уларни рўйхатга олиш би-лан чекланган бўлса, XX асрга келиб, бу фактлар остида яшириниб ётган моҳиятни очишга, уларнинг ички узвлари ўртасидаги муносабатларни, ўзаро таъсирини ёритишга қаратилди.

Барча фанлар структура ва уни ташкил этган элементларнинг ўзаро муносабатини ўрганишга асосий эътибор бера бошлади. Натижада физикада нафақат кристалл ва атомнинг структурага эга эканлиги, балки нур ҳам муайян структурадан ташкил топганлиги маълум бўлди. Физиологияда И.П.Павловнинг олий асаб системаси ҳақидаги таълимотининг вужудга келиши, математикада 30-йилларда математик структура назариясининг, психологияда структурга психологиянинг майдонга келиши объектга структура сифатида ёндашувнинг натижаси бўлди.

Бу даврда структура тушунчаси барча фанлар учун оммавий тушунчага айланди. Бундан тилшунослик ҳам истисно эмас. Ана шундай умумий тенденция таъсирида системавий структур тилшунослик майдонга келди.

Барча фанларда структура атамаси кенг қўлланаётган бўлса ҳам, лекин бу атама талқинида хилма-хиллик вужудга келди. Ана шундай хилма-хиллик тилшуносликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Тилшуносликда структура атамаси турли маънода талқин қилинади. Улардан кенг тарқалгани икки хилдир:

Биринчисида структура деб ўзаро боғланган ва шартланган муносабатда бўлган элементлардан ташкил толувчи бутунлик тушунилади. Структурага бундай ёндашув ўрганилаётган объектни уни ташкил этган элементлар ўртасидаги ички алоқа ва боғлиқликни ёритишни талаб этади.

Иккинчи йўналишда эса структура соф шакллар ва соф муносабатлар сифатида тушунилади. Шакл эса конкрет қўлланилишдан узилган ҳолда талқин қилинади.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда структур тилшуносликнинг турли тармоқлари дунёга келди. Улар функционал лингвистика, глоссематика ва дескриптив лингвистика йўналишларидир.

Замонавий таҳлил методлари. Дескриптив тилшуносликнинг таҳлил методлари қуйидагилар: дистрибутив таҳлил методи, бевосита иштирокчилар методи.

Дистрибутив таҳлил методи. Дескриптив тилшунослик тил тузилишини ифода ва маънодан ташкил топган бутунлик, деб тушунади ва ифода тузилишини тилнинг бош компоненти, деб ҳисоблайди [Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. М., 1959. С.33.].¹² Мазмун тузилишини эса иккинчи муҳим компонент сифатида баҳолайди. Лекин мазмуний тузилишга муносабат Америка тилшунослигида бир хил эмас. Шунинг учун лингвистик маъно ва унинг лингвистик тадқиқотлардаги ўрни масаласи Америка тилшунослигининг фундаментал муаммосига айланди.

Блумфилд тилнинг ифода ва маъно томонини эътироф этган ва маънопи конкрет вазият билан боғлиқ эканлигини кўрсатган бўлса, Йель мактабини ташкил этган шогирдлари ва издошлари (Дж Трейжер, З.Харрис, Б.Блок ва бошқ.) лингвистик тадқиқотлардан мазмуний томонни тўла чиқариб ташлаш талаби билан чиқдилар.

Лингвистик бирликларнинг ифода ва маъно томонини эътироф этувчилар бу икки томоннинг ўз тузилиш бирликлари мавжуд эканлигини таъкидлайдилар ва асосан ифода тузилиш бирликлари таҳлилига эътиборни қаратадилар.

Дескриптив таҳлил объекти муайян бир тилдаги алоҳида тугал жумла саналади. Жумла эса маълум шахс нутқининг икки пауза орасидаги парчаси ҳисобланади. Лекин жумла билан гапнинг бир-бирига тенг эмаслиги, жумла бир сўздан ҳам, сўз бирикмасидан ҳам, тугалланмаган гапдан ҳам ташкил топиши мумкинлиги таъкидланади.

Дескриптивчиларнинг баён қилишларига кўра, лингвистик тадқиқот маълум бир диалектдаги жумлаларни тўплашдан ва тўпланган материалларни таҳлил қилишдан иборат бўлади.

Тўпланган материал, яъни матн элементларга бўлинади ва бу элементларнинг бир-бирига нисбатан дистрибуцияси аниқланади.

Лингвистик элементларсинфи субституция экспериментал техникаси асосига қурилади. Элементларнинг бирикиш қонунлари эса бевосита иштирокчилар бўйича таҳлил қилиш асосида тикланади.

Дескриптивчиларнинг таъкидлашларича, **сегментация, субституция, дистрибутив** таҳлил тилнинг ҳар қандай аспектини тадқиқ этишда қўлланилиши мумкин. Бевосита иштирокчиларга ажратиш асосидаги таҳлил эса фақат морфология ва синтаксис доирасида қўлланилади.

Тил тузилишини ифода ва маъно, яъни шакл ва мазмун тузилиши муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида эътироф этувчи дескриптивчилар кўпроқ шаклий тузилиш бирликларини ўрганишга эътибор қарадилар.

Г.Глисоннинг баён қилишича, тилнинг мазмуний системасини ўрганиш шаклий системани ўрганишга нисбатан бирмунча секин амалга оширилди ва кам натижага эришилди. Шу кунгача мазмуний тузилишни ўрганиш илмий асосда йўлга қўйилган деб бўлмайди. Дескриптивчиларнинг тилнинг ифода томонини ўрганишдаги хатоси шунда бўладики, мазмуний тузилиш билан шаклий тузилиш ўртасидаги алоқани тушунмади ва шаклий тузилишни ўрганаётганда мазмуний тузилишни эътиборга олмади. Афсуски, мазмуний тузилишга фақат шаклий тузилиш орқали ёндашиш мумкин.

Мазмуний тузилишдан фарқли равишда, шаклий тузилиш бевосита сезги аъзоларимизга берилади ва уни осон ўрганиш мумкин. Шунинг учун акустик ва артикуляцион фонетикада товушни ўрганишда юқори даражадаги аниқ-лиққа эришилди.

Г.Глисон ифода планини қисмларга ажратар экан, унинг асосий элементлари сифатида фонема ва морфемаларни ажратади.

Унинг фикрича, фонема бир жумлани иккинчисидан фарқлаш учун хизмат қилувчи тил ифода системасининг минимал бирлиги саналади.

Морфема ифода системасининг иккинчи асосий бирлиги саналади ва унинг таърифи анча мураккаб эканлиги гаъкидлангани ҳолда, тилнинг мазмуний системаси билан боғлиқ қўлланиладиган тилнинг ифода системаси бирлиги ҳисобланади.

Дистрибутив таҳлилнинг биринчи босқичи жумлани энг кичик қисмларга ажратиш-сегментлаш ва уларни дафтарда символлар билан ифодалашдан бошланади. Масалан, китобни ўқимоқ бирикмасини эркин равишда қуйидаги сегментларга ажратишимиз мумкин: ки-тоб-ни ў-қи-моқ. Тадқиқотчи информантдан (талаффуз қилувчидан) бу бирикманинг талаффузини такрорлашни илтимос қилади ёки шу бирикма бошқа информант орқали талаффуз қилдирилади.

Иккинчи маротаба талаффуз қилинганда, жумла таркибидаги товушлар олдингисидан бир оз фарқланиши мумкин. Масалан, о бирида чўзиқроқ, иккинчисида қисқароқ талаффуз қилиниши мумкин. Лекин информантлар ҳар икки ҳолда талаффуз қилинган товушларни бир хил деб қабул қилади. Чунки о нинг чўзиқ-қисқа талаффуз қилиниши информантлар учун муҳим бўлмайди, маъно фарқламайди.

Сўнгра бу жумладан ажратилган сегментларни бошқа жумла таркибига қўйиб кўрамиз ва информант учун шундай қилиш мумкин эканлигини текшириб кўрамиз.

Ана шу асосда ҳар бир товуш у ёки бу сегментнинг вакили эканлигини аниқлаймиз. Бир товушни турли ўринларда қўллаб, уларнинг **қуршови** белгиланади. Элементнинг **қуршови** юқоридаги йўл билан аниқланган элементлар **қўшничилигидир**.

"Элементлар қўшничилиги" атамаси остида бир элементнинг бошқа элементга нисбатан эгаллаган позицияси тушунилади. Бир хил қуршовда турган сегмент турли информант томонидан турлича талаффуз қилиниб, маънога таъсир этмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда улар бир сегментнинг турли вакиллари саналади. Лекин маъно ўзгаришга олиб келса, бундай

сегментларни бир сегментнинг турли вакиллари деб бўлмайди. Масалан, токнинг биринчи сегменти ўрнига н сегментини қўйсак, тамомила янги маъноли нок келиб чиқади. Демак, т ва н сегментлари бошқа-бошқа сегментларнинг вакиллари саналиди.

Жумлаларни сегментлаш натижасида юзлаб кўринишларда талаффуз қилинувчи фоилар ажратилади. Бу сегментларнинг нисбатан чекланган миқдордаги синфларга бирлаштирилиши натижасида фонемалар аниқланади. Сегментларни ана шундай гуруҳларга - синфларга бирлаштиришда элементлар дистрибуцияси (жойлашиш тартиби) хизмат қилади.

Элементлар дистрибуцияси атамаси остида шу элементларнинг барча қуршовлари йиғиндиси тушунилади.

Дистрибутив лингвистикада икки товуш ўртасидаги уч хил муносабат ажратилади. Бундай муносабатликлари дистрибуция моделлари дейилади [Березин Ф.М. История лингвистических учений. М.. 1975. С.257]. Демак, дистрибуция моделларининг қуйидаги турлари белгиланади:

- а) контраст дистрибуция;
- б) қўшимча дистрибуция;
- в) эркин алмашиниш дистрибуцияси;

Дистрибуция моделларининг бу турлари Н.С.Трубецкойнинг фонема ва унинг вариантларини белгилашнинг уч қоидасини эслатади.

Икки элемент бир хил нозиияда (қуршовда) бири ўрнида иккинчиси келиб, маънони фарқлаш вазифасини бажарса, бу элементлар контраст дистрибуция муносабатида бўлган ҳисобланади. Масалан, том, ном, жом сўзларининг биринчи сегментлари т,н,ж бир хил позицияда келиб, маъно фарқлаш вазифасини бажариб, ўзаро контраст дистрибуция муносабатидадир.

Ўзаро контраст дистрибуция муносабатида бўлган элементлар икки моҳиятнинг вакиллари ҳисобланади.

Икки элемент бир хил позицияда бири ўрнида иккинчиси кела олмаса, бу элементлар ўзаро қўшимча дистрибуция муносабатида бўлган саналади. Масалан, бил сўзи таркибидаги и ўрнига шу қуршовда ы ни қўллаб бўлмайди, ёки қыл сўзи таркибидаги ы ўрнига шу қуршовда и ни қўллаб бўлмайди. Демак, и ва ы товушлари ўзаро қўшимча дистрибуция муносабатидадир. Қўшимча дистрибуция муносабатида бўлган икки сегмент бир моҳиятнинг турли вакиллари саналади. Фонологик сатҳда бир фонеманинг икки хил варианты ҳисобланади. Икки элемент бир хил позицияда маънони ўзгартирмаган ҳолда бири ўрнида иккинчиси эркин ҳолда алмашина олса. бу икки сегмент бир-бири билан эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлади.

Масалан, гижда сўзидаги портловчи дж товуши ўрнида сиргалувчи ж товушини алмаштириш мумкин, лекин бу алмашиниш сўзнинг маъносини ўзгартирмайди. Ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлган икки элемент бир моҳиятнинг икки варианты ҳисобланади.

Лингвистик таҳлилнинг фонологик сатҳдаги ана шундай техникаси Харрис томонидан морфологик сатҳга ҳам олиб ўтилди. Унинг фикрича, тилнинг фонологик бирликларининг позициялари орқали тилда уларнинг

кандай комбинациялари морфемани ҳосил қилишини ҳисоблаш мумкин бўлади. Морфологик бирликларни сегментларга ажратиш бошқа шундай бирликларга қиёслаш, солиштириш методи орқали амалга оширилади.

Харрис маънога мурожаат қилишдан қочиш мақсадида морфологияда мазмуний критерияни дистрибуция критерияси билан алмаштиришга ҳаракат қилади.

Морфема дистрибуцияси дейилганда, шу морфема қўллапилиши мумкин бўлган барча контекстлар йиғиндиси тушунилади.

Морфологияда ҳам худди фонологиядаги каби учта дистрибуция модели ажратилади. Икки элемент бир хил қуршовда бири ўрнида иккинчиси сўчмашилиб, грамматик маънони ўзгартириб юборса, бу икки элемент ўзаро контраст дистрибуция муносабатида бўлади. Контраст дистрибуция муносабатида бўлган икки бирлик икки морфеманинг икки хил варианты - морфи ёки алломорфи саналади. Масалан, китоб-им, китоб-инг сўзларидаги *-им*, *-инг* шакллари бир хил позицияда бири ўрнида иккинчиси алмашилиб кела олади ва бу алмашилиш маъно ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун улар икки морфеманинг алломорфлари саналади.

Оғзаки сўзлашув нутқида тоққа, эшикка, далага сингари сўзлардаги иккинчи маъноли қисмларнинг ҳеч бири шу қуршовда бири ўрнида иккинчиси кела олмайди. Шунингдек, тоққа, тоғи сўзларининг биринчи маъноли қисмлари тоқ ва тоғ қуршовда бири ўрнида иккинчиси кела олмайди. Улар қўшимча дистрибуция муносабатидадир, шунинг учун бу шакллар бир морфеманинг турли вариантлари саналади.

Сингли - синглиси, манбаи - манбаси сингари сўзлардаги *-и* ва *-си* эркин алмашилиш дистрибуцияси муносабатида бўлади ва шунинг учун улар бир морфеманинг турли вариантлари ҳисобланади.

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса аён бўладики, дистрибуция таҳлили асосан сегментларнинг шаклий қуршовига, дистрибуцияга таянади. Шунингдек, дистрибутив таҳлилда таянч тушунча бўлган дистрибуциянинг ўзи аниқ изоҳини топмайди.

Ф.М.Березиннинг кўрсатишича, агар дистрибуцияни шу элемент учрайдиган барча қуршовлар йиғиндиси деб тушунадиган бўлсак, дистрибуция элемент асосида изоҳланади. Элементнинг ўзи эса дистрибуция асосида изоҳланади. Натижада "сеҳрли ҳалқа" ҳосил бўлади. Шунингдек, элемент-пар қуршови тушунчаси ҳам аниқ эмас. Агар уни ўрганилаётган элементнинг маълум миқдордаги қуршови деб тушунадиган бўлсак, бу тушунчанинг унчалик аниқ эмаслигини сезиш қийин эмас. Унинг фикрича, у ёки бу тилнинг хусусиятини битта дистрибутив таҳлил йўли билан ўрганиш мумкин, деган умумий қараш ҳам унчалик тўғри эмас. Лекин шуни тан олиш керакки, дистрибутив таҳлил лингвистик таҳлилнинг об'ективлигини аниқлашга шароит яратди [Березин Ф.М. Ўша асар. 258-бет].

Бевосита иштирокчилар методи. Дискриптив лингвистика вакиллари жумлани энг кичик маъноли қисмларга ажратишда, яъни сегментларга бўлишда бевосита иштирокчилар (БИ) асосидаги таҳлилга ҳам таянадилар.

Бу методга ишора Л.Блумфилднинг "Тил" асарида учраса ҳам, унинг аниқтамойиллари Р.Уэллз ва Ю.Найдалар томонидан ишлаб чиқилди.

БИ методига мувофиқ, таянч нукта **конструкция** ҳисобланади. Конструкция таркибидан **иштирокчилар** ва **бевосита иштирокчилар** (БИ) ажратилади.

Конструкция атамаси остида маъноли қисмларнинг кетма-кет муносабатидан ташкил топган бутунлик тушунилади. Иштирокчилар деб каттароқ конструкция таркибига кирган сўз ёки конструкция (ёки морфема)га айтилади. Муайян конструкциянинг бевосита шаклланишида иштирок этган бир еки бир неча иштирокчиларга бевосита иштирокчилар дейилади. Масалан, Шаббода курғур илк саҳар олиб кетди гулнинг тотини, (Ҳ.О.) жумласи конструкция ҳисобланади. Унинг таркибиде иштирок этган барча маъноли сўзлар иштирокчилар, бевосита алоқага киришган сўзлар эса бевосита иштирокчилар (БИ) саналади. Шаббода сўзи билан тотини сўзи ўртасида маълум маънода боғланиш (бири гапнинг бошловчиси, иккинчиси гапнинг якуновчиси) бўлса ҳам, лекин улар ўртасида бевосита алоқа мавжуд эмас. Аксинча, гулнинг сўзи тотини сўзи билан илк саҳар сўзи олиб кетди сўзи билан, шаббода курғур сўзи олиб кетди сўзи билан ўзаро зич боғлангандир.

Бунга мувофиқ, нутқнинг ҳар бир мустақил парчаси икки қисмдан ташкил топади. Ўз навбатида, ҳар қайси қисм яна ўз ичида ана шундай қисмлардан иборат бўлади. Кўринадики, ҳар бир конструкция бинар тамойилга кўра қисмларга бўлинади ва бу бўлиниш конструкция доирасида градуаллик (даражаланиш) хусусиятига эга бўлади.

БИ таҳлилида, аввало, сўз бирикмалари ажратилади ва улар бир гап ичида бирлаштирилади. Шунинг учун БИ таҳлилини бирлаштириш, ўраш деб ҳам юритилади.

Бирлаштириш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

1) бир вақтнинг ўзида иккитадан ортиқ бўлмаган элементлар бирлаштирилади. Масалан, бирданига олиб кетди гулнинг тотини тарзида бирлаштириш мумкин эмас. Аввал гулнинг сўзи тоши сўзи билан бирлашади. Сўнгра гулнинг тотини сўзи олиб кетмоқ сўзи билан бирлашади;

2) боғланмайдиган элементларни бирлаштириш мумкин. эмас. Хусусан, юқоридаги гапда курғур, илк сўзларини бирлаштириб бўлмайди;

3) БИ таҳлилини қўллаш тартиби қатъий белгиланган бўлади.

БИ методига мувофиқ, тил грамматикаси шаклий тўғри гапларни ҳосил қилувчи (туғдирувчи) кибернетик қурилма ҳисобланади. Ҳар бир тилнинг грамматикаси белгиларини ёпиқ (охирги) символлар ва бу символлар занжирининг қайта кодлаштириш қоидаларидан иборат бўлади. Қайта кодлаштириш қоидаи Х-У шаклига эга бўлади. Бунда Х-У символлар занжирини ифодалайди. Бир гуруҳ символлар сўз ва морфемаларни ифодалаш учун, бошқалари эса синтактик гуруҳ ва гапларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бундан ташқари # шаклидаги алоҳида белги ҳам ишлатиладики, у гапнинг бошланиши ва охирини ифодалаш учун қўлланилади.

БИ методига асосан гапларни қисмларга бўлиш сўз бирикмаларига ажратишни эслатади ва гап бўлакларига аж-ратишдан ҳеч қандай фарқ қилмайдигандек кўринади.

Аслида эса БИга ажратиш гапни бўлакларга ажратишдан тубдан фарқ қилади. Ф.М.Березиннинг фикрича, гап бўлаклари бўйича таҳлил аниқ жавоб беролмаган нарсаларга БИ методи йўли билан қилинган таҳлил жавоб бера олиши мумкин [Березин.Ф.М. Ўша асар. 259-бет].

БИ методи асосан синтаксисда қўлланилади. Синтаксисда обрў-эътибор қозонган бу метод кейинчалик морфология ва фонологиянинг айрим масалаларини ҳал этишда қисман қўлланила бошланди.

БИ методи асосидагц фонологик таҳлил Ч.Хоккетнинг "Фонология бўйича қўлланма" (1955) асарида аниқ намоён бўлди. Фонологик сатҳда ҳам БИ асосидаги таҳлил учун зарур бўлган поғонали (иерархик) муносабат кўзга ташла-нади.

Ч.Хоккет фонологик таҳлилнинг асосий нуктаси деб жумлани бўғинларга ажратишни билади. Ҳар бир бўғин структурасида уч элемент мавжудлиги кўрсатилади: бўғин бошланиши, бўғин чўққиси ва бўғин охири.

Бу элементлар БИ асосида таҳлил этилади. Масалан, ўзбек тилидаги тол сўзининг бўғин бошланишидаги тову-ши биринчи БИ сифатида ажратилади. Қолган бўғиннинг чўққиси ва бўғин охири қисмлари иккинчи БИ сифатида ўзаро бирлаштирилади. Яъни т-о-л схемасини олади. Бўлинишнинг иккинчи босқичида бўғиннинг чўққиси ва бўғин охири қисмлари бир-биридан ажратилади.

Тил элементларининг кетма-кетлиги ва улар ўртасидаги муносабатни ўрганишга қаратилган БИ методи структур тилшуносликнинг дастлабки даврларида анча муваффақи-ятга эришган ва тилшуносларнинг даққат-эътиборини ўзига жалб этган бўлса ҳам, лекин кейинчалик лингвистик таҳ-лилнинг объектив ва аниқ бўлмоғи учун унда бир қатор ожиз томонлар мавжуд эканлиги маълум бўлиб қолди.

С.К.Шаумяннинг фикрича, бу методнинг энг ожиз томони шундаки, БИ методи лингвистик тадқиқотларда инвариантлик муаммосини ҳал қилишда етарли кучга эга эмас.

Қуйидаги гапларни қиёслаймиз:

1.Ўқувчи китоб ўқияпти 2.Китобни ўқувчи ўқияпти? 3.Ким китоб ўқияпти?

Ҳар қандай киши биринчи гапнинг дарак, иккинчи ва учинчи гапнинг сўроқ гаплар эканлигини яхши билади. Лекин БИ методи бу гапларни фарқлашнинг формал ўлчовларини бермайди. Агар формал ўлчов сифатида сўз тартибини оладиган бўлсак, биринчи ва учинчи гапларни бир гуруҳга киритишимиз керак бўлади. Агар оҳанг асосида чегаралайдиган бўлсак, иккинчи гапдаги сўроқ оҳанги учинчи гяпда бошқача.

Шундай қилиб, юқоридаги метод билан зидланувчи дарак ва сўроқ гаплар асосида ётган инвариантни белгилаш қийин.

Ёки рус тилидаги куйидаги гаплар ташки структурасига кўра бир парадигмани ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси қаратқич-қаралмиш муносабатини ифодалайди.

1. Пение птиц

2. Изучение языка

3. Приглашение писателя

Дастлабки икки синтактик қурилма мазмунан ўзаро зид муносабатни ифодалайди. Биринчи қурилмада қаратқич (родительный) келишикдаги қуш (птица) сўзи куйлаш (пение) ҳаракатининг бажарувчиси саналса, иккинчи қурилмада худди шу келишикдаги языиса сўзи ўрганмоқ феълидан англашилган ҳаракатнинг объекти ҳисобланади. Учинчи бирикма эса мазмунан икки маънолидир. Биринчи маъно-да таклиф қилиш (приглашение) ҳаракатининг бажарувчиси ёзувчи (писатели), иккинчи маънода ёзувчи (писатель) таклиф қилинувчи, яъни объект ҳисобланади.

Ўзбек тилидаги қаратқичли конструкцияларда ҳам ана шундай омонимлик хусусияти учраб туради. Масалан, унинг имтиҳони бирикмасидан икки маъно ифодаланади; 1) унинг имтиҳон олиши; 2) унинг имтиҳон топшириши. Бу У имтиҳон олади ва У имтиҳон топширади гапларининг трансформацион ўзгарувидан ташкил топган [Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Тошкент, 1973, 42-бет].

Лекин БИ грамматикаси юқоридаги конструкцияларнинг кўрсатилган мазмуний фарқларини символлар орқали ифодалай олмайди.

Бундан ташқари, Ф.М.Березиннинг фикрича, БИ методи актив ва пассив, тасдиқ ва инкор конструкциялар ўртасидаги алоқани кўрсатиш имкониятига ҳам эга эмас. Шунингдек, бу метод синтактик сатҳга энг кичик (элементар) бирлик нима, деган саволга ҳам жавоб бера олмайди [Березин Ф.М. Ўша асар. 260-бет].

Ана шундай камчиликларни бартараф қилиш мақсадида иштирокчиларнинг шаклий кўрсаткичларини ифодалаш учун махсус индекслардан фойдаланиш мумкин. Масалан, юқорида келтирилган учта мисолдаги қаратқич келишиги учун О, бош келишик учун N символлари билан биргаликда, субъектни билдираётган қаратқич учун $г^1$ объектни билдираётган қаратқич учун $г^2$ сингари индексли символлардан фойдаланиш ва шу йўл билан БИ методидаги грамматик омонимияни изоҳ-лашдаги камчиликларни бартараф қилиш мумкин. Лекин бунда янги кийинчиликка дуч келинади. Грамматик омонимияни бартараф қилишга сунъий ҳаракат туфайли грамматик тавсиф турли символ ва индекслар билан ўта мураккаблашади.

БИ методидаги юқорида кўрсатилган ожиз томонлар тадқиқотчиларни бундан кўра мукамалроқ таҳлил методларини қидиришга ундади. Ана шундай объектив зарурият туфайли трансформация методи (ТМ) майдонга келди.

Трансформация методи. Трансформация методи дастлаб дескриптив лингвистика назарийтчиларидан бири З.СХэррис томонидан тавсия қилинган эди [Хэррис З.С. Совместная встречаемость и трансформация в языковой

структуре. // Новое в лингвистике. II. М., 1962. С.528]. Унинг фикрига кўра, трансформацион таҳлил (ТТ) БИ методи дуч келган мураккабликларнинг бир қанча қисмини бартараф қилишга ёрдам беради. ТТ кўп жиҳатдан тил тузилиш таҳлилининг алгебраик методини намоён қилади[Х э р р и с З.С. Ўша асар. 529-бет].

З.С.Хэррис томонидан тавсия этилган ТМ унинг шогирди Н.Хомский томонидан ривожлантирилди [Хомский Н. Синтаксическеструктурн.//Новое в лингвистике. II, М., 1962. С. 412].

Л.С.Бархударов трансформацион лингвистика (ТЛ)ни ҳам ўз ичига олган генератив лингвистикани (ГЛ) структур лингвистикадан фарклаган ҳолда, уни тилшуносликнинг структур лингвистикадан кейинги босқич деб ҳисоблайди [Бархударов Л.С.Истоки,принципиметодологияпорождающей грамматики. (введение). // Проблемн порождающей грамматики и семантики. М., 1976. С. 5].

У тилшунослик тарихини оламни билишнинг диалектик назарияси белгилаб берган уч босқичнинг қайсисига таяниб иш кўриш белгисига кўра уч босқичга - уч грамматик назарияга бўлади: а) анъанавий, б) структур, в) генератив (туғдирувчи) лингвистика.

Л.С.Бархударов фикрига кўра, юқоридаги уч тилшунослик билишнинг уч босқичига асосланади. Диалектик фалсафа билишнинг бевосита кузатиш, анализ ва синтез босқичларини эътироф этади. Анъанавий тилшунослик бил ишнинг биринчи босқичига, структур тилшуносликнинг дескриптив йўналиши иккинчи босқичига, структур тилшуносликнинг глоссематика ва ТЛ йўналиши эса синтез босқичига таянади. XX асрнинг 50-йилларида шаклланиб, ривожланиш босқичига ўтган структур тилшуносликнинг дескриптив мактаби вакиллари анъанавий тилшуносликнинг аниқ лингвистик тадқиқот тамойиллари йўқ эканлигини танқид қилган ҳолда, ўз олдиларига тилни ўрганишнинг формаллаштирилган таҳлил тизимини ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйдилар. Ана шундай таҳлил асосида тадқиқотчи объектни ўрганишда ҳар қандай субъективликдан ҳоли бўлган объектив ҳулосага келиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Лекин структур тилшуносликнинг глоссематика йўналишида субстанцияни шаклдан ажратиш шу даражага етдики, натижада шакл ўзининг субстанциясидан ажралиб қолди.

Бу эса структур тилшунослик бағридан янги йўналиш-генератив лингвистиканинг ўсиб чиқишига олиб келди.

Ҳозирги кунда эмпиризм номи билан юритилаётган тилшунослик йўналиши Л.Блумфилд номи билан боғланса, унга қутбий зидланишда турувчи рационализм йўналишидаги генератив лингвистика Н.Хомский номи билан боғлиқдир. Бу икки йўналиш ўртасидаги муҳим фарқловчи белгилар эмпиризм ва рационализм, ментализм ва антиментализмдир. Л.Блумфилд маънодан ҳоли бўлган шаклни ўрганишни тарғиб қилади. Шунинг учун унинг ғояси антименталистик характерга эга.

ТМға мувофиқ, ҳар қандай тилнинг синтактик системасини ядро гаплар номи билан юритилувчи энг кичик (элементар) гаплар типлари

йиғиндиси сифатида гавдаланти-риш мумкин. Ядро гаплар деб содда, йиғиқ, дарак гап тушунилади. Феъл кесимли гап бўлса, кесими аниқ нисбатда туради. Бу энг кичик гаплар ҳар бир тилнинг синтактик системасининг асосини ташкил этади.

Ядро гаплардан турли шаклий ўзгаришлар асосида асо-сий маънони сақлаган ҳолда иккиламчи синтактик қурилмаларнинг ҳосил қилиниши трансформация ҳисобланади. Бу метод гапнинг шаклий ва мазмуний тузилишларининг ўзаро муносабати заминида вужудга келади [Б ў р о н о в Ж. Ўша асар. 39-бет].

ТМ гапнинг ички ва ташқи структураси ва бу структура бирликларининг ўзаро муносабатига таянади. Дескриптив лингвистикада қўлланувчи ички структура гапдан англашилган маъно тузилишини, ташқи структура эса муайян мазмуний тузилишининг шаклий, ифода томонини билдиради.

В.С.Храковский таъкидлаганидек, матн таркибидаги ҳар қандай гап (жумла) нутқий фаолиятнинг якуний ҳосиласи саналиб, мураккаб, кўп қиррали хусусиятга эга бўлади. Шунинг учун уни турли томондан атрофлича ўрганиш мумкин [Храковский В.С. Очерки по общему арабскому синтаксису. М., 1970. С 5]. Бир йўналиш доирасида нутқий жараёнда гап ҳосил қилишга оид масалалар асосий ўрганиш объекти бўлса, иккинчи йўналиш доирасида гап моделлари рўйхатини, инвентарини белгилаш билан боғлиқ соф лингвистик масалалар ўрганилади. А.В.Исаченконинг фикрига кўра, син-тактик моделларнинг якуний моделларини излаш илмий синтаксиснинг бирламчи ва асосий вазифасидир. Лекин тадқиқот мақсади фақат гап моделларининг статистик тавсифи билангина чекланиб қолмаслиги лозим. Системавий синтаксис учун синхрониядаги у ёки бу синтактик моделлар ўртасидаги ўзаро муносабатни ёритиш, статистик тавсифни динамик тавсиф билан тўлдириш зарур бўлади.

Трансформацион таҳлил ана шундай заруриятни қоплаш вазифасини бажаради. ТМ учун ядро гап, трансформация қондаси ва ҳосила гаи тушунчалари муҳим саналади.

Ядро гап, яъни трансформация учу« асос бўлган гап операнд, ҳосила гап трансформ ёки трансформанд, операнддан трансформандни ҳосил қилувчи восита тансформация оператори деб юритилади.

3.Хэрриснинг фикрига кўра, трансформация бир гапнинг иккинчи гап шаклига шундай ўзгаришики, унда асос гап ҳосила гап ўртасида ҳам лексемалар таркиби, ҳам маъноси нуктаи назаридан бир хиллик мавжуд бўлади. Демак, мазмуний мундарижа трансформандлар учун инвариант саналади.

Операнд билан трансформанд ўртасида трансформация муносабати мавжуд бўлади. Улар иккиси ўзаро трансформация муносабати билан боғланган бўлади.

Шундай қилиб, ўзаро трансформация муносабатида бўлган гаплар бир хил лексик мақомга эга бўлиб, бир хил элементар маънолар

комбинациясидан ташкил топган ҳолда, турли хил грамматик (шаклий) мақомга эга бўлади.

Трансформация махсус трансформация қоидалари орқали амалга оширилади. Ж.Бўронов таъкидлаганидек, трансформацион қоида асосий ва ҳосилавий моделлар ўртасидаги муносабатларни топиш усули саналади.

Трансформацион қоида БИга ажратиш қоидасини, трансформацион моделлар яратиш қоидасини ва морфофонемик қоидаларни ўз ичига олади. Трансформацион қоида битта конструкция ёки гапнинг маъносини очишда бир қанча ҳосилавий конструкция ёки гаплардан фойдалана олади [Бўронов Ж. Ўша асар.42-бет].

Демак, трансформацияга асос бўлган конструкция ва трансформандлар бир умумий маъно ва барқарор лексик бирликлар занжири асосида бирлашиб, бир синтактик парадигмани ҳосил қилади ва унда ядро гап парадигманинг бош аъзоси саналади.

Кўринадик, ядро гап модели ва унинг турли ҳосилалари рўйхатининг олиниши у ёки бу тилда муайян ахборотни турлича ифодалаш имкониятларини очиб беради.

Юқорида таъкидланганидек, ядро гапнинг шаклини ўзгартириш билан унинг турли трансформандларини ҳосил қилиш маълум трансформация қоидалари асосида амалга оширилади.

Кўпчилик муаллифлар томонидан трансформациянинг тўртга қоидаси қайд этилади:

1) Ўрин алмаштириш трансформацияси ёки пермутация трансформацияси. Бунда ядро гап таркибидаги синтактик бирликларнинг ўрни алмаштирилади. Лекин бу қоида амалга оширилганда, синтактик бирликнинг моҳияти ўзгармаслиги керак.

2) Субституция, яъни ядро гап таркибидаги бир элементни ўзаро субституция муносабатида бўлган бошқа элемент билан алмаштириш.

3) Адъюнкция, яъни ядро гап таркибига бошқа элементларни қўшиш.

4) Эллипсис, яъни ядро гап таркибидан айрим элементларни соқит қилиш.

ТМнинг ДМдан қучли томони шундаки, ДМ 40-50-йилларгача фақат фактларни таҳлил қилиш билан чекланган бўлса, ТМ таҳлил методларини ишлаб чиқишга асосий эътиборни қаратдилар [Основнме направления структурализма. М., 1964. С.191. Яна қаранг. Хом с к и й Н. Синтаксические структурм. // Новое в лингвистике. Выш. 2. М, 1962. С. 459-460].

Агар дистрибутив таҳлил ва БИ методлари жумла қандай майда қисмлардан ташкил топади, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилган бўлса, ТМ бу жумла қандай гапнинг трансформацион қайта шаклланишидан ҳосил бўлган, деган саволга жавоб бериши лозим бўлди. Ф.М.Березин тўғри таъкидлаганидек, ТМнинг ожиз томони ана шунда намоён бўлади. Чунки ТТ бевосита лингвистик ма-териалдан келиб чиқмайди, балки дастлаб соф эмпирик асосга курилади, сўнгра тил материали асосида текширилади. Бундан ташқари, ТМнинг қўлланилиш доираси ва турли тиллардаги ядро гаплар типларининг миқдори аниқ белгиланмаган.

Бундан ташқари, синтактик сатҳда трансформация билан деривация ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ очилмайди. Ядро гапнинг моҳиятини ўзгартириб юборадиган шаклий ўзгаришлар ҳам трансформация доирасида ўрганилади. Масалан, трансформация қоидаси сифатида алоҳида тур қилиб номинализация ажратилади. Бунда ядро гап кесимидаги кесимлик шаклининг йўқотилиши трансформация воситаси ҳисобланади. Масалан, Дарс бошланди - дарснинг бошланши. Бу эса трансформация олдиға қўйган талабға жавоб бермайди. Чунки трансформация ядро гапнинг гаплик ҳолатини сақлаб қолиш доирасидаги турли ички грамматик ўзгаришлардир. Юқоридаги ҳолда эса ядро гап гаплик ҳолатини йукртиб, бирикмага айланыпти.

ТМдаги ана шу чекланган томонни эътиборға олган ҳолда, В.С.Храковский синтактик трансформация билан синтактик деривацияни бир-биридан фарқлаш лозимлигини таъкидлайди [Храковский В.С. ўша асар. 13-бет].

С.Д.Кацнельсон ҳам гаплар узаро факат трансформация муносабатида эмас, балки деривация муносабатида ҳам булишини баён қилган эди [Кацнельсон С.Д. Порождающая грамматика и принцип деривации, Проблемы языкознания. М., 1967].

Шунинг учун В.С.Храковский синтактик деривация деб ҳосила гапнинг асос гапдан ҳам, лекин уни тавсифлаш учун катта хизмат қилди. Бу таҳлил методларининг куп жиҳатлари бугунги тилшуносликнинг таҳлил усули учун ҳам фойдадан холи эмас.

Дифференциал таҳлил усули. Дифференциал (фарқловчи) таҳлил жараёнида тил ҳодиса-ларини ва бирликларини ўзаро фарқловчи маъновий ва шаклий хусусиятлар ажратилади. Ушбу хусусиятларни аниқлашда маълум бир сатҳға оид бирликларнинг парадигматик муносабатлари асос бўлади.

Ушбу таҳлил методининг асосий мезонлари қуйидагилардир: 1) алоҳида лисоний бирликлар маълум тизимларға уюшадилар; 2) ушбу тизимлар таркибида алоҳида парадигматик гуруҳлар ажралади; 3) тизимдаги ягона бир бирлик биринчи гуруҳға тобе бўлиши мумкин; 4) у ёки бу бирликнинг айна пайтда, бир неча гуруҳға оид бўлиши унинг бошқа бирликлардан фарқловчи хусусиятларига нисбатан тавсифлаш имконини яратади.

Айтиш жоизки, лисоний бирликларни ушбу усулда фарқлаш тилшуносликнинг айрим соҳаларида (масалан, морфологик таҳлилда) азалдан қўлланиб келинаётган усулларға мос келади. Масалан, ишляпти шаклини феъл грамматик шакли сифатида аниқлаш учун биз унинг мазмунидаги поцессуаллик (ҳаракат) маъносини субстанционалликка (қиёсланг: иш) зид қўямиз. Худди шунингдек, бошқа шакллар қарама-қаршилиги ҳам инобатға олинади: ишлаётиб, ишлаб, ишлаган, ишлади, ишлайди, ишлайман, ишлаймиз, ишлайсиз ва ҳоказо.

Дифференциал таҳлил методининг умумий тамойилларининг шаклланиши дастлабки ўринда Прага тилшунослик мактаби намояндалари фаолияти билан боғлиқ. «Прагаликлар»нинг (Н.С.Трубецкой, Р.Якобсон, В.Скаличка ва бошқалар) ҳаракати туфайли тил тизимининг барча сатҳларига

нисбатан қўлланила бошланган «парадигма» тушунчаси билан бир қаторда «оппозиция» (қарама-қаршилик) тушунчаси ҳам жорий этилди.

Парадигма ўзаро муносабатдаги бирликлар қатори бўлса, оппозиция ўзаро қарама - қаршиликдаги бирликлар қаторидир. Бу қарама - қаршилик бир парадигматик синфдаги бирликлар ўртасида мавжуд бўлади. Парадигматик қатор бирликларининг сони чекланмаган, қарама - қаршилик қатори эса жуфтликдан (бинар гуруҳдан) иборат бўлади. Масалан, морфологик парадигма таркибига кирувчи феълнинг шахс шакллари (ўқийман – ўқийсан - ўқийди) турли хусусиятларига таянган ҳолда қуйидаги қарама-қаршилик жуфтликларига киритиш мумкин:

1) 1- шахс – 2 шахс ёки 3 - шахс (1 шахс шаклининг гап таркибида қўлланиши ифода қилинаётган фикр муаллифини алоҳида ажратиш учун хизмат қилади, 2 - ва 3 - шахс шакллари қўлланилганда эса муаллиф ишорасиз қолади);

2) 2 - шахс – 1- шахс ёки 3 - шахс (2- шахс шакли узатилаётган ахборот аниқ адресатини кўрсатади, 1- ёки 3 - шахс шакллари қўлланилганда эса суҳбатдош ноаниқ бўлиб қолади);

3) 1- шахс ёки 2 - шахс – 3 - шахс.

Н.С. Трубецкой «оппозиция» тушунчасини биринчилардан бўлиб қўллаган олимдир. У «Фонология асослари» асарида бу тушунчани фонологик тизим ҳақидаги таълимотининг асосий ғояларидан бири сифатида тарғиб қилди. «Ҳеч қачон шуни унутмаслик лозимки, - деб таъкидлаган эди олим, - фонологияда асосий ролни фонемалар эмас, балки маъно фарқловчи қарама-қаршиликлар ўйнайди. Ҳар қандай фонеманинг фонологик мазмунга эга бўлиши фонологик қарама-қаршиликлар асосида маълум тартибот ва структураларнинг аниқланиши билан боғлиқдир» (Трубецкой 1960: 74-75).

Фонологик қарама-қаршиликлар уларнинг бутун оппозиция-лар тизимига муносабатига қарама-қаршиликлар қаторидаги бирликларнинг ўзаро боғлиқлик даражасига нисбатан турли кўринишлар ва мазмун олиши мумкин. Айтилган муносабат ва хусусиятлар, ўз навбатида, фонологик тизимнинг бажараётган вазифаси, тил тизимида тутган ўрнига мувофиқ юзага келади. Бевосита фаоллашув жараёнида айрим қарама-қаршиликлар ўзгармасдан қоладилар (ҳар қандай ҳолатда ҳам бирликларнинг фарқловчи белгилари сақланади), бошқалари эса нейтрал-лашадилар, яъни ўз таъсирларини йўқотадилар (масалан, урғусиз бўғинларда **о** ва **а** нинг тенглашуви).

Шундай қилиб, Н.С. Трубецкой тил фонологик тизимини «қарама-қаршиликлар репертуари»дан иборат деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ҳар бир фонема уни бошқа фонемалардан фарқловчи хусусиятлар тўпламидан ташкил топади. Фонемаларнинг фарқловчи белгилари оппозиция (қарама-қаршиликлар) муносабатлари асосида аниқланади.

Р. Якобсон, Г. Фанк ва М. Ҳаллеларнинг (1962: 173-230) қайдича, барча тилларнинг фонемалари таркибида маълум миқдордаги қарама - қарши фарқловчи белгилар жамланади.

Р. Якобсон фонологик бирликларни дифференциал хусусиятлар фарқига нисбатан тизимлаштириш усулини бошқа тизимларга ҳам тадбиқ этиш таклифи билан чиқди. У рус тили келишиклари тизимини қуйидаги кўрсаткичларга асосан тавсифлаш муҳимлигини исботлайди:

1) асосийлик ва ўткинчилик (охиргиси хабар қилинаётган ҳодиса жараёнида ўткинчи ролни ўйнайди);

2) йўналтирилганлик ва йўналтирилмаганлик (ҳаракатнинг объектга йўналтирилганлиги);

3) кенг қамровлилик ва тор қамровлилик (объектнинг ҳаракатдаги иштирокининг кўлами).

Грамматик қарама-қаршиликлар ҳам худди фонологик қарама-қаршиликлар каби нейтраллашуви мумкин. Лекин бунда қарама-қарши бирликлардан бири махсус белгига эга бўлиши, иккинчисининг эса белгисиз қолиши талаб этилади. Масалан, 1-ва 2-шахс феъл шаклларининг ҳаракат ва нутқ субъектлари мос келиши ёки келмаслиги хусусиятига нисбатан қарама-қаршилигида 2-шахс шакли белгисиздир.

Ушбу таҳлил методининг грамматик тизимга тадбиқ этилиш истиқболи катта. Унинг воситасида грамматик категориялар ва шаклларнинг муҳим хусусиятларини аниқ ва изчил ёритиб бериш мумкин. Фарқловчи белгилар бўйича таҳлил усулини грамматиканинг барча соҳаларига тадбиқ этиш мумкин, лекин унинг маҳсулдорлиги, айниқса, синтаксис ҳодисаларининг семантик таҳлилида ёрқин намоён бўлади. Буни биз, масалан, А.М. Мухин томонидан асосланган синтаксема таҳлили мисолида кўришимиз мумкин (Мухин 1989).

Дифференциал таҳлил усули воситасида турли тузилишдаги синтактик бирликларнинг мундарижавий ва мазмун хусусиятлари ўрганилиши мумкин. Ушбу методнинг қўлланиш самардор-лигини айрим турдаги гапларнинг модал мазмуни таҳлили мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, модаллик категорияси гапнинг лисоний мақомини аниқловчи мураккаб категориялардан биридир. Ушбу категория семантик-синтактик муносабатлар мажмуасидан иборат бўлиб, қуйидаги қарама-қаршилик жуфтликларида намоён бўлади:

1) Гапда воқеанинг реал, ҳақиқатдан содир бўлиши ифодаланади – гапда воқеанинг содир бўлиши мумкинлиги (имконияти мавжудлиги) ифодаланади, яъни бошқача айтганда, воқеа содир бўлишининг *эҳтимоли* ва *зарурлиги*.

Ушбу гапларнинг мазмундаги фарқи бевосита турли замон ва майл шаклларининг қўлланиши билан боғлиқ. Масалан, реаллик ҳозирги ва ўтган замон хабар майли шакли воситасида ифодаланса (Сиз ўқияпсиз; Сиз ўқидингиз.), эҳтимоллик эса шарт ва буйруқ майллари, келаси замон шакллари воситасида ифодаланади (Ўқийсиз; Ўқинг; Ўқисангиз ва бошқалар).

2. Воқеанинг содир бўлиши сўзловчи хоҳиш-истаги билан боғлиқ эмас (объектив зарурат) – воқеанинг сўзловчи хоҳишига боғлиқ ҳолда содир бўлиши (субъектив зарурат).

Бу қарама-қарши мазмундаги гапларнинг фарқи ҳам турли замон ва майл шакллари қўлланишидадир, лекин фарқнинг бу шакллар билан боғлиқлиги изчил эмас. Фақатгина буйруқ майли шаклигина ҳеч қандай истисносиз, ҳаракат бажарилишининг субъектив зарурийлиги, лозимлиги ҳақида хабар беради. Келаси замон ва шарт майли шакллари эса улар фаоллашаётган гапларда, турли матнларда, нутқий вазиятларда ҳаракат бажарилишининг субъектив ва объектив эҳтимоллигини бир хилда ифодалаш имкониятига эгадирлар. Қиёсланг: *Пайти келганда бу китобни ўқийсан (Сенда буни бажаришига имконият бўлади); Бу китобни зудлик билан (ҳозироқ) ўқийсан (Китобни ҳозироқ ўқишингни истайман); У бирор нарса ўқиса бўларди (Агар шунга шароит бўлганда эди) – У, яхшиси, бирор нарса ўқиса бўларди (Яхшиси, бирор нарса ўқисин).*

Дифференциал таҳлилнинг фонологик ва грамматик тизимларга жорий қилинишига таҳлил материалынинг ўзи ҳам қулайлик яратади. Фонемаларнинг вазифаси маъно фарқлашдир ва бу вазифани бажариш учун фонемалар фарқловчи хусусиятларига мувофиқ ўзаро муносабатда бўладилар.

Худди шунингдек, грамматик категорияларнинг мавжудлиги ҳам фарқловчи хусусиятлари билан ажралиб турадиган грамматик шакллар фаоллашуви билан боғлиқдир.

Бу хусусиятлар кўпинча тил ботиний структурасидан жой оладилар ва шу сабабли уларнинг лисоний таснифи айрим қийинчиликларни туғдиради. Бироқ лисоний ҳодисалар ўртасидаги фарқловчи белгиларни кидириш ва уларни тизимлаштириш тилшуносликнинг назарий ва амалий эҳтиёжидир.

Компонент таҳлил. Компонент таҳлил (КТ) дифференциал таҳлилнинг лексик тизимга тадбиқ этилиши натижасида юзага келадиган таҳлил усулидир.

Луғавий бирликлар, худди бошқа сатҳлардагидек, тил тизимида маълум тартибдаги гуруҳларни ташкил қиладилар ва маънолари жиҳатидан (ушбу гуруҳлар доирасида) ўзаро парадигматик муносабатларда бўладилар. Бундай парадигматик дастурларни «мавзувий гуруҳлар» ёки «лексик-семантик гуруҳлар» (ЛСГ) деб атайдилар. Масалан, қуйидаги мавзувий гуруҳларни ажратиш мумкин:

1) уй жиҳозлари номлари: стол, стул, шкаф, кресло, диван, сандиқ, тахмон ва ҳ.к.

2) метеорологик ҳодисалар: шамол, қор, ёмғир, изғирин, тўфон, бўрон ва ҳ.к.

3) қон - қариндошлик атамалари: ота, бола, она, қиз, ўғил, ака, ука, тоға, жиян, хотин, қайнота ва ҳ.к.

4) ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўзлар: хурсандчилик, хафалик, шодлик, мамнунлик, нафрат, завқ, шафқат ва ҳ.к.

5) инсон интеллектуал фаолиятини ифодаловчи феъллар: ўйламоқ, иккиланмоқ, фикрламоқ, билмоқ, фараз қилмоқ, тушунмоқ, эсламоқ, унутмоқ ва ҳ.к.

Ҳар бир мавзувий қатор ушбу гуруҳга кирувчи сўзлар ўртасида тақсимланадиган умумий «маъно доирасини» қамраб олади. Бу қатор доирасидаги ҳар бир сўз маъноси бошқасиникига мослашади. Улар семантик умумийликка эгадир ва айти пайтда, бир-биридан фарқ қилади. Шу асосда уларни қарама-қарши қўйиш ва қиёслаш йўли билан ҳар бир сўзнинг маъносини компонентларга (бўлақларга) ажратиш мумкин. Ушбу дифференциал маъно хусусиятларини аниқлаш КТ нинг асосий мақсадидир.

КТ методи қисман луғатшунослик амалиёти билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Маълумки, изоҳли луғатларда сўзларнинг маъноси уларнинг бошқа сўзлар билан бўлган семантик алоқалари асосида изоҳланади. Маъноларнинг бу усулда изоҳланиши турли сўзларни уларнинг семантик белгилари умумийлиги асосида маълум лексик-семантик гуруҳларга ажратиш имконини яратади. Шунинг билан бир қаторда ушбу гуруҳланиш жараёнида қисман бўлса-да, сўзларнинг фарқловчи маъно хусусиятлари ҳам инобатга олинади. КТ да луғатшунослик амалиётининг ушбу тажрибасига таянилади ва фарқловчи белгилар тизимлаштирилади.

Юқорида айтилганидек, тил луғат бойлиги таркибидан маълум ЛСГ ларнинг ажратилиши КТ нинг зарурий илк босқичидир. Бу гуруҳлар таркибига маъно жиҳатидан маълум бир умумийликка эга бўлган, воқеликнинг алоҳида бир парчасини акс эттирадиган луғавий бирликлар киради. Воқеликнинг маълум қисмларга ажратилиши билан боғлиқ ментал фаолият кўп босқичли фаолиятдир. Шу сабабли турли кўринишдаги ЛСГ ларнинг ажратилиши ҳам кўп босқичлидир.

Масалан, тирик мавжудотларни атовчи бирликлар бирикадиган ЛСГ жонсиз предметлар номлари гуруҳига қарама-қарши қўйилади. Бу умумий гуруҳ таркибида қушлар номлари лексик-семантик гуруҳ, масалан, балиқ турлари атамалари гуруҳидан фарқланади. Худди шу каби, инсоний ҳис-туйғулар билан боғлиқ сўзлар гуруҳини кейинги босқичда ижобий ва салбий ҳис-туйғулар лексик-семантик гуруҳларига тақсимлаш мумкин.

Бирор бир лексик-семантик гуруҳ таркибига кирувчи сўзлар умумий семантик хусусиятга эга бўлиши сабабли ушбу хусусиятни ягона бир сўз билан аташ эҳтимоли туғилади. Кўпинча бу сўз ушбу ЛСГнинг ўзидан танланади ёки бу вазифани махсус шартли белги бажариши ҳам мумкин. Масалан, ҳаракат феъллари ЛСГни ажратаётиб, умумий семантик белгини «ҳаракат қилиш» сўзи билан аташ ёки билан белгилаш умумий қайд этилган ходисадир.

Агар ажратилган ЛСГ бошқа бирор катта ҳажмдаги гуруҳ таркибига кирса, ушбу ЛСГ сўзларининг икки ва ундан ортиқ умумий маъно хусусиятига эга бўлиши табиийдир. Бинобарин, салбий эмоция ЛСГ таркибидаги сўзлар учун «эмоционаллик» ва «салбийлик» семантик хусусиятлари умумлашуви бир хилда ҳосилдир.

Маълум қатордаги сўзларни ягона бир ЛСГ таркибига бириктирувчи умумий семантик хусусият айти пайтнинг ўзида гуруҳларни бир-биридан фарқлаш учун ҳам асос бўлади (ушбу гуруҳларни ўзаро қиёслаш ва қарама-қарши қўйиш учун мантикий асос бўлган тақдирда). Буни биз салбий ҳис-

туйғуни ифодаловчи сўзлар гуруҳида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолатда «салбийлик» хусусияти «ижобийлик» хусусиятига қиёсан маълум бир ЛСГ ни ажратувчи семантик белгига айланади.

Компонент таҳлил жараёнида ҳар бир сўз маълум бир ЛСГ га тобе бирлик сифатида қаралади. Шу сабабли КТнинг объекти алоҳида сўз бўлмасдан, балки тўлиқ таркибдаги лексик-семантик гуруҳдир. Лекин КТ охир-оқибатда алоҳида сўзларнинг маъно ҳажмини, унинг барча ҳолатларда намоён бўладиган семантик хусусиятларини аниқлаш мақсадини кўзлайди.

Сўзсиз, КТнинг тадбиқ қилиниши миқдор жиҳатидан чегараланган ЛСГ ларда осонроқ кечади. Шу сабабли бўлса керакки, қарийб барча семасиологияга оид рисола ва ўқув қўлланмаларида мисол тариқасида қон-қариндошлик атамалари гуруҳига изоҳ берилади «Ота», «Она», «ўғил», «қиз», «амма», «хола», «амаки», «тоға», «келин», «куёв», «ака», «ука», «почча», «янга» каби лексемалар «қариндошлик» маъно хусусияти умумийлигига асосан ягона бир гуруҳга бирикадилар. Аммо ушбу сўзлар бошқа турдаги маъно белгилари фарқига нисбатан қарама-қарши қўйиладилар: а) жинс: аёл (1) – эркак (2); б) авлод: бир авлод (3) – турли авлод (4): олдинги авлод (4) – кейинги авлод (5); в) қариндошлик даражаси: қондошлик (бевосита) (6)- билвосита қариндошлик (7).

Бундай қиёслаш асосида қуйидаги дифференциал (фарқловчи) маъно хусусиятлари қатори ажратилади: Р1-2, 3-(4-5), 6-7 ва шу хусусиятлар асосида ушбу ЛСГга кирувчи барча сўзлар маъноси маълум турдаги фарқловчи белгиларнинг бирикмаси ёки тўплами сифатида ёритилади. Масалан, «она» сўзининг маъноси 2,4,6 хусусиятлар тўпламидан иборат (аёл жинсидан олдинги авлодга тобе бевосита қариндош); «хола» сўзининг маъносини эса Р 2, 4, 7 хусусиятларнинг бирикиши ташкил этади (аёл жинсидаги олдинги авлод, бевосита қариндош); «куёв» сўзи, ўз навбатида, Р 1,5,7 маъно хусусиятлар тўпламидан ташкил топади (эркак жинсидан кейинги авлод, билвосита қариндош).

Бошқа ЛСГ лар таркибидаги сўзларни ҳам худди шу йўсинда КТ дан ўтказиб, уларнинг маъно хусусиятларини аниқлаш мумкин. Бинобарин, салбий беихтиёр эмоция ЛСГ га кирувчи сўзлар қуйидаги хусусиятлар асосида ўзаро қиёсланадилар (Ахманова ва бошқалар 1969: 65-77):

1) ҳис-туйғунинг пайдо бўлиш характериға нисбатан:

а) бирламчи (ташқи таъсирга бевосита бўлган ҳис-туйғу жавоби): алам, ўкинч, қаҳр-ғазаб, жаҳл, зарда кабилар.

б) иккиламчи (олдинги эмоционал ҳолат таъсирида туғиладиган ҳис-туйғу): нафратланиш, ғазабланиш, аччиқланиш, зарда қилиш кабилар;

в) яширин эмоция: ғазаб, аччиқ, қоникмаслик, норозилик кабилар.

2) ҳис-туйғунинг кечиш ҳолатиға нисбатан:

а) пассивлик: алам, ўкинч, қаҳр, зарда кабилар;

б) фаоллик: ғазабланиш, нафратланиш, жаҳл қилиш кабилар;

в) назорат қилиш имконияти мавжудлиги: аччиқ қилиш, қоникмаслик, алам қилиш кабилар.

д) назоратнинг йўқолиши: қутуриш, зарда қилиш, қаҳр қилиш кабилар.

3) даврийлиги:

а) давомлилик: қаноатланмаслик, қоникмаслик, алам, ғазаб кабилар.

б) тугалланганлик: қутуриш, қаҳр, жаҳл, зарда кабилар.

Ҳар қалай, бирор бир ЛСГ таркибига кирувчи сўзларни умумий маъно хусусиятлари асосида таҳлил қилиш жараёнида ушбу сўзлар семантикасини тўлиғича ёритиш имконияти анчагина чегараланганлигини ҳам унутмаслик лозим. Бундан ташқари, ЛСГларни ажратиш амали ҳам айрим ҳолларда қийин кечади. Шу сабабларга кўра ҳозирча бирор тил луғат бойлигини ташкил қилувчи сўзлар туркумларининг маълум гуруҳлар бўйича тўлиқ таксимотини акс эттирувчи луғат ёки бошқа турдаги асар ҳозирча йўқ. Бирок КТ маҳсулдор ва истикболли лисоний тадқиқ методи эканлигини инкор этиб бўлмайди, зеро, ушбу метод воситасида кўплаб семасиологик муаммолар ечимига йўл топиш мумкинлиги ўз исботини аллақачон топган. Масалан, ушбу методнинг полисемия ва омонимия ҳодисаларига оид қатор саволларга жавоб излашда қўл келиши тажрибада синаб кўрилган. Украиналик тилшунос М.И. Задорожнийнинг фикрича, ташқи кўриниши бир хил бўлган сўзларнинг алоҳида маънолари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги ёки йўқлиги умумий маъно хусусияти мавжудлиги мезонида қаралади. Бундай ҳолларда сўзлар (ёки маъно компонентлари) ўртасидаги «семантик масофа»ни қуйидаги формула ёрдамида ўлчаш мумкин:

$$Sab = 1 - \frac{Ma \cap Mb}{Ma \cup Mb}$$

Бу ерда Sab – а ва b маънолари ўртасидаги «семантик масофа», Ma – а маънонинг бўлаклари тўплами, Mb – в маънонинг бўлаклари тўплами,

~ - тўплалар кесими белгиси (мос келадиган маъно хусусиятлари миқдори), ~ - тўплалар бирикуви белгиси (барча маъно бўлаклари йиғиндиси).

Ушбу формулага асосан алоҳида маънолар ўртасидаги семантик масофа нолдан биргача бўлиши мумкин. Масалан, «кўрмоқ» 1 (кўриш ёрдамида идрок этиш) ва кўрмоқ 2 (сезиш, англаш) ўртасидаги бундай масофа қуйидагига тенг:

- 1) идрок қилиш – идрок усули;
- 2) кўриш воситасида;
- 3) тасаввурда;
- 4) идрокнинг натижалилиги.

КТ тадбиқ этилаётган сўзларнинг синтагматик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда бажарилса, лексик синонимлар таснифи осон кечади. Чунки луғат birlikларининг фарқловчи маъно хусусиятлари бир хил имкониятга эга бўлмайдилар. Уларнинг айримлари сўзларни кўринишдаги фаоллашувида фарқлаш имкониятига эга бўлса, бошқаларининг маънолари эса қарама-қарши қаторларда нейтраллашуви ҳеч гап эмас. Бундай сўзлар матнда ўзаро ўрин алмашадилар. Тенг ҳуқуқли ўрин алмашинув синоним сўзларни аниқлашнинг асосий усулларида биридир.

Анъанавий ва систем тилшунослик муносабати масалалари.

Мустақиллик шароитида ўзбек тилшунослигида ҳам катта ўзгаришлар бўй берди. Шўролар даврида ўзбек тилшунослари асосан ўзбек тилининг ички тузилиши, адабий тил ва диалектлар муносабати, ўзбек тилининг тарихий тараққиёти, бойиш манбалари сингари ўзбек тилининг ўзига хос муаммолари билан чекланган бўлса, мустақиллик шароитида умумий тилшуносликнинг назарий муаммолари бўйича ҳам ўз фикрларини дадил баён қила бошладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигида турли хил қарашлар, йўналишларнинг ўзига хос атамалар системаси майдонга келди. Фан майдонида турли қарашларнинг мавжуд бўлиши ва бу қарашларни олға сурган тилшунослар ўртасида баҳс-мунозараларнинг вужудга келиши шу фаннинг ривожланиши учун туртки бўлиши табиий. Ана шундай қарашлардан бири "анъанавий" ва "замонавий тилшунослик" муаммолари масаласидир.

Аслида "анъанавий тилшунослик" "ҳозирги тилшунослик" ёки "замонавий тилшунослик"ка зидланмайди. Бу ўринда "анъанавий тилшунослик" соф хронологик маънони, яъни "ҳозиргача бўлган тилшунослик" маъносинигина билдирмайди, балки гносеологик маънода билишнинг икки босқичига асосланувчи ва онтологик¹ уқтаи назар-дан тил табиати ва моҳиятига икки хил ёндашувчи фан сифатида баҳоланади ва системавий тилшунослик деб юритилувчи тилшуносликка қарама-қарши қўйилади. Улар тил онтологиясига ёндашув нуқтаи назаридан ҳам, уни текшириш методологияси ва методи нуқтаи назаридан ҳам бир-биридан фарқ қиладиган тилшуносликнинг тенг ҳуқуқли икки йўналиши саналади. Тилшуносликнинг бу икки йўналиши бир-бирини рад этмайди, балки бири иккинчисининг натижаларига асосланади. Шунинг учун ҳам ҳар икки тилшунослик ҳозирги кунда икки улоқчи отдек баб-баравар қадам ташламоқда.

Э.Бенвенист тилшунослик тарихини уч даврга бўлар экан, XX асрнинг биринчи чорагидан тилшуносликнинг янги даври, тилга системавий-структур ёндашув даври бошланганини баён қилади. Бу даврдан лингвистиканинг эътибори тил фалсафасига ҳам, тил эволюциясига ҳам эмас, балки тилнинг имманент реаллигига қаратилди. Натижада лингвистика формал, ихчам, систематик фанга айланишга интила бошлади [Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974. С. 23]. Лекин бу билан анъанавий тилшуносликни асло инкор қилмайди.

Дарҳақиқат, XX аср бошқа фанлар тараққиётида бўлгани каби, лингвистика тарихида ҳам асосий эътиборнинг объектга субстанционал нуқтаи назардан ёндашувдан структур-функционал нуқтаи назардан ёндашувга ўтиши билан характерланади [Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., • 1971, С. 6-7]. Бунга Ф. де Соссюрнинг "Умумий лингвистика курси"да баён қилинган "тил субстанция эмас, балки шаклдир" деган бош ғояси сабабчи бўлди. Бу ғояга мувофиқ, структуранинг субстанционал ажратилиши ва унинг нисбий мустақиллигининг эътироф

этилиши тилшуносликнинг кейинги даврида буюк кашфиётларнинг қилинишига туртки бўлиши билан бирга, бир қатор янглиш қарашларнинг туғилишига ҳам замин яратди.

Ф.де Соссюр *субстанция* ва *шакл* атамалари остида сезги аъзоларимизга таъсир қилувчи моддий воситалар ва бу моддий воситалар замирида ётган муносабатларни тушунади, *тил шаклдир* деганда, тилнинг муносабатлар системаси эканлигига ургу беради. Тилнинг моддий томони, яъни товуш томони субстанция сифатида иккинчи планга сурилади.

Ана шунинг натижасида у тил ва нушни ажратди. А.Гардинер Ф.де Соссюрнинг бу дихотомиясидан таъсирланиб, тилшуносликнинг бундан кейинги барча ютуқлари ана шу изланишга асосланади, деб башорат қилган эди [ТардинерА. Различие между «речью» и «языком». //Звегин-цев В.А. История языкознания XIX и XXвеков в очерках и извлечениях. Ч.И. М., 1960. С. 19].

Нуткий фаолият тил ва нутқнинг диалектик муносабатидан ташкил топишининг эътироф этилиши системавий тилшуносликнинг вужудга келишига дадил кадам бўлди. Системавий тилшуносликка зидланувчи анъанавий тилшунослик тилни, Ф.де Соссюр таъбири билан айтганда, субстанция деб тушунади ва асосий эътиборни бевосита сезги аъзоларимиз таъсирига бериладиган моддий воситаларни ўрганишга қаратади. Бу тилнинг онтологик табиати юзасидан анъанавий ва системавий тилшунослик ўртасидаги биринчи фарқ саналади.

Тилнинг онтологик муаммоси бўйича юқоридаги тилшунослик йўналишларининг иккинчи фарқи тилнинг ички тузилишига ёндашув масаласидир.

Анъанавий тилшунослик субстанциянинг (субстанцип маъноси Ф.де Соссюр талқини бўйича қўлланилмоқда кейинчалик бу атама моҳият маъносида қўлланила бошланди) муайян таркибий қисмлардан ташкил топганлигига асосий эътиборни қаратса, системавий тилшунослик субстанцияни ташкил этган қисмларнинг ўзаро муносабатини, ана шу муносабатлар орқали намоён бўлаётган фарқловчи (марказий, дифференциал, динстинктив) ва фарқламайдиган (чегара, нодифференциал, нодинстинктив) белгиларини аниқлаш ва ана шу йўл билан шакл (моҳият)ни, лингвистик бирликларнинг моделини белгилашни бош мақсад қилиб қўяди. Чунки, уларнинг фикрича ҳар қандай ўрганилаётган объект абстракт конструкт даражасига олиб чиқилгандагина ўзининг ҳақиқий илмий талқинини топади [К и р о в Е.Ф. Теоретические проблемм моделирования язмка. КазГу 1989. С. 17]. Шунинг учун системавий тилшуносликда жиддий эътибор моддий томонга эмас, балки муносабатга қаратилади. Бошқача айтганда, ҳақиқий лингвистик реаллик сифатида муайян бир тилнинг алоҳида факти эмас, балки система сифатидаги тил эътироф этилади. Система эса элементлар мажмуаси сифатида қаралмайди. Ҳар бир элементнинг бутунлик доирасида бошқа элемент билан муносабати туфайли мавжуд бўлиши система тузилишини замондан ташқаридаги муносабатлап гашкил этиши тан олинади.

Системавий тилшуносликнинг анъанавий тилшуносликдан учинчи фарқи шундаки, тилга белгилар системаси сифатида қарайди ва тилшуносликни белги назарияси билан шуғулланувчи семиотиканинг таркибий қисми деб баҳолайди. "Субстанция" ва "шакл"ни бир-биридан ажратиш фонологик сатҳда шу даражага етдики, товушларнинг артикуляцион-акустик белгилари тилшунослик доирасидан чиқарилди, табиий фанлар объектига айлантирилди.

Анъанавий тилшунослик субстанцияни ўрганишга эътибор қаратганлиги учун тилнинг акустик-артикуляцион воситалар ёрдамида бевосита юзага чиқиш жараёнини ўрганишни асосий мақсад қилиб қўяди.

Системавий тилшунослик анъанавий тилшуносликдан гносеологик нуқтаи назардан ҳам фарқ қилади. Анъанавий тилшунослик сезги аъзоларимизга таъсир қилувчи, бевосита кузатишда берилган моддий воситаларни ўрганиш билан шуғулланиб, билишнинг индуктив усулига асосланса, системавий тилшунослик моддий воситалар ёрдамида воқеланувчи, уларнинг ҳар бирида барқарор белги, констанга сифатида такрорланувчи моҳиятларни, имманент бирликларни ўрганиш билан шуғулланади [Бархударов Л.С. Истоки, принцип и методология порождающей грамматики. // Проблемы порождающей грамматики. М., 1976. С.5]. Шунинг учун Л.Ельмслев "Структура поговныйлик билан характерланиши ва бу поговныйликни дедуктив йўл билангина ёритиш мумкинлиги"ни баён қилади ва объектни индуктив усул орқали ўрганишга асосланган анъанавий тилшуносликдан фарқланишини таъкидлайди [Ельмслев Л. Понятие управления; Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков очерками и извлечениях. Ч. II. М., 1960. С.47].

Кўринадикки, анъанавий ва системавий тилшунослик тилнинг ички тузилишига ёндашув, бу ички тузилиш бирликларини ўрганишда қўлланиладиган тадқиқот усуллари нуқтаи назаридан ўзаро фарқ қиладиган икки хил йўналишдир.

Л.С.Бархударов анъанавий тилшунослик структур тилшуносликда бўлгани каби дистрибуция, трансформация, БИ бўйича таҳлил, бинар оппозиция сингари қатъий илмий тадқиқот методларига эга эмаслигини таъкидлаган эди [Бархударов Л.С. Ўша мақола, ўша тўплам. 8-бет].

Анъанавий тилшуносликка зид қўйилаётган системавий тилшуносликни "илғор тилшунослик" сифатида талқин қилиш ҳам ноўрин. Аввало, системавий тилшунослик вакилларининг қарашлари бир хил эмас, ҳатто кўп ҳолларда бир-бирига зид келади. Қолаверса, ҳозирги тилшуносликнинг қатор муаммолари унинг назаридан четда қолади. Хусусан, Ф.де Соссюрнинг ўзи тилшуносликни ички ва гашқи лингвистикага ажратган ҳолда, фақат ички лингвистика юзасидан фикр юритади. Ташқи лингвистика унинг назаридан четда қолди. Бу анъана ҳамон давом этиб келмоқда. Тилнинг ички тузилиши, ички тузилиш бирликлари ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этиш системавий тилшуносликнинг асосий вазифаси бўлгани ҳолда, тил ва жамият, тил ва сўзловчи шахс, тил эволюцияси, адабий тил ва халқ шевалари ўртасидаги муносабат, тил ва тафаккур, матн

лингвистикаси сингари қатор масалалар унинг назаридан четда қолади. Бу муаммоларни ҳал қилишда анъанавий тилшунослик устунлик қилади.

А.Ф.Лосев бундан салкам қирқ йил олдин юқоридаги икки метод ўртасидаги фарқ ҳақида фикр юритар экан, бу фарқ шакл ва мазмунни абстракт-метафизик ажратишга асосланганини, анъанавий (классик) лингвистика асосий эътиборни мазмунга қаратса, структурал (системавий) лингвистика тил шаклига асосланганини, ана шу жихат ҳар иккисининг ҳам чекланган томони эканлигини баён қилган эди [Л о с е в А.Ф. Э возможности сближения лингвистики классической и лингвистики структуральной. // ВЯ. 1968, № 1. С.50]. Унинг таъкидлашича, структуралистлар тилнинг муносабатлар системаси эканлигини биринчи планга олиб чиқиши тўғри бўлса ҳам, лекин бу ғояга ўта берилиб кетган ҳолда, лингвистик муносабатларни тилнинг ўзидан узиб қўйдилар, тил ҳақида мазмундан ташқаридаги фанни яратишни орзу қилдилар. Айни пайтда, анъанавий метод ҳам тилнинг муносабатлардан ташқарида мавжуд бўлмаслигини эътиборга олмади [Л о с е в А.Ф. Ўша ерда]. Лекин шаклнинг мазмунсиз ёки мазмуннинг шаклсиз бўлмаслиги дунё диалектикаси томонидан аллақачон тасдиқланибгина қолмай, умуминсоний соғлом фикрнинг таянч нуқтайига айланган.

Шундай экан, бу икки тилшунослик текширишнинг икки усулига асосланган, бир-биридан озикланадиган ва ҳар иккиси ўзининг ютуқ ва чекланган томонларига эга бўлган тенг ҳуқуқли тилшунослик йўналишларидир.

Ҳозирги кунда ҳар икки йўналишнинг ожиз томонларини бартараф қилиш учун уларнинг афзал томонларини уйғунлаштириш, тадқиқот жараёнида уларнинг кучли томонларидан ҳеч иккиланмай фойдаланиш давр талабидир.

9-март: ТИЛ ВА КУТҚ МАДАНИЯТИ (2 соат)

Режа:

1. Тил – миллатнинг тарихий-маданий мероси эканлиги.
2. Тил маданияти назарияси.
3. Стилистика ва прагматингвистика.
4. Ўзбек тилшунослигида тил ва кутқ маданиятининг ўрганилиши.

(Т.Бушуй, Ш.Сафаров)

Тил - миллатнинг тарихий-маданий мероси сифатида. Тил – инсоният томонидан ажодлардан мерос қилиб олинган «маънавий бойлик», таркибида турли элементлар, қоидалар, барча сатҳлардаги муносабатлар сақланаётган имкониятлар хазинасидир.

Тил бутун борлиғича тарихий ҳодиса. Кўп тиллиликнинг умуммаданий хусусиятларини ва умуминсоний тил муаммосининг таржима жараёнига оид томонларини ўрганган Женева университетининг профессори Ж.Стайнернинг чуқур ишонч билан таъкидлашича, «ҳар қандай лисоний акт маълум вақт оралиғида кечади. Вақт доирасидан ташқарида ҳеч қандай семантик шакл юзага келмайди. Ҳар қандай сўзни қўллаётиб, дейиш мумкинки, биз унинг олдинги тарихини уйқудан уйғотгандек бўламиз, уни аввалгидек тарихан жаранглашга мажбур қиламиз. Ҳар қандай матн алоҳида тарихий бир замонда вужудга келади... Матнни тўлиқ ўқиш унда ифодаланган мазмунни, нутқнинг ҳаққонийлигини белгилайдиган мақсад ва вазифаларини қайта тиклаш демакдир» (Steiner 1975: 24).

Анъаналарнинг маданий тараққиётга таъсири ҳақидаги унинг куйидаги фикри диққатга сазовордир: «Эҳтимол, маданий анъаналар бизнинг синтаксисимизда мустаҳкамроқ ўрнашиб қолгандир ва бизнинг ҳаётимиз, биз буни истаймизми ёки йўқми, бизнинг шахсий ва ижтимоий ўтмишимизнинг таржимаси бўлиб қолаверади» (Steiner 1975: 467).

Тил фақатгина мавҳум синхрон ҳолатда қаралса ва луғавий бирликларнинг фақат ички структуравий муносабатлари ҳисобга олинса, ҳеч қачон нутқий тузилмалар асл мазмунини англаб бўлмайди. Лисоний мазмун тарихан шакл топган қоидалар мажмуаси, норма, узус кабилар билан боғлиқдир. Тил ва замон бир-бирига боғлиқ ҳолда мавжуд ва бу жаҳоннинг турли минтақаларида яшаётган одамларнинг дунёқарашларини шакллантирувчи омиллар сарчашмаларига мурожаат қилиш имкониятини беради.

Тил ва маданият муносабатини маданият кўп аспектли ҳодиса эканлигини ҳисобга олиб ўрганиш зарур. Шу сабабли тилнинг мураккаб тизим сифатида маданиятнинг турли қисмларига турлича муносабатда бўлиши аниқланган. Бироқ, тилнинг маданият бўлакларига (шунингдек, ижтимоий структурага) таъсири ҳал қилувчи характерга эга эмас.

Инсоннинг лисоний маданияти унинг маънавий оламида муҳим ўринни эгаллайди. Унда тарихий даврларнинг, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг энг муҳим хусусиятлари намоён бўлади. Муҳими, бу хусусиятлар тил структурасида, унинг лисоний қурилишидаги ўзгаришларда, луғат ва фразеология таркибидаги семантик силжишларда, шунингдек, рамзий-стилистик воситалар тизимидаги янгиликларда, нутқий мулоқот нормаларида ва, умуман, тил маданиятининг ижтимоий-психологик вазифалари қаторининг кенгайишида ҳам ўз ифодасини топади.

«Тил маданияти» тушунчасининг мазмуни турли тарихий даврларда турлича кўриниш олиши эҳтимоли йўқ эмас (Щерба 2000: 114-115).

Тил маданияти – энг аввало ижтимоий амалиёт жараёнида шаклланган ва жамият томонидан эътироф этилган тил нормалари, унинг луғат бойлигидир. Уларнинг вазифаси тил воситасида фикрлашнинг мантикий равонлигини, мазмунан аниқлигини таъминлашдир. Тил нормаларининг бузилмаслигини, муҳимлигини таъминлаш орфография, орфоэпия, фонетика, морфология, синтаксис, семантика каби соҳалар зиммасига юкланган. Нутқ узуси, шунингдек, социолингвистик факторларн-инг ҳаракатчанлигига ҳам боғлиқ. Масалан, адабий фаолият доирасининг кенгайиши, миллий тил вариантларининг умумлашуви, адабий тил ва диалектлар орасидаги фарқларнинг камайиши, тилнинг «касбийлашуви», яъни маълум фаолият соҳаси талабларига мослашуви кабилар ҳам тил маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида ўз аксини топади (Маматов 2005).

Умуман олганда, тил нормаларини аниқлаш ва фарқлашда қуйидаги ҳолатларга асосланиш мумкин: 1) тил кўп қатламли, кўп қисмли қурилмадир, бироқ у яхлит воқелик сифатида доимий ривожланишда бўлади ва ҳар доим мулоқот жараёнининг қийинчиликсиз рўй беришини таъминлаш қобилиятига эга; 2) тил нормалари тил тизимида мавжуд бўлган имкониятлар ичидан танлаб олинган бирликлар мажмуасидир; 3) тил нормаси муайян узусга асосланади; 4) тил нормаларидаги ўзгаришлар мазкур тилда сўзловчи жамият аъзоларининг коммуникатив эҳтиёжлари ўзгариши туфайлигина юзага келиши мумкин; 5) тил воқелигида мулоқот муҳитига мос ҳолда фарқланадиган норма қатор ўзига хос белгиларга эга бўлган ўлчамдир; 6) тил нормасини фарқлаш ва унинг хусусиятларини тушуниш учун фарқловчи белгилар икки асосий турда бўлишини унутмаслик зарур: а) соҳалардаги фарқлар бўйича (диалект нормаси, сўзлашув нутқи нормаси, адабий тил нормаси); б) хусусиятига кўра фарқлаш (вариантли ва вариантсиз нормалар, зарурий ва факультатив нормалар ва ҳоказо).

Тил маданияти – социолингвистик ҳодиса сифатида мажмуавий характерга эга. «Тил маданияти» тушунчасининг ўзида, биринчидан, тил тизими ва коммуникатив фаолият ўртасидаги муносабатларнинг, иккинчидан, тил тизимида ижтимоий ва нутқий фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари диалектик табиати ўз аксини топган.

Тил маданиятининг юқорида қайд этилган тамойилларига шахс умумий хусусиятларининг таркибий қисмлари деб ҳам қараш мумкин. Сўзловчи шахснинг тил маданияти мақомини ўрганишда эса, унинг ижтимоий-маданий қоидаларга қандай риоя қилиши ҳисобга олинади. Бу қоидаларни белгилашда шахснинг ёши, жинси, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва иқтисодий ҳолати кабилар инобатга олинади.

«Тил маданияти»дан фарқли ўлароқ, лисоний «мулоқот маданияти» тушунчаси қуйидаги хусусиятлари билан характерланади: 1) бу тушунча лисоний фаолиятнинг икки тури, яъни нутқ яратиш ва уни тушуниш жараёнларини назарда тутди; 2) тўлиқ нутқий ахборотларга тааллуқли бўлади (маълум мавзуга оид матнлар); 3) матнда бир эмас, бир неча тилдаги ахборотларнинг ишлатилиши кузатилади.

Кейинги даврларда лисоний мулоқот маданиятига турлича нолисоний факторларнинг таъсири кучаймоқда. Булар қаторига жамиятдаги ижтимоий ва касбий муносабатларнинг мураккаблашуви, меҳнат фаолиятининг ўзгариши, адресатга нисбатан диққат-эътиборнинг ошиши, ифода воситалари заҳирасининг бойиши кабилар киради. Мулоқот маданияти коммуникантлар характери билан ёки мулоқот вазиятига иложи борица кўпроқ элементларнинг қўшилиши билан боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида ижтимоий ҳаёт кўзгуси бўлган луғатнинг лисоний – маданий ривожланишига олиб келади. Ҳозир у кундалик ҳаётдаги эвфемизмлар ва сиёсий мулоқот жараёнида кенг қўлланилаётган коннотатив баҳолаш бирликлари ҳисобига фаол ривожланмоқда. Масалан, инглиз тилида *fat* сўзи (ёғли, семиз) эвфемистик усулда бошқа сўзлар билан алмаштирилмоқда. Мабодо, гап кийимнинг ҳажми (размери) ҳақида кетса, қуйидаги ифода воситалари қўлланилади: қизлар учун – *churbette*, ўғил болалар учун – *husky*, эркеклар учун – *portly*, аёллар учун – *womens` sizes*. Қиёсланг: Аёлларнинг кичик размерли кийимларини ифодалаш учун – «*misses*» or «*junior*». Бундан ташқари, лисондаги ифода имкониятларнинг кенглигини сўзларнинг кўп вазифалигида ёки полисемантик хусусиятлари намоён бўлишида ҳам кўриш мумкин. Бинобарин, ўзбек тилшунослари М.Миртожиев ва Н.Маҳмудовлар «олтин» сўзининг нутқий тузилмаларда эпитет (сифатлаш) вазифасида қўлланишида ифодаланадиган маъно хусусиятларини қуйидагича изоҳлашади: Ердаги *олтин соч* ва порлоқ юлдузлар нурини ичамиз (Ҳ.Олимжон) гапида муаллиф сочининг рангини ифодаламоқчи бўлса, «*Шу олтин дамларни сезардим танҳо*» (Ғайратий) гапида шоир «қадрга эгалик» ва «хузур- ҳаловатли» онларни эслатмоқчи. Худди шунингдек, «*Иним Ўлчи, олтин бошинг бор*» (Ойбек) ва «*Кам бўлманг, олтин сўзларни айтдингиз*» (И.Раҳим) тузилмаларида қимматлилик, ақллилик, насиҳатомузлик мазмунларига ишора бор (Миртожиев, Маҳмудов 1992: 42-43).

Тилнинг маданий мазмунини ифодаловчи муҳим хусусият-лари қаторига унинг эркин ишлатилишини (ўзи ифодалайдиган нарсага нисбатан ҳеч қандай физик ва биологик рамзийликнинг йўқлиги), маҳсулдорлигини (жумлалар тузиш имкониятининг чекланмаганлиги), семантик универсалликни (ифодалайдиган фикрнинг мавзуси чекланмаганлиги), қатламларнинг силжишини киритиш мумкин. Охиргиси ахборотни макон ва замонга нисбатан бефарқ узатиш мумкинлигини ифодаловчи универсал хусусиятларидан биридир (Anderson 1976: 297-331).

Тил умумий ва хусусий категориялар билан иш юритиш қобилиятига эга. Бироқ, борлиқни тил воситалари билан ифодалаш у ёки бу предмет ва ҳодисанинг белгиларини турлича идрок қилиниши натижасида турлича кечади.

2. Тил маданияти назарияси ҳақида. Тил тараққиётининг ҳозирги босқичида меъёрлашув, намуналашиш, табақаланиш, «интеллектуаллашув», глобаллашув, интернационаллашув ва демократлашув каби турли жараёнлар

кечмоқдаки, уларнинг умумий тил тизимига, у нуткий мулоқот фаолиятига таъсири бир хилда кечмайди.

Меъёрлаштириш ёки стандартлаштириш сўзлашув тили ва ёзма тил услубларини бир қолипга тушириш, улар орасидаги фарқни йўқотиш ҳаракатидир. Бунда адабий тилнинг диалектларга таъсири ва ўзаро таъсир натижасида ҳудудий диалектларнинг аста-секин йўқолиши кўзда тутилади. Бу хилдаги жараённинг бошланиши бадий адабиёт тилининг «камбағаллашуви», унинг грамматикаси ва луғатининг намуна ва норма вазифасини бажара олмай қолишига сабаб бўлади, инсонлар бадий адабиётдан кўра матбуот, радио, телевидение, реклама тилига кўпроқ дуч келишади. Натижада оммавий ахборот воситалари тили билан адабий тил нормаларини мувофиқлаштириш муаммоси келиб чиқади. Бундай глобал ҳодисаларнинг асосий сабаби меҳнат фаолияти жараёнидаги интеграциядир ва бу эса, ўз навбатида, мулоқот фаолиятини жадаллаштирувчи қандайдир бир «умумий тил» яратиш заруратини илгари суради.

Тилнинг табақаланиши эса социолектлар (муайян ҳудуддаги бир гуруҳ, бир ёшдаги, бир хил маданият даражаларидаги одамларнинг мулоқотидаги ўзига хосликлар), «профессиолектлар» (маълум шаклдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишиларнинг мулоқот тили) каби қатламларнинг фарқланишидир. Тил тараққиётидаги бу анъана илмий-техникавий тараққиётнинг, янги касблар, замонавий коммуникация воситаларининг вужудга келиши натижасидир. Масалан, ҳозирги даврда дунёдаги барча тилларнинг луғат таркибида янги атамаларнинг яратилиши, синоним, омоним сўзларнинг кенг тарқалиши, контекстуал маъно ролининг ошиши билан боғлиқ луғавий табақаланиш ҳодисаси кенг тарқалмоқда.

Тилнинг «интеллектуаллашуви» - умумий мулоқот тилига илмий тилга хос хусусиятларнинг кенг миқёсда кириб келишидир. Бу ҳолатда лисоний мулоқотнинг аниқликка, бир маънолилиқка, ифода воситаларини тежашга бўлган интилиши кузатилади. Бунинг сабабларидан бири фан ва техника тараққиёти, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлигидир. Интеллектуаллашув тил системасининг лексик, фонологик ва морфологик қатламларида ўз аксини топади. Масалан, ҳозирги немис тилида бу ҳодисани куйидаги жараёнларда кўриш мумкин: 1) луғат таркибига махсус илмий-техникавий атамаларнинг кўп миқдорда кириб келиши (масалан, «Plast»- дастлаб бу термин органик кимёга мансуб эди, ҳозирги пайтда у «сунъий мато» маъносини англатади.); 2) тилда мавжуд бўлган луғат бирликларининг махсус семантик маънога эга бўлиши.

Тилнинг интернационаллашуви – умумий тилнинг бир неча тилларда мавжуд бўлган, бир хил шакл ва маънода ишлатилувчи янги сўзлар билан бойишидир. Тилларнинг интернационаллашувида инглиз тили муҳим ўрин тутди. Лотин, юнон ва бошқа тиллар асосида ҳам янги интернационал сўзлар вужудга келмоқда. Масалан, олмонча: «Autopilot» - автопилот, «Antikriegs film» - урушга қарши фильм; ўзбекча: «мониторинг», «лицей», «траффик», «гендер» кабилар.

Тилнинг демократлашуви – бу ёзма ва сўзлашув тилининг бир-бирларига яқинлашувидир. Бу ҳодиса сўзлашув тилидаги бирикмаларнинг ёзма нутққа кириб келишида ўз аксини топади. Масалан, немис тили ёзма нутқида мустақкам ўрин олган «Fernschen» - «телевидение» сўзи ёшларнинг сўзлашув тилида «Television» сингари қўлланилади, асос сўз «Tele» эса айрим қўшма отларнинг ясалишида ишлатилади: «Tele - Theater» - телетеатр, «Tele - Klub» - телеклуб; Қиёсланг: ўзбекча «Теледебат», «Телеўйин».

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларини ифодаловчи «тил маданияти» масаласининг ўрганилиши долзарб муаммо эканлиги ҳақидаги фикрга қўшилиш мумкин.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатлари масаласини ўрганар эканмиз, маданиятнинг кўп қиррали ва кўп аспектли ҳодиса эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ўз навбатида, тил ҳам мураккаб қурилма сифатида маданиятнинг турли қисмлари билан бир хил муносабатларга киришавермайди. Аммо, тилнинг маданиятнинг турли элементларига таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас (Сафаров 2006).

Инсоннинг тил маданияти унинг маънавий оламида муҳим ва залворли ўрин эгаллайди. Унда тарихий босқичнинг, тизимнинг, у ёки бу ижтимоий-иқтисодий қурилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топади. Улар тил қурилишида унинг асосий лисоний хусусиятларнинг ўзгаришларида, стилистик воситаларнинг идрок қилинишида, мулоқотнинг ўзига хос (махсус) шаклларида, шунингдек, тилнинг ижтимоий фаолиятдаги вазифаларида ҳам ўз ифодасини топади. Шу сабабли «тил маданияти» тушунчаси турли тарихий даврларда турлича мазмунга эга бўлган.

Тил маданияти, энг аввало, илмий ҳулосалар ва ижтимоий амалиёт натижалари асосида ўрнатилган, лисоний фикрлашнинг аниқлигини таъминлайдиган тил нормалари, унинг луғат бойлиги, фразеологик захирасидир.

Тил маданияти ҳодисасини унинг тараққиёти нуқтаи назаридан ўрганиш учун қуйидаги тадқиқ йўналишларига мурожаат қилиш лозим:

1)орфография (замонавий тизимни архаик хусусиятлардан тозалаш мақсадида орфографияни илмий асосларда ислоҳ қилиш борасидаги тадқиқотлар);

2)нутқнинг товуш (оҳанг) томонини ўрганишга оид тадқиқотлар (бу тадқиқотлар фақат орфоэпиягагина доир эмас, балки талаффузнинг мулоқотни амалга оширишдаги вазифасини ҳам қамраб олади);

3)морфология. Тил маданияти муаммоси грамматикага ҳам дахлдордир, бироқ грамматик тизимда тил маданияти бошқача йўналиш олади. Зеро, тил маданияти назарияси мустақил равишда морфологик норма яратишга қодир эмас. Норма тил тизимининг ўзида вужудга келади, тил маданиятининг унга таъсири билвоситадир;

4)синтаксис. бу соҳани тил маданияти доирасида ўрганишда оғзаки ва ёзма нутқ синтаксиси ўртасидаги фарқларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади;

5)тил маданиятини стилистик фарқлар нуқтаи назаридан ўрганиш;

б) тил маданиятини семантик нуқтаи назардан ўрганиш луғат таркибини меъёрлаштириш ва атамалар тизимини тараққий эттириш имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ.

Нутқ узусига боғлиқ бўлган социолингвистик ҳодисалар қуйидагилардан иборат:

- адабий тил фаолият доирасининг кенгайиши;

- миллий тилнинг алоҳида вариантларининг ички интеграцияланиши; адабий тил ва маҳаллий диалектлар орасидаги фарқлар тобора камая боради. Бу кўплаб мамлакатлардаги урбанизация жараёнининг жадаллашуви, жамият тизимининг ўзгариши туфайли рўй беради.

3. Нутқ узуси адабий тил нормаларига катта таъсир ўтказа бошлаган янги зиёлилар авлодининг шаклланиши.

Барча табиий тиллар фикр ифодалашнинг универсал системаларидир. Тил ёрдамида маданият ривожининг турли босқичларида турган ҳар қандай жамоа барча турдаги коммуникатив эҳтиёжларини қондиради. Ҳозирги замон адабий тилларининг характерли хусусиятларидан бири, масалан, юқорида зикр қилинган «интернационаллашув» ва «интеллектуаллашув»дир. Бунинг натижаси ўлароқ, барча мамлакатларда, нафақат миллий ўз-ўзини англаш ва она тилига, унинг маданиятига, балки тилларнинг луғат таркибини бошқа тиллар орқали бойитишга ҳам эътибор кучайди (Бушуй 2003: 120-124). Масалан, Жанубий-Шарқий Европа тилларида XX аср давомида ижтимоий-сиёсий атамалар тизими шаклланишига назар солсак, у ўхшаш ўзгарувчан коммуникатив вазиятлар шароитида юзага келган ҳамда янгидан вужудга келган маънавий ва моддий маданиятга оид тушунчалар ҳисобига бойиганлигини кўрамиз. Аммо бу жараён турли тилларда турлича йўллар билан кечди. Масалан, болгар тилида луғат таркибининг бойиши кўпроқ рус тилидан кириб келган сўзлар ҳисобига рўй берди. Румин тили француз тили, янги грек тили қадимий юнон тили ҳисобидан бойигани кузатилди. Албан тилида эса, она тили элементларидан янги сўзлар яшаш анъанаси, серб-хорват тиллари рус тилидан ўзлаштириш ва она тили заҳирасидан фойдаланган ҳолда янги сўзлар ясалиши билан характерланади. Дикқатга сазовор томони шундаки, болқон тилларининг ўзаро муносабатлари уларнинг ижтимоий-сиёсий лексикасида қарийб ўз аксини топмади ва ушбу тилларда инновацион жараёнлар кўпроқ нолисоний факторларнинг таъсири ҳисобига кечди.

Тиллараро муносабатларга тил маданияти назарияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу ўринда академик Л.В.Щербанинг қуйидаги ибратли фикрини келтирмоқ жоиз: «Янги тушунчаларни номлаш учун тилнинг ўзида сўз топилмаса, ўзга тиллардаги тайёр сўзлардан, айниқса, улар байналминал кўринишда бўлса, фойдаланишдан чўчимаслик керак. Мабодо, янги тушунчани ўз воситалари билан ифодалаш имконияти бўлса (сўз яшаш ёки қўшма сўзлар тузиш), албатта, ўз луғат таркибини бегона элементлар билан тўлдирмаслик яхши. Бироқ, бу икки ҳолатнинг чегаралари шунчалик нозикки, уни махсус лингвистлик, адабиётшунослик сезгиси билангина пайқаш мумкин. Бироқ, бу сезги албатта мистик характерга эга эмас ва у филологик тарбия натижасида шаклланади» (Щерба 2000: 117).

Ҳозирги пайтда жаҳонда миллий тилларни атамалар яратиш ҳисобидан бойитиш борасида катта тажриба тўпланди. Масалан, малай тили қуйидаги принциплар асосида ясалган атамалар орқали ўз таркибини бойитмоқда:

1. Дастлаб умумфойдаланишда бўлган сўзлар асосида атамалар яратиш. Масалан, «бирга қочмоқ» маъносидаги малазийча «selari» сўзи илмий тилдаги «параллел» маъносида ишлатилади;

2. Мумтоз малазий тилининг луғат бойлиги семантик ўзлаштира сўз манбаи вазифасини бажаради. Масалан, «жисм» - олдин «тана, вужуд»ни англатиб, ҳозирда «осмон жисми» маъносидаги тушунчани ифодалайди.

3. Илмий атамаларнинг бир қисmini атамаларга айланган диалектга оид сўзлар ташкил қилади. Масалан, кедах ва келантан диалектларидаги «охир», «якун» маъносидаги «sut» сўзи илмий терминологияда бошқа маънода ишлатилади. Шунингдек, семантик деривация, калькалаш, фонетик ўзгартириш ва бошқа сўз яшаш усулларида ҳам фойдаланилади (Istilah pendiekan Melayu- Inggeris... 1996).

Тил маданияти социолингвистик ҳодиса сифатида мажмуавий хусусиятга эга. Тил маданияти деганда, адабий тилнинг асосий қонуниятларини ва ўзига хос хусусиятларини, унинг ижтимоий нормаларини (орфоэпик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик воситаларини) онгли ва мустақкам ўзлаштириш тушунилади. Бунга адабий тилнинг функционал услубларини ҳам киритиш мумкин. Тил маданияти доирасига тилнинг жамиятда тутган ўрнига боғлиқ бўлган ҳодисалар ҳам мансубдир. Барча диалектлари билан муносабатда бўлган адабий тил маданийлашади.

Тил маданияти масалаларини ўрганишда ҳар бир адабий тил ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиши ва бу хусусиятларнинг мулоқот муҳити ва вазияти билан боғлиқлиги ҳисобга олинади. Адабий тил нормалари ҳам динамикдир ва унинг ўзига хос хусусиятларидан бири ифода воситаларининг вариантлилигидадир.

Тил маданияти учун ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, миллий онг, маданий омилларнинг таъсири тилнинг ички тизимий ўзгаришлари фаоллиги, меъёрлаштириш сиёсатининг таъсирчан-лиги катта аҳамиятга эгадир.

Тил нормасига таъсир қилувчи ички жараёнлар каторига, биринчи навбатда, сўзлар полиморфизмининг чекланганлигини ва аналитик конструкциялар салмоғининг ошиб бораётганлигини киритиш мумкин. Бу жараёнлар таъсирида муқобиллар миқдори ошиб бормоқда. Уларни баҳолаш ва энг маъқул вариантларини танлаш бугунги кундаги кўплаб мамлакатларнинг меъёрийлаштириш борасидаги сиёсатининг долзарб масаласи ҳисобланади.

«Тил маданияти» тушунчаси умумий «маданият» тушунчаси доирасида унинг бошқа соҳалари билан боғлаб ўрганилади.

Ўтмишда тил маданияти энг аввало пуризм (тилни ёт унсурлардан тозалаш) ғояси билан боғлиқ ҳолда ўрганилган ва у назарий тилшунослик тамойилларидан анча йироқ бўлган. Ҳозирги пайтда тил маданияти мустақил илмий предмет сифатида шаклланаёпти.

Тил маданиятининг асосий ўлчови сифатида, қандайдир бир мавҳум меъёр (софлик) эмас, балки тилнинг ўз асосий вазифаларини бажара олиш қобилияти қабул қилинди. Ҳозирги замон тил маданияти фани ўз олдига эркин ва аниқ нутқий мулоқотни таъминлашни асосий мақсад қилиб қўяди. Масалан, Европада бу ишга Прага тилшунослик мактаби ўзининг катта ҳиссасини қўшди (тилга функционал ёндашув, тил тизимининг динамик мувозанати ҳақидаги таълимотлар).

«Тил маданияти» тушунчасини унда сўзловчи шахслар маданияти билан боғлаб ўрганиш зарур. Чунки «тил маданияти» тушунчасида бир томондан тил системаси ва нутқ фаолиятининг, иккинчи томондан, тил ва нутқ орқали юз берадиган ижтимоий ва индивидуал фаолиятнинг диалектик муносабатлари ўз аксини топади.

Тил маданиятининг бу томонлари алоҳида шахс фазилатларининг мажмуасини ташкил қилади. Шу сабабли, тил маданиятини шакллантириш шахсга таълим ва тарбия бериш жараёнида муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қуйидаги масалалар муҳокамаси муҳимдир: 1) шахснинг таълим ва тарбияси жараёнида тил маданияти қандай рол ўйнайди? 2) таълимнинг турли босқичларида тил маданиятини ўргатиш борасида қандай вазифалар илгари сурилади?

Сўзловчи шахс ва тингловчи нутқий мулоқот жараёнида ўзаро тўрт турдаги *социолингвистик муносабатлар пиллапоясини* эгаллаши қайд қилинган, булар – *юқори, тенг, паст ва нейтрал*.

Бундай даражаланишда нутқий мулоқот иштирокчиларининг «ижтимоий масофа»си (social distance) ҳам ўз ифодасини топади. Бу кўпинча мулоқот жараёнининг «юқоридан пастга» қабилида, суҳбатдошни менсимаслик, буйруқона оҳангда рўй беришига олиб келади. Бундан ташқари, суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхши танимаслиги оқибатида рўй берадиган «бетакаллуф» мулоқот тури ҳам мавжуд. Мулоқотда иштирок этувчи шахсларни бир-биридан ажратиб турувчи бу ҳолатлар нутқий мулоқот муносабатларининг даражасини белгилайди. Масалан, ўғилнинг ўз отасига муносабати «пастдан юқорига» ва «ўзаро яқинлик» даражаларида баҳоланади. Буларнинг ҳаммаси тил маданиятини белгиловчи муҳим омиллардир.

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган муносабат даражаларининг бирор бир тилда тўлиқ ифодаланиши қийин масала. Масалан, К.М.Хорненинг кузатишларига кўра, инглиз тили учун кўпроқ «бетакаллуф нейтрал» даража характерлидир (Horne 1995: 77-87). Француз-немис ва испан тиллари эса бу борада «яқин - нейтрал» («close - neutral») ва «узоқ нейтрал» («distant - neutral») даражаларидан фойдаланишади. Айни пайтда, корейс тили юқорида келтирилган даражаларнинг олтитасидан фойдаланиши билан бошқа тиллардан фарқ қилади: «узоқ-юқори» («distant-superior»), «яқин-тенг» («close-equal»), «узоқ-паст» («distant-inferior»), «узоқ-нейтрал» («distant-neutral»), «шахсиз-нейтрал» («impersonal-neutral»), «яқин-нейтрал» («close-neutral»). Яван тилида эса, нутқ даражаларининг сони тўққизтага етади. Яван

тиллари доирасида юқори мансабдор шахсларнинг болалари нутқ маданияти даражаларини коллежга ўқишга кириш пайтларидаёқ эгаллаб оладилар.

Нутқий мулоқот даражасини ифодаловчи воситалар турли-тумандир. Шундай бўлса-да, ҳар бир тилда, одатда, қайсидир бир усул устувор характерга эга бўлади. Масалан, тай тилида асосан расмий (protocol) иборалар ишлатилса, яван тилида бундай ҳолда шунга мос лексика танлашга интилишади. Корейс тилида эса, бошқа ифода воситаларидан фойдаланиш истисно қилинмаса-да, грамматик кўрсаткичларга таянилади (Horne 1995: 85-86). К.М.Хорне таклиф қилган бу модел ҳозирги пайтда ижтимоий-маданий ўзгаришлар нутқ даражаларидаги фарқларни камайишига олиб келаётган япон ва бошқа тилларда содир бўлаётган айрим силжиш, янгиликларни аниқ тавсифлашга ёрдам беради.

Нутқ маданияти тил воситаларидан муайян нутқ вазиятига мос ҳолда фойдаланишни тақозо қилади. Сўзловчи турли функционал услублардан эркин фойдаланиши лозим. Ижтимоий коммуникатив фаолиятни муайян қонун-қоидалар асосида ривожлантириш, тил маданияти ва тил сиёсати оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш умуммаданий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Нутқ маданияти ғояси доирасида ривожланаётган назарий йўналишлар қуйидагилардир:

- 1) нутқ нормаларининг вариантлилиги;
- 2) нормаларни баҳолашга вазифавий ёндашув;
- 3) адабий тил нормаларининг шаклланиши ва ривожланишида ташқи ва ички (лисоний ва нолисоний) факторларнинг алоқаси;
- 4) миллий тил таркибида адабий тил элементларининг ўрни, роли ва бошқалар.

Нормативлик масалаларига тил бирликлари вазифалари нуктаи назаридан ёндашув маданий мулоқот фаолиятининг лисоний тарбия дастурига айланишига, лисоний ҳиссиётнинг шаклланишига, мулоқот малакасининг ривожланишига, ҳар қандай нутқий вазиятларда жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга мос равишда образли ифода воситаларидан унумли фойдаланишга олиб келади. Бундай ёндашув тил нормасини, адабий тилни, унинг функционал алоқаларини ва диахроник ўзгаришларни тарихан, ижтимоий ва лингвистик жиҳатдан англашни тақозо қилади. Н.Махмудов таъкидлаганидек. «маданий нутқ учун фақат грамматик тўғрилиқ эмас, балки танланган ифода вариантининг ижтимоий мақбуллиги, ўринлилиги ҳам муҳимдир» (Махмудов 2007: 13). Тил маданияти нутқ маданиятига нисбатан кенг тушунча; Биринчиси, нафақат эшитиладиган нутққа, балки матнга ҳам тааллуқлидир. Нутқ маданияти эса аввал эшитиладиган ва кейин идрок қилинадиган ҳодисадир. Бироқ улар орасидаги барча зиддиятлар лисоний фаолият жараёнида ечилади. Бу жараёнда тил заҳираларига гоҳ фаол, гоҳ онгли муносабатлар кўзга ташланади ва айнан улар тил маданиятининг моҳиятини ташкил қилади.

Тил маданияти тушунчасининг мазмуни ҳам кўп қирралидир. Масалан, миллий (масалан, немис тили) адабий тилнинг нутқ маданияти шу

миллатнинг анъаналари ва ҳозирги эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир ва улар миллий маданиятнинг умумий шарт-шароитлари ва улар тарқалган ҳудуддаги тил қурилиши билан ифодаланади. Масалан, Швецарияда немис тилининг софлиги немис стандарт тилининг софлиги деб эмас, миллий хусусиятларга эга бўлган швецар узусининг немис адабий тили меъёри деб тушунилади.

Шундай қилиб, маданият деганда, инсоният жамияти томонидан яратилган ва шу жамият амал қиладиган хулқ-атворлар мажмуаси тушунилади. Тил умумийлиги дейилганда эса, тарихан шаклланган, бир хил лисоний бирликлардан фойдаланиш, шунингдек, фойдаланиладиган тилга нисбатан мавжуд умумий социал баҳолашлар системаси тушунилади.

Инсоннинг умумий маданияти тил маданияти билан узвий боғлиқ. Инсон умумий маданиятининг ривождаги энг муҳим ютуқлардан бири ўз тилидаги қолоқ элементларни йўқ қилишга интилишдир. Бу шахснинг ўз фикрини самарали равишда оғзаки ва ёзма баён қила олиш, тилнинг замонавий лексик ва фразеологик воситаларидан, стилистик захираларидан фойдалана олиш қобилиятини ифодалайди.

Тил маданиятининг тараққиёти ҳам ижтимоий, ҳам лингвистик омилларга боғлиқ. Ижтимоий омиллар қаторига жамиятнинг муайян даражадаги тараққиёти, иқтисоддаги, халқаро миқёсдаги, фан ва маданият соҳасидаги интеграция-лашув анъаналари киради. Бу омиллар лингвистик факторлар билан бирлашиб, ягона бутунликни ҳосил қилади, яъни миллий тилни, биринчи навбатда, адабий тилни илмий англаш орқали тил маданиятининг тўлиқ назарияси яратилади.

Тил маданиятининг назариясини ва амалиётини, социоллингвистик асосларини қуйидаги вазифалар фаоллаштиради:

- тил маданиятини тадқиқ қилишни маданият тушунчасининг умумий доирасида ташкил қилиш.

- тилни онгли равишда маданийлаштиришга интилиш (Германия, Венгрия, Польша, Чехия, Словакия, Болгария, Франция, Туркия).

- фуқароларнинг адабий тилга нисбатан мустаҳкам ва ижобий муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган тил ва маданият сиёсатини қўллаб - қувватлаш, чунки тил маданияти борасидаги ҳар қандай фаолият, сўзловчи шахснинг тилга муносабатини эътиборга олиши лозим. Бундан ташқари, ушбу фаолият муайян, олдиндан мавжуд бўлган қоида, йўл-йўриқлар, объектив баҳо шартларига ҳам таянади.

Шундай қилиб, норма шаклланиши жараёни қуйидагилардан иборат:

1. Дескриптив (тавсифловчи) босқич;
2. Нормани тўғрилаб бориш босқичи (бу босқич баҳолаш ва кодлаштиришни ҳам ўз ичига олади);
3. Перформатив босқич (тил тизимини воқеликни етарли даражада ифодалай олиши нуктаи назаридан таҳлил қилиш).

Илм-фан, техниканинг беқиёс ривож ижтимоий ҳаёт фаолиятларининг жадаллашув жараёни мураккаб ижтимоий муносабатларни ва моддий воқеликнинг барча соҳаларини лисоний ифодалашда янги муаммоларини

юзага келтиради. Шу сабабли ҳозирги пайтда турли халқлар маданиятининг ўзаро муносабатларини ифодалаган тил муаммоларни тадқиқ қилаётиб, ҳар бир жамиятда тиллар, маданиятлар тараққиётининг ўзига хос ва умумий хусусиятларини, қонуниятларини ҳисобга олиши талаб қилинади.

Тиллар ва маданиятлар ўзаро муносабатларининг энг умумий қонуниятлари қаторига турли тилларнинг ўзаро алоқаларга киришувини ва бир-бирларини бойитишларини киритиш мумкин. Бироқ бу турдаги алоқа тиллар ва маданиятларнинг нафақат тараққиётига ёки бойишига, балки айрим ҳолларда ривожланишига тўсиқ бўлиши мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

*10-март: ИСТИҚЛОЛ ВА ТИЛШУНОСЛИК ТАРАҚҚИЁТИДА
БЎЛГАН ЎЗГАРИШЛАР
(2 соат)*

Режа:

1. Мустақиллик шароитида ўзбек тилшунослигининг ривожланиш шарт-шароитлари.
2. Ўзбек тилшунослигидаги структурал тадқиқотлар.
3. Ўзбек тилшунослигида тилни тизим сифатида ўрганиш масалалари.
4. Ўзбек халқи тараққиётининг мустақиллик даврида тил ва нутқ маданияти.

Маҳмудов Низомиддин, Бегматов Эрнст
Тилимизнинг кеча ва кундузи / Ўзбек тили ва адабиёти,
2010, №5, 3-11-бетлар

Мақолада она тилимизнинг мустақилликкача ва ундан кейинги тақдири ва тарққиёти таққослашлар асосида ёритиб берилган. Бунда И.А.Каримовнинг фикр-мулоҳазаларидан кенг фойдаланилган, бу борадаги қонун ҳужжатларига мурожаат қилинган.

-НМ ва ЭБ: «тарихимизнинг турли давларида юртимиз ҳудудига бостириб кирган истилочилар аجدодларимизнинг маданияти, маънавияти ва миллий ўзлиги тажассум топган нодир қўлёмаларни ваҳшийларча ёққани, халқни минг йиллик меросидан мангуга мосуво қилмоққа жаҳд қилганлиги маълум. Аммо **даҳо халқимиз ўзининг она тилини ибратли ҳикоялар, ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар, қўшиқлар, эртаклар, пандномалар, афсоналар, асотирлар, ўлмас дostonларда оғзаки сўзлаб ва куйлаб, саломат сақлаб, тарихнинг долғали довларидан олиб ўтиб, авлодларга мерос қилиб қолдирган.** Шу сабабли фольклор нафақат бадий, маданий хазина, балки

Ўзбек тилини ўз бағрида асраган, унинг бойиши ва такомил топиб бориши учун хизмат қилган ўлмас бойлик ҳамдир». 10.

Низомиддин Маҳмудов Ўктам ва ўлмас тилимиз / Тафаккур, 2010, 4-сон, 4-11-бетлар.

(А.Нурмонов, Ш.Искандарова)

1. Система ҳақида маълумот

Бизни қуршаб турган олам бир бутунлик, яъни системадир. Оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса бир-биридан ажратилган ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқҳолда мавжуд бўлади. Масалан, ер юзидаги инсоният, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини оладиган бўлсак, уларнинг ҳар бири ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ички гуруҳларнинг бир бутунлигидан иборат бўлиши билан бирга, ҳар қайси бутунлик бошқа бутунлик билан узвий муносабатдадир. Инсоният олами ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар олами билан узвий боғлиқ. Ҳайвонот дунёси, ўз навбатида, ўсимликлар дунё-си билан боғлиқ. Агар ўсимлик бўлмаса, ҳайвонот олами нормал яшай олмайди.

Қар қандай система ички бўлинувчанлик хусусиятига эга. Система муайян ички тузилишга эга бўлиб, икки ва ундан ортиқ қисмларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Масалан, бир туп дарахтни олсак, бу дарахт система сифатида ички тузилиш бирликларининг ўзаро муносабатидан иборат. Унинг ички тузилиш бирликлари илдиз, тана, шох ҳамда уларнинг муносабатидан ташкил топади. Системанинг иккинчи жиҳати шундан иборатки, системани ташкил этган узвлар ўзаро шартланган, бир-бирини тақозо этувчи қўп поғонали муносабатда бўлади. Масалан, илдизсиз тананинг, ганасиз шохнинг бўлиши мумкин эмас. Уларнинг ҳар қайсиси бир-бирини тақозо этади, бир-бири билан шартланган муносабатда бўлади. Системанинг учинчи жиҳати шундаки, ҳар қандай система ички бўлинувчанлик хусусиятига эга бўлганлиги туфайли системани ташкил этган қисмлар билан система ўртасида ҳам муносабат бўлади. Бу муносабатни "...дан ташкил топади", "... нинг таркибига киради" ифодаси билан кўрсатиш мумкин. Бошқача айтганда, у бу-

-5-

тун ва бўлак, жинс ва тур муносабатини ўз ичига олади. Масалан, дарахт ва унинг илдизи, танаси, шохи, барглари ўртасида бутун ва бўлак муносабати бўлса, дарахт билан олма, ўрик, шафтоли ўртасида жинс ва тур муносабати мавжуд. Системанинг тўртинчи жиҳати ички тузилишининг поғонавийлигидир, яъни бутун ва бўлаклик, жинс ва турлик муносабати нисбий характерга эга. Маълум турларга нисбатан жинс, бўлакларга нисбатан бутун бўлган қисм бошқа бутун ёки жинс таркибига кириб, бўлак ёки тур бўлиши мумкин. Масалан, олма бир неча навларнинг умумлашмаси сифати-

да навларга нисбатан жинс, ҳар қайси нав эса тур бўлиб келса, дарахтга нисбатан олма тур ролини ўйнайди.

Системанинг яна бир жиҳати субстанционаллигидир, яъни субстанция ва уни бевосита кузатишда тазоҳирлар орқали воқеланиши, умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик диалектикасининг ўзида намоён қилишидир.

Унсурларнинг бир-бирини тақозо этиши, ўзаро шартланиши шундаки, бирининг йўқолиши иккинчисига албатта таъсир қилади. Масалан, светофор ранглари олайлик. Қизил, сариқ, кўк ранглар "Ўтма", "Тайёрлан", "Ўт" маъноларини беради. Агар сариқ ва кўк ранг ишламай қолса, қизил ранг "Ўтма" маъносини ифода қолмай қолади.'

Шундай қилиб, бир-бирини тақозо этувчи икки ва ундан ортиқ унсурларнинг ўзаро шартланган муносабатидан ташкил топган бутунлик система саналади.

Бу жиҳатдан фан ҳам системадир. Фан система (бутун-лик) сифатида ички бўлиниш хусусиятига, яъни ички тузилишга эга. Унинг ички тузилиши поғоналидир.

Бу бўлинишнинг ҳар бири бир поғонани ҳосил қилиб, кейинги бўлинишлар учун кичик система вазифасини ўтай-ци. Масалан, фан табиий фанлар, ижтимоий-гуманитар ва техника фанлари йўналишларига бўлинади. Табиий фанлар системасида ўзаро муносабатда бўлган бир неча бўлақларнинг биттаси сифатида система элементи саналса, кейин-ги босқичда табиий фанларнинг ўзи физика-математика, кимё, биология каби фан тармоқларини ўз ичига олиб, бу фанлар учун система ролини ўтайди. Физика-техника фан-

'Баранникова Л.И. Основне сведения о языке. М., 1982. С. 52.

-6-

лари физика ва математика фанларига бўлинади. Улар яна ички бўлинишга эга. Масалан, математика ўз ичида математик таҳлил, геометрия, эҳтимоллар назарияси, алгебра ва сонлар назарияси каби ихтисосликларга бўлинади.

Ҳар бир бўлинишда бўлинувчи система бўлса, бўлинма унинг аъзоси вазифасини бажаради. Система таркибидаги ҳар бир аъзо шу система доирасида ўзаро шартланган, бир-бирини тақозо этувчи муносабатда бўлади. Жумладан, математика таркибига кирувчи барча ихтисосликлар ўзаро ана шундай муносабатдадир. Фанлар системасида маълум фан тармоғи билан муносабатда бўлмаган бирор тармоқ мавжуд эмас. Бир объект ҳозирги кунда бир неча фанларнинг оралиғида ўрганилиши лозим эди. Демак, маълум бир фан бошқа туташ фанларсиз тўлақонли муваффақиятга эриша олмайди.

Кейинги йилларда фалсафа ва табиатшунослик олдида ҳар қайси система бирликларини ўз ичида бошқа системалар билан муносабатда ўрганиш, системанинг моҳияти, унинг турлича қўринишларини очиш, умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, тасниф этиш ҳамда системанинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқасини белгилашдек вазифалар қўйила-ётганлигини таъкидлаган ҳолда, В.Г.Афанасьев: "Ҳозирги замон фани ва тажрибаси бизни қуршаб турган моддий ва маънавий муҳит алоҳида-алоҳида предмет, ҳодиса,

жараёнлардан эмас, балки ўзаро боғлиқ бўлган объектлар йиғиндисидан ташкил топган ва у бир бутун, систем тузилманинг муайян бир тури эканлигини тасдиқлайди", — дейди.

Илмий адабиётларда системанинг 40 га яқин таърифи мавжуд. Жумладан, А.Берталанфи фикрича, система ўзаро муносабатда бўлган элементлардан ташкил топган бир бутунликдир.

В.М.Солнцев эса: «Система ўзаро муносабатда бўлган элементлар мажмуасидан иборат бир бутун объектдир», -дейди. Барча таърифларда системага хос қуйидаги асосий белгилар кўрсатиб ўтилади:

- 1) система — бир бутун объект;
- 2) система — бир бутун объект элементлари;
- 3) элементлар ўртасида муносабат мавжуд.

Бироқ ҳар қандай ўзаро муносабатда бўлган элементлардан ташкил топган бир бутунлик системани ташкил эта-

-7

вермаслиги, шунингдек, системани ташкил этган бир бутунлик ўзаро муносабатда бўлган элементларнинг оддий йиғиндиси эмаслиги бугунги кунда аниқ кўриниб қолди. Яъни системани ташкил этган бир бутунлик унинг элементларида мавжуд бўлмаган янги сифатга ҳам эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, бир бутун система уни ташкил этган қисм (компонент) ларга ҳам таъсир этади, у табиатига мос тарзда уларни қайта шакллантиради ва бунинг натижасида қисмлар муайян ўзгаришга учрайди. Элементлар бир бутун системага киргунга қадар бўлган айрим хусусиятларини йўқотиши, айрим хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Жумладан, атом ядроси нейтрон ва протонлардан ҳосил бўлсада, бу элементлар бир бутун таркибида янги сифатга эга бўлади, яъни эркин нейтрон беқарор бўлиб, нисбатан қисқа яшайди, аммо атом таркибида у барқарор белгига эга бўлади.

Системани ташкил этган элементлар хусусиятига кўра икки асосий системадан иборат бўлиб, биринчи моддий система, иккинчиси идеал система саналади.

Моддий системанинг субстанциясини системани ташкил этган материал элементлар йиғиндиси ҳосил қилади. Бу системада уни ташкил этган элементлар ўзларининг физик хоссалари билан муайян аҳамият касб этади.

Идеал система эса маълум муносабатлар билан боғланган идеал объектлар бўлиб, улар инсон фаолиятидан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Жумладан, илм-фандаги тушунчалар системаси идеал система ҳисобланади.

Инсоннинг тафаккур фаолияти ҳисобига юзага чиқадиган идеал система ташқи оламнинг намоён бўлиши шакли саналади.

Назорат саволлари:

1. Система нима? Унинг асосий белгилари қайсилар?
2. Фан нима учун система саналади?
3. Моддий система ва идеал системанинг ўзига хос то-монлари нимада?

2. Тилнинг моҳияти. Унинг система эканлиги

Тил мураккаб ҳодисадир. Қайси томондан ёндашишга мувофиқ, у турлича таърифланиши мумкин.

1. Вазифаси нуқтаи назаридан: а) тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси, фикрни шакллантирувчи, ифодаловчи; б) билимларни тўплаб, кейинги авлодларга етказувчи; в) тингловчига таъсир қилувчи воситадир. Булардан биринчиси тилнинг коммуникатив, иккинчиси куммулятив, учинчиси эса экспрессив функциясини эътиборга олади.

2. Қурилиш механизми нуқтаи назаридан: тил айрим бирликлар ва бу бирликлардан фойдаланиш қоидалари йиғиндиси.

3. Семиотик нуқтаи назардан: тил белгилар системаси. Х. Ахборот узатиш назарияси нуқтаи назаридан: тил мазмуний ахборотни кодлаштириш учун хизмат қиладиган код саналади.

5. Гносеологик нуқтаи назардан: тил маънолар дунёси билан товушлар дунёси ўртасида воситачилик қилувчи мураккаб система (У.Чейф) ва бошқалар.

Бу кўрсатилган таърифлар тилнинг мураккаб қирраларидан фақат биттасига таянади ва ҳар қайсиси ўзи таянган қирраси нуқтаи назаридан бир томонлама тўғри акс эттиради.

В.М.Солнцев эса тилнинг бу белгиларининг барчасини жамлаган ҳолда унга қуйидагича таъриф беради: "Тил кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қилувчи семиотик (белгилик) хусусиятга эга бўлган функционал моддий системадир".

Тил сўз, морфема ва фонемаларнинг оддий йиғиндиси эмас. У бир бутун системадир. Тилнинг системалилиги унинг ички тузилишида намоён бўлади. Чунки у ҳам ички узилишига эга бўлиб, бу ички тузилиш поғонавийлик хусусиятига эга. Ҳар бир поғонага хос бирлик икки ва ундан ортиқ узвларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топ-

3 С о л н ц е в В.М. Язык как системно-структурное образование. М, 1971. С.4.

-9-

ган бутунликдир. Масалан, синтактик сатҳ бирлиги бўлган гап предикатив белгиси ўзида ифода этувчи бутунлик саналиб, шахс (персоналлик), замон (темпораллик), модаллик ва тасдиқ-инкорлик маънолари ва бу маъноларни ифодаловчи шаклларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади. Сўз морфологик сатҳ бирлиги сифатида икки ва ундан ортиқ морфларнинг ўзаро муносабатидан ташкилл топган бутунлик, морфема эса икки ва ундан ортиқ фанларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади.

Кўринадики, тил бир бутун сифатида система бўлиб, у ички бўлинувчанлик хусусиятига эга. Тилнинг ички бўлиниши поғонавийлик касб этади. Тил ички бўлинишининг энг охириги нуктаси шаклий томондан фонема (фон), мазмуний томондан сема билан яқунланади. Масалан, жўналиш маъносини билдирувчи морфема икки ва ундан ортиқ элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик ҳисобланади. Бу бутунлик шаклий томондан [г] ва [а] фонема (фон)ларининг худди шу тартибдаги синтагматик муносабатидан, мазмуний томондан эса йўналиш (Тошкентга), аташ (акамга олдим), эваз (юз сўмга олдим) сингари семалар муносабатидан ташкил топган.

Тилнинг ички тузилишининг поғонавийлик табиати бутунлик деб олинаётган бирликнинг нисбийлигини кўрсатади. Бутунлик деб қаралаётган объект фақат тилнинг маълум поғонасига нисбатан олинади. Бир поғонада бутунлик сифатида қаралаётган объект ўзидан юқори поғона учун катта бутунлик таркибига унинг элементи бўлиб киради. Масалан, морфема морфемик сатҳда икки ва ундан ортиқ фонема (фон)ларнинг муносабатидан ташкил топган бу-гунлик сифатида, морфологик сатҳда эса сўз фўз шакл)нинг бир элементи сифатида қаралади.

Бу эса тилнинг системалар системаси эканлигидан далолат беради.

Тилнинг системавийлик табиатини ёритишга илк бор Ф. де Соссюр эътибор қаратди.

У тилда синхрон ва диахрон ҳолатларни фарқлар экан, тилнинг синхрон ҳолати учун система характерли эканлигини таъкидлайди.

Ф.де Соссюр системанинг икки муҳим хусусиятини кўрсатади: а) системанинг барча аъзолари тенгликка эга; б) система ёпиқ ҳисобланади. Лекин кейинчалик тил системасида очик системалар ҳам борлиги аниқланди.

Ф.де Соссюр концепциясида система атамаси билан биргаликда структура атамаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Структура атамаси остида система аъзоларининг муносабат типлари тушунилади.

Э.Бенвенист турли системаларни таҳлил қилиш натижасида тил шакллари маълум структурага эга, деган хулосага келади ва унинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатади:

1) у қисмлари устидан ҳукмронлик қиладиган маълум бутунликнинг бирлиги саналади;

2) бу бирликлар маълум барқарор тамойиллар асосида шаклий тартибга солингандир;

3) бутуннинг барча қисмлари у ёки бу вазифани бажарганлиги туфайлигина структура характерига эга бўлади;

4) бу қисмлар маълум сатҳнинг ҳар бир бирлиги бошқа юқориок сатҳнинг кичик бирлиги, яъни бутуннинг бўлаги бўлиши мумкин.

Муносабатлар йиғиндиси тилнинг алоқа воситаси сифатида амал қилишини белгилайди. Бу эса унинг социаллигини кўрсатади. Лекин тилнинг бошқа социал ҳодисалардан, хусусан, сиёсий, ҳуқуқий ҳодисалардан фарқи нимада, деган саволга Ф.де Соссюр: "Тил ғояларни ифодаловчи белгилар системасидир", -деб жавоб беради. Шунинг учун Соссюр лингвистик таълимотида лингвистик белги масаласи марказий ўринни эгаллайди.

Назорат саволлари:

1. Тил қайси асосларга кўра таърифланади?
2. Унинг системавийлиги нимада?
3. Структура нима?

- 11 –

3. Тилнинг белгилар системаси эканлиги

3.1. Лингвистик белги ҳақида

Тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. У объектив борлиқдаги маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот ташувчи асосий воситадир. Бундан ахборот ташишнинг бошқа йўллари ҳам борлиги маълум бўлади. Масалан, йўл ҳаракатидан маълумот берувчи воситалар, йўлдан ўтиш-ўтмаслик хабарини берувчи воситалар ва бошқалар. Бу жиҳатдан тил ҳам ахборот бериш учун хизмат қиладиган юқоридаги воситалар сирасида туради. Уларнинг ҳаммаси учун умумий нарса, аввало, ўзи ҳақида ва шу билан бирга, борлиқдаги бошқа маълум нарса-ҳодисалар ҳақида маълумот беришдир. Бундай воситалар белгилар деб номланади.

Инсон ўзини қуршаб турган оламни билиш жараёнида олам унсурларини образлар орқали онгида акс эттиради ва бу онгда акс этган олам унсурлари белги орқали ифодаланади. Социал ахборотнинг ҳар қандай моддий ифодаловчилари белги ҳисобланади.

Тилнинг белгилар системаси эканлиги унинг асосий хусусияти ва универсал томонидир.

XIX аср охирига қадар белги назарияси билан асосан файласуфлар шуғулландилар. Фақат XIX аср охиридан бошлаб бу масала руҳшуносларнинг ҳам диққатини жалб қилди.

Белги ҳақидаги фалсафий назария ўзининг узоқ тарихига эга. Қадимги эллинлар нарсанинг моҳияти ва уларнинг номланиши юзасидан илмий баҳсларидаёқ яширин ҳолда белги тушунчасига асосланган эдилар.

Файласуфлар таъсирида XIX асрдан бошлаб тилнинг умумий назариясига бағишланган деярли барча лингвистик асарларда сўз икки томонлама характерга эга бўлган белги сифатида талқин қилина бошлади. В.Гумбольдт, Шлейхер, Штейнталь, Л.Бреал, А.Мейе, Ф.Фортунатов, И.А.Бодуэн де Куртенэ, Н.Крушевский асарларида сўзга белги нуқтаи назаридан ёндашилади. Лекин Ф.де Соссюр тилнинг белгилик табиатини аниқ-равшан ёритиб берди. Ҳатто белги назарияси билан шуғулланувчи алоҳида фан-

-12-

семиология фани мавжуд бўлишини ва лингвистика ҳам семиология таркибига кириши лозимлигини таъкидлади.

Бир томондан, структурализмнинг муваффақияти, иккинчи томондан, семиотика фанининг ривожланиши туфайли ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб белги муаммосига қизиқиш янада ортди. Лингвистик муаммоларни семиотик аспектда ўрганиш лингвистиканинг ўрни ҳам ўзгаришига олиб келди. У ҳам инсон билимлари системасида марказий ўрин олувчи фанга айланди.

Белгини аниқлашда, одатда, унинг икки хусусияти кўрсатилади: белгининг биринчи хусусияти идрок қилинишдир. Демак, у идрок қилиниши учун маълум моддий асосга эга бўлиши керак. Белгининг моддий асоси турлича бўлиши мумкин; товуш (акустик), кўриш (оптик), маза (густатор) ва бошқалар.

Белгининг иккинчи хусусияти ўзи ҳақида ва бошқа объект ҳақида маълумот беришдир. Англашиладики, ҳар қандай белгида ўзаро маълум муносабатда бўлган икки объект мавжуд бўлади. Объектлар ўртасидаги муносабат икки хил: **сабаб — натижали** муносабат ва **шартли** муносабат. Сабаб-натижали муносабатда ўзаро муносабатда бўлган объектлар мотивланган, шартли муносабатда эса мотивланмаган бўлади.

Белгилар объектив реалликдаги ўзи акс эттирган объектга муносабатига кўра мотивланган ва мотивланмаган белгиларга бўлинади. Масалан, тутунни кўриб, ёнғин ёки олов ҳақида, ўрик гуллаганини кўриб, баҳор фасли ҳақида, сув жимирлаганини кўриб, балиқ ҳақида, тош сўзини эшитиб, қаттиқ жисм ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Биринчи объектлар (тутун, ўрик гули, сув жимирлаши, тош сўзи), иккинчи объектлар (олов ёки ёнғин, баҳор, балиқ, қаттиқ жисм) ҳақида ахборот бериш учун хизмат қиляпти. Булардан дастлабки уч объектлар ўртасида (тутун ва олов, ўрик гули ва баҳор, сув жимирлаши ва балиқ) табиий боғланиш, сабаб-натижа муносабати, яъни

объектлар алоқасида мотивланиш (мотивация) бор. Охирги объектлар (тош сўзи ва қаттиқ жисм) муносабатида эса табиий боғланиш, сабаб-натижа муносабати (мотивация) йўқ. Улар ўртасидаги муносабат шартли.

-13-

Машҳур Америка олими К.Фон Фришнинг маълумотида кўра асаларилар ўйини ҳам белги вазифасини бажаради. Асалари ўйинининг шакли ва частотаси озуқа манбаининг масофаси ва йўналиши ҳақида маълумот беради. Доира шаклидаги ўйини озуқа манбаининг асалари уясида узок эмаслигини, юз метр атрофида эканлигини, саккиз шаклидаги ўйини эса бирданига икки ахборот — озуқа манбаининг масофаси юз метрдан анча ортиқлиги ва йўналишини билдиради. Масофа маълум вақт ичида бажарилган ўйин шаклининг миқдорига боғлиқ. Масофа узунлиги асалари ўйини частотасига тескари пропорционалдир. Тўққиз-ўнта саккизлик бўлса, юз метр атрофидаги масофани, етти саккизлик шакли 200 метр масофани, тўрт ярим саккизлик шакли бир километр масофани, икки саккизлик шакли эса олти километр масофани кўрсатади. Масофа қанча узок бўлса, ўйин шунча секин бўлади. Йўналиш эса «саккизлик» ўқининг нисбатига кўра белгиланади. Қуёшга нисбатан «саккизлик» ўқининг ўнгга ёки чапга бурилиш бурчаги йўналиш томонини аниқ кўрсатади.

Асалари ўйинининг шакли ва частотаси билан улар ифодалаган ахборот ўртасида ҳам шартли, мотивланмаган муносабат бор.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бири иккинчиси билан алмашилиб келадиган ҳар қандай икки объектнинг бири белги бўлавермайди. Фақат бири ўрнида иккинчиси муттасил алмашинадиган ва бу алмашинув (энг муҳими) инсон онгида акс этганидагина белгилашади. Масалан, тутун оловнинг белгисидир. Аммо унинг белгилиги объектлар ўртасидаги табиий сабаб-натижа (сабаб-олов, натижа-тутун) муносабати эмас, балки бу муносабатнинг инсон онгида акс этганлиги, конвенционаллиги учундир. Акс ҳолда, табиатдаги ҳар қандай сабаб-натижа муносабатида бўлган объектлар ўзларига табиий равишда белги яратиб олардилар.

Сабаб-натижа муносабатли (мотивланган) белгилар табиатдаги объектлар ўртасидаги муносабатни инсон онгида акс этишидан вужудга келади. Шартли муносабатли (мотивланмаган) белгиларда эса объектлар ўртасидаги муносабат инсон томонидан ҳосил қилинади. Унда шу субъектив ҳосил килинган алоқа белги мазмуни (концепт ёки сигнификат) ҳисобланади. Белги орқали ифодаланган

- 14-

объект эса **денотат** ёки **референт** терминлари билан номланади.

Ф.де Соссюрнинг фикрича, тил белгилари ўз табиатига кўра гарчи психик бўлса ҳам, лекин у абстракция эмас, балки жамият аъзолари тил хотирасида жойлашган реалликдир. У айрим муаллифларнинг тил алоҳида нарсаларнинг номлари йиғиндиси (номенклатураси) деган қарашларига танқидий муносабатда бўлади.

Унинг фикрича, лингвистик белги **нарса** ва унинг **номи** ўртасидаги муносабатдан эмас, балки **тушунча** ва **акустик образ** ўртасидаги муносабатдан ташкил топади. Акустик образ деганда физик ҳолат, моддий товушлар ёрдамида ифодаланиш эмас, балки товушланишнинг психик муҳри, сезги аъзоларимиз томонидан товуш томони ҳақида онгимизда ҳосил қилинган тасаввур тушунилади.

Акустик образларнинг психик хусусиятини ўзимизнинг шахсий нутқий тажрибамизда аниқ кузатишимиз мумкин. Лабимизни ҳам, тилимизни ҳам қимирлатмасдан туриб, ичимизда ўз-ўзимизга гапиришимиз ёки маълум шеърӣ парчани фикран ўқишимиз мумкин.

Ф.де Соссюр ўзигача бўлган олимларнинг белги деганда фақат акустик образни тушунишига танқидий ёндашган ҳолда, лингвистик белги таркибий қисмларини ифодаловчи тушунча атамасини ифодаланиш атамасига, акустик образ атамасини ифодаловчи атамасига ўзгартиришни тавсия этади. Бундай вақтда лингвистик белги атамаси бутунни, кейинги икки атама эса унинг икки таркибий қисмини ифодалайди. Кейинги икки атаманинг қулайлиги шундаки, аввало, бутун таркибидаги унсурларнинг ўзаро зидланишини, қолаверса, бутун ва бўлак зидланишини тўғри ифодалайди.

Лингвистик белги энг муҳим аҳамиятга молик икки хусусиятга эга эканлигини таъкидлайди. Уларнинг биринчиси эркинлик (произвольность), иккинчиси эса ифодаловчининг кетма - кетлигидир.

Ф.де Соссюрнинг талқинига кўра, ҳар қандай лингвистик белги ифодаловчи ва ифодаланиш муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади. Лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланиши ўртасидаги муносабат эркиндир.

-15-

Масалан: опа тушунчаси о-п-а товушлар кетма-кетлиги билан ҳеч қандай ички муносабатга эга эмас. Бу тушунча бошқа ҳар қандай товушлар кетма-кетлиги асосида ҳам ифодаланиши мумкин. Бу турли тилларда мазкур тушунча-нинг турлича ифодаланиши ва турли тилларнинг мавжудлиги билан ҳам изоҳланади.

Бу ўринда эркинлик атамасининг маъносига алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади. Гарчи лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланиш томони ўртасидаги муносабат эркин бўлса ҳам, лекин бундан сўзловчи белгининг ифодаловчи томонини эркин танлайди, деган хулосага келмаслик лозим.

Сўзловчи лингвистик белгининг жамоатчилик томонидан қабул қилинган ифодаловчи томонига озгина бўлсада ўзгариш кирита олмайди. У ўзининг тил хотирасида ўзигача бўлган ифодаловчи ва ифодаланиш муносабатидан ташкил топган лингвистик белгини бир бутун ҳодда ўзлаштиради.

Лингвистик белгининг эркинлиги фақат унинг ифодаловчи томонининг ифодаланиш томонига нисбатандир. Чунки бу икки томон ўртасида ҳеч қандай табиий алоқа йўқ.

Шу билан бирга, тил системасида бу тамойилга истиснолар ҳам учрайди. Хусусан, Ф.де Соссюр товушга тақлид сўзлар билан ундов сўзларни ана шундай белгилар қаторига қўшади. Лекин уларнинг кам сонлиги ва тил системасининг "органик элементи" эмаслиги, шунинг учун бу ҳолатлар лингвистик белгининг эркинлиги тамойилини рад этолмаслигини таъкидлайди.

Ифодаловчи ўз табиатига кўра эшитиш сезгиси орқали қабул қилиниш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли вақтда кенгайиб боради. Шунинг учун у вақт белгисига кўра тавсифланади: а) у чўзиқлик белгисига эга; б) бу чўзиқлик бир ўлчовга эга.

Лингвистик белгининг бошқа белгилардан, хусусан, денгиз сигналларидан асосий фарқи шундаки, у эшитиш орқали қабул қилинади ва эшитилган ифода томони товуш кетма-кетлигига эга. Бир вақтнинг ўзида иккита товушни талаффуз қилиб бўлмайди. Бир элемент талаффуз қилингандан сўнг, иккинчиси талаффуз қилинади. Айниқса,

- 16-

лингвистик белгининг ифодаловчиси ёзув орқали ифодаланганда унинг бу хусусияти ҳам равшан намоён бўлади.

Назорат саволлари:

1. Белги нима ва у қандай хусусиятга эга ?
2. Мотивланган ва мотивланмаган белгилар қандай бўлади ?
3. Лингвистик белгининг қандай хусусиятлари мавжуд?

3.2. Лингвистик белги тузилиши

Немис файласуфи Кассирер инсоннинг рационал билишини эътироф этган ҳолда, тилнинг белги эканлигини қайд этади. Унинг фикрича, инсон руҳига рамзий (символик) шакллар хосдир. У белгиларда, тилда, умумлашган тушунчаларда намоён бўлади. Инсон ҳайвондан фикрлаш, ўз хулқини рамзий воситалар ёрдамида шакллантириш имкониятига эгалиги билан фарқланади.

Шундай қилиб, В.Фон Гумбольдт томонидан айтилган ва Ф.де Соссюр номи билан машҳур бўлган тилнинг белгилар системаси экани ҳақидаги қараш илмий жамоатчилик ўртасида кенг тарқалди.

Белгиларнинг тузилиши ҳақидаги қараш бугунги кунда бир хил эмас, айрим тилшунослар белги деганда, фақат ифодаловчини эътиборга оладилар, белги маънога ишора қилишини таъкидлайдилар (Л.О.Резников ва бошқалар). Бошқа гуруҳдаги олимлар (Г.П.Мельников ва бошқалар) белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш бирлигидан иборат эканлигини қайд этадилар. Бу икки йўналиш фанда монологтералистик ва билетералистик қараш номи билан юритилади.

Билтералистик қарашга мувофиқ, ҳар қандай лингвистик белги икки томонлама моҳият саналиб, ифодаловчи ва ифодаланмиш бирлигидан иборат. Ифодаланмишнинг ўзи ҳам мураккаб структура саналиб, унинг бир маъноси объектив реаллик билан боғланади. Шу сабабли ҳам лингвистик белгининг ифода ва маъно томонларининг диалектик муносабати ҳақида фикр юритилганда, уларни баъзан учбур-

чак (Ричардс-Огден), баъзан эса трапеция (Мельников) геометрик фигуралари орқали белгилайдилар.

Ҳар қандай сўз лингвистлар томонидан қандай талқиқ қилинишидан қатъи назар, семантик учбурчак ҳолидами, тўртбурчак ҳолидами, объектив борлиқни онг орқали — акс эттириш босқичи воситасида ифодалайди.

Объектив борлиқ умумлашган образлар орқали, тил белгилари орқали ўз ифодасини топади. Бугунги кунда тилнинг белгилар системаси эканлигини деярли барча тилшунослар эътироф этдилар. Ҳатто ўтган асрнинг ўрталарида тилнинг белгилар системаси эканлигини рад этувчи айрим олимлар ҳам (жумладан, Л.О.Резников ва бошқалар), кейинчаликтшг! нинг белгилик табиатини эътироф эта бошладилар. Белги табиатига икки хил қарашнинг пайдо бўлишига маънони тилшунослар томонидан турли хил тушуниш сабаб бўлди. Хусусан, белгининг икки томонлама табиати мавжуд эканлигини эътироф этувчи тилшунослар таянган асос, бизнингча, тўғри, яъни белги маънога эга эканлиги билан белгидир. Бироқ бу фикрдан белги икки элементдан ташкил топган бир бутунлик (комбинация) дир, деган хулоса чиқариб бўлмайди.

Белгининг бир томонлама эканини маъқулловчилар маънони белги таркибига киритиш ёки киритмаслик ёхуд белгининг бирёқлама ва иккиёқлама моҳият эканлигини тан олиш кўп жиҳатдан маъно табиатини турлича тушуниш билан боғлиқлигини кўрсатадилар. Ҳозирги кунда маънони муносабат тури ва идеал акс эттириш сифатида икки хил тушуниш мавжуд.

Маъно муносабат тури сифатида тушунилганда, белгининг ифодаланмиш - предметга муносабати ҳамда тушунчага муносабати назарда тутилиб, унда белгига икки томонлама моҳият сифатида ёндашишга асос мавжуд бўлади.

Маънони тушунча билан бир хил тарзда инъикос категорияси сифатида, айти пайтда, онг факти сифатида тан олиш маънони белги таркибига киритишга монелик қилади ва белгини бир томонлама моҳият деб қарашга асос бўлиб хизмат қилади.

Белгининг икки томонламалиги тан олинган йўналишда маъно белгининг ифодаланаётган предметга муносабати сифатида талқин этилади, белгининг бир томонламали-

ги йўналишида эса маънога муносабат сифатида ёндашув тўғри эмаслиги таъкидланади.

И.П.Сусов "ифодаланмишнинг тилдаги зидланган аъзоси яхлит белгининг барча томонини ташкил этмай, балки унинг фақат субстанциал томонини ташкил этади", - дейди. Бу хусусият белгининг ифодаланмиши ҳисобланади. Белгининг бошқа томони эса маъно саналади. Маъно тил ифодасининг тилдан ташқаридаги ифодаланмишга нисбатан муносабатини ифодалайди ва шу асосда маъно белгининг субстанционал ва функционал

томонларини бир бутун тарзида шакллантиради. Лингвистик белги маъносини аниқлашнинг мураккаб эканини лингвистик белгининг бир вақтда бир неча вазифада келишини таъкидлаган А.А.Уфимцева белги шаклининг ифодаланмиш билан муносабати икки томонлама эканини қайд этади:

1) ифодаланмишнинг белги шаклига муносабати;

2) ифодаланмишнинг предметга муносабати. Дастлабкиси маъно, иккинчиси ифода саналади. Белги маъносининг шаклланишида белги-предмет ҳақидаги тушунча-предмет ўзаро боғланган ҳолда маълум даражада акс этади.

Белги билан ифода предмети ўртасидаги алоҳида муносабат остида инсон онги орқали юзага чиқадиган алоқа тушунилади. Демак, белги маъноси ифодаланмиш билан тенг бўлмай, ифодаланмиш белгидан ва тилдан ташқарида қолади.

Белгининг бирёқламалиги ва икки ёқламалиги муаммоси маънога икки хил ёндашув билан боғлиқ. Белгига бирёқлама моҳият сифатида ёндашувчилар инъикос жараёнини уч босқичдан иборат деб ҳисоблайдилар:

- нарса;
- нарса белгиларининг умумлашмаси;
- нарса образи (тушунча)

Иккинчи ёндашув тарафдорлари инъикос жараёнини тўрт босқичдан иборат дейдилар:

- нарса;
- тушунча;
- муносабат (маъно);
- ифодаловчи.

-19-

Бу ёндашувга асосан ифодаловчи билан нарсанинг умумлашган образи, яъни тушунча ўртасидаги муносабат маъно ҳисобланади. Шунга кўра, маъно белги таркибига киритилади.

Назорат саволлари:

1. Белгининг тузилиши ҳақидаги қандай қарашларни биласиз?
2. Билетералистик қараш нима? Монолестералистик қарашчи?
3. Белги билан ифода предмети ўртасидаги муносабат нима ?
4. Тил структурасининг иерархик тузилиши

Пардаев А. Ўзбек тилшунослигининг мустақиллик шароитидаги ривож / Умумфилологик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар. Доцент Б.Файзуллаевнинг 60 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Жиззах: ЖДПИ нашри, 2011, 43-46-бетлар.

Маҳмудов Н. Мустақил давлатнинг муқаддас тимсоли / Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, №5, 3-9-бетлар.

А.Б.Пардаев (СамДУ)

Ўзбек тилшунослигининг мустақиллик шароитидаги ривож

Жаҳон цивилизациясининг глобаллашуви жараёнида миллий маданиятимиз кузгуси ҳисобланган она тилимизни тадқиқ этишга бўлган эътибор кундан кун кучаймоқда.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг саъй-ҳаракатлари, ғамхўрликлари туфайли она тилимизни янада раванқ топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, тил миллий тафаккур, миллий маънавият ва миллий руҳиятнинг ўзагини ташкил этишини Давлатимиз раҳбари шундай изоҳлайди: «Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз» (1, 87).

Истиқлол туфайли, унинг жасур меъмори бўлмиш Юртбошимиз туфайли ўзбек тили ўз нуфузи ва обрўйини тиклади (2, 3).

Ўзбек халқининг тили – ўзбек тили ҳам халқимиз, Ватанимиз каби талотумли тарихнинг кўпгина мураккаб синовларидан ўтган. Ўтмишда ўлкамизни истило қилган босқинчилар ўзбек халқини она тилидан маҳрум қилишга интилишган. Бу тилнинг ишлатилиш доирасини чеклаган...Қадимда Искандар босқинида, араб ва мўғул истилолари даврларида шундай бўлган...

Мана шундай тарихий синов ўзбек халқи бошига чор Россияси собиқ Туркистонни босиб олгандан сўнг, кейинчалик эса шўролар ҳукмронлиги даврида ҳам такрорланди. Чор Россияси ҳам, социалистик тузум ҳам маҳаллий тилларнинг қўлланиш доирасини чеклаш, рус тилига «хўжа» мақомини бериш, бу тилни собиқ СССР ҳудудида яшовчи барча халқлар ва миллатларнинг «хўжайин» тилига айлантириш, қанчалик бемантик ва бетайин бўлмасин, уни «иккинчи она тили» деган муаллақ шараф билан барчанинг миясига сингдириш сиёсатини олиб борди.

Мана шундай қийин шароитда ҳам ўзбек тили ва ўзбек тилшунослиги имконият даражасида ривожланди, ўзбек тилининг луғавий, фонетик, семантик, грамматик хусусиятлари, услубий имкониятлари, тарихи ҳақида тадқиқотлар олиб борилди (2, 5-11). Ана шундай тазйикли йилларда шўро тузумининг зуғумли сиёсати остида ҳам ўзбек тилининг ривожланиши учун, «хўжайин» тилнинг соясида қолиб кетмаслиги учун жон-жаҳди билан курашган ватанпарвар тилшуносларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбек тили талотумлар остида ҳам тараққиёт босқичларини ўтади. Айюб Ғуломов ўзбек тилшунослигининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши учун муносиб ҳисса қўшган тилшунослар сирасига

Е.Поливанов, С.Малов, К.Юдахин, А.Боровков, А.Решетов, А.Кононов, С.Иброҳимов, Ҳ.Зарифов, Т.Иброҳимов, Ғ.Шарипов, Ш.Раҳматуллаев, И.Қўчқортоев, М.Мирзаев, Ф.Убаева, С.Фузаилов, О.Усмонов, А.Рустамов, Ф.Абдуллаев, У.Турсунов, Ж.Мухторов, К.Назаров, А.Шомахсудов, М.Асқарова, Ш.Шоабдурахмонов, О.Азизов кабиларни кўрсатади (7, 3-8). Бу олимлар ўзбек тилшунослиги фанининг пойдеворини яратган, десак муболаға бўлмас. Ўзбек тилининг кейинги тараққиёти учун салмоқли фундаментал тадқиқотлар яратган ва яратиб келаётган тилшунослар қаторига биз яна Ғ.Абдурахмонов, И.Расулов, С.Муталлибов, Э.Фозилов, А.Ҳожиёв, Қ.Маҳмудов, Ҳ.Бердиёров, А.Шерматов, Н.Маматов, М.Содиқова, Э.Умаров, М.Миртожиев, А.Сафаев, А.Маҳмудов, Р.Қўнғуров, Х.Дониёров, Й.Абдуллаев, А.Матғозиев, Э.Бегматов, Ҳ.Абдурамонов, А.Сайфуллаев, А.Абдуазизов, Ҳ.Неъматов, Ш.Шукуров, Ё.Тожиев, А.Аҳмедов, Р.Расулов, С.Отамирзаева, Р.Дониёров, Б.Бафоев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Маматов, Ҳ.Дадабоев, Р.Сайфуллаева, Б.Ўринбоев, Ш.Сафаров, И.Мирзаев, С.Каримов, Н.Турниёзов, Б.Йўлдошев, А.Абдуллаев, Э.Қиличев, Ғ.Зикриллаев, Ж.Ҳамдамов, Ҳ.Жамолхонов, Ҳ.Шамсиддинов, Б.Тўйчибоев, Т.Рустамов, У.Санакулов, Т.Мирзакулов, А.Бердиалиев, Ж.Омонтурдиев, О.Бозоров, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов каби етакчи тилшуносларни ҳамда улар билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётган навқирон тилшунослар Б.Менглиев, М.Қурбонова, М.Ҳакимов, Т.Эназаров, Ш.Искандарова, Ш.Шаҳобиддинова, М.Абузалова, А.Собиров, М.Йўлдошев, Ж.Элтазаровларни ҳам киритишимиз мумкин. Шунингдек, Ҳ.Узоқов ва Р.Расулов айрим ўзбек тилшуносларининг илмий фаолиятлари ҳақида қимматли маълумотлар келтиришган(4; 5; 6;).

Бугун ўзбек тилшунослиги туркий тилшуносликлар орасида энг пешқадамлардан бири эканлиги ҳам муболаға эмас. Аммо ўзбек тилининг мустақиллик шароитидаги ривож билан боғлиқ жараёнларни холис ва илмий-назарий асосларда тадқиқ этишни янада мунтазамлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда тил – шахс – жамият учлиги ва бу учлик аъзолари орасидаги муносабат механизмлари билан боғлиқ қонуниятларни очишга қаратилган саъй-ҳаракатлар етакчилик қилмоғи лозим (3, 9).

Истиқлол шарофати билан тилимизнинг фонетик, лексик, грамматик сатҳлари қайта таҳлил этилмоқда ва бу борада салмоқли ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Аммо тилимизнинг ҳали қанчадан қанча очилмаган қирралари борки, бу тилшуносларимизнинг зиммасидаги масъулиятни бир дақиқага бўлса-да унутишларига йўқ қўймайди. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ўзбек тилининг барча сатҳлари бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бу ишларга мамлакатимизнинг етакчи тилшунослари раҳбарлик қилишмоқда. Бир сўз билан айтганда, тилшуносларимиз зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилишмоқда.

Аммо айтиш мумкинки, ҳар қандай соҳада бўлганидек, тилшуносликда ҳам ўтиш даврида турлича йўналишлар, қарашлар, фикрлар ва ғоялар қарама-қаршилиги юзага келди. Бу ҳолат тилшуносликнинг жадал тараққий этишига туртки бўлмоқда. Чунки, зиддият бор жойдагина ривожланиш бўлади.

Геродот айтганидек: «агар қарама-қарши мулоҳазалар билдирилмаса, маъқул фикр қандай саралаб олинади?».

Қачонки тилимиздаги ҳар бир элементар ҳодисагача чуқур таҳлил этилиб, лингвистик табиати ёритилсагина ўзбек тилшунослиги ривожланишнинг мукамал босқичига кўтарилган, деб ҳисоблашимиз мумкин бўлади. Чунки, ҳар бир тилнинг миллий менталитетига ҳос ички қонуниятлари шу тил материалларини ўрганиш асосида яратилади. Бу эса истиқлол берган имкониятлар натижаси сифатида намоён бўлади.

Мустақилликдан сўнг тилимизнинг барча сатҳларини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Шу жумладан, сўз туркумларини грамматик, лексик-семантик ва функционал-стилистик жиҳатдан ўрганиш бўйича салмоқли ишлар яратилди. Сўз туркумини таснифлашнинг янгича назарий қарашларга таянилган, жаҳон тилшунослигининг сўнгги ютуқларига мос тамойиллари тавсия қилинди. Анъанавий морфологик, семантик ва синтактик тасниф мезонларининг талабга жавоб бермай қолган жиҳатларига танқидий ёндашилиб, сўз туркумларининг келиб чиқиши, генеологик, иерархик ва тафаккурий алоқалари, дифференциацияси бўйича мукамал тадқиқотлар яратилмоқда. Натижада ўзбек тилшунослигидаги сўз туркумлари парадигмасининг тараққиёти, бойиб бориши, ўзаро алоқаси ва кўчиш ҳоллари бўйича бўшлиқ тўлдирилди. Ваҳоланки, тилшунослигимизда сўз туркумлари чуқур тадқиқ қилинганига қарамай, келгусида ушбу парадигма аъзоларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва тил тизимидаги мустаҳкам ўрнини белгилаш замон талабига айланади.

Ана шу нуктаи назардан ёрдамчи сўзларни синчиклаб ўрганиш масаласи ҳам тилимизнинг ички тараққиёт қонунларини очишда муҳим омил бўлади. Бинобарин, ёрдамчи сўзларнинг пайдо бўлиши, мустақил сўзлардан ёрдамчи сўзларга ўтиши, лексик маъно билдирувчи сўзлардан грамматик маъно билдирувчи сўзларга айланиши ва фаол қўлланувчи грамматик восита бўлиши бевосита тилнинг ички қонуниятлари билан боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, тилшуносликда ёрдамчи сўзларнинг ҳамон етарли назарий баҳоси берилгани йўқ. Бу туркум сўзлар масаласи тилшуносликда назарий жиҳатдан ривожлантиришга муҳтож. Бинобарин, ёрдамчи сўзлар нутқда сўз ва гапларни мустаҳкам алоқасини таъминловчи зарур лисоний воситалардан ҳисобланади. Масалан, агар бирор бино қурилишини кўз олдимизга келтириб, бинони тилга қиёсласак, ундаги ғиштлар мустақил сўзлар бўлса, шу ғиштларни (мустақил сўзларни) бир-бирига мустаҳкам бириктирувчи қоришма – ёрдамчи сўзлардир. Бу бошқа грамматик морфемалар қатори ёрдамчи сўзларнинг ҳам тил тизимидаги, хусусан, сўз туркумлари парадигмасидаги ўрни муҳимлигидан далолат беради.

Ёрдамчи сўзларнинг релятив потенциалларини синчиклаб ўрганиш жараёнида хорижий тилшуносликларда бу сўзларни мустақил сўзлар билан бир туркум доирасига киргизмаслик сабабларини, аффикс-морфемаларга яқинлаштирилиб, сўз сифатида қарамаслик ҳолатларини кенг таҳлил этиш, бу борада мукамал илмий хулосалар баён этилиши зарур. Таъкидлаш жоизки, мазкур масалалар нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон

тилшунослигида ҳам ўз ечимини топмаган, турли баҳсларга сабаб бўлган масалалардан ҳисобланади ва ҳамон ўзининг муқаррар ечимини топгани йўқ, десак хато бўлмас. Бинобарин, ёрдамчи сўзларнинг туркона табиатини беришда тилнинг ички қонуниятларига таянилган ҳолда жаҳон тилшунослигининг сўнгги назарий қарашларига кўпроқ муносабат билдириб, янги замонавий йўналишларининг таҳлил методларига таянган ҳолда тадқиқот олиб бориш ва жаҳон тилшунослигининг бой тажрибасидан унумли фойдаланиш лисоний тизимдаги долзарб масалаларидандир.

Бу масалаларга аниқлик киритиш, хусусан, сўз, ёрдамчи сўз, сўз туркуми каби масалалар хусусида аниқ бир тўхтамга келиш, сўзнинг муҳим лингвистик бирлик эканлигини, ёрдамчи сўзларнинг сўз эканлигини, ёрдамчи сўзларнинг сўз туркуми парадигмасидаги ўрни мустаҳкам эканлигини асослаш келгусидаги тадқиқотларимиз асосини ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Маҳмудов Н., Бегматов Э. Тилимизнинг кеча ва кундузи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. №5. Б.3-11.
3. Маҳмудов Н. Мустақил давлатнинг муқаддас тимсоли // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. №5. Б. 3-9
4. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. - 255 б.
5. Узоқов Ҳ. Ўзбек тилшунослари. - Т.: Фан, 1965. –80 б.
6. Узоқов Ҳ. Ўзбек тилшунослари. - Т.:Ўқитувчи, 1972. –268 б.
7. Ғуломов А. Ўзбек совет тилшунослиги тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967. №4. Б. 3-8.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008.
2. Абдуазизов А. Тилшуносликка кириш. Маърузалар матни. 1-2 қисмлар. – Тошкент, 1999.
3. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов – М., 1969.
4. Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 1996.
5. Баскаков Н.А., Абдуазизов А., Содиқов А. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 1979.
6. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, I қисм. – Т., 1997.
7. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, II қисм. – Т., 1998.
8. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, III қисм. – Т., 1997.
9. Бердиёров Ҳ., Хўжаев Т., Йўлдошев Б. Умумий тилшунослик. – Самарқанд, 1974, 1980, 1982.
10. Будагов Р. А. Введение в науку о языке. М., 1965.
11. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Т.: Фан, 2007.
12. Гак В.Г. Француз тили назарий грамматикаси. Таржимон И.Мирзаев. – Самарқанд, 2002.
13. Головин Б.Н. Введение в языкознание. М., 1987.
14. Дониёров Х., Санақулов У. Алишер Навоий – тилшунос олим. – Тошкент, 1991.
15. Зиндер А. Р. Введение в языкознание. М., 1987.
16. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 1992.

17. *Йўлдошев Б.* Умумий тилшунослик. Маърузалар матни. 1 – қисм. – Навоий, 2001.
18. *Karimov S.A.* Til ta'limi va me'yori.- Toshkent: Abduiia Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashxietoti, 2003.
19. *Каримов С., Маматов Х., Бўриев И.* Юристнинг нутқ маданияти. – Тошкент: Зарқалам, 2004.
20. *Кодухов В.Н.* Общее языкознание. – М., 1979.
21. *Лоя Я. В.* История лингвистических учений. – М., 1968.
22. *Маҳмудов Н.* Тил. – Тошкент, 1998.
23. *Маҳмудов Н., Нурмонов А.* Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис - Т.:Ўқитувчи, 1995.
24. *Неъматов Ҳ., Бозоров О.* Тил ва нутқ. – Тошкент, 1998.
25. *Неъматов Ҳ., Ҳамроева Ш.* Лингвистик тадқиқот методикаси, методологияси ва методлари. Магистрлар учун қўлланма.- Бухоро, 2004.
26. *Нурмонов А.* Гап ҳақидаги синтактик назариялар. – Т, 1988.
27. *Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д.* Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология - Т.:Янги аср авлоди, 2001.
28. *Облоқулов С.* Инъикос ва тафаккур. – Тошкент, 1978.
29. *Расулов Р.* Умумий тилшунослик, 1-қисм – Т.: ТДПУ нашри, 2005.
30. *Расулов Р.* Умумий тилшунослик, 2-қисм – Т.: ТДПУ нашри, 2005.
31. *Ризаев С.* Кибернетика ва тилшунослик. – Тошкент, 1973.
32. *Рустамов А.* Маҳмуд Замахшарий. – Тошкент, 1971.
33. *Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М.* Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 1981.
34. *Степанов Ю.С.* Методы и принципы современной лингвистики. – М., 1975.
35. *Усмонов С.* Умумий тилшунослик. – Тошкент, 1972.
36. *Шерматов А.* Лингвистик география нима? – Тошкент, 1981.
37. *Ўринбоев Б.* Бобур - тилшунос олим. – Тошкент, 1993.
38. *Ўринбоев Б.* Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Самарқанд, 1999.
39. *Ўринбоев Б., Йўлдошев Б.* “Тилшунослик асослари” фанидан ўқув услубий қўлланма. – Навоий, 2001.
40. *Қўчқортоев И., Қўчқортоева Р.* Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 1976.
41. *Ҳожиев А.* Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент, 1985.